

*Турсуной Зиёдова*

**МАТН  
ЯРАТИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИ**



«ФАН»

Kitob quyidagi ko'rsatilgan  
muddatda topshirilishi shart

dan

miqdori

mi

1802

3

СИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY VA ЎRTA  
MAHSUS TAЪLIM VAZIRLIGI  
GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI

Зиёдова Турсуной Усмонова

# МАТН ЯРАТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

(ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМИ МИСОЛИДА)

Тошкент  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
«Фан» нашриёти

T2008 Z DAVLAT UNIVERSITETI  
DENOVI FILIALI ARM  
№ 3303

Сизга тақдим этилаётган мазкур монография она тили таълими жараёнида коммуникатив саводхонликни таъминлаш, ўқувчида мустақил фикрлаш, фикр маҳсулини тўғри, равои ифодалаш ҳамда мустақил матн яратиш кўникмаларини шакллантириш, эгалланган кўникмалардан матн яратиш амалиётида изчил, фаол фойдаланишнинг замонавий технологияси масалаларига бағишланган. Монография умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус ва касб-хунар таълимида ишлаётган она тили ва адабиёти ўқитувчилари, шунингдек, олий таълим муассасаларининг ижтимоий-гуманитар йўналиши ўқитувчи ва талабалари ҳамда кенг ўқувчилар оммаси учун мўлжалланган.

Бундан ташқари, монографиядан ўзбек тилини иккинчи тил сифатида ўрганувчилар, магистрант ва аспирантлар, илмий тадқиқотчилар, ҳаваскор қаламкашлар қўшимча илмий-методик манба ўрнида фойдаланишлари мумкин.

Монография Гулистон давлат университети Илмий Кенгашининг 10 ноябрь 2007 йил, 2-сонли баённомаси қарори асосида нашрга тавсия қилинган.

**Масъул муҳаррир:**

Ф. Ф. н., проф. Ҳ. МИРҲАЙДАРОВ

**Тақризчилар:**

Ф. Ф. А., проф. Б. ТҶҲЛИЕВ  
Ф. Ф. н., доцент. Ж. АБДУЛЛАЕВ

**КИРИШ**

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Миллий истиқлол шарофати туфайли республикамызда бошқа ижтимоий соҳалар қатори таълим ва тарбия соҳасининг ҳам умумжаҳон таълим стандартларига мос ҳолда ривожланиши учун кенг имкониятлар, моддий ва маънавий шарт-шароитлар яратилди. Шубҳасиз, бунда давлатимиз раҳбари, Президентимиз И. Каримов томонидан ишлаб чиқилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос беш тамойили муҳим аҳамият касб этди. Ана шу зарурий иқтисодий стратегия асосида ижтимоий ривожланишни умумжаҳон тараққиёти даражасига кўтаришни мақсад қилган, Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури қабул қилинди, узлуксиз таълимнинг ҳар бир босқичи учун алоҳида давлат таълим стандартлари (ДТС) ишлаб чиқилди, эркин ва мустақил фикрловчи ватанпарвар, ижодкор шахсни тарбиялаш—давлат таълим тизимининг устувор вазифаларидан бири эканлиги белгилаб берилди.

Президентимиз И. Каримов таълим-тарбия соҳасида олиб бориладиган ишларнинг дастуриламали бўлган «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» моҳияти ҳақида шундай деган эди: «Демократик жамиятда болалар, умуман, ҳар бир инсон эркин фикрлайди. Агар бола эркин, мустақил фикрлашни ўрганмаса, унга берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Албатта билим керак, ammo билим ўз йўлига, мустақил фикрлаш ҳам катта бойлиқдир<sup>1</sup>».

«Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг 12—моддасида ҳам умумий ўрта таълимнинг асосий мақсадларидан бири—мустақил фикрлаш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Тафаккур ва тил ҳодисаларининг бир-бирини тақозо этиши, бири-бирисиз яшай олмаслигини назарда тутсақ, ижодий тафаккур соҳиби тарбиясида она тилининг ўта муҳим ва бетакрор восита эканлигини таъкидлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Зеро, турли соҳадаги энг нодир кашфиётлар ҳам биринчи галда она тили ёрдамида дунёга келади, она тилида зоҳир этилади, она тилида ҳимоя қилинади.

Мустақил республикамызда бошқа умумий ўрта таълим фанлари қатори она тили таълими соҳасида ҳам улкан ўзгаришлар, янгиланишлар воқе бўлди: «Давлат тили ҳақида» ги Қонун<sup>2</sup>, «Она тили таълими Концепцияси» нинг қабул қилиниши, «Таълим тўғрисида» ги Қонун<sup>3</sup>, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»<sup>4</sup> га асосланиб яратилган умумий ўрта таълим мактабларининг Давлат таълим стандартлари (УЎТ ДТС) нинг ишлаб чиқилиши ва амалиётга татбиқ қилиниши шулар жумласидандир. Республикамызда баркамол авлод тарбиясига, ижодкор, истеъдодли ёшларни танлаш ва уларга махсус, чуқурлаштирилган билим беришга алоҳида эътибор қаратилди. Иқтидорли ёшларни танлов асосида чет элларга ўқишга жўнатиш давлат ҳомийлигига олинди.

Она тили таълими мазмунининг ўзбек тилшунослари томонидан семантик ва формал-функционал тилшунослик нуқтаи назаридан интенсив суратда

<sup>1</sup> Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси.—Т.: «Шарқ», 1998.33-бет

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида» ги Қонуни (Янги таҳрирда). Халқ сўзи:1995, 29-декабр

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги Қонуни.Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.—Т.: «Шарқ», 1997.20-29-бетлар.

<sup>4</sup> «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури».—Т.: «Шарқ», 2001.—662 бет.

янгилиниши ва тубдан қайта ишлаб чиқилиши ўзбек тили ўқитиш методикасининг педагогикадаги энг янги йўналиш — онгли вербал-когнитив таълим (кашфиёт таълим тизими) тизимига ўтишини енгиллаштириди. Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Халқ таълими Вазирлиги томонидан умумий ўрта таълим мактабларини мазкур тизимга асосланган замонавий дарсликлар, электрон ўқув қўлланмалари билан таъминлашнинг йўлга қўйилиши, тил таълимида илгор педагогик технологияларнинг кенг миқёсда, жадал жорийлашувига сабаб бўлди. «Ўзбек тили (ЎТДА) нинг такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» доимий анжумани (1990–2007 йй.) узлуксиз равишда олиб бораётган илмий-амалий фаолияти (1990–2007 йй.) ўқувчининг коммуникатив саводхонлик (имло саводхонлиги, луғат бойлиги, матн устида ишлаш ва матн яратиш кўникмаларини шакллантириш, нутқ маданияти, миллий маънавият, фанлараро алоқа, масофавий таълим) даражасининг юксалиши, такомиллашиши ҳамда узлуксиз равишда ривожланиб боришига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Умумий ўрта таълим мактабларида янгиланган она тили таълими мазмуни, моҳияти, амалий асосларини қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Англаш, билиш, амалий қўллаш учун зарур бўлган тил ҳодисалари, нутқий вазият ва имконият, матн яратишга йўналтирувчи мустақил топшириқларнинг изчил тизимини дарс жараёнига татбиқ этиш;
2. Нутқий фаолиятни илгор педагогик технология<sup>1</sup> ларга асосланган ҳолда изчил, босқичма – босқич шакллантириш, ўқувчи онгида мунтазам суратда янгилиниб боровчи, доимий ҳаракатдаги оғзаки ва ёзма нутқ кўникмаларини ҳосил қилиш ва ривожлантириб бориш (тил ҳодисаларини ўрганиш жараёнида);

3. Ўқувчини нутқий вазиятга мос равишда мустақил ва ижодий фикрлаш, фикрни, ихчам, равон, тўғри ва ўринли ифодалашга, ўзаро танқидни тўғри қабул қилиш, маданий мулоқот сирларини эгаллаб боришга одатлантириш;
4. Муайян бир мавзуда мустақил матн яратиш, ўз фикрини ҳимоя қилиш, қилиш, жамоа олдида мустақил маъруза қилиш, ўз фикрини ҳимоя қилиш, чиқарган хулосасининг тўғрилигини далиллар ёрдамида исбот қилиш, ўрганиш ( ақлий ҳужум, дебатлар, ижодий ёзма иш учун ажратилган махкам соатларда) в.ҳ;

Шу аснода, биз «матн яратиш» ва «матн тузиш» тушунчаларининг ўзаро фарқланиши, улардаги луғавий маъно семаларининг бутунлай ўзгариши эмаслигига аҳамият беришимиз, тушунчаларни ўз ўрнида, тўғри таълим этилишига эришишимиз лозим. Матн яратиш деганда қўшимча манбааларни фойдаланмаган ҳолда, ўқувчи онгида мавжуд билим, кўникма ва малакаларни ижодий фойдаланиш асосида яхлит фикр ифодалаш тушунчаси, «матн тузиш» тушунчаси остида «..берилган, ёки дарсликда мавжуд ўқув манбааларини фойдаланган ҳолда гап ва сўзларни мавзу талабига мос тарзда жойлаштириш» маъноси англанади. Демак «матн яратиш» ўқувчи учун тўлиқ ижодий иш бўлади.

<sup>1</sup> Сайидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. Т.: «Молия», -2003. ...-Полиграфия технология — таълим усули, маълум маънодаги таълим- тарбия жараёни, босқич ва методлари мажмуасидир. Таълим технологияси — таълим мақсадида эришиш учун яъни олдиндан лойиҳалаштирилган ўқув жараёнларини яхлит тизим асосида босқич амалиётга жорий этишни, таълим жараёнини бошқаришни ифодалайди.

хисобланса, «матн тузиш» қисман ижодий изланишга тааллуқли бўлади. «Матн яратиш» фаолияти ўқувчи сўз бойлиги, нутқий саводхонлиги, мустақил, изчил, ўринли фикр ифодалаш бўйича эгалланган билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқ кўрсатишга хизмат қилади. «Матн тузиш» да эса ўқувчининг ўз луғат ҳазинасини, идрок ва хотирасини қаттиқ зўриқтиришига ҳожат йўқ, чунки берилган манба унга ўзига хос хомашё, ёрдамчи материал вазифасини ўтайди. Ўқувчи манбадаги тайёр фикрларни ўз ўрнида, тўғри равон қўлашни билса бас, улардан матн тузиш катта қийинчилик туғдирмайди. «Матн яратиш» тушунчаси кўпроқ миллий мактабларда она тили амалиётига хос бўлса, «матн тузиш» тушунчаси бошқа миллат вакилларига ўзбек тилини ўргатишда самарали қўлланилади. Матн тузувчи матн яратувчи каби муалифлик ҳуқуқига эга эмас. (мас., диктантлар, баёнлар тўплами, буйруқ ва кўрсатмалар, адабий ва грамматик хрестоматияларни тўплаб, тартиб берган ва нашр қилган кишилар «тузувчи» мақомида бўлади.)

Ўқувчиларда матн яратиш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган мазкур монография шу куннинг энг долзарб вазифаларидан бири- умумий ўрта таълим муассасаларида она тили таълимининг янги педагогик технологиялар асосида ташкил этилишини таъминлаш, ўқувчида мавжуд бўлган луғат захираси, нутқий-интеллектуал қобилиятни аниқлаш, ижодий тафаккур фаолиятини жадаллаштириш, ўқувчида равон нутқ, мантқий фикрлаш, фикр маҳсулини ёзма равишда тўғри, изчил ўринли ифодалаш, эгалланган билимларни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган мустақил матн яратиш кўникмасини шакллантиришнинг универсал технологияси модулини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этишга бағишланган.

Давлат таълим стандартлари талаблари асосида она тили ўқитишнинг бош мақсади ўқувчиларда мустақил фикрлаш, ижодий фикр маҳсулини ёзма, оғзаки шаклларда тўғри, равон ифодалаш кўникмаларини шакллантириш, коммуникатив саводхонликни таъминлашдан иборат. Демак, тил ўқитиш методикаси фани олдида ўз ечимини кутиб турган навбатдаги долзарб вазифа-ўқувчиларда мустақил матн яратиш кўникмаларини шакллантириш муаммосининг ижобий ечимини топишдан иборат. Биз танлаган илмий-тадқиқот мавзуси ана шу муаммонинг илмий-амалий ечимини топиш мақсадида амалга оширилди. Монография мавзусининг долзарблиги ҳам ана шу илмий-методик зарурият билан белгиланади.

## БИРИНЧИ ФАСЛ

### Она тили таълимида матн яратиш кўникмаларини шакллантиришнинг илмий-методик асослари.

Тил шундай мўътабар неъматки, у инсониятга тафаккур гулданлари дарвозасини катта очиб берувчи, тенги йўқ робита-и оламиёндир<sup>1</sup>.

Мусулмон Шарқининг буюк алломаси Кайковус ўзининг «Қобуснома» асарида шундай бир ҳикоятни айтади: Бир кеча халифа Хорун ар-Рашид туш кўради. Тушида унинг барча тишлари тўкилиб кетган эмиш. Халифа муаббирдан тушининг таъбирини сўрайди. Муаббир шундай дейди:—Эй

<sup>1</sup> Неъматов Ҳ.,Бозоров О., Тил ва нутқ, -Т., «Ўқитувчи »,1999, 33-бет

амиралмўминин, сенинг олдинда барча яқинларинг, қариндош-уруғларинг ўлади. Сендан бошқа ҳеч ким қолмайди. Бунга эшитган Хорун ар-Рашид: «Менинг юзимга шундай қайғули гапларни айтдинг», - деб уни юз таёқ уришни буюради. Кейин бошқа муаббирни чақириб, ундан тушининг маъносини сўрайди. Муаббир бундай дейди: «Эй амиралмўминин, сенинг умринг барча қариндошларинг умридан узоқ бўлади». Шунда халифа Хорун ар-Рашид: «Барча ақлнинг йўли бирдир ва ҳар икки таъбирнинг негизи бир жойга бориб тақалади, аммо у ибора билан бу иборанинг орасидаги фарқ бағоят кўпдир» дейди ва уни ўз уламоларига намуна қилиб кўрсатади.

Бу ибратли ҳикоятда ўзаро мулоқот чоғида тилнинг қандай аҳамият касб этиши, у инсон қалбига йўл топиш сир — синоатларини очиб бергувчи сеҳрли калит эканлигини билиб оламиз. Тил — дил калити, деган мақол шундан қолган бўлса ажаб эмас. Рус олими А. А. Потебня фикрлаш жараёнида сўзнинг ўрнини жуда тўғри изоҳлаб берган эди: «Инсон сўз воситасида фикрлайди, фикр эса сўз воситасида тартибланади, воқеланади, зоҳир бўлади». Ўзбек тилшунослигида тилни тизимий ўрганиш, она тили дарсларида тил имкониятларидан самарали фойдаланиш масалалари машҳур тилшунос ва методист олимларимиз Ҳ. Неъматов, Н. Маҳмудов, А. Нурмонов, А. Қ. Фуломовлар томонидан бошлаб берилган бўлса, Қ. Йўлдошев, А. Рафиев, И. Сайфуллаева, М. Қурбонова, Б. Менглиев, М. Абдураимова, М. Қодиров, И. К. Мирзаев, А. Ш. Собиров, Ш. Юсупова ва бошқа олимлар томонидан муваффақиятли давом эттирилмоқда.<sup>1</sup>

Республикамиздаги умумий ўрта таълим мактабларида она тили таълимини онгли вербал-когнитив таълим тизимига асосланган ҳолда ташкил этиш, мустақил фикрлаш, фикр маҳсулини оғзаки ва ёзма равишда тўғри, рафон ифодалаш, ўқувчиларда коммуникатив саводхонликни таъминлаш Давлат таълим стандартлари талаблари даражасига кўтарилиши ўзбек тили ўқитиш методикаси олдига ўта долзарб вазифаларни қўйди. Улар қуйидагилар:

1. Умумий ўрта таълим мактаблари, ва касб — ҳунар коллежларида она тили таълими мазмунини такомиллаштириш, дарсликлардаги ўрганилаётган мавзунини такрорлаш ва мустақамлаш машқлари ва уларнинг шартларини ўқувчида ижобий ўқув мотивларини ҳосил қилувчи лингвопсихологик топшириқлар даражасига кўтариш.

2. Ўқувчи сўз бойлигини оширувчи ва мустақил фикрни ёзма ифодалашга йўналтирувчи лингвопсихологик ўқув топшириқлари, муаммоли масалаларини ўрганиш ва унинг ечимини топиш жараёнида ўқувчининг ўз хоҳиши-интилишлари, қизиқишлари, мустақилликлари устуворлигини таъминлаш ва мулоқот

3. Ўқувчи шахсини ўзи ва ўртоқларининг нутқий фаолияти одатлантириш маданиятини мунтазам равишда танқидий назорат қилишга одатлантириш унинг ўз нутқий-интеллектуал қобилиятини намоёни қилишга, ижодий матн яратишга қаратилган субъектив-инстинктив ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш.

4. Ўқувчи оғзаки ва ёзма нутқ жараёнида сўз ва ибораларни тўғри таллаш ва рағбатлантириш. Уни нутқий вазият тақозосига кўра, ўринли ишлатиш кўникмаларини сингдириш ва ҳ.к.

<sup>1</sup> Юқорида келтирилган муаллифлар гуруҳи томонидан Олий таълим, умумий ўрта таълим ва ўрта махсус касб-ҳунар таълимида тил фанига оид дарслик ва ўқув қўламавлари мажмуаси чоп қилинди ва амалиётга татбиқ этилди.

Монографияда сўз юритилаётган мустақил матн яратиш ҳодисаси ҳам инсон тафаккури маҳсули, унинг ўзлигини англаб етиш воситаси, ўз билими, интеллектуал қобилияти, маънавий дунёқарашини ўзгалар билан ўртоқлашиш, улар онгига ижобий (салбий) таъсир этиш воситаларидан биридир. Агар ўқувчининг сўз бойлиги ночор, луғат хазинаси қашшоқ бўлса, насрий матн тузиш, мустақил матн яратиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бизнинг асосий мақсадимиз ўқувчини нутқий маданиятта, муҳтасар матн яратишга ўргатиш экан, қаршимиздаги энг долзарб вазифа-тил сатҳларини ўзaro боғлаб ўрганиш, она тили машгулотларида фанларaro алоқани мустақамлаш, уядош сўзлар устида ишлаш орқали ўқувчи сўз бойлигини ошириш, мақол, матаал, ҳикматли сўз, ибора ва тасвирий воситалар ёрдамида нутқий захираларни бойитишдан иборат. Ўқувчига матн ва унинг грамматик хусусиятлари, таркибий қисмлари ( кириш, асосий қисм ва хулоса), гап, абзац ва МСБ (мураккаб синтактик бутунлик)ларни ўзарo боғловчи, услубий раволикни таъминловчи тиниш белгилари, грамматик боғламалар (олмошлар, кириш сўз ва гаплар, модал сўзлар) ҳақида тўлиқ маълумот бериш, уларни ўқув амалиётига жадал татбиқ этиш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Зерo, «...луғат захираси бисёр одамнинг тили бийрон, нутқи раво бўлади».<sup>8</sup>

Умумий ўрта таълим мактабларида она тили таълимининг асосий мақсади ўқувчиларнинг коммуникатив саводхонлик даражасини ошириш, уларни мустақил ва ижодий фикрлашга йўналтириш, фикр маҳсулини тўғри, раво, ўринли ифодалашга ўргатиш экан, уни амалга оширишнинг ишончли омилларидан бири- матн яратишнинг самарали технологиясини ишлаб чиқиш, уни ўқув амалиётига изчил жорий этиш, ўқувчини муаммоли ўқув топшириқлари орқали изланиш ва кашф қилишга йўналтириш, ўқувчи луғат бойлигини кенгайтириш жараёнида нутқий маҳоратини шакллантириш, (сўзнинг луғавий маъноларини шарҳлаш) фикр ифодалаш (оғзаки нутқ ва матн яратиш) да сўзни таниб ва танлаб ишлатишни талаб қилувчи ўқув топшириқлари, нутқий маданиятни юксалтирувчи кўникма ва малакалар тизими билан қуроллантиришдир.

Бу муаммолар орасида ўқувчиларда мустақил матн яратиш кўникмаларини шакллантиришнинг интенсив-универсал технологиясини яратиш, ана шу мақсадга хизмат қиладиган, матн яратишнинг босқичли тизимини ишлаб чиқиш ва уни мактаб амалиётига жорий этиш масаласи алоҳида ўрин тутади. Ўқувчи сўз бойлигини оширишнинг, унинг нутқий захирасини бойитишнинг энг самарали усули сатҳларaro ҳамда фанларaro алоқадорликни йўлга қўйиш (уядош сўзлар устида ишлаш, берилган сўзнинг лексик-семантик қуршови: қайси сўзлар билан ишлатилиши, хусусий белгилари миқдорини аниқлаш, қайси сўз туркумлари билан ифодаланиши, уларнинг номлари сони, сифати, ҳолати, ҳаракатини белгилаш ва ҳ.к.) дан иборат. Демак, коммуниктив саводхонликни таъминлаш ва мустақамлашнинг асосий омили тафаккур маҳсулини изчи, тўғри, раво ифодалаш, нутқий вазият талабига кўра, жадал матн яратиш кўникмаларини шакллантиришдир. Умуман олганда, ДТС талабларини тўла бажариш-ўқувчи коммуникатив саводхонлигини таъминлаш масаласи, она тили таълимида мустақил матн яратиш кўникмаларини

<sup>8</sup> Знёдова Т., «Ўқитувчи китоби», А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, Тошкент, 2002. 130- бет

шаклантириш технологиясини ишлаб чиқиш ва уни мунтазам равишда такомиллаштириб боришни тақозо этади. Бунинг учун эгалланган билим, кўникма ва малакаларнинг жадал амалий татбиқи, мустақил матн яратиш она тили дарсларида ўрганилаётган ҳар бир мавзунинг асосий мақсадига айланиши лозим.

Матн яратишнинг мантқиқий давоми—матн устида ишлаш ва уни таҳрир қилиш билан эса матннинг тили, мантқиқий ва услубий шакланганлик даражаси ўрганилади, нуқсонлар бартараф этилади, ўқувчининг коммуникатив саводхонлик даражаси эса, матн яратиш маҳоратини аниқлаш жараёнида ўз ечимини топади.

Она тилининг янги-янги ифода имкониятларини излаб топиш ва уни **дарс жараёнига** татбиқ этиш ўқувчиларнинг ижодий тафаккур, ҳодисаларни **кузатиш, англаш, қиёслаш, анализ** ва синтез қилиш, танлаш, гуруҳлаш, яратиш **каби билиш қобилиятларини** такомиллаштириш, уларда миллий қадриятлар, **мустақкам эътиқод, маънавий баркамолликни таркиб** топишига хизмат қилади. **Турли тил ҳодисалари (сўз ва ибораларни) маъносини тўлиқ** англаш ва уни **хусусий нутқда қўллашга** интилиш—улардан нутқий вазиятга мосини танлаш, **ўз фикрини ихчам, аниқ ва раво**н ифодалаш малакаларининг шаклланиши ва ривожланишига замин яратади.

**Ўқувчи таълим ўқитувчи** тизимида томонларнинг ўзаро ҳамкорлиги субъект-субъект муносабатлари фаоллашади, ДТС талабларига кўра ўқувчи ҳам таълим жараёнининг фаол субъекти сифатида ўзи мустақил фаолият юритиши: изланиши, кузатиши, бажарилган ишни таҳлил қилиш, хулосалаш, баҳо бериши лозим бўлади.

Шундай қилиб, ўқувчи ва ўқитувчи ўртасидаги доимий ишонч ва ўзаро ҳамкорлик фаолиятигига ўқувчиларда мавжуд бўлган мустақил ва ижодий тафаккурни қўзғатиши, матн яратиш кўникмаларини шакллантириш ҳамда ривожлантириши мумкин.

Ўқитувчи ўз ўқувчиларининг дарс жараёнидаги илмий-амалий фаолиятини самарали ташкил қилиш аввалдан режалаштирилган, аниқ бир мақсадга мустақил матн яратишга йўналтириш учун ҳар бир дарс пухта режалаштириши, дарсни замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил қилиши, лозим бўлса, янги машқ намуналарини танлаб, қўшимча машғулот сифатида режага киритиши, дарсни гуруҳлараро мусобақа руҳида олиб бориши ниҳоятда фойдали. Ўқитувчи доимий равишда ўз ўқувчиларининг ўрганилган мавзу юзасидан ўз фикрларини айтишга ундаши, улар томонидан киритилган таклиф ва мулоҳазаларни, ўз истеъдодини намоий қилишга бўлган уринишларини ижобий тушуниши, бундай ижодкорлик қилишга кашфиётчилик ҳаракатларини муттасил рағбатлантириб бориши, уларга шароит ва имкониятлар яратиб бериши: қувноқлар ва зукколар клуби беллашуви, турли шакл ва мазмундаги (нутқий маҳоратни маънавий жиҳатдан кўриқ-танловлар, дебатлар, лозим бўлса, ўқувчи шахсини нафақат ўқувчи қўллаб-қувватлаши зарур бўлади. Ўқитувчи шу тариқа нафақат ўқувчи билимини, балки ўзидаги педагогик маҳоратни ҳам такомиллаштира боради. Ўқувчи шахси, унинг нутқий даражаси ҳақида ҳукм ва хулоса чиқаришга шошмаслик, ўз вазифасига масъулият ҳисси билан ёндашиш, ўзидаги интеллектуал салоҳиятни ўқувчи билан баҳам кўриш, ўзида бағрикенглик, комил устозлик фазилатларини тарбиялашга ўрганади. Она тили

ўқитувчисининг ўқувчи шахсига ан а шундай ижобий ва ижодий ёндашувигина, ўқувчиларда илмга чанқоқлик, изланувчанлик, янгилик яратишга интилиш хислатларини тарбиялайди, эркин ва мустақил фикрлашга, ўқувчи учун жуда муҳим ва зарур ҳисобланган тил ҳодисаларини тушуниш, ундан амалий фойдаланиш бўйича билим, кўникма ва малакалар ҳосил қилишга ёрдам беради.

«Она тили таълими мазмуни» ўқув-методик қўлланмаси муаллифлари Ҳ.Неъматов, А.Ғуломовлар ўқувчиларни ижодий ёзма иш—матн устида ишлашга ўргатишда эгалланган билимларни қуйидаги кўникма ва малакалар билан мустақамлашни тавсия қиладилар<sup>1</sup>:

- «Ижодий ёзма иш» (матн) тушунчаси: расм асосида ҳикоя, манзара тасвири, шахс, ҳайвон, нарса-буюм, воқеа-ҳодиса тасвири;

- ўқувчи (муаллиф) ва борлик; ёзма ишнинг мақсади; ёзма иш—ўқувчининг (муаллифнинг) ўзлиги;

-ёзма ишга мавзу танлаш, уни тайёрлаш; айна бир нарса (буюм, манзара, воқеа-ҳодиса) ҳақида турли мавзуда матн яратиш;

-ёзма иш мазмунининг мавзу ва унинг номланиши билан уйғунлигини таъминлаш;

-берилган мавзу, эркин мавзу устида ишлаш;  
-мавзуни ёритиш учун зарур материал: ўқувчининг билимлари, кузатишлари, таассуротлари, мушоҳадалари, қиёс ва ўхшатишлари, ҳукм ва хулосалари;

-ёзма ишнинг режаси, унга қўйилган асосий талаблар;

- тор режа, кенг режа;

- манзилгоҳни ёзиш;

-мавзуни ёритишда мазмун изчилиги; «хат боши» тушунчаси; ёзма иш матни устида қайта ишлаш; уядош, маънодош, шаклдош, зид маъноли сўзлардан фойдаланиш;

-матннинг услуби (гап қурилиши), имлоси ва тиниш белгилари устида ишлаш;

-ишни оққа кўчириш;

-хатолар устида ишлаш ва ҳ.к.

Мазкур методик қўлланма умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими она тили ўқитувчилари учун асосий дастур вазифасини бажарди ва уларга энг яқин ёрдамчи бўлиб қолди. Аммо мазкур тавсияларда матн яратиш жараёнида ўқувчи коммуникатив саводхонлигини ошириш, ўқувчининг матн яратиш учун мустақил равишда лексик ва синтактик манбалар ҳосил қилиш кўникмаларини муайян тизим асосида шакллантириш масалаларига кам эътибор берилган.

#### Матн яратиш кўникмаларини шакллантиришда электрон ўқув адабиётларидан фойдаланиш

Узлуксиз таълим тизимида таълим жараёнини ахборотлаштириш, масофавий таълимнинг аудиовизуал воситаларини яратиш ва уни педагогик жараёнда қўллаш соҳасида Ю.Н.Абдуллаев, А.Абдуқодиров, М.Н.Алексеев,

<sup>1</sup> Ғуломов А., Неъматов Ҳ. Она тили таълими мазмуни, -Т., «Ўқитувчи», 1995.

А.Аҳмедов, Е.Бидайбеков, С.С.Фуломов, Л.Х.Зайнутдинова, С.В.Панюкова, А.Сатторов, У.К.Толипов, У.Ю.Юлдашев ва бошқалар самарали тадқиқотлар олиб боришган.

Тил ва адабиёт таълимида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш методикасини яратишда ўзбек методист олимларидан М.Ч.Алиев, И.Р.Аҳмедов Р.Х.Ниёзметова, М.Ю.Тўхтамурзаев, Ж.Ҳасанов, Ф.О.Эгамбердиева, Т.Ўринов, Н. Мирзаев ва бошқаларнинг илмий изланишлари муҳим аҳамият касб этди.

Таълим-тарбия жараёнида ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш устида илмий изланишлар олиб борган А.Н.Мухамматов<sup>1</sup> компьютердан фойдаланган ҳолда мусиқа дарсларини моделлаштириш асосида бир қанча электрон дастурлар яратиб, мусиқа дарсларида электрон ўқув воситаларидан фойдаланишнинг илмий методик асосларини ишлаб чиқди. С.Адилованинг илмий тадқиқот иши эса ўзбек тили дарсларини компьютер технологияси асосида ташкил қилиш масалаларига бағишланган<sup>2</sup>. У ўзбек тили машғулоти самарадорлигини компьютер воситасида оширишнинг назарий асосларини ишлаб чиқди. Шунингдек, Н.Мирзаев, Т.Ўринов каби методист олимлар ўзбек тилидан дастурлаштирилган топшириқлар тизимини устида ишлашди ва ўқувчилар билимини тест асосида назорат қилувчи махсус қурилмалардан фойдаланиш методикасини яратиб беришди. Бу соҳада Ш.Юсупованинг<sup>3</sup> она тили таълимида компьютердан фойдаланиш, Ф.О.Эгамбердиева<sup>4</sup>, Р.Х.Ниёзметоваларнинг<sup>5</sup> адабий таълимида ахборот технологияларидан фойдаланишга қаратилган илмий изланишлари муҳим, ривожлантирувчи аҳамиятга эга бўлди. Мазкур монография муаллифи томонидан тавсия қилинаётган МЯБТ-4 матн яратиш модули<sup>6</sup>, ҳамда «Ўзбек тилидан дидактик слайдлар тўплами» электрон ўқув қўлланмаси ва ундан она тилида, илмий грамматик матнлар яратишда фойдаланиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар она тили ўқитиш методикасида матн яратишга йўналтирувчи билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш, миллий тилни тизимий ўрганиш, дарсни замонавий технологиялар асосида ташкил қилишда ўзига хос муҳим қадам бўлди.

<sup>1</sup> Мухамматов А.Н. Моделирование уроков музыки в обучении студентов с использованием компьютерной системы как дидактическое исследование: Автореф., дисс., канд. пед. наук. – Т., 1994. 22-стр.

<sup>2</sup> Адилова С.А. Ўзбек тили машғулотларини компютер технологияси воситасида ташкил этиш (олий таълим муассасаларининг русийзабон гуруҳларида): Пед. фан. номзоди. дисс. автореферати. – Т., 2004. 26-бет.

<sup>3</sup> Юсупова Ш.Ж. Она тили таълими самарадорлигини оширишда илгор педагогик технологияларни жорий этиш (ноаъганавий усуллар ва компютердан фойдаланиш) п.ф.и. дисс. автореферати, – Т., 1998. 26-бет.

<sup>4</sup> Эгамбердиева Ф.О. Адабий таълимга илгор педагогик технологияларини татбиқ этиш методикаси п.ф.и. дисс.автореферати, – Т., 1998, 26-б.

<sup>5</sup> Ниёзметова Р.Х. Адабий материалларни ўрганишда ахборот технологияларидан фойдаланиш. «Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиётини ўрганишнинг назарий-методик асослари» (Рус гуруҳларида), –Т., 2006. 162-бет.

<sup>6</sup> МЯБТ-4 матн яратиш модули ҳақида мухтасар маълумот 3-фаслда берилди. ( муаллиф)

## 1.1. Матн яратиш ва матн устида ишлашнинг дидактик принциплари

Таълимнинг ривожланувчи ва такомиллашиб борувчи технологияси бошқа фанлар қатори она тили таълимида ҳам кенг миқёсдаги умумпедагогик вазифани бажаради. Ўқувчи нутқий маҳоратининг юксалиб бориши – она тили таълими мазмуни, ўқув жараёни ва унинг тўғри шакллантирилишига боғлиқлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат бўлса, нутқ тилининг ифода воситаларидан фойдаланган ҳолда воқеликка айланган фикрдир. У нутқ аъзоларининг онгли ҳаракати жараёнида пайдо бўлади. Рухий ҳодиса бўлган тилининг ифода воситалари нутқ ихтиёрига ўтгач, ҳақиқатга айланади. Демак, нутқнинг вазифаси-онг, хотира ва тафаккурнинг уйғунлиқдаги фаолияти маҳсулини барча учун тушунарли, адабий меъёрий шаклга киритиш, уни моддийлаштириш (ахборотга айлантиришдан) ва тингловчига етказишдан иборат.

Шу билан бир қаторда она тили ўқитиш методикаси лингводидактик асосларга ҳам эгаки, бунда тил бирликларини нафақат грамматик хусусиятларига, балки луғавий маъноларига ҳам асосланган ҳолда ўрганиш, умумий ва хусусий ҳодисаларни фарқлаш, сўз бойлигини ошириш, оғзаки нутқ, мустақил матн яратиш кўникмаларини шакллантириш, унинг ранг-баранглиги ва услубий раволиғига эришиш кўзда тутилади.

Ҳозирги ўзбек адабий тили таълими таркибига ўзбек тилшунослигининг кейинги ютуқларидан ҳисобланган уядош сўзлар гуруҳи<sup>1</sup> тушунчасини киритишни ниҳоясига етказиш, ундан тил ўқитиш методикасида ўқувчи сўз бойлигини ошириш ва бойитиш мақсадида фойдаланиш-тилни бой луғавий воситаларини амалиётда қўллаш учун ўқувчига қулай шароитлар яратади, мустақил фикр ифодалаш имкониятларини кенгайтиради. Анъанавий она тили дарсликларида учрамаган, уядош сўзлар устида ишлаш амалиёти ўқувчининг луғат захирасини кенгайтириш ва матн мазмунини мукамал шакллантириш БКМларини эгаллашга хизмат қилади.

Систем тилшуносликнинг лексикология (сўзшунослик) бўлимига таалуқли бўлган УЯДОШЛИК ҲОДИСАСИ, унинг янгиланган она тили таълими мазмунига киритилиши, тил ўқитиш методикасининг қон томири ҳисобланган ўқувчи сўз бойлигини ошириш ва бойитишда янги, серқирра ва махсуддор имкониятлар мажмуасининг кашф қилинишига – уядош сўзлар устида ишлашнинг ўзига хос технологиясининг яратилиши ва таълим амалиётига жорий этилишига асос бўлиб хизмат қилди. Уядошлик ҳодисаси, унинг таълимий – ривожлантирувчи моҳияти она тили ўқитиш методикаси фанида ўта муҳим аҳамият касб этади. Она тили таълими жараёнида уядош сўзлар устида ишлаш- ўқувчи сўз захирасини бойитиш, ижодий тафаккурни кенгайтириш, муайян йўналишда изланиш ва «кашфиёт» қилишга йўл очиб бериш билан бир қаторда, ўқувчи онгида бир уяга, бир турга, бир гуруҳга мансуб сўзлар мажмуаси ва уларни ажратиб, алоҳидалаб турган лексик-семантик қуршов ҳақида илк назарий тушунчалар ҳосил қилади. Шундай топшириқлар устида ишлаш орқали ўқувчи хотирасида берилган сўзнинг ишлатилиш доираси, она тили сатҳлари ва таълим муассасаларида ўқитиладиган бошқа фанлар билан ўзаро алоқаси (сатҳлараро ва фанлараро алоқа), сўз бирикмалари таркибида ҳоким ёки тобе ҳолатда келиши, уларнинг

<sup>1</sup> ..Бир уя, бир мавзу, бир соҳага оид, бир-бирини тақозо етувчи ва тўддирувчи сўзлар сираси. Фуломов А., Неъматов Ҳ. Она тили таълими мазмуни, Т.: «Ўқитувчи», 1995.

гап ва матн таркибида ифодаланиши ҳақидаги дастлабки амалий тушунчалар, билим кўникма ва малакалар шаклланади, таркиб топади. Ўқувчининг уядош сўзлар устида мустақил ишлаши муайян бир соҳа ва унинг атамалари доирасида изланиш, мантикий мушоҳада юритиш, ўзи учун янги, нотаниш бўлган сўзларни кашф қилиш фаолияти билан шуғулланишдир. Бундай фаолият эса табиатан қизиқувчан, ижодкор бола учун ҳақиқий илмий-тадқиқот дунёсига қадам қўйиш билан баробар. Бундай кичик «тадқиқот»лар натижасида ўрганувчи субъектнинг билиш фаолияти жадаллашади, мустақил матн яратишнинг, ижодий фикрлашнинг маҳсулдор манбалари бўлиши лугат захиралари кенгайди (атама ва тушунчалар муайян белгилар асосида гуруҳларга бирлашади, гуруҳлар мажмуасини кузатиш, таҳлил қилиш орқали эса ўқувчи онгида яхлит бир мазмун- берилган сўз ва унинг уядошлари воситасида берилган мавзу доирасида ўнлаб гаплар қурилади ҳамда ўқувчи онгида яратилажак матн лойиҳаси шаклланади (яъни, ушбу жараён субъектнинг билиш жараёни кетма-кетлиги билан уйғунлашади).

Мазкур технология умумий ўрта таълим мактабларида она тили машғулотларининг самарадорлигини ошириш, дарсни замонавий, интерфаол методлар асосида ташкил қилиш, ўқувчи лугат захирасини сўз гавҳарлари билан бойитишнинг ишончли ва самарали воситасига айланади. Она тили дарсларида уядошлик ҳодисасидан кенг ва изчил фойдаланиш - ўқувчи илмий дунёқарашининг кенгайиши, унда мустақил фикрлаш, нутқий тараққиёт жараёнининг тезлашуви, нутқий баркамоллик ҳамда тил таълимидаги энг долзарб масала - мустақил матн яратишга йўналтирувчи БКМ манбаларининг пайдо бўлиши, туғилиши, сўз, сўз бирикмалари, тасвирий воситалар ҳолатида шаклланиши ва ўқувчи нутқида воқеланишига сабаб бўлади. Уядош сўзлар устида ишлаш қамровини кенгайтириш, шундай кўникма ва малакалар ҳосил қилиш билан мунтазам шуғулланиш эса ўз навбатида ўқувчи томонидан яратиладиган матннинг тил раvon, бой ва мазмулдор бўлишига, матн таркибидаги имловий, услубий, тавтологик (қайтариқ) хатоларнинг камайишига олиб келади, ўқувчи шахсини ўз «мен»ини англаб етишти, изланиш ва ижод қилишга, ўз нутқий маҳоратини ривожлантириш, уни ўзгалар олдида намойиш қилишга ундайди. Зеро, умумтаълим мактаблари ўқувчиларини матн яратишга тайёрлаш жараёни ижодий матн яратишга йўналтиришнинг замонавий технологиясини сатҳлараро ва фанлараро алоқаларсиз, уядош сўзлар устида ишлаш топшириқларисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Уядош сўзлар устида ишлаш-она тили ўқитиш методикаси (дидактикаси) учун янги, ўқувчининг мустақил матн яратиш фаолияти учун маҳсулдор технология (кенг қамровли ижодий тафаккур, бой луғавий ва синтактик манба, нутқий ранг-баранглик, атамалар рўйхатининг белги, миқдор, ҳаракат ва ҳолат тушунчасига кўра кенгайиши) ҳисобланади.

Берилган мавзуга оид уядош сўзлар топиш, яратилажак матннинг асосий лугавий манбасини таъминлаш билан бир қаторда ўқувчига матн мазмуни, унинг таркибий қисмлари, хатбошиларни тўғри шакллантириш кўникмаларини эгаллаш, миллий лугат хазинасига тўрт тарафдан эркин кириб бориш ва мақсадли ҳаракатланиш (яъни, фикр ифодалаш учун энг мақбул сўзни танлаш) имкониятини беради ва у, ўқувчи учун бўлғуси матн пойдеворини, асосини яратишнинг ишончли воситасидир.

Умумий ўрта таълим мактаблари юқори синф ўқувчилари, касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг лугат хазинасини уядош сўзлар билан бойитиш, берилган умумий маъноли сўзнинг хусусийларини топиш, ёки, аксинча, сўзларни муайян уя (мас., дарахт, давлат, шахс) асосида гуруҳлаш, берилган матндан уядош сўзларни ажратиш, улар иштирокида сўз бирикмалари (СБ) ҳосил қилиш, уядош сўзлар ва СБлари иштирокида гап тузиш, маълум бир мавзуда матн яратиш каби ижодий-амалий топшириқларни мунтазам равишда бажариб бориш ўқувчиларни матн яратишга, тафаккур операцияларининг синтетик жиҳатини фаоллаштиришга ўргатишда муҳим, ривожлантирувчи омил бўлиб хизмат қилади. Қуйида уядош сўзлар сатҳидаги билим, кўникма ва малакаларни мустақамловчи топшириқлардан намуна берамиз.

Мустақил иш: «Дори» атамасининг хусусий уядошларини топиш ва улар маъносини шарҳланг. (Улар ёрдамида табобат илмига оид ихтисосий матн яратинг).

(1-жағвал)

«Дори» атамаси билан боғлиқ уядош сўзлар

Дори ишлатувчи мутахассис номи:	Дорилар ишлатувчи муассасалар номи:	«Дори» сўзининг уядошлари:	Доривор мева ва ўсимликлар номи:	Касаллик номлари:	Даво- муолажа усуллари номлари:
врач, хирург, терапевт, уролог, гинеколог, невропатолог, онколог, лор, ҳамшира, психолог, ортопед ва ҳ.к.	шифохона, касалхона, туғруқхона, профилакторий, санаторий, амбулатория, тез ёрдам ва ҳ.к.	қайнатма, линимент, малҳам, илон захри, таблетка, ринза, мезим, но-шпа ва ҳ.к.	жийда, бодом, беҳи, олма, хурмо, алоз, аччиқмия, мойчечак ва ҳ.к.	куйиш, шамоллаш, зотилжам, рахит, терлама, тумоқ, буқоқ, геппатит, грипп... ва ҳ.к.	массаж, буғлаш, парафин куйиш, сув, туз, балчиқ, қум билан даволаш, малҳам боғлаш ва ҳ.к.

Дорини тайёрлаш жараёнига оид сўзлар:	Муолажа усули, тартиби, миқдорига оид сўзлар:	Дорини сақлашга оид сўзлар:	Бемор ҳолатини тасвирлаш сўзлари:	Дорининг таъсирини шарҳловчи сўзлар:	Дори белгилари: ҳолати, ранги, ҳиди, шакли, таъми:
териш, саралаш, куритиш, майдалаш, эзиш, туйиш, қиздириш, эритиш, ивитиш, қайнатиш ва ҳ.к.	тил остига ташланади, чайнаб ютилади, суртилади, компресс қилинади, бир кунда 1(2,3)маҳал ичилади ва ҳ.к.	қоғоз пакетда, целлофан пакетда, шиша идишда, қоғоз қутида, фольгада, совуткичда ва ҳ.к.	иситмаси: юқори, меъёрий., юзи:қизил, оппоқ, кўк, қонсиз., аҳ воли:оғир, хушсиз, яхши, тили: оқ, пушти, қизил ва ҳ.к.	иссигини туширди, қон босимини туширди, (кўтарди), аҳволи яхши, ёмонлашди, кўзини очди, оғриқ босилди ва ҳ.к.	туйилган, эритилган, эзилган, совуттилган думалоқ, япалоқ, қобиқли, қуюқ, суоқ аччиқ, оқ, қизил, сариқ ва ҳ.к.

Бундай топшириқлар кўпроқ умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари, касб-ҳунар (тиббӣёт) коллежлари ўқувчиларининг сўз бойлигини оширишга, она тилидан эгалланган индивидуал билим, кўникма ва малакалар

даражасини аниқлаш ва ривожлантиришга, асосан ихтисосий матнлар яратишга хизмат қилиши ҳисобга олинса, улардан эгалланган БКМ ларнинг амалий таъбиқини назорат қилиш ишларида фойдаланиш, ёки уйга вазифа сифатида бериш мақсадга мувофиқ бўлади:

Мазкур жадвалда дори сўзининг 12 та белги-йўналиш доирасидаги уядош сўзлар гуруҳланган. Мустақил топшириқни бажариш жараёнида ўқувчи ёзган сўзларнинг сони 100 дан ошган бўлса, ўйлаб, ўз хотирасида тиклаган, анализ ва синтез қилган, топшириқ талабига жавоб бермаганлиги учун қорозга тушмаган сўз ва атамалар сони билан қўшиб ҳисоблаганда ўқувчининг ўз хотирасида қайта тиклаган тушунчалари сони 200 дан ошиб кетади. Юқорида намуна сифатида келтирилган уядош сўзлар устида ишлаш технологиясига оид мустақил топшириқдан кўзланган асосий мақсад ўқувчи луғат захирасини ошириш ва бойитиш, билан бир қаторда миллий тилнинг тилнинг чексиз имкониятлари билан яқиндан таништиришдир. Уядош атамалар иштирокида сўз бирикмалари ва гаплар тузиш топшириқлари, ўқувчини ихтисосий матн яратишга ўргатиш, лисоний имкониятлар (маънодошлик, уядошлик, шаклдошлик, зид маъно ҳодисаси) дан самарали фойдаланишга одатлантиришдир.

Шу сабабли она тили таълими мазмунини белгилашда ўқувчининг мулоқот кўлами ва даражаси, ижодий тафаккури, фикр ифодалаш эҳтиёжи билан, тавсия қилинган тил воситалари орасидаги мутаносиблик ҳисобга олиниши ёки аксинча, ўрганилиши лозим бўлган тил воситалари ва меъёрлари миқдорини аниқлашда ўқувчи шахсининг ёш психологияси, тафаккур қобилияти, саводхонлик даражаси, ўзаро мулоқот эҳтиёжи, ривожланиш кўлами ҳисобга олиниши лозим. Шунингдек, она тили дарсликларида тил мавзуларининг изчиллигини таъминлаш, матн яратиш топшириқларини тилнинг ифода имкониятлари, ўқувчининг тафаккур ва фикр ифодалаш қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда, муайян тартибда бериш, боланинг кўриши, эшитиш, фикрни англаш, анализ ва синтез қила билиш, босқичма-босқич фикрлаш ва фикрни изчил ривожлантира билиш даражаси ҳисобга олиниши лозим. Буни амалга ошириш учун, аниқ предметларни ифодаловчи сўзлар, улар таркибидаги нутқ товушлари, бўғин, бўғин кўчириш ва урғуларни босқичма-босқич ўргатиб бориш, сўнгра аниқ маъно ва ягона шаклга эга бўлган тил воситаларидан (мустақил сўз туркумлари) маънодош (синоним), уядош (бир мавзу, бир оила, бир гуруҳ, бир турга, бир парадигма, қуршовга кирувчи сўзлар), зид маъноли (антоним) сўзларни ҳосил қилиш кўникмаларини шакллантириш яхши самара беради.

Она тилидан янги авлод ўқув адабиётларини яратишда лингводидактик қонуниятларга амал қилиш, лингвопсихологик топшириқлар асосида ижодийлик ҳамда мантиқий изчилликни таъминлаш ниҳоятда зарур. Она тили таълими мазмунининг бундай тизимда белгиланиши таълим самарадорлигини ошириш билан бир қаторда тил ўрганиш воситаларининг таълим жараёнига дадил кириб келиши, ундан унумли фойдаланиш усулларининг яратилиши (интерфаол ўқитиш методлари), тил ўқитиш методикасининг жадал ривожланишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 9-сессиясида Президент И. Каримов малакали кадрларни тайёрлашда ижтимоий психологиянинг ҳам алоҳида ўрни борлигини таъкидлаб ўтди.

Дарҳақиқат, етук, баркамол кадр бўлиб этишиш учун ўқувчи нафақат ўз иқтидори, билими ва нутқий малакасини ошириши зарур, балки ўзи яшаётган жамиятнинг турлича ижтимоий муносабатлар тизимига тайёр бўлмоғи, ижтимоий фаолият юритиш ва уни бошқаришнинг илмий қонуниятлари ва қоидаларини мукаммал эгалламоғи зарур. Бошқарув, маркетинг ва менежмент соҳаларида, айниқса, инсон омили ва унга таъсир ўтказиш, уни бошқаришнинг психологик тизимини билиш-жамиятда соғлом ижтимоий муносабатларни шакллантириш-уни камол топдириш йўлидир. Бу ўринда, айниқса, ижтимоий тафаккурнинг, янгича дунёқараш ва илмий-ижодий муносабатларнинг шаклланиши, ўқувчи шахсининг ўзига ва ўзгаларга таъсир этиш механизмларидан бири - ижтимоий мулоқот ва унинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлмиш нутқ шароитига мос равишда тўғри ва ижодий фикрлаш, мустақил матн яратиш технологиясини мукаммал эгаллашидир.

*Матн яратишга йўналтирувчи лингвопсихологик ўқув топшириқлари тизимини она тили таълимига кенг жорий этиш, ўқувчи онгига сўз бойлигини ошириш, қиёслаш, анализ ва синтез қилиш асосида мустақил фикрлаш, сўз танлаш ва мустақил фикр билдириш эҳтиёжини ҳосил қилишга ёрдам беради. Шундай кўникма ва малакаларни узлуксиз шакллантириш ва ривожлантириш эса, ўқувчи нутқий маҳоратининг ошиб бориши, мустақил фикрлаш ва ижодий тафаккур кўламининг кенгайиши ҳамда матн яратиш кўникмаларининг автоматлашувига хизмат қилади.*

## 1.2. Ижодий тафаккур соҳибини тарбиялашнинг асосий педагогик-психологик омиллари

XX асрнинг охирида ривожланаётган умумий педагогика ва таълим психологияси олдида турган муҳим масалалардан бири нафақат билимни, балки ижодий тафаккур соҳибни бўлган шахсни шакллантириш воситаларини излаш бўлди. Аёвсиз конкуренсияга (рақобатчиликка) асосланган бозор иқтисодиёти тезкор, тадбиркор, шароитга кўра иш тутта биладиган, мақсадга эришиш воситаларини тўғри танлайдиган, уларни бозор талабларига кўра жадаллик билан янгилай оладиган фаол шахсларга муҳтож эди. Шунинг учун тарбия тизимида бихевиористик ёндашувдан когнитив ёндашувга қараб силжиш сезиларли бўлди.

Инсон фаолиятини баҳолашда когнитивизм (инг. Согнитиве- таълимий, ўрганилган, ўзлаштирилган) асримизнинг 60-йилларигача педагогика ва психологияда ҳукмрон бўлган бихевиористик ёндашувдан қуйндагича фарқланади: бихевиористик ёндашувда инсон хатти-ҳаракатлари ташқи муҳит таъсири билан белгиланадиган, кўп ҳолларда онгсиз реакциялар мажмуаси сифатида тушунилса, когнитив ёндашувда бу ҳаракатларда онглилик- таълим асосида ҳосил қилинган малака ва кўникмалар устулиги тан олинади. Кўриниб турибдики, бихевиористик ёндашувда инсон ва тарбия сушт, когнитив ёндашувда эса улар фаолдир.

Маълумки, бозор иқтисодиётида яшаш шарти инсоний фаолликдир. Шунинг учун иқтисоди ривожланган гарбий давлатларда асримизнинг 60-йилларидаёқ когнитивизм зудлик билан педагогика, дидактика тизимларига кириб кела

бошлади. Когнитивизм, ўша даврда анча оммалашган таълимнинг вербал (яъни, коммуникатив мулоқотда таълим олувчининг фаоллиги ва ўзлигини намоён қилишга интилиши) усуллари билан бирлашиб, онгли вербал-когнитив таълим йўналиши пайдо бўлди ва шаклланди. Д.Озбел бу йўналишга асос солиб, таълим жараёнида етакчи усул — кашфиёт (инг. Диссоверй) эканлигини алоҳида таъкидлади. Кашфиёт таълим усулининг моҳияти шундаки, таълим олувчи ҳар бир топшириқни бажариш жараёнида янги-янги ҳодисаларни кашф этиш ёки нимадир яратиш билан шуғулланади. Шунинг учун таълим жараёнида онглилик (инг. Меанингул лярнинг) етакчилик қилади.

Юқорида санаб ўтилган: онглилик, когнитивлик, вербаллик, кашфиётчилик, ҳозирги кунда таълим жараёнининг фаол субъекти, ижодий тафаккур соҳибини тарбиялашнинг асосий педагогик-психологик омиллари саналади.

Шўро педагогикаси ижодкор шахсни эмас, балки билимдон, аммо муте ижрочини тарбиялашга қаратилганлиги сабабли онгли вербал-когнитив таълим усули тарбия тизимида оммалаштирилмади. Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда бундай тўсиқлар барҳам топди. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонунида ижодкор шахсни тарбиялаш таълим тизимининг бош вазифаси, деб белгиланди. Президентимиз И. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи чақирғи 9-сессиясида сўзлаган нутқида бундай таъкидлаган эди: «... ўқитувчининг бош вазифаси — ўқувчиларда мустақил фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат ...». Шу сабабли бозор иқтисодиёти шароитида ўзини оқлаган ва юқорида санаб ўтилган психо-педагогик омиллар бизнинг миллий таълим тизимимизга ҳам шаҳдам билан кириб келмоқда. Бундай педагогик-психологик омилларни она тили таълими жараёнига татбиқ этиш усуллари жуда кўп ва ранг-барангдир. Улардан асосийлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Ўқувчи ҳар бир машғулотда дарслик талаби асосида унга берилган, етказилган билимларни такрорлаш эмас, балки ўқитувчининг йўлланмаси билан янги билимлар ҳосил қилиши, репродуктив эмас, ижодий тафаккурнинг юксалишига эришиши лозим. Бу когнитивликнинг бош омилдир.

2. Ўқувчи дарсда пассив тингловчи (кўчирувчи, такрорловчи, бажарувчи) эмас, балки изловчи, қисловчи, кашфиётчи бўлиши керак. Шунинг учун ўқувчи оғзидан (қалами остидан) чиққан ҳар бир сўз, фикр, ҳукм, баён унинг ўзиники (айтилган, берилган, эшитилганнинг такрори эмас!) бўлмоғи шарт. Албатта, ўқувчида тузилган бу фикр оламшумул кашфиёт ёки бирор чигал муаммонинг ечими эмас, шу билан бирга ўқитувчи (дарслик) берган ахборотнинг соддагина такрори ҳам эмас. Бундай таълим усули (вербаллик) ўқувчида мустақиллик, масъулият, ўз "мен"ини англаш, ижод, бунёд қилиш руҳини тарбиялашга хизмат қилади. Бунда ўқувчи билан тингловчилар (жумладан, ўқитувчи) орасидаги алоқа-муносабат (фикр алмашиш) жуда кўп ҳолларда жонли оғзаки муносабат, қолаверса, баҳс тусини олади.

3. Ўқитувчининг (дарсликнинг) таълим олувчига берадиган йўлланмаси шундай тузилмоғи лозимки, синфдаги ўқувчиларга яратилган имкониятлар тизими моҳиятан бир йўналишда бўлса-да, лекин улар шаклан ва мазмунан ранг-баранг бўлмоғи керак. Шундагина ҳар бир таълим олувчи ўзлигини, нутқий қобилияти ва шахсий иқтидорини мумкин қадар эркинроқ ифода этиш имкониятига эга бўлади ва шундай ташкил қилинган ҳар бир ўқув машғулотида баҳс-мунозара руҳи етакчилик қилади.

4. Дарс жараёнида (уй вазифасини бажариш ва уни синфда таҳлил этишда) ўқувчи ўқитувчи йўлланмаси (дарслик топшириғи) асосида ишлаш, фикр қилиш, масаланинг тўғри ечимини топиш ва бирор ҳукмга келиш учун у ўз фикрини асослаш ва исботлашга, ҳимоя қилишга интилиши зарур. Ўқув машғулотининг ташкил этилиши ва ўқув материали бунга кенг йўл очиб берадиган бўлиши, боланинг ёш психологияси ва интеллектуал қобилиятига мос бўлиши лозим. Таълимнинг онглилик омилли мана шуларда намоён бўлади.

Ўқув предметини бундай омиллар асосида тўлалигича тизимли йўлга қўйиш бизнинг дидактикамизда янгидир, олдинги даврларда бундай таълим усулининг баъзи элементлари республикамиз мактабларида муаммоли таълим сифатида берилар, улардан айрим мавзуларни ўрганиш жараёнидагина фойдаланиларди, холос.

Ўз-ўзидан аёнки, бундай ёндашув тил ўқитиш методикаси олдига қатор янги вазифалар қўяди. Келажақдаги янги авлод дарсликлари ҳам мазмунан, ҳам шаклан онгли вербал-когнитив таълим (ОВКТ) усулида тайёрланган бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Бундай таълим усули АҚШда ҳам асосан 6 йиллик бошланғич таълимдан кейинги бўғинда - 11-12 ёшдан бошланади. Чунки бу тажриба сўз ва тасаввурлар асосида мантиқий фикрлаш қобилияти болаларда 11-12; 15-16 ёшлигида ривожланишига асосланган. Бу хусусият педагогик-психологик тадқиқотларда исботланган (11, 56, 43).

Демак, она тили машғулотида онгли вербал-когнитив таълим тизимини қўллаш тасодифий ҳодиса эмас, балки, заруриятдир. Бас, шундай экан, ОВКТни ривожлантириш ва такомиллаштириш биз методистларнинг биринчи галдаги вазифамиз ва бу усулни ўқитувчи ва талабалар орасида оммалаштириш-ўқувчи онгида ижодий тафаккурни ривожлантиришнинг энг муҳим шартларидан бири сифатида қаралиши лозим. Ўқитувчиларимиз янгича таълим усулидан амалий фойдаланишни ўрганиб олмас эканлар, уни дарс жараёнида самарали қўллаш олмайдилар; иккинчидан, ОВКТ усулини қўллаш орқали ўқув машғулотларининг самарадорлигини ошириш учун ўқувчилар қўшимча ахборот манбалари: илмий — бадиий адабиётлар, лингвистик ва энциклопедик лугатлар: (изоҳли лугат, уядош сўзлар лугати, маънодош сўзлар лугати, зид маъноли сўзлар лугати, тарихий сўзлар лугати, янги (неологизмлар) сўзлар лугати, тасвирий ифодалар лугати, иборалар лугати, сўзларда маъновий даражаланиш (градуономик лугат) лугати, олинма сўзлар лугати, терс лугатлар, ўзақдош сўзлар лугати, оҳангдош сўзлар лугати, қўшимчадош сўзлар лугати, шаклдош сўзлар лугати), ўқув техника воситалари, электрон ўқув адабиётлари (электрон дарслик ва электрон ўқув қўлланмалари) билан таъминланган бўлишлари шарт. Ҳозирча бу манбалар, асосан, дарсликларнинг<sup>1</sup> ўзидагилар билан чегараланган. Бу албатта, етарли эмас. Умумий ўрта таълим ва касб ҳунар коллежларида мавжуд бўлган компьютер-синфлари тил бойликларини ўқувчиларга етказа оладиган илмий манбалар, қомусий маълумотлар киритилган, халқаро "Интернет" тизимига уланган бўлишлари ниҳоятда зарур. Шунда дарсликларнинг ҳозирги ҳажми кескин қисқариб, улар асосан, ҳар бир мавзунини ўрганиш (ҳар бир мавзу доирасида мақсадли ва ижодий фикрлаш ҳамда матн яратиш топшириқлари) алгоритмидан иборат бўлар эди. Албатта,

<sup>1</sup> Ахборотномалар, статистик маълумотлар-китоб шаклида ҳам, дискет шаклида ҳам берилиши мумкин. (Изоҳ бизники, М)



бу катта иш. Аммо шу нарса узлуксиз таълим тизимида онгли вербал-когнитив таълим усулини амалга оширишимизнинг муҳим шартидир. Умумий ўрта таълим мактабларида она тили ҳамда ижтимоий-гуманитар йўналишдаги академик лицейларда "Ҳозирги ўзбек адабий тили"<sup>1</sup> фанини ўқитишда ОВКТ усулига-кашфиёт таълим тизимига ўтилганлиги айтилиши мустақиллик кунда она тили дарсларини мазкур усулда ташкил қилиш учун ўқитувчилар олдига қуйидаги вазифалар қўйилган:

1. Ўқувчиларнинг коммуникатив саводхонлигини (сўз бойлиги, ижодий тафаккур доирасини кенгайтириш, ижтимоий мулоқот-ёзма ва оғзаки ифодали фикрлаш маҳоратини юксалтириш, мустақил матн яратиш кўникмаларини шакллантириш) ошириш, мазкур жараёнда муаммоли таълим методлари, лингвопсихологик ўқув топшириқлари, тизимли фикрлаш ва изчил фикр ифодалаш усуллари, замонавий ўқув-техника воситалари, Интернет тизимида бериладиган турфа маълумотлардан фойдаланиб, ўқувчи билимини ДТС талаблари даражасига кўтариш ва ривожлантириш;

2. Ўқувчини мустақил ва ижодий фикрлашга йўналтиришнинг замонавий усул ва воситаларини билиш ва уни амалиётда қўллаш;

3. Ўқувчини ижодий фикрлашга ўргатиб, уни матн яратишга тайёрлаш: анализ ва синтез жараёнида услубий раволик ва мантиқий изчиликка риоя қилиш, нутқ шароитига мос равишда, ихчам, мантиқли фикр ифодалашга одатлантириб бориш;

4. Ўқувчини матн турларини фарқлаш (назмий, насрий, илмий, бадиий, публицистик, грамматик, маърифий, бадиий-грамматик, хат-хужжат, монологик, диалогик, тест-назорат, ахборот-мулоқот матнлари ва ҳ.к.)га одатлантириш;

5. Ўқувчи онгида берилган сўз, расм-тасвир, мусиқа, турли мазмундаги чизмалар, коммуникатив жадваллар асосида кичик (тасвирий-таърифий, грамматик) матнлар яратиш кўникмасини шакллантириш;

6. Матнни таҳлил ва таҳрир қилиш (имло саводхонлиги, мазмун, мақсад ва вазифасига кўра матннинг тили ва услуби, қайси жанрга мансублиги, таркиби (хатбоши ва МСБ<sup>2</sup> ларнинг ўрни ва ўринли ишлатилганлигини кўрсата олиш)) кўникмаларини сингдириш;

7. Ўқувчи субъектининг матн юзасидан ҳукм ва хулосалар чиқариш, матнга сарлавҳа танлаш, матндаги сўз бирикмалари ва гапларни шаклан ва мазмунан ўзгартири билиш, ажратилган сўзларнинг маънодош, уядош ва зид маъноларини топиш, сўзнинг ижобий ва салбий маъно нозикликларини ошири ва камайтири билиш, (градуонамия) улар ёрдамида сўз бирикмалари гаплар ҳосил қилиш ҳамда улар ишгиرويкида турли шакл, мазмун ва услубдаги матнлар яратиш, шундай билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш ва ривожлантириш;

Ўқувчиларга она тили машғулотида матн устида ишлаш топшириқларини беришдан мақсад шуки, у мазкур топшириқларни бажариш жараёнида тил имкониятларидан фойдаланишнинг турли усул ва воситалари

<sup>1</sup> Нурмонов А., Собиров А., Қосимова Н. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т.: «Ўзбекистон», 2001.

<sup>2</sup> Мураккаб синтактик бутунлик. Рихсиева М. Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида ўқувчиларни матн тузишга ўргатиш. Дисс. автореферати, Т., 1998.

билан танишади, ўзи тузадиган жумла учун энг маъқул, нутқий вазиятга мос, зарур сўзни танлайди. Шу сўзнинг луғавий маъно гуруҳлари (ЛМГ) устида ишлаш, унинг бошқа сўзлар билан бирикиш қобилиятини аниқлаш, сўз бирикмалари ҳосил қилиш орқали эса лисоний синтактик қолиплар (ЛСҚ) ҳақида муайян тасаввурга эга бўладилар. Ўқувчи тузиладиган гапнинг урғу берилиши лозим бўлган асосий таркибий қисмларини аниқлаш ва уни бир жойга тўплашга уринади, нутқий вазиятга қараб фикр юритиш, сўз танлаш, гап қуришни ўргана боради, фикрни ихчам ва раволик ифодалаш, мустақил матн яратиш малакаларини эгаллашга ҳаракат қилади.

Ўқувчиларда матн яратиш кўникмаларини шакллантиришнинг яна бир ишончли ижтимоий-психологик омилларидан бири — шахснинг мулоқот маданиятини эгаллаши, ўзида муомала техникасини онгли ва тўғри шакллантири бориши билан боғлиқ бўлиб, мазкур «техниканинг йўқлиги» ўқувчида хавотирлик, ҳадиксираш, одамовилик, мулоқотдан қочиш каби салбий хусусиятларни келтириб чиқаради. Бундай нуқсон ўз навбатида мустақил фикрлаш, мулоқот эркинлиги, оғзаки ва ёзма фикр ифодалаш, ўз фикрини ҳимоя қилиш қобилиятининг пасайишига сабаб бўлади.

Ўқувчиларда мустақил матн яратиш кўникмаларини шакллантиришда илмий-маданий мулоқот ва унга ўргатувчи интерфаол методлар-ижтимоий психологик тренинг (ИПТ) лардан ҳам унумли фойдаланиш мумкин.

ИПТлар табиий ва махсус ҳолда уюштирилиши мумкин. Масалан, юқори синф ўқувчилари турли ижтимоий касблар доирасида сюжетли ўйинлар билан машғул бўлиши, унда турли роллар (ўқитувчи, тарбиячи, ҳайдовчи, бошлиқ ва ҳ.к.) ни импровизация қилишлари, табиийки, нафақат ўқувчи дунёқарашини ўзгартиради, балки бўлғуси ижтимоий фаолиятга тайёр бўлишларида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Она тили машғулотида ташкил этиладиган мазкур психологик тренинглар ўқувчида: бошланғич илмий мулоқот кўникмаларини ҳосил қилиш; мақсадли ижодий фаолиятни ташкил қилиш ва уни ривожлантири билиш; ўз-ўзини англаш, ўзида мавжуд бўлган билим кўникма ва малакалардан максимал даражада фойдаланиш; ўзгалар фикрини ҳурмат қилиш, ўзида маданий муомала-мулоқот фазилатларини шакллантириш; фикр ифодалаш услубини ижтимоий-психологик вазиятларга мослаш билиш зарурияти, ўқувчида нафақат сўзлаш, балки тинглаш, англаш ва тўғри жавоб қайтариш хусусиятларини шакллантиришга ҳам хизмат қилади. Ҳар бир ИПТ машғулоти ва ўқувчиларнинг ўзаро илмий мулоқоти, шерикларнинг бир-бирларини ҳамда айтилаётган фикрларини юқори даражада ҳурмат қилишларига асосланмоғи керакки, натижада ўқувчи бундай машғулотлардан кейин «ўртача фикр»ларни ҳам қадрлашга, улар билан ҳисоблашишга, «ўзганинг ўрнида бўлиш» ва бошқаларни сабр-тоқат билан тинглашга, нутқий вазиятга мос тарзда ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишга ўрганади.

Ўқувчини ёзма фикр ифодалашга тайёрлаш учун тавсия қилинаётган мазкур психологик тренинглар ўқувчи онгида субъект-субъект шаклдаги нутқий муносабатларнинг асл моҳияти, авторитар ва демократик лидерлик услубларини нутқий фаолиятларида қўллаш, эркин фикр юритиш, ўз мулоҳазаларини аниқ, тўғри ва ўринли баён қилиш кўникмаларини мустақамлашди, ўқувчида монологик ва диалогик нутқни ўстиради, мустақил матн яратиш кўникмаларини шакллантиради.

### 1.3. Онгли вербал-когнитив таълим тизими, ўқувчини матн яратишга йўналтирувчи бош омил

Она тили таълимнинг ОВКТ асосида ташкил қилиниши янги педагогик технология асосларини таълим жараёнига бевосита татбиқ этишининг самарали йўл ва усулларидан бири ҳисобланади. Чунки бу ҳаракат ОВКТ тизимининг бош тамойилларини муайян фанларга, бизнинг тажрибамизда эса, она тили ўқитиш методикаси фанига татбиқ этилишига олиб келган. Мазкур тизим ўқитувчи-ўқувчи муносабатларининг субъект-объект эмас, субъект-субъект ҳолида ташкил этилишига сабаб бўлди. Энди ўқувчи таълим жараёнининг **пассив тингловчиси, бажарувчиси эмас, балки шу жараённинг фаол иштирокчиси, изланувчи ва кашфиётчисига айланади.** Ҳар бир топшириқни бажариш жараёни ишловчи субъект учун муаммоларни ечиш ёки нимадир яратиш (ўзида мавжуд бўлган малака ва иқтидордан ижодий фойдаланиш: матн, шеър, баён, иншо ва ҳ.к.) билан яқунлана боради.


Матн яратиш жараёнининг бундай лингвopsихологик асосда ташкил этилиши ўқувчи-субъектдаги ички руҳий тўсиқларнинг йўқолишига, онгли тафаккур жараёнининг фаоллашувига ижобий таъсир ўтказади.

Ўз навбатида, ўқитувчи ҳам тушунтирувчи, назоратчигина эмас, танловчи, йўналтирувчи, бошқарувчи субъект бўлиб қолди. ОВКТ тизимида **онглилик-ўқув материали ва ўқувчи шахсининг ўзаро уйғунлиги**, яъни ёш давлари сезитивлиги<sup>1</sup> га эътибор қаратиш (ёш психологияси); **вербаллик-ўқувчи-ўқитувчи мулоқотида ўқувчининг фаоллиги, эгалаган билим ва қобилиятини намоён қилишга шароит ва имкониятнинг мавжудлиги; когнитивлик-эгалланган билим кўникма ва малакалардан амалий фойдаланиш, янги (матн яратиш маданиятига оид) билимлар ҳосил қилиш; таълим жараёнида устувор мавқега эга бўлишлик-ўқувчининг кашфиёт таълим тизимида эркин фаолият юритишига имконият беради.**

Зеро, умумий ўрта таълим мактабларининг она тили машғулотларида ўқувчиларни матн яратишга тайёрлаш ва матн яратиш учун тавсия қилинаётган мустақил матн яратиш модули-МЯБТ-4 ҳам ОВКТ таълим тизимининг самарали усулларидан ҳисобланган тил сатҳларини ўзаро боғлаб ўрганиш,<sup>2</sup> таълимда узвийлик ва узлуксизлик принципларига амал қилади. Монографиянинг 3-бобида батафсил ёритиб берилган матн яратишнинг босқичли тизими модули нафақат ўқувчининг матн яратишга хизмат қилувчи билим, кўникма ва малакаларини шакллантиради, балки унда мавжуд бўлган коммуникатив саводхонлик параметрлари: сўз бойлиги даражаси, сўз бирикмалари ҳосил қилиш, гап тузиш ва матн яратиш кўникмаларини ривожлантиради ҳамда ўқувчилар онгида мавжуд бўлган индивидуал БКМ лар даражасини аниқлаш ва баҳолашга хизмат қилади. Модулнинг энг охири-тўртинчи бўлаги матн яратиш, яъни кашфиёт қилишга йўналтирилган бўлиб, у она тили таълимидан кутиладиган сўнги натижа-ўқувчи онги (шахси)да нутқий маданият, мустақил матн яратиш маданиятининг шаклланиши ҳамда барқарорлашувига замин яратади. Мустақил матн яратишнинг бундай янгича модулини эса ОВКТ тизимсиз, таълимда изчиллик, босқичлилик, мантиқийлик, узвийлик ва узлуксизлик принципларисиз тасаввур этиб бўлмайди.

<sup>1</sup> ...Маълум психик хусусиятнинг ривожланиши учун қулай шароит. Психология, -Т., 1992.  
<sup>2</sup> Фуломов А. Неъматов Ҳ. Мактабда тил сатҳларини ўзаро боғлаб ўрганиш. Т., 1992.

### Онгли вербал-когнитив таълим (ОВКТ) тизимида ўқувчи-ўқитувчи муносабатлари



ҲАР БИР ТОПШИРИҚНИ БАЖАРИШ ЖАРАЁНИ ИШЛОВЧИ СУБЪЕКТ УЧУН МУАММОЛАРНИ ЕЧИШ ЁКИ НИМАДИР ЯРАТИШ (ЎЗИДА МАВЖУД БЎЛГАН МАЛАКА ВА ИҚТИДОРДАН ИЖОДИЙ ФОЙДАЛАНИШ: МАТН, ШЕЪР, БАЁН, ИНШО...В.Х.) БИЛАН ЯҚУНЛАНА БОРАДИ.

#### 1.4. Она тили таълимнинг янгиланган мазмуни ва унда матн яратиш муаммоси талқини

Таълим мазмуни масаласи педагогика тарихида энг қадимий, аини пайтда энг долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Чунки жамият тараққиётининг барча давларида олим ва уламолар «Нимани ўқитиш керак?» деган саволга жавоб излаш билан шуғулландилар ва ҳали ҳамоин бу саволга тўлиқ, ҳар томонлама мукамал жавобни топа олганларича йўқ. Замонавий дидактиканинг сўнгги ютуқларини ўзида жам қилган таълим мазмуни бўйича берилган ва берилмаётган энг янги маълумотлар ҳам бундай мукамалликка даъво қила олмайди. Бироқ муаммони ижобий ҳал қилишга интилиш, мустақил эркин фикрловчи маънавий баркамол инсонни тарбиялашнинг энг илғор, замонавий методлари, усул ва воситаларини топишга бўлган ҳаракат ҳеч қачон тўхтагани йўқ ва у инсон зоти мавжуд экан тўхтамайди. Чунки, одамлар яшайдиган жамият доимий ривожланишда, такомиллашишда давом этади ва ижтимоий тараққиёт қонунилари асосида бетўхтов илгарилаб бораверади. Барча фанлар қатори, она тили таълими мазмуни ҳам давлат ва жамият тараққиёти талабларига кўра, педагогик технологияларнинг сўнгги ютуқлари асосида белгиланади ва шаклланади. Она тили таълими мазмунини шакллантириш 5 та муҳим таркибий қисмлар (4-жадвал) ҳисобига амалга оширилади:

1. Ўқувчилар эгаллаши зарур бўлган илмий-назарий билимлар тизими (тил фактлари, тушунчалар, қоидалар, таърифлар).
2. Танланган илмий-назарий билимларга мувофиқ келадиган амалий кўникма ва малакалар тизими (кўникма - эгалланган тажрибалар асосида муайян фаолиятни амалга ошириш қобилияти, малака эса муайян ҳаракатларни бажариш ва бошқариш жараёнларининг автоматлашуви).
3. Ўқувчиларни мустақил фаолиятга йўналтириш усуллари. Бундай фаолият қайта хотирлаш, қисман ижодий ва тўлиқ ижодий даражада бўлиши мумкин. Қайта хотирлаш фаолияти-ўқитувчи томонидан кўрсатилган ёки дарслиқда берилган намунага қараб машқ бажариш фаолиятидир. Бу эса ўрганувчининг фаолият даражасини чегаралайди. У изланишга, кашф қилишга эҳтиёж сезмайди.

Қисман изланувчанлик фаолиятида ўқувчи йўналтирувчи топшириқлар ёрдамида тил ҳодисаларининг ўхшаш ва фарқли томонлари устида ўйлаши, уни топиши, аввалги билимларни қисман номаълум шароитларда қўллаши мумкин. Тўлиқ ижодий фаолиятда ўқувчи ҳеч қандай ташқи ёрдамсиз, олган билимларини бутунлай янги шароитда, масалан, компьютерда қўллай олиши, фаолият учун зарур бўлган, лекин ўзида бўлмаган билимлар манбасини мустақил топа билиши, улардан нутқий вазиет тақозосига кўра, ўринли фойдаланиш кўникмаларини эгаллаши талаб қилинади. Ўқувчини ижодий қўллаб-қувватлашга қанчалик кўп ҳаракат қилсақ, она тили таълимининг самарадорлик даражаси шунчалик юқори бўлади.

4. Ўқувчи ва ўқитувчи ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатлари тизими. Бу муносабатлар ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида мақсадга интилишдаги ўзаро ҳурмат, ҳамкорлик, тенглик, қўллаб-қувватлаш, танқидий фикрлаш муҳокама, қиёсий таҳлил, тўғри ҳукм ва хулосага асосланмоғи лозим. Таълим мазмунининг бу таркибий қисмлари чизиқсимон бирин-кетинликда

жойлашган ҳодисалар эмас, балки айланасимон яхлитлик бўлиб, бу айлананинг бошланиш ва тугаланиш нуқтаси биринчи ва бешинчи қисмларни, айлана доираси эса ижодий-амалий кўникмалар захирасини ташкил этади.

(3-жадвал)



#### 5. Ўқувчида мустақил фикрлаш, тўғри, равоён фикр ифодалаш ва матн яратиш кўникмаларини шакллантириш тизими

Нутқий-амалий кўникмалар занжирининг энг муҳим, яқунловчи халқаси ўқувчида мустақил фикрлаш, фикр ифодалаш ва матн яратиш кўникмаларини бир йўла шакллантириш-ўқувчи нутқий қобилияти, матн яратиш кўникмасининг яхлитлашуви-малакага айланиши, тафаккур маҳсулининг моддийлашуви, инъикосидир.

Бошқачароқ айтганимизда тафаккур, идрок, нутқ, матн яратиш ҳодисаларини ўзаро уйғунлик ва узлуксизликда, тил бўлимлари ва бошқа фанлар билан мустақам алоқадорликда, ёзма фикр ифодасини энгиллаштирувчи муайян бир тизимда ўрганиш коммуникатив саводхонликнинг энг сўнгги натижаси- ижодий матн яратиш ва уни мустақил таҳрир қилиш кўникмаларининг шаклланишига олиб келади.

**Ўқувчилар умумий ўрта таълим мактабларида ДТС талаблари бўйича белгилаган она тили ўқитиш мазмуни ва ундаги матн устида ишлаш ва матн яратиш мавзуси юзасидан қуйидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари лозим:**

**Грамматикага оид** билимларни эгаллаш (фонетика, лексикология, сўз таркиби, сўз ясалishi, морфология ва синтаксис, ёзув ва имло, тиниш белгилари нутқ услублари), услубиятга оид тушунчаларни ўрганиш, улар амалиётига оид БКМларни эгаллаш;

-биринчи йўналиш: -Ўқувчиларнинг луғат захирасини кенгайтириш ва бойитиш, сўзнинг луғавий маънолари устида ишлаш (уядош сўзлар, маънодошлар, зид маъноли, шаклдош, тарихий, олинма сўзлар ва ҳ.к.), ўқувчи учун нотаниш бўлган сўзлар маъноси ва унинг нутқий амалиётда қўлланиш доирасини аниқлаш;

-иккинчи йўналиш: -ўзбек адабий тили меъёрлари, тўғри талаффуз, тўғри ёзиш, сўз танлаш, сўз бирикмалари ҳосил қилиш, гап тузиш меъёрлари, тил бир лиқларининг услубий имкониятлари хусусан, уядошлиги (бир мавзу, гуруҳ ва уяга мансуб сўзлар, фанлараро ва сатҳлараро алоқа), маънодошлиги (синонимияси), муқобиллари, зидлари, шаклдошлари; мустақил ва ижодий фикрлаш, синтактик синонимия (фразеологик синонимия, мақол ва ҳикматли сўзлар синонимияси, қўшимчалар синонимияси, СБЛари, гап ва матн синонимияси) намуналари устида ишлаш, ифодали ўқиш (қироат санъати) ва нотаниш сўзларни шарҳлаш билан шуғулланиш;

-учинчи йўналиш: ўқувчиларда фикр маҳсулини оғзаки ва ёзма равишда изчил, тўғри, раван ифодалаш кўникмаларини эгаллаш, матн таҳлили, матн устида ишлаш ва матн яратиш фаолиятларини қамраб олади<sup>1</sup>.

### Замонавий таълимда ўқитувчи фаолияти

Фан оламида модуллаштириш атамаси табиат ва жамиятнинг турли объектларини ўрганиш усули сифатида кенг қўлланилмоқда. Иқтисодий алоқалар, биологик, физиологик жараёнлар, ижтимоий структуралар, техника воситалар, экологик вазиятлар ва тил ҳодисалари модуллаштирилмоқда

Ўқитувчи фаолияти модули муаллифи Н.Саидаҳмедов ўқитувчи фаолияти структурасини анчагина мукамал ёрита олган. Унда ўқувчи фаолиятига алоҳида аҳамият берилган ва у бирламчи мавқега кўтарилган. Н. Саидаҳмедовнинг фикрича, дарснинг натижаси бевосита ўқитувчи шахсига унинг шахсий фазилатлари-ю, сифатларига чамбарчас боғлиқ эмас. Аслида ҳам янги технология билан ишлаётган ўқитувчи асосан таълим жараёнининг ўқувчи фаолиятини бошқариш, назорат қилиш билан шуғулланади.

Албатта, биз бу билан дарс сифати ва самарадорлиги ўқитувчи шахсига бутунлай алоқадор эмас, дейишдан йироқмиз. Ўқитувчининг ижобий фазилатлари, дарс бериш маҳорати қанча кучли бўлса, ўқувчи фаолияти шунчалик самарали бўлиши шубҳасиз, биз урғу бермоқчи бўлган фикр бошқа. Замонавий дарснинг ижобий самараси - ўқитувчи шахси ва унинг педагогик маҳорати маҳсулигига эмас, балки унда ўқувчининг, яъни ўрганувчи


субъектнинг ҳам илмий изланишлари, ижодий ўқув фаолияти, катта-кичик кашфиётлари ётади. Илғор педагогик технологиялар ҳукмронлик қилаётган бугунги кун таълимида ноанъанавий интерфаол усуллар, янгича ёндашувлар, доимий равишда ривожланиб, такомиллашиб бораверади ва бундай дарсларда ўқитувчи шахси ҳукмронлиқдан йўналтирувчи-бошқарувчилик тамойилига ўтади.

Асосий талаб дарс режасида кўрсатилган фаолият турларининг мақсадга мувофиқ, аниқ ва мукамал бажарилишидир. Зеро, замонавий дарсларда фаол ишловчи-ўқувчи, унинг йўналтирувчи топшириқлар, мустақил изланишлар натижасида эгаллаган БКМлари, уларнинг ўқувчи нутқий фаолиятига, матн яратиш маданиятига ижобий таъсири-ДТС талабларида кўрсатилган «ижодий тафаккур соҳиби»га мос ва хос бўлган натижадир.

Демак, Н. Саидаҳмедовнинг ўқитувчи фаолияти модули ноанъанавий усулларга ва янги педагогик технологияларга асосланган замонавий дарс табиатига ҳам мос келади. Бинобарин, у замонавий она тили дарси структурасидан мустақкам ўрин олган ва биз тавсия қилаётган онгли вербал-когнитив таълим тизимига моҳиятан зид эмас. Чунки ОВКТ тизимида ҳам ўқитувчи шахси эмас, балки унинг мақсадли фаолияти, яъни танлаш, йўналтириш, назорат қилиш, хулосалаш муҳим ўрин тутаяди.

4-жагвал

### Ўқитувчи фаолияти модули



<sup>1</sup>Она тилидан янги таҳрирдаги Давлат таълим стандартлари, ўқув дастури ва мавзунинг режалаштириш. Тузувчилар.Р.Сафарова, Р.Йўлдошев, Й.Абдуллаев, М.Мирмахсудова. -Т., 2004й

**Кўринадик, ўқитувчи фаолияти модули ва ОВКТ таълим тизими бир-бирини инкор қилмайди, аксинча, бир-бирини тўлдиреди, замонавий таълим жараёнини, ундаги субьектларнинг ўрни, роли, функцияларини тўғри тушунтиришга ёрдам беради.**

Президентимиз И. Каримов анъанавий таълим тизими ҳақида тўхталар экан, "...мактабларимизда болалар мустақил фикрлашга ўргатилмаслиги, таълим жараёнида ўқувчи пассив тингловчи, ўқитувчининг фаол ишловчи, ҳукмрон эканлиги..."ни қаттиқ танқид остига олди. Умумий ўрта таълим мактаби битирувчисининг (9-синф) эркин фикрлаш, мустақил матн яратиш малакалари сифати ва даражаси она тилидан ДТСлари талабига жавоб берадими? Бу борада илгор педагогик технологиялардан фойдаланиш қай аҳволда?

Мустақил яратилган бадиий матн – ўқувчининг имло саводхонлиги, ижодий тафаккури, сўз бойлиги, нутқий салоҳиятини, қолаверса ўқитувчи маҳоратини намойиш этувчи кўзгу, акс садо. Чунки ўқувчининг она тили таълим жараёнида эгалланган билим, кўникма ва малакалари, уларнинг амалий татбиқи – ўқувчининг ўзи, мустақил яратган матндагина аниқ ифодасини топади. Зеро, ўқувчининг ўзгалар фикрини қабул қилиш ва ўз фикрини ифодалашга қаратилган эҳтиёжи асосига қурилган амалий фаолиятгина она тилидан эгалланган билим, кўникма ва малакаларни мустақамлаш коммуникатив саводхонлик даражасининг ошиб бориши, матн яратиш кўникмаларининг ривожланишига сабаб бўлади. Ана шундай фаолиятгина таълим жараёнини самарали ташкил қилиш бўйича ДТС талабларига мос келади ва ўқувчида ижобий ўқув мотивларини ҳосил қилувчи муҳим дидактик восита вазифасини бажара олади.

Демак, ўқувчида матн яратиш кўникмаларининг шакланганлик даражаси эгалланган БКМлар интеграцияси ва уларнинг амалий татбиқи натижаси бўлган, мустақил яратилган матн мазмунида акс этиши керак.

### Ўқувчиларда матн яратиш кўникмаларини шаклантиришнинг ҳозирги аҳволи

Монография ишининг режали дастури бўйича синов-тажриба ишларини бошлашдан олдин мавжуд ҳолатни ўрганиб чиқиш, муайян хулосаларга келиш учун қуйидаги таълим муассасаларида назорат ишлари олиб борилди:

1. Чилонзор туманидаги 90-умумий ўрта таълим мактаби.
2. Тошкент шаҳар, Юнусобод туманида жойлашган ТДЮИ қошидаги академик лицей.
3. Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманидаги 34-мактаб.
4. Сирдарё вилояти, Мирзаобод туманидаги 13-мактаб.
5. Сирдарё вилояти, Гулистон туманидаги 17-мактаб.
6. Гулистон шаҳридаги Гулистон академик лицейи;

Мазкур умумий ўрта таълим мактаблари ва ижтимоий гуманитар йўналишдаги ўрта махсус таълим муассасаларида она тили ва ҳозирги ўзбек адабий тили дарсларининг мавжуд аҳволи кузатилади ва атрофлича ўрганиб чиқилди. 8-9-синф ўқувчиларига эркин мавзуда матн яратиш бўйича ўқув топшириқлари берилди, тажриба-синов ишлари қисқа ахборотлар анкета сўровлари ва илмий тадқиқот мавзусига оид саволномалар тарқатилиб олинган натижалар таҳлил қилинди, матн яратиш малакаларининг ўқувчи онглик шакланганлик даражасини аниқлаш бўйича ёзма назорат ишлари ўтказилди.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 84-мактабнинг тажриба-синовда қатнашадиган ўқитувчиларига 9-синфларда мустақил матн яратиш кўникмаларининг шакланганлик даражасини аниқлаш учун қуйидаги эркин мавзулар тавсия қилинди:

1. "Олий мақомдаги учрашув". 2. "Россия ва Ўзбекистон президентларининг учрашувлари". 3. "Ўзбекистон – келажак буюк давлат". 4. "Менинг севимли ўқитувчим".

Ўқувчилардан назорат ва таҳлил учун олинган эркин мавзудаги (220 та) матнлар Давлат таълим стандартларида кўрсатилган тамойиллар бўйича текширилиб, қуйидаги 3 гуруҳга ажратилди.

- 1-гуруҳ. ДТС талабларига жавоб беради.
- 2-гуруҳ. ДТС талабларига қисман жавоб беради.
- 3-гуруҳ. ДТС талабларига жавоб бермайди.

1-гуруҳга киритилган матнлар таснифи: Миқдорий кўрсаткич: 10-14 гапдан иборат бўлган матн яратилган, мавзу талаб даражасида ёритилган; фикр баёнида тилнинг тасвирий воситаларидан фойдаланилган; матнда такрордан сақланилган ва лексик синоним қўлланилган; хатбоши, диалоглардан фойдаланилган, эпиграф ёки иқтибослардан бири мавжуд, услубий синонимлар мавжуд; абзацлар тўғри ажратилган; кириш, асосий қисм, хулоса, гап боғламалари мавжуд; матн ДТС талабларига жавоб беради.

- 2-гуруҳга киритилган матнлар:

Матнда гаплар абзацларга ажратилмаган; матнда фикр изчиллигига қисман риоя қилинган; яхлит матнда абзац ва МСБ лари чегараси ноаниқ; боғламалар кам, матнда услубий ғализликлар, такрор, имловий ва пунктуацион хатолар учрайди; хулоса аниқ эмас; матн ДТС талабларига қисман жавоб беради;

3-гуруҳга киритилган матнларда ўқувчилар қуйидаги услубий мантиқий хатоларга йўл қўйганлар:

1. Матнда мазмуний боғланиш сезилмайди; 2. Фикр изчиллигига риоя қилинмаган, кириш, асосий қисм ва хулосалар фарқланмайди; 3. Матнда хатбоши йўқ, тиниш белгиларидан фақат нуқта учрайди; 4. Гапларнинг ўзаро мантиқий-услубий боғланишига эътибор берилмаган; 5. Имловий ҳамда услубий хатолар кўп; 6. МСБлар мавжуд эмас; 7. Хулоса йўқ; 8. Матн таркиби тўлиқ шаклантирилмаган; 9. Матн ДТС талабларига жавоб бермайди.

Она тилидан ёзма ишларни баҳолашни (диктант, баён, иншо, бадиий матн) 4 турда ўтказиш мақсадга мувофиқ деб белгиланди. Тинглаш ва ёзма фикр ифодалаш кўникмаларини мустақамловчи диктантни ёзишда ўқувчи матнни шаклантириш бўйича муайян ДТС талабларини бажариши лозим. Диктант ёзиш- баён, иншо ва мустақил матн яратишга нисбатан қулай, унда ҳар бир сўз ўқитувчи томонидан айтиб турилади. Қуйида диктантни баҳолашда қандай нутқий меъёрларга асосланилиши лозимлиги ҳақида тавсиялар берамиз:

1. Диктант тайёр материал, уни ёзишда асосан ўқилаётган матнни диққат билан тинглаш ва эшитилган гапларни тўғри, ўринли, ҳуснихатта риоя қилган ҳолда, дафтарга тушириш, имло саводхонлиги кўникмалари текширилади. Унда: 1. Сўзларни диққат билан эшитиш, тоза ва бир текис ёзиш. 2. Ёзувда имло қоидаларига риоя қилиш. 4. Гапда тиниш белгиларини ўринли қўллаш. 5. Атоқли ва турдош отларни, қавс ва қўшгирноқлар, чизиқча ўрнини фарқлаш. 6. Матнни шаклантиришда хатбоши ва МСБларини тўғри ажратиш ва ўринли ишлатиш билим, кўникма ва малакаларнинг шакланганлик даражаси аниқланади.

Она тили таълимида диктантнинг 12 тури фарқланади. Улардан бизнинг илмий –тадқиқот ишимизга кўпроқ таалуқдиси- ижодий диктант ва унинг турлари саналади. Шу фикрларга асосланиб, мазкур ишда диктант учун яна юқори баҳони 6 балл миқдорига белгилаш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади.

2. Баён ўз хусусиятига кўра, қисман изланувчанлик характеридаги ёзма ишлар қаторига киради. Баёнда мавзу юзасидан муайян тушунча берилган яъни ўқитувчи ёзиладиган баён матнини 3 марта ўқиб беради, ёки матн тасвири катта экранга ( 3-5 дақиқа давомида) чиқарилади. Ўқувчи эслаб қолгани ва қурилишларини ўзгартириши, гапнинг таъсирчанлигини ошириши ва тасвирий восита ва турғун иборалардан ижодий фойдаланиши мумкин бўлади.

Баёнда назорат қилинадиган билим, кўникма ва малакаларга қўйиладиган талабларни қайта хотирлаш, сўзларни қиёслаш ва танлаш, уларнинг ўзаро боғлашда грамматик воситалардан ижодий фойдаланиш, баён матнини хатбоши ва МСБларига тўғри ажратиш, раван гап тузиш ва матн таркибини тўғри шакллантириш маҳорати кўринади. Баёнда матнни тўғри шакллантириш ёзма иш жараёнида имло қоидаларига, нутқий меъёрларга амал қилиш, тинч баёнга бериладиган энг юқори баҳо 10 балл қилиб белгиланди.

3. Иншо. Иншо асосланган манбаси, фойдаланилган адабиётлари турлари кўра иккига бўлинади: 1. Она тили ва адабиёт дарсларида ёзиладиган иншо, дарсликларига киритилган бадиий асар бўйича ёзиладиган иншо, адабиёт ўқувчида мавжуд бўлган билим, кўникма ва малакалар асосида, мустақил яратилган эркин мавзудаги иншо.

Биринчи турга киритилган иншо ҳам ярим ижодий иш ҳисобланиб, бадиий асардаги ижобий ёки салбий қаҳрамоннинг қиёс тавсифи, типик образлар таснифи, асарнинг маънавий-ғоявий аҳамияти миллий қадриятлар, анъаналарнинг тарбиявий аҳамияти ҳақида сўз юритиладиган муқаддам ўрганилган адабиётлардан фойдаланиб ёзиладиган иншо бу ДТС талаблари, она тили таълими иншога ўқувчи томонидан мустақил яратилган матнлар киради. Илмий- тадқиқот ишимизда ўқувчининг мустақил ва мустақил фикрлаш маҳсули бўлган, муқаддам ўрганилмаган, ўқувчининг ўз кучи, бадиий иқтидори, шахсий тил бойлиги билан яратилган бадиий услубдаги мустақил яратилган матн<sup>1</sup> ларнинг рейтинг баҳоси 20 балл қилиб белгиланди. Зеро, эркин мавзудаги мустақил матн ўқувчи билимини, нутқий салоҳиятини кўрсатиб турадиган кўзгу, коммуникатив саводхонлик даражасини белгилаб берувчи мезондир.

Ўқувчи 10-15 та гапдан иборат мустақил матн яратиш учун ўзи мустақил мушоҳада юритади, ўзи сўз танлайди, тузган гапларини ўзи мустақил таҳлил қилади, гапларни ўзи тартибга келтиради, матннинг таркиби, мазмуни меъёрий шакланганлиги-ю, услубий-манتيқий мукаммаллиги ҳақида фикр юритади, ижод қилади, ўзининг мавжуд бўлиши ва ўқувчи билганини, нутқий салоҳиятини коммуникатив саводхонлик даражасини белгилаб берувчи мезондир.

Ўқувчи 10-15 та гапдан иборат мустақил матн яратиш учун ўзи мустақил мушоҳада юритади, ўзи сўз танлайди, тузган гапларини ўзи мустақил таҳлил қилади, гапларни ўзи тартибга келтиради, матннинг таркиби, мазмуни меъёрий шакланганлиги-ю, услубий-манتيқий мукаммаллиги ҳақида фикр юритади, ижод қилади, ўзининг мавжуд бўлиши ва ўқувчи билганини, нутқий салоҳиятини коммуникатив саводхонлик даражасини белгилаб берувчи мезондир.

Ўқувчи 10-15 та гапдан иборат мустақил матн яратиш учун ўзи мустақил мушоҳада юритади, ўзи сўз танлайди, тузган гапларини ўзи мустақил таҳлил қилади, гапларни ўзи тартибга келтиради, матннинг таркиби, мазмуни меъёрий шакланганлиги-ю, услубий-манتيқий мукаммаллиги ҳақида фикр юритади, ижод қилади, ўзининг мавжуд бўлиши ва ўқувчи билганини, нутқий салоҳиятини коммуникатив саводхонлик даражасини белгилаб берувчи мезондир.

Ўқувчи 10-15 та гапдан иборат мустақил матн яратиш учун ўзи мустақил мушоҳада юритади, ўзи сўз танлайди, тузган гапларини ўзи мустақил таҳлил қилади, гапларни ўзи тартибга келтиради, матннинг таркиби, мазмуни меъёрий шакланганлиги-ю, услубий-манتيқий мукаммаллиги ҳақида фикр юритади, ижод қилади, ўзининг мавжуд бўлиши ва ўқувчи билганини, нутқий салоҳиятини коммуникатив саводхонлик даражасини белгилаб берувчи мезондир.

қобилиятини намоён қилиши учун ўқитувчи томонидан берилган имконият, ўзига хос кашфиётдир.

2000-2006-ўқув йиллари давомида мазкур илмий-тадқиқот иши дастури асосида Тошкент шаҳар ва республика вилоятлари ҳудудида жойлашган 4 та умумий ўрта таълим мактаби, 2 та академик лицей ўқувчиларининг мустақил матн яратиш кўникмаларининг шаклланиши даражасини аниқлаш бўйича назорат ишлари олиб борилди. Қуйида синов-тажриба ишлари олиб борилган умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг эркин мавзуда яратган матнлари ва уларнинг таҳлили натижаларидан намуна келтирилди. Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, 84-умумий ўрта таълим мактабининг 9-маҳсус синф ўқувчиси Юсупова Маржонанин эркин мавзуда яратган матн парчаси таҳлилга эътиборингизни қаратамиз:

Мавзу: Ўзбекистон-кељага буюк давлат.

... Мана, барча катталар ҳозирги кунда шу гапларни такрор ва такрор марта айтишяпти. Нимага? Чунки улар Ўзбекистонимизнинг бунданам яшнашини хоҳлайдилар. Улар қўлларидан келганча бу ҳаётимизнинг яшнашига ҳисса қўшдилар...

Юқорида келтирилган матн парчасида ўқувчининг гап қурилиши ва фикр ифодалаш борасидаги камчилиги равшан кўринади. Парчадаги биринчи гапда умумлаштириш ўта мавҳум... барча катталар... (кимлар?) ... шу гапларни такрор ва такрор марта... айнан шу ҳолатда марта сўзи ортиқча, агар "марта" сўзини ишлатиш зарур бўлса, "кўп марта" ҳолатида бериш мақсадга мувофиқ, бунда "такрор ва такрор" сўзларини гап таркибидан чиқариш лозим бўлади. Иккинчи гап: "Чунки улар Ўзбекистонимизни бунданам яшнашини хоҳлайдилар." Гапдаги "бунданам" сўзи сўзлашув услубига хос, "бундан ҳам" сўз бирикмасини ишлатиш учун эса шу гап ёки олдинги гап таркибида Ўзбекистоннинг тараққиёти ҳақида фикр берилиши лозим эди. Кейинги гап эса олдинги гапнинг манتيқий такрорига айланиб қолган.. улар (такрор), қўлларидан келганча бу (қайси?) ҳаётимизнинг яшнашига (яна такрор) ҳисса (қанақа?) қўшдилар. Хулосада берилган тўрт қатор шеър эса матн йўналишига умуман тўғри келмайди: "Келинг, ота-онамизга биз ҳам ёрдам (қанақа?) (нимада?) берайлик!

Сўзласин Афросиёб-у сўзласин Ўрхун хати,  
Кўҳна тарих шодасида битта маржон Ўзбегим..."

Юқорида таҳлил қилинган матн парчаси ҳақида қуйидагиларни айтиш мумкин.

1. Сўз бойлиги даражаси кам.
2. Гап тузиш даражаси ўрта.
3. Такрор фикрлар кўп.
4. Ибора ва бадиий тасвир йўқ.
5. Услубий мантиқий меъёр бузилган.
6. Ижодий тафаккур доираси-тор.
7. Матн хулосаси мавҳум.
8. Ўқувчи матн ва унинг таркибий қисмлари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга эмас.
9. Ўқувчида сўзга масъуллиқ ҳисси сезилмайди.
10. Умумий балл 10F20. Иш иккинчи гуруҳга киритилди.

Шу мактабнинг 9-синф ўқувчиси Усмонова Наргизанин «Келажак авлод ёшлар кўлида» сарлавҳали эркин мавзудаги матнида йўл қўйилган услубий нуқсонлардан намуналарни кўриб чиқайлик: «... Бой тарихимиз саҳифаларига яна келажак юртимиз ҳақида қўшилмоқда.»

Мазкур матн парчасида уни яратган муаллиф гапда мантиқни таъминловчи зарур сўз бирикмасини қолдириб кетган, ...ҳақида қўшилмоқда... эмас, ...ҳақида

янги саҳифалар қўшилмоқда деб ёзилса, гап қурилиши, мантиқ ва мазмуни уйғунлиги тўлиқ бўлади. Лекин, бу тузатиш билан гап семантик жиҳатда мукамал ҳолатга келди, деб бўлмайди. "... Бой тарихимиз саҳифаларига келажак юртимиз ҳақида қўшилмоқда." жумласи ғализ, тушунарсиз. Бундан ташқари матн сарлавҳаси ҳам мавҳум. «Келажак авлод ёшлар қўлида» Яратилган матнга «Келажак ёшлар қўлида», «Келажакни ёшлар яратадилар» «Келажак ёшларники», «Ёшлар-келажак бунёдкорлари» ва ҳ.к. деб сарлавҳа қўйиш анча тўғрироқ бўлади. Чунки келажак авлод (яъни болалар) ёшлар қўлида эмас, ота-оналар қўлида бўлиши ҳақиқатта яқин.

Усмонова Наргизанинг ёзма ишида: 1. Луғат захираси таълим стандартлари талабига жавоб бермайди. 2. Гап тузиш даражаси ўрта. 3. Такрор кўп. 4. Цитата, тасвирий воситалар, мақол ва ҳикматли сўзлар йўқ, маънодош сўзлар кам ишлатилган. 5. Услубий- мантиқий ва адабий меъёр бузилган. 6. Ижодий тафаккур доираси- тор. 7. Матнда изчиллик ва узлуксизлик принциплари риоя қилинмаган, хулоса мавҳум. 8. Матннинг таркибий қисмлари тўлиқ шакллантирилмаган, маъно мавҳум. 9. Ўқувчида сўзга масъуллиқ ҳисси сезилмайди. 10. Умумий балл 10F20. Иш иккинчи гуруҳга киритилди. Матн савияси ва сифатига қўйилган талаблар қўйидаги параметрлар билан ўлчанди:

1. **Фикр изчилиги.** Ўқувчилардан олинган 220 та ёзма ишдан атиги 44 тасида воқеалар ривожидан изчиллик ва кетма-кетлик, бадиий бўёқдорлик таъминланган. Матнда ишлатилган гаплар тартиб билан, тема-рема моделлари яратилган бўлиб, уларда МСБлари аниқ ва равшан кўринган. Улардан 11 тасида такрорга йўл қўйилмаган, маъновий бутунлик мавжуд, матнда киритилган асосий қисм ва хулосалар бор. Улар биринчи гуруҳга киритилди. Иккинчи гуруҳга киритилган 64 та ишда ҳам маъновий бутунлик ва бир қадар изчиллик мавжуд. Матн шакллантирилган. Унда кириш, асосий қисм ва хулоса бор, асосий имло хатолар ва тиниш белгиларининг ноўрин ишлатилиши учрайди, хулоса уларнинг Давлат таълим стандартлари талабларига жавоб бера олмаслиги маълум бўлди.

2. **Мустақил гапларнинг ўзаро боғланиши** (грамматик боғланиш) Яратилган матнлар мазкур параметр асосида текширилганда, қуйидаги натижалар олинди. 220 та ишнинг деярли барчасида мустақил гапларнинг ўзаро боғланиши, гапда сўзларнинг тартиби, услубий ва мантиқий тугаллиги юзасидан нуқсон ва камчиликлар мавжуд. Шулардан 10 тасида мазкур нуқсонлар сезилмайди. Улар 1 гуруҳга киритилди.

3. **Мавзуни очиб беришда тил имкониятларидан фойдаланиш** меъёрлари: Мазкур параметрлар бўйича таҳлил натижалари: Синов-тажриба ишларида қатнашган 220 та ўқувчи (8-9 синфлар) дан 44(20,1%) фразеологик иборалар ва тасвирий воситалар ишлата олганлар. Шу олтмиш учта (матн-максимал 20 баллик рейтинг бўйича баҳоланди) 16-18 балл олинди. Назорат-синов ишларида қатнашган 220 ўқувчининг 64 таси (29%) бўлиб, 1-гуруҳга киритилди. Қолган 173 ўқувчининг 64 таси (37%) 2-гуруҳга киритилди. Қолган 112 (50,9%) ўқувчи эса 3-гуруҳга киритилди, холос.

Илмий тадқиқот мавзуси бўйича назорат ишлари олиб борилган мактаб ва академик лицейларда матн яратиш кўрсаткичлари (Жами 220 ўқувчи).

5-жағвал

Мактаб ва академик лицейлар	Синфи, курси	Ўқувчи сони	ДТС талабига:		
			жавоб беради «А» гуруҳ	қисман жавоб беради «Б» гуруҳ	жавоб бермайди «В» гуруҳ
1. ТДЮИ қошидаги академик лицей	2-курс 5-6-гр., 9-"Б" синф	68	12	21	35
2. Чилонзор тумани 90-мактаб		25	5	8	12
3. Сирдарё вилояти Гулистон тумани 17-мактаб	8 "А" синф	25	5	7	13
4. Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани 84-мактаб	9 "Б" синф	26	5	6	15
5. Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани 13-мактаб.	9 "А" синф	24	6	6	12
6. ГДУ қошидаги академик лицей	1-курс 1-2-гр.,	52	11	16	25
<b>Жами:</b>	<b>Ўқувчи сони</b>	<b>8 та</b>	<b>220</b>	<b>44</b>	<b>112</b>
<b>ҳисобидан</b>	<b>сонига нисбатан %</b>	<b>8 та</b>	<b>100</b>	<b>20,1</b>	<b>29</b>
					<b>50,9</b>

Тажриба-синов ишлари олиб борилган таълим муассасаларида назорат учун олинган ёзма матнлар таҳлили натижалари ўрганиб чиқилди ва қуйидаги хулоса ларга келинди..

Ўқорида келтирилган жадвалда илмий-тадқиқот мавзуси бўйича назорат ишлари олиб борилган мактаб ва академик лицейларда мавжуд бўлган матн яратиш бўйича БКМлар кўрсаткичлари акс эттирилган. Мазкур 220 ўқувчи томонидан яратилган эркин иншо(мустақил матн)ларнинг ДТС талабларига жавоб берадиган «А» гуруҳига 44 та иш, ДТС талабларига қисман жавоб берадиган «Б» гуруҳига 64 та иш, ДТС талабларига умуман жавоб бера олмайдиган матнлар гуруҳи «В»га эса 112 та ёзма иш киритилди. Жадвал бўйича жами ДТС талабларига жавоб бера оладиган матнлар сони 108 та, яъни ўқувчи сонига нисбатан фоиз ҳисобида 49,1% ни ташкил қилди.

#### Биринчи фасл юзасидан хулосалар.

Ўқорида ўрганиб чиқилган Республика умумий ўрта таълим мактабларининг 8-9-синф ўқувчилари ҳамда академик лицейларнинг биринчи курс талабалари томонидан матн яратиш кўникмаларининг шаклланиши даражаси бўйича мавжуд аҳволни аниқлаш мақсадида ўтказилган 220 та ёзма назорат ишларини текшириш, йўл қўйилган хатолар ва услубий нуқсонларни таҳлил қилиш, мустақил матн тузиш кўникмаларининг шаклланиши даражасини аниқлаш, матн яратиш ва матн устида ишлаш бўйича бирламчи

(таълим муассасаларида мустақил матн яратиш кўникмаларини шакллантиришнинг мавжуд ҳолати, анкета саволларига жавоблар) педагогик илмий-тадқиқот эксперименти натижаларини умумлаштириш, илмий адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, мустақил матн яратиш масаласининг умумтаълим мактаблари она тили дастури талабларига жавоб бериш-бермаслиги, мазкур кўникманинг болалар томонидан эгалланганлик даражаси ва унинг амалий тадбиқи юзасидан қуйидаги хулосага келинди:

1. Умумий ўрта таълим мактаблари 8-9- синф ўқувчиларининг она тили фанидан эгаллаган билим, кўникма ва малакалари, коммуникатив-услубий саводхонлиги мустақил, илмий-ижодий, ихтисосий, расмий матн яратиш учун етарли эмас.

2. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида мавжуд бўлган ижодий матн яратиш, матн қурилишини тўғри, ихчам, шакллантириш, фикрни бадиий бўёқдор сўзлар орқали ифодалаш кўникмалари даражаси, ДТС талабларига жавоб бермайди.

3. Ўқувчиларда бадиий бўёқдор гаплар қуриш учун зарур бўлган турғун иборалар, топишмоқлар, мақол ва ҳикматли сўзлар, тасвирий воситалар захираси ўта ночор.

4. Ўқувчиларнинг ёзма ишларида учрайдиган имловий нуқсонлар, оҳангнинг бузилиши (тиниш белгиларининг ноўрин ишлатилиши) изчил бартараф этилган ҳолда гап қурилишидаги гализликлар, мазмуний, мантиқий-услубий нуқсонларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш устида ишлаш она тили ўқитувчиларининг (натижада ўқувчиларнинг ҳам) эътиборидан четда қолмоқда.

5. Ўқувчиларнинг берилган ва яратилаётган матн мазмуни, алоҳида ажратилган тушунчаларни анализ ва синтез қилиш, жумлалар тузиш учун зарур бўлган сўз ва сўз бирикмаларини жадал ҳосил қилиш, уларни ўзара қиёслаш ва танлаш, услубан равон, шаклан ихчам ва мантиқан тўғри фикр ифодалаш кўникмалари етарли даражада ривожланмаган.

Республикамиз ҳудудида таълим тарбия фаолиятини юритаётган умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус таълим тизимида она тилида мустақил матн яратиш бўйича давлат стандартлари талаблари республика миқёсида ўртача 48-55% атрофида бажарилмоқда. Мавжуд она тили дарсликларидан ҳар бир мавзу юзасидан ижодий фикрлаш, мустақил матн яратиш кўникмаларини шакллантириш топириқлари кам, бори ҳам алоҳида тизимга солинмаган, ўқувчини матн яратишга ўргатишнинг модулли тизимга яратилмаган ва мазкур масала она тили дарсликларидан ханузгача ўзининг тўлиқ ечимини топганича йўқ<sup>1</sup>.

- Умумий ўрта таълим мактаблари битирувчилари, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими ўқувчиларида мустақил фикрлаш, фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда тўғри, равон ифодалаш, мустақил илмий-ижодий ва ихтисосий матн яратиш малакалари етарлича шакланмаган.

- Умумий ўрта таълим мактабларида она тили ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимида ҳозирги ўзбек адабий тили фанларининг айни пайтда жуда долзарб бўлиб турган ўқувчиларда матн яратиш кўникмаларини шакллантириш масаласи ривожлантирувчи илғор педагогик технологиялар асосида қайта ишланишга муҳтож.

<sup>1</sup> Мазкур хулосалар 2001-2002 - ўқув йилларига тегишли (М)

## Умумий тавсиялар:

1. Зудлик билан мустақил матн яратиш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қилувчи махсус технологиялар яратиш, уни тажриба-синовдан ўтказиш,

2. Матн яратиш технологияларини ўқув топириқлари тизими ёки универсал матн яратиш модули сифатида она тили дарсликлари таркибига киритиш;

3. Ўқувчи коммуникатив саводхонлиги даражасини аниқлашга, нутқий малакалар, фикр ифодалаш кўникмасининг ривожланиб боришини тўлиқ назорат қилишга хизмат қилувчи параметрларни белгилаш;

## ИККИНЧИ ФАСЛА

### Матн устида ишлаш-матн яратиш кўникмаларини шакллантириш ва мустақамлаш омили

*Гарчи азим дарахт бўлса тил,  
Матн- унда яралган ҳосил.*

Миллат тафакқурини ривожлантирувчи, ундаги миллий мафкура, маънавий баркамоллик, интеллектуал салоҳиятни кўрсатиб турувчи асосий мезон-тилдир. Тил барқарор ҳодиса, нутқ эса беқарор- вақтинчалик, у алоҳида шахснинг муайян макон ва замондаги индивидуал-интеллектуал кўрсаткичлари: илмий-ижодий тафакқури, алоқа-аралашув, ижтимоий-сиёсий эҳтиёжларини кафолатловчи, хусусий мулоқот, таъсир ва акс таъсир натижасини воқелантирувчи бош восита саналади. Инсониятнинг ижтимоий-сиёсий тараққиёти учун зарур бўлган илмий манбаларни авлодларга мерос қилиб қолдириш учун бирдан-бир, имконият - матн ва матн яратиш илми билан шуғулланишдир. Демак, тил имконият, матн эса натижадир, тил умумийлиги, матн эса хусусийлиги билан фарқли, тил ижтимоий мулоқот маҳсули, матн-эгалланган билим, кўникма ва малакалар интеграцияси ҳосиласи, индивидуал тафакқур маҳсули, инсон яраткичларининг мажозий рамзи, инъикосдир.

### 2.1. Матн-нутқий кўникмалар ва ижодий тафакқур интеграцияси маҳсули.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида Давлат таълим стандартларининг ишлаб чиқилиши, умумий ўрта таълим йўналиши, мактаб она тили ва адабиёти ўқитувчилари олдига улкан вазифаларни қўймоқда. Ўсаётган авлоднинг мустақил ва ижодий фикр эгаси, ихчам ва гўзал нутқ соҳиби, нутқий шароитни тўғри баҳолай оладиган тадбиркор, Ватан тараққиёти учун хизмат қиладиган, маънавий баркамол кишилар бўлиб этишишини таъминлаш- умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус ва касб-ҳунар тизими она тили таълимининг бош мақсади ҳисобланади.

Умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасаларида она тилини ўрганишдан асосий мақсад коммуникатив саводхонликни ривожлантириш, мустақил ва ижодий фикрлай оладиган, қироат ва суҳандонлик санъатидан боҳабар, оғзаки нутқ ҳамда матн яратиш кўникмаларини мукамал эгаллаган, маънавий баркамол шахсни тарбиялаб

етиштиришдан иборат. Она тилидан Давлат таълим стандартлари ана шу таълимий мақсадни амалга оширишга хизмат қилади. Мазкур мақсаддан келиб чиқилганда, она тили таълими:

- ўқувчиларнинг кузатиш, англаш ва фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, алоҳидаликларни ажратиш, қиёслаш ва тасниф қилиш лаёқатини, мантиқий тафаккур даражасини ўстиришга;

- ўқувчиларнинг ўзлитини, моддий борлиқни, воқеа-ҳодисаларни, миллий тилнинг ифода воситалари орқали идрок этиш, ҳамда ўз фикри, дунёқарашини, ҳис-туйғуларини мазкур тил имкониятларидан фойдаланиб, тўғри, аниқ, раво ифодалай олиш кўникма ва малакаларини шакллантиришга;

- ёш республикамизга илмий-ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топа биладиган, чуқур билимли, ижодкор ва рақобатбардош мутахассис, туркий лисон дуроналари, миллий қадриятларимизни эъзоз ва эҳтиром қиладиган, ўзбек тилини жаҳон миқёсига олиб чиқадиغان миллий кадрлар етказиб беришга хизмат қилади.

Умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус ва касб-ҳунар коллежлари тизими она тили фани олдига ўқувчидаги коммуникатив саводхонлик, нутқий маданият, ижодий тафаккурни ривожлантириш, ўз фикрини нутқ шароитига мос равишда мустақил ва эркин ифодалай олишга ўргатишни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўйди. Бунинг учун она тили таълими мутахассислари:

- ўқувчиларнинг теварак-атрофдаги буюм, нарса, ҳодисалар ва уларнинг илмий-ижтимоий моҳияти тўғрисидаги тасаввурлари доирасини кенгайтириш;

- ўқувчиларда мазкур буюм ва ҳодисалар орасидаги сабаб, шарт, оқибат қарама-қарши муносабатлар, тўғри ва тескари алоқани аниқ фарқлаш, воқеа ҳодисаларни анализ ва синтез қилиш, уни оғзаки ва ёзма ҳолатларда нутқий вазият тақазосига кўра тўғри ва ўринли тасниф қила билиш кўникмаларини шакллантириш;

- ўз фикрини эркин, раво ифодалай олиш, ўз илмий иқтидори, билими уларни амалиётга жорий этиш орқали қўлга киритилган ижобий натижаларини (нутқий маҳорат, матн яратиш маҳорати) бошқаларга ҳам еткази билиш малакаларини ривожлантириш устида ишлашлари лозим.

Республикамиз умумий ўрта таълим муассасаларида она тили таълими самарасини ошириш, педагог ходимлар ва ўқитувчилар жамоасида илмий потенциални кучайтириш, ўқувчи ва ўқитувчилар ўртасидаги мустақам ижодий ҳамкорликни, ҳақиқий ижодкорлик ва изланувчанлик руҳини йўғрилган ижобий-ривожланувчи соғлом мусобақа муҳитини ҳосил қилиш шу куннинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб турибди.

Хўш, мактаб ўқувчисини ўқув жараёнининг субъектига (ишловчисини изланувчиси, ижтирочисини), ўқитувчини эса шу жараённинг бошқарувчисини (изланувчан ва ижодкор шахс)га айлантиришимиз учун нима қилишимиз. ДТС талабларига мос равишда тўғри, раво шакллантиришнинг қандай усули ва воситаларидан фойдаланишимиз лозим?

- Аввало, умумий ўрта таълим муассасаларида 30-50-йилларда шаклланиб то ҳозирги кунгача ҳам давом этиб келаётган анъанавий таълим тизимидаги эскирган авторитар усуллардан (ўқитувчи - тушунтирувчи, ўқувчи - бажарувчи) узил-кесил воз кечишимиз, онгли вербал-когнитив таълимнинг

субъект + субъект муносабатлари (ўқитувчи изланувчи-йўналтирувчи, ўқувчи изланувчи-кашф қилувчи) ни таълимга жорий этишимиз;

- тил ўқитиш методикасида энг янги ҳисобланган, замонавий дидактик воситалар билан қуроллантирилган, ўқувчини изланиш ва муаммоларни ечишга йўналтирувчи, унда ижобий ўқув мотивларини ҳосил қилувчи ўқув-мультиведиа дастурлари, электрон ўқув адабиётлари билан модернизациялаштирилган онгли вербал-когнитив таълим тизими (кашфиёт таълим тизими)га интенсификация суръатда ўтишимиз;

- методист олимларимиз томонидан тавсия қилинаётган таълим мазмунини такомиллаштириш, билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш суръатини жадаллаштириш, матн яратиш кўникмаларини мустаҳкамлаш мақсадида модуллаштирилган хусусий технологияларни яратишимиз (мас., Уядош сўзлар устида ишлаш орқали ўқувчиларда матн яратиш кўникмаларини шакллантириш технологияси..ва ҳ.к.);

- она тили таълими жараёнида матн яратишга йўналтирувчи дидактик воситалар: компьютер, мультимедиа ИНТЕРНЕТ, электрон почта хизматидан фойдаланишни юқори даражага кўтаришимиз;

- муаммоли таълим ва интерфаол методлардан, таъсир ва акс таъсир усулларида унумли фойдаланишимиз, ўқувчи ва ўқитувчи ўртасидаги таълимий-тарбиявий, устоз-шогирд муносабатларини дўстлик ва ўзаро ижодий ҳамкорлик даражасига олиб чиқишимиз;

- берилган матн устида ижодий ишлаш билан бошланган дарсни янги мустақил матн яратиш - кашфиёт билан тугаллашга эришишимиз, ўқувчини ишловчи, изланувчи, кашфиётчи, ўқитувчини эса изланувчи - бошқарувчи, ўқувчи истеъдодининг ҳали очилмаган қирраларини кашф этувчи, уни муаммолар ечимини топиш сари етакловчи жонқуяр йўлбошчига айлантиради.

Она тили таълимида ўқувчиларнинг коммуникатив саводхонлигини таъминлаш-сўз бойлигини ошириш, нутқий маҳоратни шакллантириш, ўқувчини маданий мулоқот санъатидан хабардор қилиш, турли мазмун ва шакллардаги бадиий, маърифий, муншаот матнлари, бадиий-рамзий матнлар устида ижодий ишлашга ўргатиш, эгалланган БКМлар асосида кичик матнлар, монолог ва диалоглар тузиш кўникмаларини шакллантириш ва мустақил матн яратишга йўналтиришдан иборат бўлиб, у она тили таълими самарадорлигини оширишнинг энг муҳим ва зарур омиллардан бири саналади.

Зеро, мустақил яратилган матн - ўқувчи тафаккури, интеллектуал қобилиятининг воқеланиши, тугал бир мазмуннинг ўқувчи томонидан кашф этилиши, юзага чиқишидир.

Ўқувчи томонидан яратиладиган матнлар ўзининг қатор лингвopsихологик хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қилади. Ўқувчи матн устида ишлар экан турли қийинчиликларга дуч келади, муаммоли вазиятдан чиқиш, унинг ечимларини топиш йўллари қидиради. Бунда у, фақат ўзида мавжуд бўлган билим, кўникма ва малакаларга, компьютер ахборот банкларида жамланган маълумотларга таянади. Ўқувчиларнинг матн устида ишлаш фаолиятини ташкил қилишда ўқитувчи фақат дарслик билан чегараланиб қолмасдан, илмий ва бадиий адабиёт, даврий матбуотдан танлаб олинган матнлар, аудио-видеолавҳалардан ҳам унумли фойдаланиши, мазкур машғулотнинг махсуддорлигини, ўқувчилар учун қизиқарли ва завқли кечишини таъминлайди.

Она тили таълимида матн устида ишлаш усуллари бағоят хилма-хил. Биз қуйида уларнинг айримлари хусусида фикр юритамиз.

#### Грамматик усул (анъанавий амалиёт)

1. Берилган матндан ўрганиладиган мавзуга оид сўзларни ажратиш, уларни сўз туркумлари бўйича гуруҳлаш, сўз ясовчи, ўзгартирувчи ва шакл ясовчи қўшимчаларни гуруҳлаш.
2. Матндаги содда гаплардан қўшма гаплар ҳосил қилиш ва аксинча, қўшма гапларни соддалаштириш.
3. Ажратилган содда ва қўшма гапларни синтактик таҳлил қилиш;
4. Шеъринг асарлар мазмунини насрий йўл билан сўзлаб бериш;
5. Матндаги қўшма гапларни ажратиш, турларини аниқлаш ва ҳ.к.

#### Ижодий усул (янгиланган амалиёт)

1. Матнда ажратиб кўрсатилган сўзларни ибора ва тасвирий ифодалар билан

- алмаштириш, уларнинг луғавий маъносини аниқлаш ва шарҳлаш;
2. Ажратилган сўзларга манодош, уядош, шаклдош ва зид манолари сўзлар топиш ва уларнинг луғавий маъносини шарҳлаш;
3. Илмий услубдаги матнни бадиий услубдаги матнга айлантириш;
4. Матннинг мазмунини сақлаган ҳолда шаклини ўзгартириш;
5. Матндаги гапларни кенгайтириш (ихчамлаш);
6. Бошланиш қисми берилган матнни давом эттириш ;
7. Муаммоли матн устида ишлаш ва тўғри ечимни топиш;
8. Берилган сўз (сўз бирикмаси, гап) асосида мустақил матн яратиш;
9. Берилган электрон аудио-видеолавҳа, тасвир (расм, чизма, жадвал) асосида бадиий (илмий, тасвифий, назмий) матн яратиш ва ҳ.к.

Табиийки, ижтимоий жамиятда яшовчи ҳар бир шахс ёшлигиданоқ ўзаро мулоқот, мулоқот жараёнида фикрлаш ва фикр ифодалаш заруриятини чуқур ҳис қилади. Инсоннинг ижтимоий-маънавий ҳаёти мазмунини ташкил этувчи асосий манба - нутқий муомала-мулоқот ҳисобланса, инсоният эришган тараққиёт, маданий меросни кейинги авлодларга яхлит ҳолда етказишнинг энг ишонарли йўли-ижодий тафаккур маҳсулини ёзма ифодалаш—мустақил матн яратиш малакасини эгаллашдир. Бундай малакага эга бўлишнинг биринчи шартини—ўқувчиларни тайёр матн устида ишлашга ўргатиш, матн таркибида мавжуд бўлган маънавий ва услубий нуқсонларни қийинчиликсиз аниқлаш ва бартараф этиш, матн мазмуни, шакли ва услубини турфа йўналишда қайта ишлаш (ихчамлаш, кенгайтириш, матн тилини бойитиш (эпиграф, цитата, қайта ишлаш (ихчамлаш, кенгайтириш, матн тилини бойитиш (эпиграф, цитата, шакллантириш, матнни таҳлил ва таҳрир қилиш йўллари)ни ўрганишга ибора ва тасвирий восита, мақол, ҳикматли сўзлар қилиш йўллари)ни ўрганишга йўналтиришдир. Грамматик шакллар ва улардаги боғланишларни ўрганишдан мақсад—ўрганилаётган лисоний қонуниятни нутқ таркибида қўллашни назарда тутати. Отларни алоҳида турлаш, феълларни туслаш, фонетика, морфемика, морфологик-грамматик-синтактик қонун-қоидаларни чуқур ва кенг қўламда ўрганиш фойдали, билакс мазкур фаолият ўқувчи онгида мустақил матн яратиш кўникмаларининг шаклланиши ва автоматлашувига етарлича фойда бермайди. Бунда шакл, мазмундан ажралади, шаклнинг англатган маъноларини тўлалигича очилмай қолади. Аксинча, тил ҳодисалари нутқ таркибида таҳлил қилинса, тил бўлимларини ўрганиш матн яратиш ва матн таҳлили билан биргаликда, ўзаро уйғунликда олиб борилса, ўқувчилар шакл ва мазмун

ўртасидаги турли-туман боғланишларни англаб етади ва уларни ўз нутқий фаолиятига татбиқ этади.

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида мустақил матн яратиш кўникмаларининг шаклланишида топшириқли машқлар тизимидан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади. Бундай топшириқлар ўқув мақсадига кўра 2 турга бўлинади: 1. Таълимий машқлар. 2. Назорат машқлари. Бажарилши ўрнига кўра синф ишлари ва уй ишлари фарқланади.

Боғланишли нутқни ривожлантиришга қаратилган машқлардаги топшириқлар тайёр ва яратилажак матнлар устида олиб бориладиган ўқув фаолиятини ўз ичига олади.

Берилган матнлар устида ишлашда қуйидаги ўқув топшириқларидан фойдаланиш мумкин:

- танланган матнга сарлавҳа топинг;
  - кириш сўз (асосий қисми, хулосани) ни белгиланг;
  - берилган матнда мавжуд бўлган хатбошиларни уларнинг ўринлигини кузатиш ва сизга нотаниш бўлган сўзни топинг, унинг луғавий маъносини изоҳли луғатдан қаранг.
  - содда ва қўшма гаплар сонини, уңдалмали, уюшққ бўлакли гаплар сонини аниқланг, матн мазмуни ва қурилишини таҳлил қилинг.
- Ўқувчи томонидан яратилган матнлар устида ишлашда қуйидаги ўқув топшириқларидан фойдаланиш мумкин:
- матнда йўл қўйилган имловий хатоларни топинг ва тузатиш.
  - гапларда сўз тартиби, тиниш белгиларининг ишлатилишида йўл қўйилган хатоларни топинг ва тузатиш;
  - махсус берилган услубий ва маънавий хатоли матнлар устида ишланг, хатоларни топинг ва бартараф қилинг;
  - берилган матндан кенгайтирилиши (ихчамланиши) мумкин бўлган гапларни топинг ва кенгайтиринг (ихчамланг);
  - махсус берилган матндан ноўрин ишлатилган сўзлар, сўз бирикмалари, цитаталарни топинг ва бартараф қилинг;
  - берилган матнга мос келадиган мақол, ҳикматли сўзлар, ибора ва тасвирий ифодалар топинг. Уларни матн таркибига киритинг;
  - берилган матн билан тузатилган (кенгайтирилган) матнни қиёсий таҳлил қилинг;

- матнда берилган сўзни (сўз бирикма, ибора, тасвирий ифода) нима учун алмаштирганингизни тушунтиринг;

-сиз киритган тузатиш матн учун зарурлигини исботланг ва ҳ.к.;

Ўқувчи онгида матн устида ишлаш кўникмаларини шакллантириш жараёни она тили таълимида ўта муҳим ва масъулиятли давр бўлиб, унда ўқувчи монологик ва диалогик матн турларини ўрганиш билан бирга матн устида ишлаш маҳоратини эгаллашга ҳам йўналтирилади. Матн устида ишлаш, ўқувчида матн ва унинг турлари, матн қисмларининг ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлаш, матн таркиби, унинг қурилиши, услуби, тили ҳақида муайян билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишликни талаб қилади. Матн билан юзма-юз бўлган 8-9-синф ўқувчиси унинг қайси матн турига киришини қийинчиликсиз фарқлаши, матннинг таркибий қисмлари-кириш, асосий қисм, хулосанинг мавжудлиги, матннинг қайси соҳага, қайси жанрга мансублигини бир қарашда билиши лозим бўлади. Қуйида 5-9-синфлар она тили таълимида

ўрганиладиган монологик матн турлари ва унинг хусусий жиҳатларининг қисқача таснифи келтирилди:

1. Ривоят матнларда шарқ файласуфларининг илмий мероси, ахлоқий тарбия ва маънавий-маърифий дунёқарашлар, ибора, ҳикматли сўз ва мақолларнинг келиб чиқиши, этимологияси, талқини, тавсифи ва ҳ.к.лар ҳақида сўз юритилади

2. Тасвирий матнларда теварак-атроф: дарахт, бино, гулзор, мактаб боғи, ошхонаси, расмлар, нарсас-буюмлар, шахснинг психологик ҳолати тасвири (назмий ва насрий кўринишда) ва ҳ.к. юзасидан фикр, муносабат ифодаланади.

3. Муҳокама матнда асосан илмий асар, бадий китоб, ўқувчи томонидан яратилган матн таҳлил қилинади, ёки шахснинг индивидуал хусусиятлари, юриш-туриши, хулқи-оқоби, муомала маданияти, бирор соҳага қизиқиши, яратилган насрий ёки назмий матни борасида муносабат билдирилади.

4. Илмий-грамматик матнларда она тили фани бўлимлари ва мавзуларни уларнинг илмий талқини, мавзу юзасидан эгалланган БКМларнинг мустақамловчи машқлар, коммуникатив жадваллар таснифи (мас., олмош ва унинг турлари таснифи в. ҳ.) устида ишланади.

5. Маърифий матн. Машҳур шахслар ҳаёти, илмий-ижодий фаолиятини ёритилади, ( бунда аудио-видео тасвирдан самарали фойдаланиш мумкин) уларнинг таржимаи ҳоли, яратган илмий асарлари, кашфиётлари, маданий мероси ҳақида маълумотлар берилади.

6. Ихтисосий матн. Муайян касб-ҳунар, илм-фан, техникага оид хусусий атамалар ишгирида, маълум мақсад (маълумот, ахборот, маъруза), аниқ соҳа йўналишида яратилган насрий матн.

7. Муншаот матнлари; Расмий ҳужжат матнлари, шахсий ҳужжатлар ариза, тилхат, билдиришнома, шартнома, кенгаш қароридан кўчирма, тақрир. Давлат ҳужжатлари: Лицензия, сертификат, гувоҳнома, диплом... ва ҳ.к.

8. Назмий матнлар: Муайян қонуниятлар асосида қофияланган, бўғинлар сони байт, тўртлик, саккизлик, лирик шеър, туюқ, қўшиқ, ўлан, дoston, поэма, афсона, мувашшаҳ ва ҳ.к.лардан ташкил топади.

Она тили машғулотида матн устида ишлаш амалиёти

Ўқувчиларни матн яратишга тайёрлашда сўзшунослик бўлимига оид, уядош маънодош, шаклдош, зид маъноли сўзлар устида ишлаш кўникмаларини шакллантириш алоҳида ўрин тутади. Маънодош сўзларни билиш- яратилган матн тилини бойитиш, бадий бўёқдор сўзларни танлаш, уларни ибора ва тасвирий восталар билан алмаштириш, уларни ўз матнида қўллашнинг энг ишончли ва маҳсулдор усули. Маънодош сўзлар устида ишлашнинг шакл ва усуллари ниҳоятда хилма-хил. Уларнинг энг кенг тарқалганларини ўқувчиларга ўргатиш, мавзуга оид ижодий ва мустақил ишлар бажариш масалан, умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синфлари учун яратилган электрон ўқув қўлланмадаги «Лексикология» слайдидан фойдаланиш маънодош ва уядош сўзлар мавзусига оид назорат тестлари тузиш ва уларни гуруҳ олдидан химоя қилиш, ўқувчиларни мустақил матн яратишга тайёрлашда ўта фойдали ўқув топшириқларидан ҳисобланади.

Бундай сўзшуносликка оид ижодий-амалий ишлар, оғзаки ва ёзма нутқни маънодош ва уядош сўзлар билан бойитишда муҳим аҳамият касб этади.

Анъанавий таълимнинг каммаҳсул, таҳлилий усулларида воз кечиб янги, «ўқувчи- таълим - ўқитувчи» тизимига ўтиш, таълим жараёнини илғор ўқув технологияси ютуқларига асосланган, замонавий дидактик материаллар (рангли слайдлар, муайян ўқув дастури киритилган дискетлар; аудио — видео кассеталар ва ҳ.к.) билан қуроллантириш, ўқувчиларни жаҳон таълим стандартлари талабларига мос келадиган янги авлод дарсликлари ва дастурлари билан таъминлаш - ўқувчиларда мустақил матн яратиш жараёнини жадаллаштиришда муҳим дидактик омил ҳисобланади.

1-топшириқ. Экрандаги матнни диққат билан ўқинг. Имловий хатоларни топинг ва тузатинг. Унга сарлавҳа танланг. Унда нечта қўшма, нечта содда гап мавжудлигини аниқланг. Матн таркиби, унинг неча қисмдан иборатлигини, «оқ кўйлакли қиз»нинг ким бўлиши мумкинлигини айтинг.

...Зарипа қаёққадир кетган, олмасорда ҳеч ким кўринмас, фақат кушларнинг чуғур - чуғури эшитилар, қаердадир, яқинда тинмай булбул сайрагди.

Воҳид ҳар бири нақ пиёлагай келадиган оппоқ олмаларнинг оғирлигидан ерга тегиб қолган дарах шоқларини эҳтиётлик билан четга сура-сура боғнинг ичкарига қараб юргди.

Тўсатдан дарахлардан бири қатиқ силкинди, ёмғирдек дув тўкилган олмалар воҳидни бошига, елкасига тушди. Сўнгра нимадир «чирс» этиб сингандек бўлди, кимдир қулагандек туюлди ва бошини қўллари орасига олиб, букчилик қолган Воҳиднинг олдида оқ кўйлакли, нозикина узун буйли бир қиз пайдо бўлди...

2-топшириқ. Матндаги қўшма гаплар таркибидаги содда гаплар, уларнинг ўзаро боғланиш воситаларини белгиланг.

3-топшириқ. Матнни ўз тасаввурингиз асосида тугалланг. Хулоса қилинг. Бундай амалий машғулотларни мунтазам, изчил педагогик тизимда ташкил этиш, ўқувчиларнинг фақат ўзигагина хос ва мос бўлган индивидуал услубни («ўз» услубини) аниқлаш ва танлай олишига ёрдам беради. Ўқувчининг ёзма нутқидаги услубий раволик ва мантиқий мукаммаллик даражасини оширади, мустақил турли фанларга оид матн яратиш кўникмаларини шакллантиради, ривожлантиради.

Матнга қўйиладиган хусусий талаблар тизими:

Ўқувчиларни бирорта алоҳида фан соҳасига, масалан биология фанига оид ихтисосий матнлар яратишга йўналтиришда ўқувчиларнинг қайси мавзуларга оид манбалардан фойдаланиши, қайси масалаларга ўз муносабатини билдириши ва матн таркибида қандай нутқ воситаларини қўлаши мумкинлиги ҳақида ўқувчига қисқача маълумот берилиши мақсадга мувофиқ. Яратиладиган матннинг таркиби тўғри шакллантирилиши, мазмундор ва фойдали бўлиши учун эса ўқувчи муайян билим, кўникма ва малакаларга асосланиши, фикр маҳсулини тўғри, мавзу талабига мос равишда ифодаланиши зарур бўлади. Ўқувчилар томонидан яратилган ихтисосий матн (биология фанига оид) нинг қисқача лойиҳаси:

1. Кириш. Матнда тавсиф қилинаётган ўсимлик ёки ҳайвоннинг яшаш ҳудудлари, келиб чиқиш жойи, қандай турга кириши;

2. Асосий қисм. Озиқланиши, ҳосилдорлиги, парвартириш ва кўпайтириш усуллари, инсониятга келтирадиган фойдаси;

3. Хулоса: Ўсимлик ёки ҳайвоннинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти, экологик муаммолар ва уларнинг олдини олиш усуллари ҳақида бўлиши мумкин.

**1-топшириқ.** Маълум бир мавзунин турли шакл ва услубда баён этишга ҳаракат қилинг. Намуна:

### Ҳисор қўйлари

Ҳисор қўйлари Ўзбекистоннинг тоғли минтақаларида боқиладиган уй хайвон-лари турига киради. Сафарга чиқилганда, тоғ ёнбағирларида ўтлаб юрган катта-кичик қўй сурувларига дуч келиш мумкин.

Қўйлар ўт-ўладан ташқари ем (маккажўхори, арпа, буғдой, сули) билан озиқлантирилади. Улар қиш ва эрта баҳорда қўзилайди. Қўзичоқлар 1-2 та, баъзан 3 та ҳам туғилиши мумкин.

Ҳисор қўйлари думли қорақўл қўйларга нисбатан анча катта, оёқлари узун ва бақувват бўлади. 3 ёшли қўчқорлар 80-100 килограммгача гўшти бериши мумкин.

Ҳисор қўйларининг гўшти мазали, витаминга бой бўлади. (Ихтисосий матн)

### Қўчқор уриштириш

«Қўчқор уриштириш» ўзбек халқининг қадимий, кўнгилочар ўйинларидан бири. Байрамлар, тўй-у томошаларда катта совринлар тикилиб, «Қўчқор уриштириш мусобақаси», «кўпқари», «улоқ» каби қадимий ўйинлар ўтказилади. Голиб келган қўчқорнинг эгаси катта соврин олади, енгилган қўчқор эса, баъзан тўй эгасига совға қилинади. Майдонга тушадиган қўчқор алоҳида парвариш қилиниб, махсус ажратилган жойда ем бериб боқилади.

Ўзбеклар қўй гўштини севиб истеъмол қиладилар. Ўзбекнинг паловини қўй ёғи, қўй гўштисиз тасаввур қилиш қийин. Тоғ арчаси шохлари билан димлаб пиширилган «тандир кабоб» эса, чет элларда ҳам машҳур.

Қўй- етти хазинанинг бири. (Бадий матн)

**Мустақил иш:** Матнни ифодали ўқинг, уни таркибий қисмларга ажратинг.

Матнга янги сарлавҳа танланг.

**1-топшириқ.** Юқоридаги тавсиялар ва яратилган матндан фойдаланиб, «Пахта» сарлавҳали кичик матн яратинг. Намуна:

### Пахта

Пахта – Ўзбекистонда этиштирилладиган асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан бири ҳисобланади.

Пахта-маданий, саноатбоп ўсимликлар сирасига кирувчи гўзанинг ҳосили. Ўзбекистонда унинг асосан 2 хили экилади. Оддий толали ва ипак толали пахта. Ипак пахтанинг оддий пахтага нисбатан толаси узун, сифатли ва мустаҳкам, ранги сарғиш, чаноғи кичикроқ бўлади. Пахтадан ип йиғирилади ва ҳ.к. лар олинади

Пахтанинг инсон ҳаётида тутган ўрни жуда муҳим. Ўзбек пахтаси чет эликлар, асосан Шимолий минтақада жойлашган ҳамдўстлик мамлакатларига сотилади. Чет эллардан эса пахта ҳисобига техник воситалар, ип йиғирувчи тўқув дастгоҳлари сотиб олинади.

Пахта-халқимизнинг бебаҳо бойлиги. (Ихтисосий матн)

Она тили таълимида ўқувчиларнинг матн устида ишлаш амалиёти асосан икки турда бўлади: -тайёр матнлар устида ишлаш; -ўқувчи томонидан яратилган матнлар устида ишлаш.

Ўқувчиларда матн устида мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантириш учун ўқитувчи томонидан тавсия қилинадиган тайёр матнлар 5-9-синфлар учун она тили ўқув дастури талаби асосида танланади. Мазкур матнларнинг муаллифи аниқ бўлиши, у бирорта илмий ёки бадий асардан парча, маърифий матн, кичик ҳикоя, ривоят, қисса, муншаот матнлари бўлиши мумкин.

Тайёр (берилган) матнлар устида ишлашда, асосан, она тили таълими ДТС ва адабий-меъерий талабларга риоя қилиш, мантиқий ижодий тафаккурни ривожлантирувчи мустақил амалий ишлар бажариш, муайян мавзудаги БКМларни эгаллашга қаратилган ўқув топшириқларидан фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари матннинг тури, қайси услубга хослигини аниқлаш; матн қурилиши, таркиби, ташкил этувчи қисмлари, тили ҳақида зарурий тушунчалар ҳосил қилиш, матндаги гапларни содда ёйиқ ва содда йиғиқ гапларга ажратиш, содда ёйиқ гапларни ажратилган бўлакли ва уюшиқ бўлакли гуруҳларга ажратиш, гап маркази-кесимни топиш, ундан савол бериш йўли билан эга, тўлдирувчи, аниқловчи, ҳолни аниқлаш, уларнинг қайси сўз туркуми билан ифодаланганлигини белгилаш; сўзларни унинг уядошлари, маънодошлари, муқобиллари, энд маънолари билан алмаштириб, гапларнинг шакли ва мазмунини ўзгартириш; инверсия ҳодисасига таянган ҳолда гаплардаги сўз тартибини ўзгартириб кўриш, ёйиқ гапларни йиғиқ гапларга айлантириш ва аксинча; матндаги содда гапларни оҳанг, кириш сўз ва боғловчилар ёрдамида ўзаро бириктириб, қўшма гаплар ҳосил қилиш; бир неча эргаш гапли қўшма гапларни содда, уюшиқ бўлакли гапларга айлантириш; матнда тиниш белгиларини тўғри ва ўринли қўллаш кўникмалари шакллантирилади.

**Матнни кенгайтириш.** Матнга эпиграф танлаш, матнни бадий бўёқдор сўзлар, киритмалар, сана, факт ва далиллар, мақол, матал, ҳикматли сўзлар, иборалар, тасвирий ифодалар билан бойитиш, эга, тўлдирувчи, ҳол вазифасида келган сўзларни аниқловчи саволлар воситасида кенгайтириш; кесимдан савол бериб гапларни кенгайтириш, қўшма гап таркибидаги содда гапларни ажратиш, гап таркибига уюшиқ бўлақлар, ажратилган бўлақлар, ундалмалар киритиш, улар орасидаги грамматик ва синтактик боғланишларни аниқлаш ва белгилаш, уларни бошқалари билан алмаштириш, кириш сўз ва хулосалар таркибига ўз нуқтаи назари бўйича қўшимчалар киритиш, илмий матнни бадий матнга (ёки аксинча) айлантириш. Мазкур амалий ишлар жараёнида сўз кенгайтирувчилари (аниқловчи, тўлдирувчи) ва гап кенгайтирувчилари<sup>1</sup> (ҳол, эга, кесим) дан самарали фойдаланиш.

**Матнни ихчамлаш.** Матн мазмунини ўзгартирмаган ҳолда матнда мавжуд бўлган ортиқчаликлар: шахс ва нарса-бутомнинг тўлиқ тасвири, таржи-май ҳол, портрет, пейзаж кўринишлари ифодасини максимал даражада ка-майтириш, матнни тақрордан тозалаш, имловий, мантиқий, услубий хатоли гап, киришма ва ибораларни топиш, хатоларни бартараф этиш, содда гаплар-ни қўшма гапларга айлантириш, қўшма гапларни сўз ва гап кенгайтирувчи-ларидан ҳоли қилиб, уюшиқ бўлакли гапларга айлантириш, лирик чекиниш, бадий тасвирларнинг ўринли-ўринсизлигини аниқлаш, матн мазмунига мос келмайдиган маълумот ва киритмалардан воз кечиш ёки уларни камайти-риш, абзацларни бирлаштириш, МСБларини ихчамлаш ва ҳ.к.

<sup>1</sup> М. Қурбонова, Р.Сайфуллаева ва бошқ., Ўзбек тилининг структурал синтаксиси. -Т., 2004.

Кириш қисми берилган матнни давом эттириш. Ташкилий қисмларни аралаш бўлган матнларни тартибга келтириш; матн таркибий қисмларининг мавжудлиги, жойлашиш ўрнини аниқлаш, гапда сўз тартибига риоя қилинган қилинмаганлиги гига аҳамият бериш; бадиий бўёқдор гапларни шеърқаторларга айлантириш (ижодий иш) ва аксинча, шеърний матнни насрий ҳолатда ифодалаш кўникмала рини шакллантириш.

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини матн устида ишлаш усуллари билан таништиришда қуйидаги кўрсатмаларга амал қилиш яхши самара беради:

–ўқувчиларда ўзбек адабий тилининг бой услубий захиралари ҳамда функционал–экспрессив имкониятларига оид назарий билимни мустаҳкамлаш;

ўқувчини матннинг муайян эмоционал–экспрессив бўёғи: тантана, хуш кайфият, лирик–интим, назокатлилик, киноя, таъна, эътироз каби маъно фарқларини англаш ва уни нутқ шароитига мос равишда тўғри, равиш ифодалаш қонуниятлари билан таништириш;

–тил воситаларининг матнда функционал табақалашуви, услубий ихтисослашуви ва услубий меъёрларига оид билим кўникма ва малакаларни чуқурлаштириш;

–ўқувчиларни берилган ёки яратилган матнни шакл ва мазмун яхлитлаш талаби асосида танқидий баҳолашга одатлантириш, мантиқий ва услубий жиҳатдан мукамал бўлган илмий – грамматик, бадиий (насрий ва назмий) бадиий – рамзий, мушшаот (ариза, тилхат, таржимаи ҳол, мактуб, мажлис баён тавсифнома, аннотация, тезис, тақриз, шартнома ва ҳ.к.) – монологик матнларни фарқлаш ва шундай матнларни қийинчиликсиз тузишга одатлантириш;

–матнда муайян услубнинг юзага келишида тилининг барча сатҳларини алоқадор сўз ва сўз бирикмаларининг барабар иштирок этиши лозимлиги матнда гапларро, абзацларро борланишга риоя қилиш, фикрни тугаллаш кейинги хатбошига ўтиш, хатбошини янги тушунча билан бошлаш каби зарурий мақсадларга эришиш имкониятининг МЯБТ–4 модулининг босқичидаги уядош сўзлар танлаш ва уни гап таркибида қўллаш жараёнидаги қўлга киритилишини ўқувчи онгига сингдириш;

–ўқувчи онгида мавжуд бўлган миллий тилининг услубий имкониятларидан унумли фойдаланиш, муаммоли таълим ютуқларини ўрганиш ва дарс жараёнига татбиқ этиш орқали уларда мустақил матн яратиш кўникмаларини шакллантириш;

–умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида матн устида ишлаш матн яратишни жараёнининг ўзаро алоқадорликда олиб борилишига эришиш уларда маълум бир мазмунни турли шакл ва услубда баён этиш кўникмаларини шакллантириш, газета, журнал, бадиий ва илмий адабиёт манбалари компьютер ахборот банкида ва Интернет тизимида сақланаётган турли ахборотлар, мавзуга оид маълумотлардан (мавжуд имкониятлар доирасида) фойдаланишга одатлантириш;

–матни имловий–услубий, мантиқий, лисоний ва бадиий жиҳатдан таҳрир қилиш, услубий ғализлик ва нуқсонларни топиш, уларни мустақил бартараф этиш сирларини ўрганиш;

–бадиий–ижодий ишлар: лавҳа, эссе, ривоят, хабар, мушшаот матнларни ҳикматли сўз ва мақоллар тавсифи, рамзий–бадиий иншолар, мактуб, табриқ реклама ёзиш усуллари (махсус ўқув топшириқлари асосида) ўрганиш;

–ўқувчи онгида матн сарлавҳасига қараб, умумий шакл ва мазмунни белгилаш, мавзу йўналиши, мақсадига мос услуб ва жанрни мустақил танлаш кўникмаларини шакллантириш, унда шу мавзуга мос адабиётлар, илмий материаллар, мақолалар йиғиш кўникмасининг одатта айланишига эришиш;

–ОВКТ–кашфиёт таълим тизимига асосланган, ўқувчининг коммуникатив саводхонлик даражасини ошириш, эгалланган БКМларнинг амалий татбиқи даражасини аниқлаш ва уни ривожлантиришга хизмат қилувчи, ишловчи субъектн тез ва тўғри фикрлашга йўналтирувчи –матн яратишнинг замонавий модули МЯБТ–4 нинг узвийлик ва узлуксизликка асосланган ҳаракатланиш механизми, иш бажариш технологияси билан ўқувчиларни яқиндан таништириш лозим бўлади.

Илмий–тадқиқотлар жараёнида ўтказилган анкета савол–жавобларидан маълум бўлишича, умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўз фикрини (муайян дарс мавзуси сатҳида, мақсадга мувофиқ тарзда) ёзма ва оғзаки ифодалаш вақтида айрим ўқув қийинчиликларига дуч келадилар. Улар қуйидагилар:

1. Зарур ва ўринли сўзни тезликда топиб, ўз нутқда ишлата олмаслик.
2. Фикрни қисқа, аниқ, тушунарли, равон ифодалай олмаслик.
3. Матнни хулосалашдаги қийинчиликлар.
4. Фикр ифодалаш жараёнида изчиллик ва узлуксизликни таъминлаш.
5. Тилининг ифода имкониятларидан ўринли фойдалана билмаслик.
6. Матн таркибини тўлиқ шакллантира билмаслик.
7. Боғловчи воситаларни ноўрин ишлатиш.
8. Такрорга йўл қўйиш.
9. Нотўғри хулосалар чиқариш.

10. Эркин фикр ифодалаш, услубий саводли матн яратиш, матн таҳлили жараёнида ўқувчи энг кўп дуч келадиган ўқув қийинчиликларидан ҳисобланади. Бундай нутқий қийинчиликлардан қўрқмаслик учун ўқитувчи ва ўқувчи ўзаро ҳамкорликда ишлаши, ўқувчининг МЯБТ–4 матн яратиш модули, электрон ўқув қўлланмалар ёрдамида ўз нутқий маҳорати, кўникмаларини шакллантириб бориши, ўз устида мунтазам ишлашига шароит ва имкониятлар яратиб бериш лозим бўлади.

Янги авлод дарсликларидан, Ҳ.Неъматов, Н.Маҳмудов, М.Абдураимова, Р.Сайфуллаеваларнинг 8–синфлар учун мўлжалланган «Она тили» дарсликлариде ижодий матн, иншо ва унинг турларига 6 соатлик дарс ажратилган. Унда 8–дарс «маълумотнома» матни ва ижодий тавсифий матн муҳокамасига йўналтирилган бўлиб, муаллифлар мавзунини ўқувчи онгига этказишда, билишнинг 10 хил усуллари орасида энг қизиқарлиси бўлган қиёслаш ва фарқлаш усулидан фойдаланилган. Матн турларини қиёслаш ва фарқлашни ўрганиш учун тавсия қилинган 30–машқ икки қисмдан иборат бўлиб, биринчиси ижодий тавсифий матн, иккинчиси эса маълумотнома матни турларига тегишли. Навбатдаги 31–32–машқлар ўқувчи томонидан эгалланган БКМларни такрорлаш ва амалиётта татбиқ этиш мақсадларига хизмат қилади. Шунингдек, дарсликдаги 9–дарс «Иншо– ижодий меҳнатнинг олий кўриниши», 10–дарс «Иншо турлари», 11–дарс «Адабий ва адабий –ижодий мавзулардаги иншолар», 12–дарс «Эркин мавзудаги иншолар», сўнгги 13–дарс эса «Иншога эпиграф танлаш» мавзусини ёритишга бағишланиши ўқувчини изчил ва узлуксиз фикрлашга, қузатиш ва танлашга йўналтиради, уни ўзи яратган

**Матнда мантикий ва мазмуний уйғунликни таъминлаш**, матнни мақол ва ҳикматли сўзлар, иборалар билан бойитиш, матн мазмунига хос ва мос бўлган эпиграфлар танлашга одатлантиради.

Матн устида ишлаш ва матн яратишга тайёргарлик кўриш жараёнида умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари ДТС талаблари асосида қуйидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари лозим бўлади:

- ўрганилган матнда ифодаланган асосий фикрни англаб етиш;
- муस्ताқил ўқилган матндан мантикий хулоса чиқара билиш;
- ўрганиб чиқилган ёки ўзи муस्ताқил яратган матннинг тури, тили ва услубини аниқлаш;

- муншаот матнларини фарқлаш ва уларни тўғри тузиш;
- матн таркибини, унинг услубий жиҳатларини шакллантирувчи, гаплардан ўзаро боғловчи тил воситаларини танлаш ва уларни ўринли қўллаш;

- услубий нуқсонли гапни таҳлил қилиш ва уни мухтасар ҳолатта келтириб билиш;
- матн яратиш жараёнида сўз бирикмаларидан, ибора ва тасвирий ифодалардан, мақол ва ҳикматли сўзлардан унумли фойдалана билиш;

- матн яратишда иқтибос, эпиграф, кириш сўз, ундалмалардан, киритма гаплардан ўринли фойдаланиш;
- берилган муайян бир мавзу юзасидан илмий, бадиий, публицистик таҳрир расмий, сўзлашув услубларида кичик матнлар ярата олиш;

- тайёр (берилган ёки тил машғулотида яратилган) матнни таҳрир таҳлил қила олиш;
- матн мазмунига муносабат билдирилган кичик тақриз, тавсия, таклифлар ёза олиш;

- электрон дидактик слайд ва коммуникатив жадваллар<sup>1</sup> ни илмий, илмий-бадиий услубда таснифлаш ва улардан илмий матнлар, муस्ताқил ишлаш муаммоли топшириқлар, назорат тестлари тузишда фойдаланиш;

- берилган биргина сўздан фойдаланиб, ўз нутқий салоҳиятини сингари малакаларга асосланиб уядош сўзлар танлаш, сўз бирикмалари ҳосил қилиш гап ва матн яратиш малакаларини шакллантириш:

- ўқувчида муस्ताқил фикрлаш ва ёзма фикр ифодалаш маҳорати, ўз эгаллаган БКМлари даражасини аниқлаш ва баҳолашни ўргатиш;
- маданий мулоқот кўникмаларини эгаллаш ва танланган мавзу бўйича турли услубларда матн яратиш кўникмаларини эгаллаш;

- газета ва журналларда чоп этилган мақолалар юзасидан таклиф, тақриз рефератлар ёзиш, қомусий ва лингвистик луғатлардан эркин фойдаланиш ва шунинг билан матнлар мультимедиа ёки кодоскоп экранларида чиқарилади ва қуйидаги топшириқларнинг бири асосида матн устида ижодий ва муस्ताқил ишлар олиб борилади: - матнни қироат билан ўқиш; - матн таркибидagi хатбоши ва МСБларни ажратиш; - қўшма гап таркибидagi содда гапларни бир-бири билан ажратиш; - қўшма гап таркибидagi содда гаплардан уюшиқ бўлакли, ажратилган бўлакли, ундалмали, кириш сўзли гаплар ҳосил қилиш; - содда гапларни қўшма гапларга айланттириш ва аксинча; - содда гаплардан кўчирма ва ўзлаштира гаплар ҳосил қилиш ва аксинча; - матнни

<sup>1</sup> Т.Зиядова. Она тилидан проекцион слайдлар комплекти, 54 та. Самарқанд. 2002.

таҳлил қилиш, ихчамлаш, кенгайтириш; - матнни кириш, асосий қисм ва хулосаларга ажратиш; - матн хулосасига ўз муносабатини билдириш; - матнни қисқача тасниф қилиш; - берилган (муаммоли, бошланиш қисми берилган, асосий қисми берилган, ихтисосий, бадиий, расмий, монологик, диалогик, мактуб ва ҳ.к.) матн асосида янги (бошқа услуб ва мазмундаги) матн яратиш каби топшириқлар асосида ижодий тафаккурни, ижобий ўқув мотивларини қўзғатувчи кичик тадқиқотлар устида ишлайдилар, ДТС талаблари асосида ўз нутқий маҳоратларини оширадлар, муस्ताқил матн яратиш кўникмаларини муस्ताҳкамлайдилар.

**Берилган матн асосида янги матн яратиш.** Қуйида берилган матн асосида янги матн яратишга йўналтирувчи ижодий топшириқлардан намуналар берамиз:

- Берилган матн асосида янги, ўз матннингизни яратинг. (намуна:43-44-бетлар, «Янги йил дастурхони» матни)

- берилган матн асосида, лекин бошқа услубда янги матн яратинг (намуна: «Ҳисор қўйлари», «Қўчқор уриштириш», 40-бет)

- матн охирида берилган сўроққа факт ва далиллар ёрдамида жавоб матни ёзинг (намуна: «Қозининг ҳукми» матни, 101-бет);

- берилган матн-ҳикояни шундай қайта қурунгни, воқеа энг қизиқарли жойдан бошлансин;

- берилган расмий матнни кириш ва хулоса ёрдамида ҳикояга айланттиринг;

- матнга муаллиф фикрини тасдиқлашга хизмат қиладиган эпиграф, иқтибос, мақол ва ҳикматли сўзлар киритинг ва қайта кўчиринг;

- матндан уядош сўзларни танлаб, МЯБТ-4 модули асосида янги матн яратинг;

- матнни мазмунни ўзгартирмай, муаллиф услубида қисқарттиринг (кенгайтиринг), гапларни муайян тартибда, мантикий изчилик ва кетма-кетликда жойлаштиринг;

- матнни ёзма таҳлил қилинг ва ҳ.к.

Қуйида матн устида ишлаш жараёнида ўқувчини ижодий ва мантикий фикрлашга фикрни тўғри, ўринли ифодалаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилувчи ўқув-услубий топшириқлар, сўз ва сўз бирикмалари махсус тушириб қолдирилган услубий нуқсонли матнлар ва муस्ताқил ижодий ишлардан намуналар берилди:

**Топшириқ.** Нуқталар ўрнига керакли сўзларни қўйинг, берилган гапларни кенгайтиринг, матнни кўчиринг.

1. Шоир ... хотираларини ... .. сўзлаб берди. 2. ... республикамиз ... муҳим ўрин тутади. 3. Тошкентда ... .., жойлар кўп. 4. Мактабимиз ... .. гулзорда ... .., ва ... атиргуллар ... 5. Цирк ...нинг маҳорати бизни ... .. 6. Биз ... озодлиги учун курашда ... .. мактаб ўқувчиларини ...га чақирдик. 7. Ўсимлик... .., .., .., яхши кўрадилар.

**Ижодий топшириқ.** Матндаги нуқталар ўрнига от ва сифат сўз туркумига оид сўзларни танлаб, услубий хагаларни бартараф қилинг. Тузатилган матнни дафтарга ёзинг ва гуруҳ муҳокамасига ташланг.

### Янги йил дастурхони

Янги йил ..... алоҳида дида ва ... билан безатилган бўлиши .... Зиёфат ... - ... ва серфайз ўтиши учун қандай ..., ..., ... тайёрлаш керак? Ахир янги ... даги ҳар бир ... ўзининг рамзий ...га эга. ..., балиқдан тайёрланган таомлар

—... бахт-саодат ва ...лик тимсолидир. Агар ... .. ширин... ва ...- неъматларга тўла бўлса, бутун йил бўйи ... ширин кечади деган нақл бор. Узум шингилли эса мўл-...лик, хонадондаги ...лик ва бахтиёр... рамзидир. Нақ ... .. Да, соат бонг уриши ... ўн икки ... узум ейиш ..., деб ҳисоб...: Бунда ҳар ... .. бир ниятни кўзлаб ... .. эмиш. ... кўнгилдагидай ўтиши учун ... .. олиндан қизғин тараддуа кўришларига ... .. Мана ... .. ҳам уларни пазанда... .. таклиф қиламиз. Бу ерда ... .. турли саб., балиқ ва хамирдан ... масаллиқларни тайёр ..., шакарпазлик ... ва ... ..ни танлаб, ... олишингиз мумкин.

**2-Топшириқ.** Берилган матндан фойдаланиб, янги матн яратинг. Матндаги от ва сифат сўз туркумларига оид сўзларни гуруҳланг:

1-иш.	От	Сифат
	йил	янги
	байрам,	тайёр
	балиқ	шакарпазлик
	бека...	ширин
	маҳсулотлар	сарҳил
	торт	чиройли

2-иш. Улардан СБлари ҳосил қилинг: Кулончак уй бекалари, янги йил байрами, ям- яшил тоғ арчаси, сарҳил мевалар ва чиройли тортлар билан безатилган дастурхон, янги тутилган зовора балиқ, мазали пирот ва печенъеларнинг хушбўй ҳиди..., ва ҳ.к.

3-иш. СБлари иштирокида гаплар тузинг:  
1. Ҳар бир оила бекаси Янги йил дастурхонини ўзгача бир дид, ҳавас билан безатишга ҳаракат қилади. 2. Янги йил байрами чиройли дастурхон тузашни орзу қиладиган кулончак уй бекалари тайёргарликни олиндан бошлаб юборишади.

3. Янги йил байрамидан бир ҳафта олдин уйга ям-яшил, хушбўй тоғ арчасини олиб келадилар. 4.... .. 5.... .. ва ҳ.к.

4-иш. Сизнинг оилангизда янги йил қандай кутилади? Юқоридаги 3-ишнинг тузилган гаплардан фойдаланиб, мустақил равишда янги матн яратинг.  
Янги йил - барча оила аъзоларимиз учун энг қувончли ва зориқиб кутиладиган байрамлардан бири..... ва ҳ.к.

**Фонетика бўлимини ўрганишда матн яратиш топшириқлари.**

**Ижодий топшириқ.** Матнда ажратиб кўрсатилган сўзлардаги ундаш товушларни ўзгартириб, янги сўз ясанг. Улар маъносини ёзма шарҳланг. Шарҳдан фойдаланиб, кичик матн яратинг

Ота- оша, ола, ора.; тоқ-тоб, тож, той, ..; буз- куз, муз, туз.; бор-боб боп...; сув-сут, сур, суз...в.ҳ.

**Намуна:** 1. Ота- оиланинг боқувчиси, эркак киши, оила бошлиғи. 2. Ола- оқ ва қора (қизил, кўк, яшил, сарик,) рангнинг бир жойда, турли ҳолат ва шаклларда кўриниши. 3. Ола -ола сигир, «ола қараш», ёмон муносабатда бўлмоқ, 4. Тож-шоҳ ва қиролларнинг махсус бош кийими, 5. Тож- паррандаларнинг бошида ўсадиган, қизил рангли қиррадор, аррасимон аъзо (ясси, патли турлари мавжуд).

**Мустақил иш:** Ажратиб берилган сўзлардаги бўғинлар сонини, сўз ургуси тушаётган бўғинни аниқланг. Уларни тўғри талаффуз қилинг. Бешинчи гапдан

(кириш)кейин матнни ўз сўзларингиз билан мустақил давом эттириб, мақол ёки ҳикматли сўз ёрдамида матнга хулоса беринг.

**Мактабга ёрдам**

1. Мактаб ҳовлиси болалар билан гавжум. 2. Мактаб таъмирланмоқда. 3. Ҳамма ҳар хил иш билан банд. 4. Баъзи болалар тахта, баъзилари оҳак ташишмоқда. 5. Қизлар ойналарни ювиб, артишмоқда.

6. Аҳмад мактабнинг томида юрибди. 7. У шланг билан томга сув сепмоқда. 8. Аҳмаднинг бу иши Рустамнинг ҳавасини келтирди. 9. У Аҳмаднинг ёнига келди. 10. Қўлига латта олиб, сув пуркалган тунукаларни арта бошлади....

11. Шу куни тунукаларни ювиб, алифлаб чиқдилар. 12. Эртасига Суюнжон ака болаларга тунука бўяшни ўргатди. Болалар бутун томни бўяб қўйишди. Мактаб томи ярқираб кетди. (71 сўз).

**Морфологияни ўрганишда матн устида ишлаш**

Мустақил иш: Матнда ажратилган сўзларни туркумларга ажратиб, гуруҳланг, миқдор ва тартиб сонлар ёрдамида янги сўз бирикмалари ҳосил қилинг, сўнгра улар иштирокида гаплар тузинг ва матн яратинг

**«Санъат байрами»**

Бизга қўшни бўлган 17-умумий ўрта таълим мактабида «Ниҳол-шоу» номли санъатсеварлар гуруҳи иш бошлади. Мен ва икки ўртоғим мазкур гуруҳга аъзо бўлдик.

Бугун шу гуруҳ иштирокида Наврўзга бағишланган санъат байрами бўлади. Анвар ва Содиқ мени автобус бекатида кутиб олдилар. Ўртоқларим билан соат саккиз яримларда автобусга чиқдик. Соат саккиздан элик дақиқа ўтганда манзилга этиб келдик. Дўстларим билан 11-мактаб олдида учрашдик. Тадбир бошланди. Мен ҳаётимда биринчи марта катта залда кўшиқ айтдим. Биз-учала ўртоқ санъат байрамидан катта таассуротлар билан қайтдик. Энди ўзимизнинг мактабимизда ҳам шундай гуруҳ ташкил қиламиз. (72 сўз)

**Мустақил иш:** Сизнингча замондошингиз сайрга чиққанда яна қандай қоидаларга риоя қилиши лозим? Таклифларингиз бўлса, матнни давом эттиринг ва хулоса қилинг.

**Сайр қилиш қондаси**

Киши сайр этиш учун гулзорлардан, ям-яшил борлардан, арчазор тоғлар, кўм-кўк майсазорлардан ўзга жойга бормади. Сайрга чиққанингизда қуйидаги етти қоидага риоя қилинг:

Биринчи: сайрга сизга тухмат қилиши мумкин бўлган киши билан ҳамроҳ бўлманг. Иккинчи: ўзганинг боғи ёки гулзорига руҳсатсиз кирманг. Учинчи: сокин ва хилват жойларга табиий эҳтиёж туғилгандагина боринг. Тўртинчи: кишилар кўз олдида ечинманг. Бешинчи: нотаниш кишилар билан зарурат туғилмаса, гаплашманг. Олтинчи: ҳар бир кишини юксак руҳ эгаси деб ҳис қилинг. Еттинчи: албатта, ўз уйингизга қайтиб, тунанг.

**Мустақил иш:** Ривоятни диққат билан ўқинг. Чиқарган хулосангизни матн сўнгида ёзинг. Ривоятта тўғри келадиган эпиграф (мақол, ҳикматли сўз) танланг.

**Ривоят**

Буюк аллома Абу Райҳон Беруний ҳақида шундай ривоят бор. Олим ўлим тўшагида ётганида ҳузурига шогирдларидан бири кирибди. Билибдики,

устозининг саноқли дақиқалари қолибди. Кутилмаганда устозни хуқуқшуносликка оид бир масалани шарҳлаб беришни сўрабди. Бу анча чинга масала экан. Шогирд унинг қийналишини истамабди: «Аввал соғайиб олинган кейин бир гап бўлар, ҳозир шу муаммони билишингиз шартми?» - дебди.

Беруний ҳазил қилибди: «Биламан, аҳволим оғир, ammo кетадиган бўлсам, шу нарсани билмасдан кетгандан кўра билиб кетганим яхши-да!» - дебди. Шогирд Берунийнинг ҳузуридан чиқиб, элик қадам юрар-юрмас чопар келиб, аллома ҳаётдан кўз юмганини айтди.

**Психологик тест.** Матнни диққат билан ўқинг, турини аниқлаб Саволларга жавоб беринг. Кичик жавоб матни тузинг.

#### Виждон

Кўчада бир аёл саватда олма кўтариб борарди. Саватдаги олмалардан бири ерга тушиб қолди. Аёл буни сезмади. Аёлнинг орқасидан келаётган бола уни секингина олиб, чўнтагига солди. У аёлнинг ёнидан ўтиб кетаётган эди, бола уни тўхташиб, саватдаги олмадан бирини унга узатди. Бола уялди, олмани олмай Унинг чўнтагидаги нарса олов бўлиб танасини куйдираётган эди. У чўнтагида олмани олиб, саватга ташлади ва югуриб кетди. Аёл олмани узатганича, ҳайр бўлиб, унинг орқасидан қараб қолди. Бола уйига келиб роса йиғлади.

Тўғри жавобни белгиланг.

а) публицистик матн, б) расмий матн, в) илмий матн, г) бадиий матн, маърифий матн.

Муҳокама учун саволлар:

1. Бола нега уялди?
2. Аёл нима учун ҳайрон бўлди?
3. Боланинг йиғлаши сабабини тушунтиринг.
4. Сиз, шундай вазиятда нима қилган бўлар эдингиз?

**Топшириқ:** Компьютер (кодоскоп) экранда берилган матндаги туширилган сўзларни топиб, дафтарингизга кўчиринг. Уни ролларга бўлиб ўқинг, сўнг матндаги хатбоши ва МСБларини ажратинг.

#### Сув-ҳаёт манбаи

Кўшни кўрган, кекса Оқил бобо «Бола бошидан...» деган ҳикматли сўзлар шарҳлар экан, шундай дейди:

-Ҳали анча ... эдим. Ушанда ...дан ... ҳеч ҳам эсимдан чиқмайди. ариқдан ... тупурганимни кўриб қолиб, дадам: «... сувга тупурманг, бўлади», -деб қолдилар. «Нега ёмон ...», сувнинг жони борми, ... биладимиз дедим. «Билади, ... жони бор», -дедилар дадам. -Нима ёмонлик қилдингиз унга тупурасиз. Ахир ... қондирса, кийим-... қилса, энг охири... Катта кўз юмиши олдидан ... кўргансиз-ку, ... сув томиздик, ... сувда ювиб-тарти ... кўйдик. Сув ... на ер ..., на эл ..., на сиз билан биз униб-ўсамиз. Сув ... -ку, ахир!

**Топшириқ:** Матнни ўқинг. эски туркий тилда ёзилган гапларни ҳозирги ўзбек тилига ўтириб, матнни дафтарингизга кўчиринг.

#### Уйқу одоблари

Ухлаган вақтингизда табиат низомига ўлароқ ухлангиз, юз тубан ёки чалқанча ётмангиз, бир ёнингиз билан ётингиз. Чунки, аввалги икки турмуш ётмоқ кўрқинчли тушлар кўрувга сабаб бўлув.

Уйқу вақтингизни бир қадр одатга солингиз, соат тўққиз ва ниҳоят ўндан қолмай ётиб, соат беш ва ёки олтидан қолмай турингиз. Уйқунгиз комил бўлгандан сўнг ётмангиз ва лозим бўлган уйқунгизни-да, қолдирмангиз. Чунки уйқунини қолдирмоқлик ҳазм заифлигини, ақл хасталиklarини келтириб чиқаради ва охирида жунунлик пайдо этади.

Уйқу вақти кексаларга беш ва ўттиз ёшдан юқори бўлганларга олти соат тақдир этилгани ҳолда, саккиз ва жуда ёшларга ўн соат бўлмоқ узра тақдир этилув. Зарурат бўлмаганида бир хонада жуда кўп ухламангиз, ухлаган ерингизда чечак-у, гуллар бўлдирмангиз.

Намуна: Ухлаган вақтингизда юз тубан ёки чалқанча ётманг, табиат қонунига кўра ўнг томонингиз билан ётинг...

**Топшириқ:** Экрандаги матнни диққат билан ўқинг. Ажратилган сўзларни сўз кенгайтирувчи ва гап кенгайтирувчилардан тозалаб, матнни ихчамланг ва дафтарга кўчиринг. Янги матн таркибида содир бўлган услубий ўзгаришларни шарҳланг.

#### Нон ўрни

Тонгги **нон**ушта учун оқ қанда, новвотдан тортиб, шифтта осилган бели ингичка, ширадор хусайнидан бир бош, ҳар биримизга гулли сопол пиёлада сузилган қаймоқ қўйишди. Пахтагулли пиёдаларда тоғ асали-ю, беҳи мураббоси.

Дастурхон зийнатининг асли, қаймоқ ва ширинликларни «ҳаракатга» соладиган энг зарур нарса ҳали дастурхонга қўйилганича йўқ. Бир-бирини очиб, бир-бирини ёқлаб турган мевалар ўша зарур нарсани интиқ-интизор кутаётгандек.

-Ҳой, болам, саватдаги **нон**ни ола кет. Тандирдан нон узаётган **онамларнинг** овозлари бирам ёқимли эшитилдики, саватдаги **лолагул нонлардан** отамларга узатдим:

-Олинг, ушатинг!

Отам нон ушатиб, тўкин дастурхонга таклиф этдилар: -қани, олинглар, кечроқ ошибди-да хамир. Нон келтирилмаганига индамай ўтирган эдим. Ноннинг ўрни бир бошқача-да, а? Шунча ширин егуликларнинг биттасиям ноннинг ўрнини босмайди-я!

Намуна: **Нон**уштага ширинлик, хусайни узум, қаймоқ, асал ва мураббо тортилди. Аммо ...

**Топшириқ:** Экрандаги матнни ўқинг. Мазмунни сақлаган ҳолда ҳар бир гапни ихчамлашга, матнни қисқартиришга уриниб кўринг. Қисқартирилган матнни дафтарингизга кўчиринг.

#### Олимжоннинг аҳди

Марказий Фарғона қишлоқларидан бири. Баҳорнинг илк кунлари. Ўнқир-чўнқирлардаги сақланган қор парчалари қуёшнинг илиқ нафаси таъсирида эрий бошлаган. қуёшнинг ёқимли ҳарорати нам ерлар бағрида яшириниб ётган, эндигина ниш ураётган майсаларга ҳаёт бағишламоқда. Баҳорги дала ишлари бошланиб кетган. Серунум пахта далалари деҳқонлар билан гавжум. Олимжон ҳар кун шу йўлдан мактабга боради. У даладаги жўшқин ҳаётни кўриб, ҳамқишлоқлари билан бирга меҳнат қилгиси келади. Шунинг учун у дарсдан кейин бўш вақтларида уларга ёрдамлашади.

Олимжон 9-синфни тамомлаб, жонажон қишлоғида ишлашга, ана шу жойиб меҳнат гаштини суришга астойдил аҳд қилган.

Намуна: *Эрта баҳор. Сўнги қорлар ҳам эрий бошлаган. Қуёш ҳарорати...*

**Топширик:** Матни 2-3 қайта ўқинг. Нуқталар ўрнига керакли сўзларни қўйинг. Матни ўз сўзларингиз билан кенгайтириб, қайта ёзинг.

### Сўлмас гул

Автобус ... тўхтаб, сув олиши керак. Бу ерларда ... яшамайди. Йўловчи машиналар ... олиши учун махсус ... қилинган. Қудуқдан икки метрча нарида ... .. очилиб турибди. Унинг ёнидаги тахгачада шундай ёзув бор: «Йўловчи қудуқдан ... .. шу гул тагига ... .. сув қуй!»

Бу йўлдан ... автобуслар, ... машиналари, ... машиналар ... ва ... ёнига тўхтайдилар. Шофёрлар ... .. сув қуядилар, йўловчилар ... .. дам оладилар. У ёқ-бу ... .. қиладилар ва албатта, ... кўрадилар. Шунда ... .. ўқийдилар. ... .. гул тагига ... .. Чуқурча ... тўлади.

Чўлнинг ... бу гулни ... олмайди, чунки ... .. кунига одам ўтади, ... гулни сув бериб турадилар. Бу — сўлмас гул.

**Ижодий топширик:** Катталаштирилган диалогик матни ролларга бўлиб қироат билан ўқинг. Муаммоли савол: Нима учун соҳибқирон аччиқланди? Саволларга жавоблар муҳокама қилиниб, фолиб аниқлангач, матни ихчамлаб монологик матнга айлантинг ва дафтарингизга кўчиринг. Матн мазмуни ва услубидаги ўзгаришларни шарҳланг. (Матн катта экранга чиқарилади)

### Темур ва йўлбарс

Чўпонлардан бири қамишзорда йўлбарс оралаб қолганини, атрофини безовта қилаётганини айтди. Бу гап Темурбекда ёшлик шижоатини кўзга ташлади. Саркардалар етмишдан ошган соҳибқироннинг бу аҳдидан завқланиб кетишди. Юзлаб баҳодирлар қамишзорга ёпирилишди.

Темурбек қўлида оғир найзаси билан кута бошлади. Йўлбарс бўкириб қамишзорда кўрингач, унинг кўзлари соҳибқироннинг кўзлари билан тўқнашди.

-Аллоҳу акбар!

Оғир найза сапчишга ҳозирланган йўлбарсни бир онда ерга михлаб қўйдилар.

-Офарин, Соҳибқирон!

Темурбек уни кўриқлагани яширинча келиб, ёнтинасида турган баҳодирга ўқрайиб қаради:

-Қандай журъат этдинг?!

Баҳодир ундан кўзларини узмай дадил жавоб қилди:

-Қалбим амри билан, Соҳибқирон!

Чиндан ҳам унга ҳеч ким буйруқ бермаган эди. Темурбекнинг қалби товланиб кетди.

-Исминг?—сўради бироз юмшаб.

-Темур! —гурур ва фахр ила жавоб қилди баҳодир. Темурбек ҳаяжонини яширолмай, қўлини йигитнинг елкасига қўйди.

-Ўнбошига айт, сени хос навкарларим қаторига юборсин.

-Бош устига, Соҳибқирон!

-Энди бўлса, йўлбарснинг терисини шил, ўғлим.

Бутун карвон ҳукмдор ўлдирган йўлбарснинг терисини томоша қилди. Саркардалар табриги ёғилиб кетди. Қўлининг зарби йигитларниқидан қолишмайдиган соҳибқиронга зобиту мингбошилар таҳсинлар айтдилар.

Олиб борилган синов-тажрибалар натижаси шуни кўрсатдики, ўқувчиларда матн яратиш кўникмаларинини шакллантириш муаммоси ва унинг тўғри ечимини топишнинг энг ишончли, сермаҳсул усулидан бири матн устида ишлаш матни таҳрир ва таҳлил қилиш, берилган матннинг луғат бойлигидан фойдаланиб, янги мазмундаги (бошқа услубда) матн яратиш билан шуғулланишдир.

Қуйида матн яратиш кўникмаларинини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳатолар устида ишлаш-матннинг мантиқий услубий таҳрири ҳақида методик тавсиялар берилди.

### Матн таҳрири

Маълумки, методик адабиётларда ҳатоларни бартараф қилишнинг турли йўл ва усуллари кўрсатиб ўтилган. Ўқитувчи (муҳаррир) шундай усулни танлаши лозимки, у ўқувчига (муаллифга) йўл қўйилган ҳатони аниқ кўрсатиб турсин.

Бу борада Б. Капшининг белгилар системаси ўқувчи ва ўқитувчи учун бирдай тушунарлилиги билан диққатга сазовор. Мазмуний хато «М», нутқий хато «Н» ва ҳ.к. Бу система оддий ва тушунарлилиги билан ўқитувчи учун ниҳоятда қулай, лекин мактаб ўқувчиси «М» ва «Н» остидаги фикрни аниқ тушуна олмайди ва ҳатоларни тузатиш жараёнида янги —янги ҳатоларга йўл қўйиши мумкин. Демак, ўқитувчи матнларни текширишда қўшимча белги—огоҳлантиришлардан фойдаланиши маъқул ва шундай ёндашув ўқувчининг коммуникатив саводхонлигини ошириш, нутқий маҳоратини шакллантиришда самарали, ижобий натижаларга олиб келади. Бундай белгиларни мунтазам қўллаш, ўқитувчи ва ўқувчи мулоқотининг енгилашувига сабаб бўлади. Қуйида тавсия қилинаётган рамзий-услубий белгилар ана шундай мақсадлар учун ишлатилиши мумкин:

А—далилий хато ёки ноаниқлик. [ ]—ортиқча қисм (ортиқча сўз ёки ифода). С—сўз қолдирилган. З—абзац ажратилмаган. Х—абзац нотўғри ажратилган.

Н—нутқий нуқсон, фикр ифодалашда изчиллик бузилган. М—мазмуний хато, яъни фикр ифодасида мавжумлик мавжуд, матн далилий материаллар билан тўйинтирилмаган, матнда ишлатилган ибора, тасвирий восита, мақол, ҳикматли сўз, эпиграф, киритмалар контекст билан ўзаро боғлиқ эмас, мантиқ ва услубга, шакл ва мазмун уйғунлигига аҳамият берилмаган ва ҳ.к.

Нутқий нуқсонлар — талаффуздаги камчилик, ўқувчи сўз ва тушунчаларни, ибораларни нутқий вазиятта кўра танлай билмаслиги.

Грамматик ҳатолар таҳлили ўқитувчига ўқувчининг грамматик қонуниятларни билмаслиги, адабий тил меъёрлари билан таниш эмаслигини кўрсатади. Шундай ҳатоларни бартараф этиш усуллари ўргатади

Орфографик ва пунктуацион ҳатолар таҳлили — ўқувчи онгида сўзларни тўғри ёзиш, фикрни ёзма ҳолатда ўринли ифодалаш кўникмаларининг ривожланганлик даражасини кўрсатади. Шундай ҳатолардан сақланиш йўллари ўргатади.

Ўқувчиларнинг пунктуацион ҳатоларини текшириш борасида кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Жумладан, Г.И.Блиновнинг

"Пунктуацион хатолар тавсифи" мақоласида ҳам нутқий хатоларни гуруҳлаш, уларни шартли белгилар билан белгилаш усуллари кўрсатиб ўтилган. Айни пайтда уларнинг илмий тадқиқотларидан она тили ўқитиш методикасида матн яратиш жараёнларини такомиллаштириш, ўқувчи матни таҳририни осонлаштиришда самарали фойдаланиш мумкин.

Матн яратишда, айниқса, бадиий матнда, нутқий бўёқдорлик, таъсирчанликни юзага келтирадиган асосий шартлардан бири сўзни таниб ва танаб ишлатиш— сўзни тежамли ва ўринли қўллаш биландир.

Ўқувчи томонидан яратилган бадиий матн устида ишлашда, чўзиб юборилган, ғализ жумлаларни қисқартириш, кераксиз тафсилотларни матндан чиқариш, сўз бирикмаларининг гап мазмунига мос келадиган ихчам ва мазмундорини танлай билиш катта аҳамиятга эга. Республикамиз ёзувчилари орасида сўздан тежамли фойдаланишда энг моҳир шахс— ҳикоянавис Абдулла Қаҳҳор ҳисобланади. У ўз таржима асарларининг бирига тақрорларни қисқартирдим ва ўқувчини шубҳага соладиган жойларни олиб ташладим".

Нутқий ифодаларни ихчамлаштириш юзасидан матнга киритиладиган тузатишларни иккига бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Тасвир доирасидаги тафсилотларни камайтириш ҳисобига матни ихчамлаштириш; 2. Тафсилотларни сақлаган ҳолда матни ихчамлаштириш. Тафсилотларни камайтириш ҳисобига матни ихчамлаш—иккинчи даражали, қисқартириш ҳисобланади, матннинг умумий мазмунига ортиқча таъсир қилмайдиган нарса—ҳодисалар талқинининг матндан чиқариб ташланишидир. Бундай қисқартиришлар ўқувчининг матн мазмунини очиб беришга хизмат қиладиган энг муҳим тафсилотларни ажратиш ва танлай олиш қобилиятини ривожлантиради, шакллантириши:


— Қанақа масала экан? Менинг ҳеч хабарим йўқ. (А.Қ. "Қўшчинор чироқлари», 109-бет"). Романнинг кейинги наشري:

— Қанақа масала экан? ("Қўшчинор чироқлари", 138-бет)

Хулоса шуки, умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини матн яратишга ўргатишда ижодкор ва талабчан ўқитувчи тил машғулотида ўз ўқувчисидан матн яратилгандан сўнг уни қайта —қайта таҳрир қилиш, ҳар бир сўз, сўз бирикмалари, ҳар бир жумла устида астойдил бош қотириш, матндаги ортиқчалар ва ноўрин тафсилотларни, тақрорий таснифларни ихчамлаштиришни талаб қилиши лозим. Бундай ёндашув ўқувчиларда матн яратиш ва уни услубий таҳрир қилиш кўникмаларини ҳосил қилади ва мустаҳкамлайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам хатолар устида ишлаш, матнни таҳрир қилиш — мазмуннинг тугал очиб берилиши, тугун, асосий қисм ва хулосанинг тўғри шакллантирилишига ижобий таъсир ўтказиши. Услубий нуқсонлар устида ишлаш—инсон онгида сўз, сўз бирикма, гап ва матн маънодошлиги (синонимияси) ҳодисаларининг ҳозирги мавжудлиги, уларни ўзаро қиёслаш ва танлаш имкониятларининг ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам кўп ва ранг — баранг эканлигидан огоҳ қилади. Амалиётда мунтазам ишлатиладиган таҳрир белгилари асосан 8 хил кўринишга эга.

Қуйида матн таҳрири ва унинг амалиётда қўлланиладиган асосий белгилари ҳақида қисқача маълумотлар рўйхати келтирилади:

1. Алмаштирувчи белгилар: сўзнинг бир ёки бир неча ҳарфини алмаштириш: бош ҳарфини кичик ҳарфга: (ҳарф устига чизиқ) кичик ҳарфини бош ҳарфга: (ҳарф остига чизиқ)
2. Чиқариш белгилари: ҳарф, сўзлар:



3. Икки ва ундан ортиқ сўзлар қатори- +ўшиш белгилари: ҳарфлар сўзлар, бирикма ва гапларда оралқин ёпиш, сўзни қўшиш-
4. Ўрни алмашиш белгилари: бир қаторда келган икки ёки ундан ортиқ сўзлар тартиби-
5. Оралқин белгилари: сўз ва ҳарфларни ажратиш-
6. Сатрнинг шаклий белгилари: хатбошидан ёзиш- давомидан ёзиш- алоҳида ёзиш-
7. Шрифт кўринишини фарқловчи белгилар: гуруҳлаб, орасини очиб ёзиш- қора ҳарфда, сўз остига чизиб ёзиш- қора ва йирик ҳарфда ёзиш — бош ҳарфда ёзиш -
8. Киритилган тузатишни бекор қилиш белгиси (сўз остига чизилади)

Юқорида кўрсатиб ўтилган асосий таҳририй белгилар матн устида ишлаш, уни тўғрилаш ва оққа кўчириш (нашрга) тайёрлаш ишларини анча енгиллаштиради, йўл қўйилган хатони тушуниш ва тузатишни, матни ўқишни осонлаштиради, ишни қайта оққа кўчиришда юзага келадиган хато ва камчиликларнинг олди олинади

Она тили машғулотида таҳрир амалиёти билан оз-оздан танишиб бориш, ўқувчида фикрни ёзма ифодалаш маъсулиятини оширади, ўқувчининг матн устида ижодий ишлаш ва тўғри, раво, саводли, услубий мукамал матн яратиш кўникмасини шакллантиришда яхши натижаларга олиб келади.

Қуйида матн таҳрири ва унинг асосий турлари ҳақида қисқача маълумот берилади:

1. Матн таркиби бўйича таҳрир.
2. Имловий таҳрир.
3. Тиниш белгилари таҳрири.
4. Услубий таҳрир.
5. Матнни кенгайтириш.
6. Матнни ихчамлаш (қисқартириш).
7. Сана: йил ва ойлар, рақамлар таҳрири.
8. Сарлавҳа таҳрири.
9. Эпиграфлар таҳрири.
10. Бадиий таҳрир.
11. Факт ва далиллар таҳрири.
12. Манتيқий таҳрир.
13. Қўлёзмани оққа кўчириш.

Хулоса. Монографиянинг иккинчи боби—матн устида ишлаш ўқувчида матн яратиш кўникмаларини шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, унда насрий ва назмий матнлар, уларнинг турлари, қурилиши, тили, бадиий бўёғи, умумий ва хусусий шакллари ўрганилиб, матн мазмунини такомиллаштириш борасидаги ижодий—амалий ишлар бажарилади.

2-бобда берилган матнлар ва улар устида ишлаш учун тавсия қилинган йўналтирувчи ўқув топшириқлари мажмуаси ўқувчини эгалланган БКМларни

қайта хотирлаш, матннинг тили ва услубидаги хатоликларни топиш ва тузатиш, уларни махсус тошшириқлар асосида кенгайтириш ва ихчамлаш, тили ва услубини ўзгартириб, қайта шакллантириш усуллари билан таништиради.

Шу билан бирга мазкур боб тўғри ва ўринли фикр ифодалаш, матн таркибига зарурий қўшимчалар киритиш, матнга сарлавҳа танлаш БКМларини ҳосил қилиш ва мустаҳкамлашга қаратилган. Матн устида ишлаш жараёнида олиб бориладиган бундай илмий-ижодий фаолият ўз навбатида ўқувчинини луғат захирасини бойитишга, оғзаки нутқ ва матн яратиш кўникмаларини шакллантиришга, маданий мулоқот, суҳандонлик қобилиятининг ўсиб боришига бевосита ёрдам беради. Матн устида ишлашдан кўзланадиган асосий мақсад ўқувчига мукамал матн ҳақида атрофлича тушунча бериш, ундаги ижодий тафаккур механизмини ҳаракатга келтириш, аниқ йўналишда изчил, мантиқли мушоҳада юритишга, фикр маҳсулини ёзма равишда тўғри раван ифодалашга тайёрлашдан иборат.

Мазкур фаолият ўқувчиларни матн турларини фарқлаш, матндаги гаплар улардаги сўз тартиби, тўғри ва ўринли қўлланилганлиги, имловий ва услубий нуқсонларни жадал аниқлаш ва бартараф қилишга одатлантиради, гап тузишда матн мазмунини очиб берадиган бадий бўёқдор сўзларни танлаш, фикрнинг аниқ, изчил ва раван ифодалаш, матндан тўғри хулоса чиқариш кўникмаларининг шаклланиши ва мустаҳкамланишини таъминлайди.

Демак, матн устида ишлаш, матнни таҳрир қилиш машғулотлари, ўқувчиларда матн яратиш кўникмаларини шакллантириш, уларни мустақил яратиш фаолиятига тайёрлашнинг асоси. У ўқувчи шахсининг коммуникатив саводхонлик даражаси, оғзаки ва ёзма фикр ифодалаш маҳорати ривожини кафолатлайди.

### УЧИНЧИ ФАСЛ Она тили таълимида матн яратиш кўникмаларини шакллантириш технологияси

Ўқувчиларда мустақил матн яратиш кўник-масининг шаклланиши нутқий-тафаккурний интеграция маҳсули бўлиб, унинг сифат кўрсаткичлари мавжуд БКМлар асосида яратилган мустақил матнда ўз аксини топади.

Демак, матн-тафаккур маҳсули, фикрнинг муайян мавзу талаби асосида тартибланиши, яхлитла-ниши ва моддийлашувидир

Матн - тафаккур маҳсули

Тил-Оллоҳ томонидан инсонга берилган буюк туҳфа. Инсон табиат ва жамиятнинг муайян қонуниятлари асосида яшайди, ишлайди ва ўзаро мулоқот қилади. Мулоқот- муомала воситаси эса тилдир. Тил жавоҳиротлар яширилган

тилсिम бўлса, мустақил яратилган матн ана шу тилсимнинг кашф қилинишидир. Тил матнга она, доимий равишда яшариб, янгиланиб борувчи, ижтимоий тараққиёт ютуқларини ўзида дарҳол акс эттирувчи кўзгу, битмас-туганмас манба. Чунки ҳар қандай матн, у қайси фанга оид бўлишидан қатъий назар, тил ва унинг захираларидан фойдаланувчи шахснинг сўз бойлиги, матн эса-лисоний имкониятлардан фойдаланувчи ҳосиласи, идрок, хотира ва нутқий-услубий билим, кўникма ва малакалари ҳисобидир

тафаккур интеграцияси маҳсули, камолот ва маънавият инъикосидир

Машҳур тилшунос олим А. А. Потенбня сўз ва тафаккурнинг ўзаро муносабатини таҳлил қилиб, қуйидаги хулосага келади: «Тил тайёр фикрларни муносабатини воситасига эмас, балки у фикрни туғдирувчи ҳамдир. Инсон ифодалаш воситасида фикрлайди. Фикр эса сўз воситасида шаклланади, олға сўз воситасида фикрлайди. Фикр эса сўз воситасида кичик фишлардан силжийди». Ҳар қандай ҳашаматли, ҳайбатли иншоот ҳам кичик фишлардан бино бўлганидек, матн ҳам тил бирликлари: товуш, сўз, сўз бирикмаси, ибора ва гаплардан яратилади.

Демак, мактаб она тили таълимининг биринчи ва бош вазифаси ўқувчи луғатини бойитиш, уни кундалик нутқий амалиётга татбиқ қилишни ўргатиш, оғзаки ва ёзма матн яратиш БКМларини эгаллашдир. Ўзида мустақил матн яратиш кўникмаларини шакллантиришга интиланган ўқувчи сўз, сўз бирикмаси, гап ва унинг турлари ҳақида кенг қамровли маълумотларга эга бўлишлари, уларни нутқий вазият тақозосига кўра тўғри ва ўринли ишлатиш усулларини ўрганиб олишлари лозим бўлади. Бунинг учун эса она тили ўқитувчиси ниҳоятда сезгир ва моҳир бўлиши, дарсларини янги педагогик технологиялар, давлат таълим стандартлари асосида ташкил қилиши, нутқ ўстирувчи, ўқувчинини матн яратишга тайёрловчи лингвосоциологик ўқув топшириқлари, муаммоли вазиятлар, интерфаол методлардан доимий равишда, унумли фойдаланиш йўлларини ўрганиб бориши, уларни мунтазам равишда дарс амалиётига жорий этиши талаб қилинади.

Кишилар тил ёрдамида бир-бирлари билан гаплашадилар, илм ўрганадилар, савол-жавоб қиладилар, воқеа-ҳодисаларни таъриф-у тавсиф қиладилар. Фикр алмашини, мулоқот эса, асосан икки турда бўлади.

1. Оғзаки фикр ифодалаш (нутқ). 2. Ёзма фикр ифодалаш (матн).  
Оғзаки фикр ифодалаш гўдаклиқдан, оила тарбиясидан бошланиб, боғча ва бошланғич мактабда давом эттирилади, умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълимида оғзаки ва ёзма нутқ фаолияти ўзаро мутаносибликда ривожлантирилади. Илмий мақолалар ёзиш, маърузалар қилиш, ижодий матн (насрий ва назмий) лар яратиш, матнларни таҳлил ва таҳрир қилиш кўникмалари ҳам шакллантирилиб, мустаҳкамланиб борилади ва у муайян шахслардагина малакага, маҳоратга айланади.

Зеро, «Тил фикрни шакллантириш ва ифодалашга хизмат қиладиган маълум жамиятнинг барча аъзолари учун тайёр, умумий ва мажбурий бўлган элементлар ва уларнинг ўзаро боғланиш қонуниятлари ҳақидаги тасаввурлар йиғиндисида<sup>1</sup>». Тасаввур эса шахснинг интеллектуал қобилиятига боғлиқ ва у, индивидуалик, хусусийлик семалярига эга бўлган тушунчалар йиғиндисидан иборат.

Мустақил матн яратиш кўникмаларини эгаллаш фаолияти билан эса, асосан, ўрта мактаб даврида шуғулланилади. Ўқувчилар ўз луғат захирасини

<sup>1</sup> Нейматов Ҳ./., Бозоров М. «Тил ва нутқ», ўқув- методик қўламама, Тошкент, 1992.

бойитиш, мустақил мушоҳада юритиш, ўз фикрини тўғри ва равион ифодалаш, уни ҳимоялаш ва исботлаш санъатини эгаллайдилар. Ижодий тафаккур маҳсули бўлиши берилган матн устида ишлаш ва мустақил матн яратишни ўрганадилар. Мазкур кўникма ва малакалар ўрта махсус ва олий таълим жараёнида ҳам ривожлантирилади, ва такомиллаштириб борилади.

Она тили машғулотида матн устида ишлаш ва матн яратиш амалиёти устуворлигини таъминлаш—янги педагогик технология асосида иш олиб бораётган барча ижодкор она тили ўқитувчиларининг асосий вазифасидир.

Ўқувчи томонидан яратилган матнлар шартли равишда икки турга ажратилиши мумкин. **Монологик** ва **диалогик** матнлар. **Монологик** матнлар бир неча катта гуруҳга ажратилади: 1. Ўрганилаётган тил ҳодисасига оид Иختисосий матнлар. 6. Бадний матнлар. 7. Муншаот матнлари.

Матн, тузилишига кўра гап, хатбоши (абзац), мураккаб синтактик бутунлик (МСБ), бўлим, қисм, боблардан ташкил топиши мумкин. Аммо матнни ташкил қиладиган асосий таркибий қисмлар 3 та: Кириш, асосий қисм, хулоса. Бадний асарлар, поэмалар, романлар, йирик трилогиялар ҳам матн тушунчаси остида бирлашиб, яхлит, умумий тасаввурни—ижодий (илмий, публицистик) матнни ҳосил қилади. Умумий ўрта таълим мактаблари она тили амалиётида матннинг фойдаланиш кўпроқ учрайди.

**Тасвирий** матнларда асосан турли табиат манзаралари, алоҳида нарсалар, ҳодисалар тасвири берилади. Унда шахс объект сифатида иштирок этмайди: «Лола», «Мактаб боғи», «Пахта даласи», «Ўрмон», «Тоғ», «Саҳро», «Дарё», «Қишлоқ» ва ҳ.к.

**Ривоят** матнлари воқеа—ҳодисанинг шахслар иштирокида изчил берилиши, диалогик нутқда фойдаланиш мумкинлиги, яхлит бир воқеа, мазмуннинг очиб берилиши ва пана—насиҳат мазмунидаги хулосасидан ташкил топади, матннинг «Ривоят қиладиларким...», «Ҳадисларда келтирилишича...» «Солиҳ кишиларнинг айтишларича» ва ҳ.к. кириш сўзлари билан бошланиши билан, бошқа матнлардан фарқланади. Улар «Кайковус», «Аҳмад Яссавий», «Ҳадис илми», «Она юртим», «Тошкент—қадимий шаҳар» ва ҳ.к. мавзуларда бўлиши мумкин.

Тил ўрганиш амалиётида кенг қўлланиладиган баъний усулнинг бошқа бир тури муҳокама матнлари ҳисобланади. Муҳокама матнларининг асосий хусусияти шундаки, унда сўзловчи (ўқувчи) баён қилинаётган воқеа—ҳодисага ўз мунособатини бидиради. Ўз фикрини исботлаш учун далилий ашёлар излайди ва уни асослашга интилади. У изланиш, кузатиш ва таққослаш натижаларига таяниб, маълум бир фикрни рад этади ва бу ҳақда ўз ҳукмини чиқаради. Муҳокама матнлари ижодий меҳнат, саҳрийлик, яхшилик ва ёмонлик ботирлик ва кўрқоқлик ва ҳ.к. мавзуларда бўлиши мумкин. Айниқса, халқ мақоллари ва ҳикматли сўзларини муҳокама матни мавзуси қилиб танлаш мақсада мувофиқдир. Масалан: «Нутқ—тафаккур маҳсули», «Соғлом танда соғ ақл», «Экканингни ўрасан», «Каттага ҳурматда, кичикка иззатда бўл», «Саёқ юрган таёқ ер», «Қўл югурити ошга, тил югурити бошга» каби.

Матнлар услубий жиҳатдан ҳам ранг—барангдир. Ҳозирги ўзбек адабий тили таълимида сўзлашув услуби, бадний услуб, публицистик услуб, илмий услуб ва расмий услуб (муншаот матнлари) лар фарқланади.

Бадний услубда ёзилган матнларнинг ўзига хос хусусияти—улардаги таъсирчанлик ва тасвирининг кучлилиги, адабий тилнинг тайёр воситаларидан

(мақол, матал, топишмоқ, ибора, тасвирий ифода ва ҳ.к.) эркин ва самарали фойдаланилиши, матн тилининг қизиқарли, ранг—баранг ибора ва тасвирий воситаларга бойлигидир.

Умумий ўрта таълим мактабларида матн яратиш амалиёти видеотасвир ёки матнни экранда кўриш ва эшитиш, унинг тури, услуби, тузилишини фарқлаш, шакли ва мазмунига муносабат бидириш, муайян топшириқлар асосида берилган матн устида ишлаш, кўчириб ёки эшитиб ёзиш орқали матн таркибини мустақил шакллантириш, мавзудан матнга ва матндан мавзуга қараб бориш йўналиши асосида қурилади. Эгалланган БКМларни мустақамлаш, матн мазмунини ўзлаштириб, унга режа тузиш кўникмасини шакллантириш, матн асосида ишро ва баён ёздириш орқали шакллантирилади. Ўқувчиларнинг изчил ва мангикий фикрлаш қобилиятини шакллантириш вазифаси ўзида мавзу юзасидан таянч сўзлар танлаш, улардан юксалтириш вазифаси ўзида мавзу юзасидан таянч сўзлар танлаш, улардан уларнинг гап қурилишидаги аҳамиятини ўрганиш, шундай ифода воситаларини бевосита нутққа, матн тузиш жараёнига татбиқ этиш, муайян йўналишдаги алмаштириш, уларга синоним ва муқобил бирикмалар танлаш каби ижодий ўқув фаолиятларини мужассамлашди. Мавзуларининг турлича бўлиши, ўқувчиларнинг матн сарлавҳаси, мазмуни ва услуби орасида ўзаро уйғунликни англаб етиш ва идрок қилишга олиб келади. Ҳар бир матн ва ундаги тил фарқланишини ҳис қилишга олиб келади. Ҳар бир матн ва ундаги тил бирликлари, тил ҳодисаларининг матн табиатига мослаб танланиши шартлиги, агарда бирор тушунча бошқа маънодоши билан алмаштирилса, контекстдаги умумий маънонинг ҳам қайсидир даражада ўзгаришига сабаб бўлиши, бундай ўзгаришларнинг эса матннинг бирламчи умумий мазмунига таъсири борлиги ҳақидаги огоҳликларга эга бўлади.

**Демак, матн—тил бирликлари нинг берилган мавзу талаби асосида танланиши, кириш, асосий қисм, хулоса ҳолатида ифодаланиши, эгалланган нутқий билим, кўникма ва малакалар, адабий меъёр асосида ёзма ҳолатда воқеланишидир.** Қисқа қилиб айтганда, матн—тафаккур маҳсули, сўз ва гапларнинг муайян услуб ва меъёрлар асосида тартибланиши, яхлитланиши, маълум мазмун ва маконда<sup>1</sup> моддийлашувидир.

Умумий ўрта таълим мактабларининг она тили ўқитувчилари 5–9–синф ўқувчиларини мустақил матн яратишга ўргатишда тафаккурнинг энг муҳим лингво—психологик жараёнларини эътиборга олган ҳолда, қуйидаги умумдидактик принциплар ва она тили фанининг ўзига хос принципларига амал қилишлари лозим бўлади:

- матн яратишда таълим, тарбия ва ривожланишнинг уйғунлиги принципи;
- матн яратишда илмийлик ва тушунарлик принципи;
- матн яратишда босқичлик ва изчиллик принципи;
- матн яратишда ижодий тафаккурни ривожлантириш принципи;
- матн яратишда тил сатҳлариаро ва фанлараро боғланиш принципи;
- мустақил фаолият юритишда узвийлик ва узлуксизлик принципи;
- матн яратишда назарияни амалиёт билан боғлаш принципи;

<sup>1</sup> Макон – жой матининг қороз, магнит тасмаси, дискета, аудио—видеотасвир, ИНТЕРНЕТ сайтлари ва веб—саҳифаларда ёзилиши.

- мустақил фикрлаш даражаси эса ўқувчининг лугат заҳираси, тафаккур кўлами, хотира ва идрокдан вазият тақозосига қараб фойдалана билиш принципи. У мустақил яратилган матнда кўринади.

- матн яратишда ёш психологияси ва шахсий хусусиятларни ҳисобга олиш принципи; Бу принцип матн яратиш топшириқларини ўқувчи ёшига қараб, мураккаблаштириб бориш орқали амалга оширилади.

- ижодийлик ва эркин фикр ифодалаш кўникмаларини ривожлантириш принципи. У турли нутқий вазиятлар, бахс ва дебатлар ташкил қилиш, лингвopsиcологик топшириқлар тизимини таълим жараёнига киритиш ва уни аста-секин мураккаблаштириб бориш орқали амалга оширилади.

- мустақил ҳукм ва хулоса чиқариш малакаси матн таҳрири ва таҳлили билан мунтазам шуғулланиб бориш, ўз нутқида эшитилган ва айтилган фикрларга муносабат билдириш, шу маънода қўлланилувчи «хуллас..», «демак..», «натиха шундан иборатки..», «олинган натижалар шуни кўрсатдики..», «хулоса шуки..», «юқоридаги натижаларга асосланган ҳолда..», «бизнинг фикримизча..» ва ҳ.к. каби сўз ва СБларидан мунтазам фойдаланиш, ўз фикрини ишончли далиллар асосида, қатъий туриб ҳимоя қилиш кўникмаларини мустақамлаш орқали эгалланади.

Табиийки, юқорида келтирилган тайёргарлик босқичлари шартли. Чунки ҳар қандай тайёргарлик матн мавзусидан келиб чиқади. Масалан, «Менинг сеvimли машғулотим» номи ишни олиб қарайлик. Иншо сарлавҳасида энг муҳим йўналишни кўрсатадиган, муаллифни ўз мустақил дунёқароши, ўз фикри ва ҳаётга муносабатини ифодалашга йўналтириладиган сўз бор. Бу «сеvimли» сўзи. Бошқа барча тил бирликлари шу мантиқ атрофида жамланади ва шу сўз иншода очилиши лозим бўлган асосий фикрни кўрсатиб туради. Сарлавҳадан кўринадики, ҳамма машғулотлар ҳақида эмас, балки энг сеvimли машғулот ҳақида ёзиш зарур.

Иншонни шундай ёзиш керакки, уни ўқиган одам сизнинг сеvimли машғулотингизни «сезсин, кўрсин», унинг сиз учун нақадар ажойиб ва қизиқарли эканлигини ҳис қилсин. Мазкур мавзуда тасвирий иншолар (масалан, табиат манзараси), ёки муҳокама иншолар (масалан, китоб ўқиш ёки шеър ёзиш санъати билан қизиқишингизга сабаб бўлган нарсалар ҳақида ҳикоя қилиб бериш) ёзиш ниҳоятда фойдали. Мазкур машғулот нимаси билан сизни ўзига жалб қилганлиги, қайси томонлари сиз учун ўта фойдали эканлигига ўқувчини ишонтира оlishингиз, бунинг учун аниқ факт ва далиллар келтира билишингиз зарур. Умуман сўз, албатта, сеvimли машғулотингиз ҳақида бориши керак.

Мустақил матн яратиш кўникмаларини шакллантиришнинг сўнгги босқичи ўқувчи яратган матнни текшириш ва баҳолашдан иборат. Мазкур босқич ўқитувчи фаолиятида энг муҳим ва масъулиятли дaвр — умумлаштириш ва хулосалаш даври ҳисобланади.

Ўқувчи матнни текшираётган ўқитувчи ёзма иш мазмуни, нутқий равонлиги, услубий ва имло саводхонлигига эътибор қилиши, ўқувчи эгаллаган билим, кўникма ва малакалар доирасини аниқлаш ва шундан кейингига ҳукм ва хулоса чиқариши лозим. Ўқувчи билими ҳақида тўғри хулоса чиқариш — идрок ва қиёсий тафаккурни талаб қилувчи ўта масъулиятли вазифа ҳисобланади.

Монографик тадқиқотимизнинг илмий-амалий натижаси ҳисобланган «Матн яратишнинг босқичли тизими» универсал модулининг яратилиши ва ундан самарали фойдаланиш методикасининг ишлаб чиқилиши она тили

ўқитувчиларига дарсни янги педагогик технологиялар асосида ташкил қилиш, ўқувчи билимини текшириш ва баҳолаш жараёнини анчагина энгиллаштиришга хизмат қилади. Унда ўқувчи эгаллаган билим, кўникма ва малакалар, уларнинг амалий татбиқи изчил, босқичли кетма-кетликда амалга оширилади ва назорат қилиб борилади.

Ўқувчиларда мустақил матн яратиш кўникмаларини шакллантириш жараёнини фаол ва қизиқарли ташкил қилиш мақсадида қуйидаги электрон ўқув адабиётлари ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди:

- Матн яратиш жараёнини энгиллаштириш ва жадаллаштиришга хизмат қилувчи «Она тилидан рангли проекцион жадваллар мажмуаси» яратилди ва она тили амалиётга муваффақиятли татбиқ қилинди. Мажмуа ўқувчиларда тасвирий, таснифий, илмий-грамматик матн яратиш кўникмаларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди;

- Ўқувчининг матн яратиш фаолиятини интерфаол методлар билан бойитиш, уларни янги авлод дарсликлари, электрон ўқув қўланмалар билан таъминлаш, маданий нутқ меъёрларидан воқиф қилиш мақсадида умумий яратишнинг қулай восита ва усулларидан воқиф қилиш мақсадида умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синфлари учун «Она тилидан электрон дидактик слайдлар тўплами»<sup>1</sup> ўқув-методик қўланмаси яратилди. Мазкур электрон ўқув қўланма она тили таълими мазмунини янги педагогик технологиялар билан бойитишда муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга бўлди.

### 3.1. Ўқувчиларни матн яратишга тайёрлаш жараёни ва унинг ўзига хос хусусиятлари

Она тили таълимида ўқувчиларнинг мустақил матн яратиш кўникмаларини шакллантириш, тил сатҳларини ўзаро боғлиқликда, узвийлик ва узлуксизлик принциплари асосида ўрганиш, ўқувчида мантиқий фикрлаш ва бирламчи услубий саводхонликни таъминлаш билан уйғунликда олиб борилади. Илмий тадқиқот ишларини ташкил қилиш, олинган натижаларни хулосалашда тилшунос ва методист олимлар Ҳ. Ғ. Неъматов ва А. Буломовларнинг илмий-методик тавсиялари ҳамда таниқли тилшунос олим Н. Маҳмудов ва бошқаларнинг умумий ўрта таълим мактабларининг 5-9 синфлари учун яратилган она тили дарсликларига асосланади. Илмий-тадқиқот ишининг яратилган она тили дарсликларига асосланади. Илмий-тадқиқот ишининг синов-тажрибаларини ўтказиш жараёнида ўқувчиларнинг она тилидан МЯБТ-4 матн яратиш модули яратилди, таълим жараёнига татбиқ этилди. Илмий-методик жиҳатдан ривожлантирилади ва такомиллаштирилади.

1. МЯБТ-4 модули асосида ўқувчини матн яратишга тайёрлаш, мавзуда оид таянч сўз ва атамалар танлаш, (лексикология), СБлари ҳосил қилиш (синтаксис), СБлари иштирокида гап тузиш (синтаксис ва услубият) машқлари билан шуғулланишда юқори натижаларга эришилади.

2. Мустақил матн яратиш машқлари она тили дарсларининг таркибий қисмига айланттирилади.

3. Текширилган ёзма ишлар гуруҳ ўртасида очиқ таҳлил қилинади. Ўқувчилар томонидан яратилган энг яхши (ёки энг ёмон) матнни ўқувчилар муҳокамасига қўйиш, матннинг ижобий ва салбий хусусиятлари юзасидан

<sup>1</sup> Электрон ўқув қўланма 26.04.2006 й. РТМ услубий кенгашида ҳимоя қилинган. (изоҳ бизники, муаллиф)

савол-жавоблар ўтказиш ҳам ўқувчида танқидий фикрлаш, фикр маҳсулини аниқ, ихчам, тушунарли ифодалаш, матни таҳрир қилиш кўникмаларини шакллантиради, мустақамлайди.

Матн яратишга тайёрлаш ишларининг асосий мақсади ўқувчида имловий-услубий саводхонликни таъминлаш, унда муайян даражада шаклланган нутқий кўникмаларни ҳосил қилиш, мустақил фикр маҳсулини тўғри, раво, ўринли ифодалашга йўналтиришдан иборат. Шунинг учун ўқитувчи тайёрлов жараёнида болани матн ва унинг қурилиши, грамматик хусусиятлари билан бирма-бир таништиради. Шу мақсадда берилган матнлар устида ишланади, матннинг хатбоши, кириш ва хулоса қисмлари ажратилади, матндаги имловий-услубий нуқсонлар топилиб, таҳлил ва таҳрир қилинади.

Матн устида ишлаш жараёнида эса зарурий тил воситалари фаоллаштирилиб, сўзлар, сўз бирикмалари, гаплар лексик-семантик гуруҳларга ажратилиб, луғат дафтарчасига ёзилади. Ижодий фикрлаш ва илмий мулоқот жараёнида, ижобий ёки танқидий нуқтан назарни ифодалашда, диалогик матн таркибиде қўлланиладиган кириш сўз ва сўз бирикмаларининг, боғламаларнинг моделлари ўрганилади:

-Шубҳасиз, албатта, шахсан, менинг фикримча, чуқурроқ ўйлаб кўрсак, мен ишонаманки, биринчидан, рухсатингиз билан, қарши бўлмасангиз, мазкур масалада, хуллас, олинган натижалар шуни кўрсатдики, ва ҳ.к.

Матн яратишга тайёрлаш босқичлари қуйидаги бўлимлардан иборат:

1. Дарснинг мақсадини тушунтириш.
2. Кириш сўз (муаллиф ҳақида, ўрганилган асар ва ундан олинган матн парчаси ҳақида).
3. Матни (парчани) ифодали ўқиш.
4. Берилган матннинг мазмуни ва таркиби ҳақида суҳбат (режа тузиш).
5. Матннинг грамматик таҳлили (тил бўлимлари юзасидан).
6. Матннинг таркибий таҳлили (кириш, асосий қисм, хулоса)
7. Матннинг пунктуацион таҳлили (тиниш белгиларини тўғри қўлаш.)
8. Матн мазмунини шакллантирувчи ўқув топшириқлари тузишни ўрганиш.
9. Матни ўқув топшириқлари асосида қайта ҳикоялаш, матн тили ва услубий мукамаллик (номукамаллик) жиҳатларини муҳокама қилиш.
10. Матндаги имловий- пунктуацион хатоларни бартараф қилиш;
11. Услубий -мантқий нуқсонли матнларни таҳрир қилиш.
12. Матни қисқартириш, кенгайтириш (нутқий вазиятга мос равишда).

Яратиладиган матн ўрганилаётган мавзу билан ўзаро узвийликда, мавзуда ҳос бўлган тил ҳодисаларидан максимал даражада фойдаланилган ҳолда бажарилиши лозим. Масалан, ўрганилган дарс мавзуси "Маънодош сўзлар" бўлсин. Маънодош сўзлар-тилимизнинг лексик бойлиги. Ундан қанча ўринли фойдаланилса, фикрни тиниқ, раво, гўзал ифодалаш имкониятлари шунча кенгайди, сўздан тўғри ва самарали фойдаланиш малакалари шаклланади.

Оғзаки ҳамда ёзма нутқни маънодош сўзлар билан бойитишда сўз ва сўз бирикмаларини қуйидаги лексик маъно гуруҳларига ажратиш усулларида ҳам самарали фойдаланиш мумкин.

**1-топшириқ.** Истамоқ, кенгашмоқ, сўрамоқ, саломлашмоқ, хоҳламоқ, маслаҳатлашмоқ, фикрлашмоқ, орзу қиломоқ, соғинмоқ, кўришмоқ, омонлашмоқ, аҳдлашмоқ, салом-алик қиломоқ каби маънодош сўзларни лексик маъно гуруҳларига ажратинг:

- истамоқ, хоҳламоқ, орзу қиломоқ, соғинмоқ,  
- маслаҳатлашмоқ, машварат қиломоқ, кенгашмоқ, фикрлашмоқ, аҳдлашмоқ;

- сўрашмоқ, кўришмоқ, омонлашмоқ, саломлашмоқ, салом-алик қиломоқ...  
**2-топшириқ.** Маънодош сўзларни маълум бир белгининг ошиб ёки камайиб бориши (сўзнинг маъно даражалари) бўйича тартиб билан жойлаштиринг. Намуна: хужра, хона, кулба, уй, сарой, қаср, қалъа, кошона... тузук, дуруст, яхши, аъло, ажойиб, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган...

Ўқувчиларни мустақил ва изчил фикрлаш, сўзни анализ ва синтез қилиш, луғавий маъно белгиларини, лексик-семантик майдон, маъновий даражаланиш ва бадний товланишларни фарқлашга ўргатади, матн яратишга йўналтирилган топшириқларни бажариш, гап тузиш, сўзнинг энг мақбул вариантини танлаш, унинг гап қурилишидаги ўрнини аниқлашни осонлаштиради, танланган вариантдан нутқ шаронитига мос равишда самарали фойдаланиш имкониятини яратади.

**3-топшириқ.** Берилган сўзларга лексик маъноси яқин сўзлар топинг ва қатор ҳосил қилинг. Уларни маъно даражаланишига қараб жойлаштиринг: гулзор, гумон, сезги...

3.1-иш: гулзор, гулбоғ, гулистон, гулшан, чаман, чаманзор, боғу-бўстон; Гумон-шубҳа, ишончсизлик; сезги-туйғу, муносабат, мулоқат, муҳаббат ва ҳ.к.

Ҳар бир сўзга намунадагидек қаторлар ҳосил қилинган, сўзларнинг ошиб бораётган маъно даражаси, ўзаро фарқи қуйидагича тасниф қилинади: «гулзор» сўзининг маъно кўлами «гулбоғ» сўзиникидан торроқ, чунки «гулзор» деганда, фақат гуллар ва гул экилган ер(жой) маъноси англашилса, «гулбоғ» деганда, гул ва манзарали буталар, мевалар экилган, ҳордиқ чиқариш мумкин бўлган чорбоғ тушунилади. «Гулбоғ» сўзида маъно кенгайиши ҳодисаси кўринади. «Гулистон» сўзининг маъно даражаси, кўлами «гулзор» ва «гулбоғ» сўзларига қараганда анча кенг, яъни унда «гуллар ватани» (юрти, дёри, мамлакат) маъноси бор. Лекин, мазкур сўз умумистеъмолдаги атама (жой номи) бўлиб, унда «чаман» сўзида англашилган бадний кўгаринкилик, ҳиссий бўёқдорлик кўринмайди.

Шунинг учун гулистон сўзи бадний бўёқдорлик нуқтан назаридан гулшан, чаман сўзларидан қуйироқда туради.. ва ҳ.к.

**4-топшириқ.** Гапдаги маълум бир сўзни унинг маънодоши билан алмаштиринг. Намуна: Ўзбекистонимиз (республикамиз, юртимиз, ўлкамиз, дёримиз, мамлакатимиз...) кун сайин чиройли (кўркем, обод, гўзал, сулув...) бўлиб бормоқда. Юртимиз кун сайин яшнаб, кўркемлашиб бормоқда в.ҳ.

**5-топшириқ.** Берилган назмий матндаги ажратилган сўзларга маънодош уядош, зид маъноли сўзлар топиб, уларни ўзгартириб кўринг.

Кули-ю, табассум ҳамроҳинг бўлсин,  
Сен қулсанг, қалбинг ҳам қўшилиб қулсин,  
Яратган рибдан узоқроқ қилсин  
Табассум - ботиний нурдан далолат. (Т.З.)

Намуна: ҳамроҳинг, қалбинг, рибдан, ботиний нур...  
Маънодошлар: ҳамроҳинг, ҳамхонанг, шеринг, йўлдошинг, қалбинг, кўнглинг, юрагинг, дилинг, ўзлигинг; риб - ёлгон, фирибгарлик, алдоқчилик, ботиний нур-имон, ёруғлик, тасаввуф, ҳалолик, поклик, маънавият, саводхонлик, закийлик, Оллоҳга иймон келтириш ва ҳ.к.

Уядошлар: ҳамроҳинг-махраминг, умр йўлдошинг, шеригинг, қўшнинг, ҳамдардинг, ҳамийинг, сафардаги таниш-билишинг, ёнингда турган киши, йўлдошинг, биродаринг, дўстинг ва ҳ.к.

Зид маъно: Рийё — зиё, ҳақиқат, ростгўйлик, ҳалоллик, поклик; ҳамроҳинг-рақибинг, душманинг, ёнинг, ва ҳ.к.

Табассум, саховат, йўлдошинг бўлсин,

Мулоқот чоғида қўлдошинг бўлсин,

Кўнгили кўнгилга қариндош қилсин,

Табассум бор жойда бордир диёнат.

Юқорида келтирилган тўртликдан ҳосил қилинган маънодош, уядош ва зид маъноли сўзлар ёрдамида яратилган янги тўртлик варианты биринчисига нисбатан оддийроқ, жўнроқ, лекин у ўқувчи ижоди, нутқий тафаккурини маҳсули, ўзининг меҳнати, ундаги билим кўникма ва малаканинг амалий татбиқи, ўқувчи излаган, топган, анализ ва синтез қилган сўз тартиби ва адабий меъёрга, мавжуд назм қоиуниятларига бўйсундирилган маънодош ва уядош сўзларнинг шеърқаторларда қад ростлаши, ўз муаллифининг услубий-мантқикий саводхонлик даражаси, бадиий маҳорати, маънавий баркамоллигини, интеллектуал салоҳиятини кўрсатиб туривчи кўзгудир

**1-топшириқ.** Берилган матндан маънодош сўзларни ажратинг, гуруҳлашг, уларга зид маъноли сўзлар танланг.

Кулги-ю табассум Оллоҳнинг инсонга берган бетакрор марҳаматидирки, бу хислат на ҳайвонот дунёсида, на парранда-ю даррандаларда учрайди. Инсон қиёфасидаги шодмонлик белгиси фақат инсонгагина хос.

Кулги-ю табассум бебаҳо гавҳардир, инсон қалбининг юздаги инъикосидир, у юрак соғинчларини изҳор этиб туради... (Мирмуҳсин)

1. Ажратилган сўзларга зид маъноли тушунчалар танланг

Кулгу - йиги, фарёд, марҳамат - маломат, лаънат, кулчу - жаҳл, жанжал, хислат - феъл, қусур, хурсандлик - хафалик, ғам, фазилат - разолат, ширк, шодлик - ташвиш, тушқунлик., неъмат - фалокат

2. Топган сўзларингиздан фойдаланиб, СБ лари ҳосил қилинг:

Табассум-беминнат совға, табассум - тилсиз воситачи, табассум-қурол, берубор табассум, беозор табассум, майин табассум, муғомбирона табассум, маккорона табассум; табассум сеҳри, табассум жозибаси, табассумнинг кучи, қудрати, хосияти, таъсири ва ҳ.к.

Ўқувчиларнинг матн устида ишлаш соҳадаги билим ва малакаларини янада кенгайтириш учун қуйидаги қатор ўқув топшириқлари, грамматик машқлар тизимидан фойдаланиш мумкин: -матндаги янги ёки сизга таниш бўлмаган сўзни белгиланг, унинг маъносини изоҳланг; -матнда ажратилган кўчма маънодаги сўзларнинг уядош ва маънодошларини топинг; -маънодош сўзларнинг ҳаммаси учун умумий бўлган бош маънодаги сўзни белгиланг; - маънодош сўзларнинг маъно нозикликларини аниқланг ва таҳлил қилинг; - берилган сўз учун уядош (бир тур, гуруҳ, мавзуга оид) сўзлар қаторини тузинг. Улардан фойдаланиб, матн яратинг; -берилган сўзлар қаторини тузинг. Улардан сифатида бадиий асарларга, адабиёт дарслигига мурожаат этиш мумкин. Қуйида ўқувчиларни матн устида ишлаш жараёнида ижодий матн яратишга

тайёрлаш, оддий сўзларни бадиий бўёқдор сўзлар билан алмаштириш, содда гапларни кенгайтириш, ортиқча фикрларни қисқартиришга хизмат қилувчи таҳрир усуллари билан танишамиз, улардан намуналар берамиз:

**Мустақил иш:** Матни диққат билан ўқинг. Уни аввал бадиий бўёқдор сўзлар ёрдамида кенгайтиринг, сўнг ихчамланг (таҳрир). Матнларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини айтинг ( лисоний таҳлил)

### Ғижжак

Ғижжак—туркий қабилаларнинг қадимий мусиқа асбоби. Унинг скрипкага ўхшаш овози бениҳоя ёқимли. Буюк ҳақим Абу Али Ибн Сино асаб касалликларини ғижжак оҳанглари билан даволаганлар. Бу қадимий ва ноёб мусиқа асбобининг одамларга таъсири ана шундай сеҳрли кучга эга.

Ғижжакнинг торлари бор-йўғи тўртта, аммо уларнинг товуши бениҳоя хилама-хил. Биринчи «ми» ёш қизнинг кулгусидай соф ва жарангдор, иккинчи «ля» буйсимизнинг овози, учинчи «ре» ўсмир йигитчанинг овозини берса, тўртинчи «соъ» нуруний кексаларнинг босиқ, салобатли овозини эслатади.

Ғижжак нафақат Марказий Осиё халқларининг севимли мусиқа асбоби, балки у Туркия, Эрон, Озарбайжон, Арманистонда ҳам севиб тингланади. Лекин ғижжакни у томонларда «камонча» деб аташади. (97 та сўз)

### Ғижжак 2

(Кенгайтирилган матн намунаси)

Ғижжак—туркий қабилаларнинг қадимий мусиқа асбоби. Ғижжакни ўтирган ҳолатда, тиззага қўйиб чаладилар.

Ғижжакнинг овози ниҳоятда ёқимли ва таъсирчан. Унинг гоҳ ҳазин, гоҳида шўхчан садолари инсон қалбининг энг теран, энг муқаддас туйғуларини уйғотади, ички хиссиётларини кўзгатади, жунбушга келтиради. Беҳаловат кўнгиллارга эса ором, осойишталик бахш этади. Улуғ мутафаккир, беназир ҳақим Абу Али ибн Сино асаб касалликларини ғижжак оҳанглари билан даволаганлар.

Ғижжакнинг торлари тўрттагина. Аммо унинг бетакрор жозибаси, турфа ранг садолари кишини беихтиёр ўзига ром этади. Инсон ўзи сезмаган ҳолда эркаловчи оҳанглар асиринга айланади, ўз сийратигади илоҳий мўъжизаларни туяди, кашф этади. У сабр ва қаноатдан, изланишу интилишлардан, қувончу ташвишлардан иборат суронли ҳаётнинг қудратини англаб этади. Илоҳий яратиклар, мўъжизаларнинг энг мукаммали Ҳазрати инсон эканлиги, инсоний фазилатларнинг энг ноёби эса, эзгулик ва бағрикенглик эканлигини бутун вужуди билан туяди.

Ғижжакнинг мушкулотлар занжиридан фориг қилувчи, эзгулик ва камолот сари элтувчи, инсонни яшаш ва яратиш бахтидан воқиф қилувчи, покляниш, тасаввуф сари етаклагувчи масрур наволари янграйверсин. (154 та сўз)

### Ғижжак 3

( Ихчамлаштирилган матн намунаси)

Ғижжак—туркларнинг қадимий мусиқа асбоби, уни ўтирган ҳолатда, тиззага қўйиб чаладилар.

Ғижжакнинг овози ниҳоятда ёқимли. Унинг гоҳ ҳазин, гоҳида шўхчан садолари инсон қалбигади энг теран туйғуларни уйғотади. Беҳаловат кўнгиллارга ором, осойишталик бахш этади. Абу Али ибн Сино асаб касалликларини ғижжак оҳанглари билан даволаганлар.

Бу ноёб мусиқа асбобининг торлари тўрттагина. Аммо унинг турфа содалари кишини ўзига ром этади. Гижжакнинг мушкулотлар занжиридан фория қилувчи, мағрур ва масрур наволари янтрайверсин... (68 та сўз)

**Матн таҳлили намунаси:** Матннинг ўхшашлик томонлари. Ҳар уччала матннинг ўхшаш томони мазмуни, уларнинг барчасида битта мусиқий асбоб-ғижжак ҳақида сўз боради. Мазкур матнларнинг услубида ҳам ўхшашлик бор, улар бадиий услубда ёзилган монологик матнлардир.

**Фарқлари:** Биринчи, берилган матн тасниф усулида ёзилган бўлиб, кўпроқ энциклопедик маълумотлар (келиб чиқиши, инсонга таъсири, тарқалган жойлари, муқобил номи) келтирилган, таърифлар қисқа, аммо кенг қамровли, жами 97 та сўздан ташкил топган. Иккинчи матннинг 1- ва 3-матндан асосий фарқи шундаки унда бадиий бўёқдорлик, таъриф ва тасвир устивор мавқеда, кўпроқ мусиқанинг инсон руҳига, кўнглига кўрсатадиган ижобий таъсири ҳақида фикр юритилади. Матнда такрор учрайди, маънодош сўзларни ишлатишда адабий меъёрга аҳамият берилмаган, муболаға кучли, сўнги хатбошидаги маънодош сўз бирикмалари меъёридан кўпроқ. Матн кенгайган-154 сўздан иборат. Учинчи матн маърифий матнлар сирасига киритилади. У 2-матндан ўзининг ихчамлиги (68 та сўз), такрор ва ортиқча бадиий бўёқдан сақланилганлиги, мактаб ўқувчиси (5-7-синфлар) нинг ёш психологиясига мослиги билан ажралиб туради. Аммо, унда ҳам 2-матндаги каби ғижжак тарқалган ҳудудлар ва унинг муқобил атамаси ҳақидаги маълумот тушириб қолдирилган. Бунга сабаб, худосанинг кўтаринки руҳда бадиий-публицистик услубда тугаланишидир ва ҳ.к.

Маънодош сўзларни ўрганиш юзасидан бажариладиган ижодий-назорат ишларининг яна бир тури сайланма диктант тарзида ўтказилаши мумкин. Бунда матн ўқилади, ундан фақат (синоним) маънодош сўзларгина кўчириб ёзилади, агар ўқитувчи лозим топса, эшитиб ёзилган маънодошларга шаклошлар, зид маъноли сўзлар, уядошлар танлаш, улар воситасида СБ ларий ҳосил қилишга қаратилган қўшимча мустақил ишлардан бири топширилиши мумкин.

**Мураккаб синтактик бутунликлар (МСБ) ва матн яратиш.** Инсоният фаолияти - дунёдаги энг буюк ажойиботлар тиласими, билимлар хазинаси, бўлмиш китоб билан чамбарчас боғлиқдир. Инсон бутун ҳаёти давомида муаммоларни ечиш тажриба ўрганиш, билим олиш, донишмандлик сирларидан бохабар бўлиш учун доимий равишда китобга мурожаат қилади. Илмий изланишлар олиб бориш, илмий маърузага тайёрланиш, мақола устида ишлаш, илму фаннинг муайян соҳасини ўрганиш жараёнида энг замонавий янгиликлар нималардан иборат эканлигини билиш, кераклисини танлаш зарурати туғилади. Аммо минг-минглаб китоблар орасидан бизга зарур адабиётни қандай топиш мумкин?

Бундай ҳолатда бизга кутубхона каталоглари, адабиётлар рўйхати, қолаверса, китобнинг биринчи борада берилган маълумотлар йинидаги ёрдамга келади. Бундай матн турларига кириш сўз, резюме, нашр хужжатлари, исмлар ва жуғрофий кўрсаткичлар, қисқартмалар рўйхати, шарҳлар, библиографик кўрсаткичлар, аннотация ва ҳ.к.лар киради. Масалан, булардан энг кўп учрайдигани аннотация матни билан танишишда, ўқувчиларга изоҳли лугатдан аннотация сўзини топиш ва унинг шарҳи билан танишиш таклиф қилинади. Шарҳи ўқиб чиқилгач, ўқувчилар мазкур сўзнинг лугавий маъноси, англатаётган мазмуни ҳақида гапириб берадилар.

Аннотациядан кўзланадиган энг асосий мақсад китобнинг асосий мазмуни, нимага ҳизмат қилиши, кўтарган муаммоси, қандай ўқувчига мўлжалланганлиги ҳақида аниқ ва қисқа ахборот беришдир. Аннотация ҳар бир китобнинг иккинчи бетида бериллади. Намуна: А. Ҳожиаҳмедов. Мактабда ўрганиладиган мумтоз шеърининг вазн кўрсаткичлари.

Аннотация намунаси. Қўлингиздаги китобчада аруз вазидаги шеърини асарларни ифодали ўқиш усуллари ёритилиб, 8-10-синф мажмуаларидан ўрин олган мумтоз адабиётимиз намуналарининг вазн кўрсаткичлари акс эттирилган.

Мазкур қўлланма аруз назарияси ва амалиётини ўрганишингизда, аруз вазидаги шеърини асарларни ифодали ўқиш малакасини эгаллашингизда сизга ёрдам беради деган умиддамиз... ва ҳ.к.

Умумий ўрта таълим мактаблари, касб-ҳунар таълими ўқувчиларининг коммуникатив саводхонлигини таъминлаш муаммосини ҳал қилиш учун тил сатҳларини ўзаро боғлаб ўрганиш, узвийлик ва узлуксизлик принципларига тўла амал қилиш, тил ҳодисалари ўртасидаги тўғри ва тескари алоқа тўла амал қилиш, тил фойдаланиш, она тил таълими жараёнида суҳбат, натижаларидан унумли фойдаланиш, она тил таълими жараёнида суҳбат, мустақил мутолаа, маънавий ва маърифий йўналишдаги реклама матнлари ва телекўрсатувлар, қолаверса, эртақ ва ривоят жанрида яратилган матнлардан, таълимий ва маърифий йўналишдаги реклама матнлари, ва телекўрсатувлар, қолаверса, эртақ ва ривоят жанрида яратилган матнлардан, ва телекўрсатувлар, қолаверса, эртақ ва ривоят жанрида яратилган матнлардан, ўқувчи шахси, руҳияти, феъла-атворининг ижобий ёки салбийлиги, ундаги одоб-ахлоқ даражаси, комил-у фозиллик белгиларини рўйи-рост кўрсатиб берувчи шарҳона тестлардан, муаммоли масала ва назорат тестларидан, халқ мақоллари ҳамда ҳикमतли сўзлардан, қироат, истиқбол санъати дурдоналари, қолаверса, турфа мазмун ва кўринишдаги аудио-видеотасвирлардан, видеотопишмоқлардан унумли фойдаланиш мумкин.

Умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини матн яратишга ўргатиш қуйидаги кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш ва ривожлантиришни тақозо этади.

1. **Матн мавзусини белгилаш.** Бунда ўқувчи ўзининг қандай мавзуда матн яратиши мумкинлигини аниқ тасаввур қилиши, шу мавзу доирасидаги уядош ва маънодош сўзларни жамлаш ва танлаш билиши, сўзларнинг лексик-семантик жиҳатдан маъно даражаларининг кенгайиши ва торайиши ҳақида муайян билим кўникма ва малакаларга эга бўлишлари талаб этилади. Матн мавзусини белгилашда, шубҳасиз ўқитувчининг йўналишувчи кўрсатмалари ниҳоятда муҳим, аммо матн мавзусини танлаш ва белгилаш ҳуқуқининг ўқувчи ихтиёрига қолдирилиши ижобий мотивга эга. Бунда ўқувчи ўзида мавжуд бўлган интеллектуал қобилият, лисоний имкониятлар, коммуникатив саводхонлик даражаси ҳақида ўйлаб кўришига, ўзи яхши билган соҳага онд мавзунини ўзи танлашига имконият яратилади.

2. **Матндаги асосий фикрни аниқлашга ўргатиш.** Ўқувчи берилган матндаги асосий фикрни англаб етиши, қандай воқеа ҳақида сўз юритилаётганини, матнда кўзда тутилган мақсадни тасаввур қилиши ва тушунтириб бера олиши лозим. Ўқувчи шахсида бундай қобилиятни шакллантириш учун унга қуйидаги зарурий кўникмаларни сингдириш лозим бўлади:

2.1. Ўқувчинини берилган матнини диққат билан ўқиш, тасвирланган воқеа, асар қаҳрамонлари, улардаги ижобий ва салбий ҳусусиятлар, улар томонидан олиб борилган ижобий ёки салбий фаолият ҳақида тўғри, мантқиқан худоса чиқаришига эътибор қилиш, танқидий фикр ифодалашда ўқувчининг далил

ва аргументлардан ўринли фойдаланиш, жумлаларни ўзаро боғлиқ, бир-бирини тўлдирадиган, тасдиқлайдиган ҳолатда баён этишга одатлантириш.

2.2. Матнда тиниш белгиларини тўғри ва ўринли ишлаш, хат боши ва МСБ (мураккаб синтактик бутунлик)ларни фарқлаш, уларни тўғри, аниқ ва адабий меъёрга мос ҳолатда шакллантиришга ўргатиш.

2.3. Матн қисмларини фарқлаш, асосий қисмда киришга оид фикрларни ишлаш, киришда қўйилган муаммога асосий қисм ва хулосада жавоб қайтариш, хулосани чўзиб юбормаслик, тавсия қилинадиган таклиф ва мулоҳазаларни ихчам ва ишонарли ифодалаш.

3. *Матнга сарлавҳа танлаш.* Илмий адабий асарлар, матбуот материалларидаги сарлавҳаларни кузатиш, уларни илмий-амалий жиҳатдан ўрганиб чиқиш, уларнинг ҳар бири муайян бир мазмунга асосланганлиги: асосан сўз шаклида, сўз бирикмаси шаклида ва камроқ гап шаклидаги кўринишларда учрашини тасдиқлади. Сарлавҳаларни *сўз-сарлавҳа* («Педагогика», «Устоз», «Қобуснома»), *бирикма-сарлавҳа* («Минг бир кеча», «Ўткан кунлар») ва *гап-сарлавҳалар* («Баҳор қайтмайди», ) турларига ажратиш мумкин.

*Сўз сарлавҳалар.* Сўз сарлавҳалар учун одатда матн таркибда мавжуд бўлган, асосан от сўз туркумига оид, бош келишидаги сўзлар танланади. Масалан, «Эъзоз», «Камолот», «Пахтакор», «Устоз», ва ҳ.к. Бундай сарлавҳалар инсон меҳнати, илм-у заковати, ижтимоий тарихий фаолияти ҳақидаги ахборотларни ўзида жамлайди, маънавий ва маданий меросимизнинг, миллий қадриятларимизнинг интиқоси, акс садоси сифатида ўқувчинини ўзига чорлайди, эгаланган нутқий БКМ дан тезкор фойдаланиш, мазкур сарлавҳа остида жамланган асосий мазмуни жадал аниқлаш имконини беради. Образли қилиб айтадиган бўлсак, сарлавҳа – аннотация мақомига яқин туради, яъни, тақдир этилаётган асар соҳаси, мазмуни ҳақида «хабар» беради.

Матн яратиш ва матн устида ишлашда сарлавҳа, унинг матн сюжетини шакллантиришдаги моҳиятини чуқур англаб етиш, муҳим аҳамият касб этади. Бунинг бир қанча сабаблари бор. Биринчидан, сарлавҳага тасодифий сўзлар тушмайди, иккинчидан, матнга ном қўйиш, уни қисмларга ажратиш ва уларни номлашда ҳам бадий-эстетик вазифалар бажарилади. Учинчидан, сарлавҳа матннинг сўз ёки сўз бирикмасига айланган мазмуни эканлигини ҳисобга олсак, унинг ўқувчи эътиборини жалб қилишдаги аҳамиятини тушуниш қийин бўлмайди. Гап сарлавҳа ҳақида борар экан, унинг таърифи, моҳияти, матн яратишда ундан фойдаланиш йўллари ҳақида тўхталишимиз зарур.

Сарлавҳага «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да қуйидагича таъриф берилди: Сарлавҳа-1. Китоб, асар, мақола, шеър ва ҳ.к.нинг номи<sup>1</sup>. Ҳар бир сарлавҳа остида матн муаллифининг муайян мақсад ва вазифалари жамланган бўлади. Матнни ўрганиш эса ана шу мақсад ва вазифаларни қайта кашф этилиши, унинг воситасида матн мазмуни англаб етилишига ёрдам беради, қолаверса, сарлавҳа асосида ижобий ўқув мотивлари (яъни матнни ўқишга қизиқиш)нинг пайдо бўлишига олиб келади. Таъқиқ адабиётшунос олима М.С.Раҳмонова А.Орипов шеърятини асосида сарлавҳа ва назмий матн орасидаги мазмуний боғланишларни тўғри пайқабган ва мукамал тасниф қила олган<sup>2</sup>. Унинг ёзишича, мумтоз адабиётимизда лирик асарларнинг муаллифлар томонидан махсус номсиз яратилгани, аммо уларнинг кейинчалик муайян номлар билан ҳалқ орасида оммалашиб кетгани маълум. Чунончи, «Топмадим», «Қаро кўзим»,

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 томлик. 2-том С-Ҳ. Москва, Рус тили 1981, 23-бет  
<sup>2</sup> Раҳмонова М.С. Абдулла Орипов шеърятини бадий бутунлик, НД автореферати. - Т., 1998

«Ёр васли», «Фасли навбаҳор ўлди» ва ҳ.к.лар шулар жумласидандир. Умуман матнга сарлавҳа танлаш нафақат ўқувчилар, балки солиқ ижодкорлар, ёзувчи ва шоирлар учун ҳам ечими оғир муаммолардан ҳисобланади.

Бу ҳақда стилист олим И.Тошалиев шундай дейди: ..У (сарлавҳа, Т.З.) матн учун шунчаки рамз-белги эмас, матн моҳияти, мазмуни, мақсади ва вазифаси билан узвий алоқадор бўлган муҳим таркибий қисмдир<sup>1</sup>

Таъқиқ тилшунос олимлар Н. Маҳмудов ва М. Миртожиевлар Хайридин Султоннинг «Умр эса ўтмоқда» ҳикояси сарлавҳаси ҳақида шундай ёзишади: ...ҳикоя сарлавҳасидаги эса ёрдамчи сўзига диққат қилинса, бу сўзга ёзувчи жуда катта поэтик юк қўйганлигини, ҳикоядаги асосий ғоя ана шу сўз билан алоҳида таъкидланганлигини сезиш мумкин....Аслида, ҳар қандай сарлавҳа ҳам ана шундай ўткир бўлиши керак<sup>2</sup>.

Ўқувчилар матн сарлавҳасини танлаш устида ишлашда бир қанча усуллардан фойдаланишлари мумкин: 1. Мавжуд сарлавҳани изоҳлаш усули; 2. Сарлавҳага маънодошлар, уядошлар топиш орқали ўзгартириш усули; 3. Ўрганилган асарнинг бош сарлавҳаси ва қисмларига янги сарлавҳалар топиш усули ва ҳ.к.

Сарлавҳа – асарнинг асл моҳиятини очиб берувчи кўзгу, калитдир. Ўқувчига ўз ижодий меҳнати натижаси бўлмиш матнга сарлавҳа танлашни топириш, унда ижобий ўқув мотивларининг пайдо бўлишига олиб келади, унда матнни танқидий нуқтаи назар билан қайта таҳлил қилиш, матн юзасидан ўз хулоса ва ҳукмини чиқариш имкониятлари кенгайди. Матнни тўғри ва чиройли ўз хулоса ва ҳукмини чиқариш имкониятлари кенгайди, бир қанча муқобил номлаш мақсадида ўқувчи уни бир неча марта ўқиб чиқади, бир қанча муқобил сўзларни топади, ажратади, улар орасидан матн мазмунига ҳар томонлама мос келадиган сўзни танлайди. Мазкур фаолият ўқитувчи кўрсатмасисиз, ўқувчи иктиёрига кўра амалга оширилиши лозим. Ана шундагина ўқувчи нима учун мазкур сарлавҳани танлагани, матн мазмунидаги қайси ҳолатлар шу сарлавҳани талаб қилаётганини оғзаки изоҳлайди, баҳоли-қудрат тушунириб беради. Шунда ўқувчининг матнга танлаган сарлавҳаси, ўқитувчига унинг нутқий кўникмалари, сўз ишлаши ва матн яратиш маҳорати, коммуникатив саводхоналик даражаси ҳақидаги тўлиқ ахборот вазифасини ўташи мумкин. Бунда ўқувчининг илмий дунёқарashi, сўз танлаш маҳорати, ўрганилган матн юзасидан тўғри ҳукм ва хулосалар чиқариш кўникмаси аниқ кўринади.

Она тили таълимида анъанавий ўқув-назорат таълим тизимидан кашфиёт таълим тизими (онгли вербал-когнитив таълим) га ўтиш – ўқувчига ўзлиқни англаш, ўз иқтидорини тўла-тўқис юзага чиқариш, интеллектуал қобилиятини намоён қилиш, имконини беради. Ўқувчи билиш фаолиятининг доимий ҳаракатдаги механизми ҳисобланган ана шу хусусият, яъни, ижобий ўқув мотивларининг замонавий ўқувчи онгига синдирилиши тил таълимининг асосий вазифаларидан бири бўлиши керак.

Мазкур тизимнинг Миллий дастур талабларига мослиги, таълимда узвийлик ва узлуксизликка асосланиши, миллий ғоя, маънавий баркамоллик сари йўналтирилганлиги, умумийдан хусусийга эмас, хусусийдан умумийга қараб борилиши, ОВКТнинг ижодий тафаккур соҳибини тарбиялашнинг ишончли воситаси эканлигини кўрсатиб турибди. Она тили таълимида нутқий мустақиллик, ижодий баркамолликка эришиш, ўқувчи фикри, қизиқишлари,

<sup>1</sup> Тошалиев И. Сарлавҳа стилистикаси. «Журналистика факултетлари учун ихтисос курсдан ўқув қўланмаси». -Т., Университет, 1995, 3-6, 88-86.  
<sup>2</sup> Миртожиев М.Маҳмудов Н., Тил ва маданият, -Т., Ўзбекистон, 1992, 104-105 -6

илмий изланишлари учун шароит ва имкониятлар яратиб бериш - эски таълим тизимидан воз кечиб, янги ОВКТ таълим тизимига ўтиш учун зарур бўлган, курилайётган кўприкларнинг энг муҳими, энг зарурдир.

Ўқувчиларни мустақил матн яратишга тайёрлашнинг бирламчи босқичида оғзаки матн яратишни талаб қилувчи лингвопсихологик (ЛП) ўйин-топшириқлардан, баҳри-байт айтишувларидан фойдаланиш яхши самара беради. Қуйида ўқувчини мавзу асосида оғзаки матн яратишга йўналтирувчи ЛП топшириқлардан намуналар берилади:

1. «Сиз давом эштиришг..» ўйин-мусобақаси. Синф икки гуруҳга бўлинади. Ўйин икки босқичда олиб борилади. Биринчи босқичдаги ўйин шarti: Биринчи гуруҳ от (сифат, сон, олмош, равиш, феъл, тақлид) сўз туркумига оид сўзлар айтиши, иккинчи гуруҳ эса улардан 1 дақиқа ичида кўпроқ СБлари ҳосил қилиши керак. Гуруҳлар фаолияти навбат билан алмашинади. Кўпроқ ва тезроқ СБлари ҳосил қила олган гуруҳ ғолиб ҳисобланади.

Иккинчи босқич шarti: Бир гуруҳ СБлари ҳосил қилса, иккинчи гуруҳ улардан бадий бўёқдор гаплар тузади. Ҳар 5 дақиқада вазифалар алмашинади. Ҳар икки босқичда пешқадамлик қилган гуруҳ ўқувчилари ғолиб бўлади. Изоҳ: Мазкур ўйин-топшириқлардан ўқувчи онгида СБлари ҳосил қилиш, гап тузиш малакаларини мустаҳкамлаш, нутқ шароитига мос равишда, мустақил ва тезкор фикрлашни ўрганиш, ўқувчини тўғри, равон, ўринли оғзаки фикр ифодалашга йўналтиришда самарали натижа бериши мумкин.

2. «Матнни давом эштиришг..» ўйини. Мақсади: Ўқувчини тез, тўғри ва равон ёзма фикр ифодалашга ўргатиш. Бунда кириш қисми берилган гап давом эйтирилади. Синф икки ёки уч гуруҳга бўлингани маъқул. Матннинг номи, асосий қисми ва хулосаси номаълум бўлади. Ҳар бир гуруҳнинг яратган матллари монитор экранларига чиқарилади, имло саводхонлиги, услубий маҳорат, бадий бўёқдорлик нуқтаи назаридан қиёсланади ва баҳоланади. Топшириқни биринчи ўринда, белгиланган вақтда тугатган, матнга тўғри сарлавҳа топган, услубий равон, манتيқий мукамал матн яратган гуруҳ рабатлантирилади. Энг фаол ўқувчи ўйин ғолиби бўлади. (Агар ўқитувчи лозим топса, яратиладиган матн сарлавҳасини доскага ёзиб қўйиши мумкин, лекин бу тадбир ижодий иш жараёнининг сустлашувига сабаб бўлмаслиги лозим Мусобақа шarti: Ҳар бир гуруҳ аъзолари берилган гапни давом эйтириб, кичик матн яратадилар. Матнни тез, тўғри, бадий бўёқдор, мантиқий ва услубий нуқсонсиз яратган гуруҳ ғолиб бўлади. Намуна:

6-жадвал

Бошловчи:(Доскага ёзади) Менинг бобом отларни жуда яхши кўрадилар...

	1-гуруҳ	2-гуруҳ	3-гуруҳ
1.	Менинг бобом отларни жуда яхши кўрадилар. Улар ёшликларида от спорти бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлганлар.	Менинг бобом отларни жуда яхши кўрадилар. Бобомнинг Зомин тоғларида катта йилқи уюрлари бор.	Менинг бобом отларни жуда яхши кўрадилар. Улар 2-жаҳон уруши даврида 1-отлиқ армияда хизмат қилганлар.
К	Дадам бобомдан ўтган анъанани давом эйтириб, мактабда ўқиб	Мен ҳар йили ёзги таътилда тоққа, бобомнинг ёнларига	Урушда бобомнинг «Юлдуз» лақабли оти бўлиб, унинг

А	юрган чоғлариданоқ от спорти билан жиддий шуғуллана бошлаганлар.	Йилқи боқишга бораман. Бизнинг йилқиларимиз чиройли, бақувват, зотдор.	пешонасида юлдузга ўхшаш оппоқ қашқаси бўлган.
С			
О	Дадамга кўплаб моҳир чавандозлар халқаро миқёсдаги тренерлар сабоқ беришган, от спорти мусобақалари, жаҳон чемпионатларида ўз маҳоратларини кўрсатиб, ғолиб бўлиб келганлар.	Бобом уларни ҳеч кимга, ҳатто менга ҳам нишонмайдилар: «Тоғда тўрт оёқли бўрилardan ташқари икки оёқлилари ҳам бор, уюрни шулардан асраш керак» - дейдилар.	Юлдуз ниҳоятда ақлли, чопқир ва зийрак бўлган. Бобомга бу жанговор отни, жангда кўрсатган жасорати учун генерал Жуков ҳада қилган экан.
С			
И			
Й	Ҳозир дадамнинг ёшлари 35 да. У кишининг от спорти мусобақаларида қатнашиб, кўлга киритган эсдалик совғалари, орден ва медаллари қирқдан ошиқ.	Оёқлари ингичка қора тулпор, йўртоқи бедов от, зийрак ва ақлли саман отлар тоғ ёнбағирларида яйраб ўтлашади, чунки уларни тўртта бўрибосар итларимиз тун-у кун кўриқ-лашади.	Бобомнинг айтишларича, Юлдуз ўз эгасини бир неча марта душман куршовидан эсон-омон олиб чиққан, траншеяга тушиб олиб, бостириб келаётган танкларга чап берган.
Қ			
И	Бобомнинг кўплаб шогирдлари дадам сингари спорт усталари, моҳир чавандозлар бўлиб этишишган. Улар тез-тез бизникка келиб туришади.	Бобомнинг авлод аждодлари, ота -боболари ҳам йилқичлик билан шуғулланиб келишган. Бобом отларни бир кўришдаёқ насли, ёши, касалини аниқлай олади	Бир кун Юлдуз жангда қаттиқ ярадор бўлган, қушдан кетган бобомни авайлаб, ўзимизникилар томонга етказиб келган.
С			
М	Дадамнинг дўстлари яқинда уйимизга келишди. Улар тоғдан иккита зотдор, қора биялар олиб келишди. Биялар баҳорда қулунлади.	Бобомни қишлоқда қаттиқ ҳурмат қилишади: «Кўчқор синч и келди» - деб уйларининг тўрига ўтқизишиб, зиёфат қилишади.	Ўз отига қаттиқ боғланиб қолган бобом уйга қайтишда бир қулоғи йўқ, оқсоқ отни ўзлари билан бирга олиб қайтганлар.
	Ҳозир тойчоқлар бизникда. Улар менга жуда ўрганиб қолишган.	Тоғликларнинг от ёки биялари касал бўлиб қолса, дарҳол бобомни сўроқлаб келишади.	Уйимиздаги отлар уюри-уша вафодор Юлдузнинг аждодлари.
Х			
У	Мен катта бўлсам, от спорти билан астойдил шуғулланаман, бобомдек, дадамдек машҳур чавандоз бўламан.	Мен улоқчи, зотдор отларимиз билан жуда фахрланаман. Менинг орзум, зотдор отларни кўпайтириш, ўзбек отларини дунёга машҳур қилиш.	Мен катта бўлсам, албатта, ҳарбий чегарада, отлиқ қўшинда хизмат қиламан, Ватанимиз сарҳадларини кўриқлайман.
Л			
О			
С			
А			

Матн яратиш учун белгиланган вақт туташа билан бошловчи биринчи бўлиб ишни тутатган гуруҳ вакилига матнни ўқишни буюради. Қолган иккита гуруҳ аъзолари муҳолифат вазифасини бажаради (ўқиладиган матнни диққат билан тинглаб, танқидий фикрлайдилар, матннинг тили, услуби, сўз бойлиги, ишлатилган гапларнинг тури, бадиий бўёқдорлиги, матн қисмларининг тўлиқлиги, ўз ўрнидалиги (1-гуруҳ матни) имловий-услубий хатолар, тиниш белгиларининг ишлатилишидаги нуқсонлар, мақол ва ҳикматли сўзлар, ибораларнинг мавжудлиги ва ўринлилиги, берилган сарлавҳанинг матн мазмуни билан мослиги ва ҳ.к. ни муҳокамадан ўтказадилар ва ҳар бир ишга баҳо берадилар). Қолган икки гуруҳ аъзолари ҳам ўз матнларини навбат билан ўқийдилар ва гуруҳ муҳокамасига ташлайдилар. Матн савиясини баҳоловчи ҳакамлар ҳайъати ҳам ўқувчиларнинг ўзларидан сайланади.

**Раъбатлантириш:** Фолиб гуруҳ ўқувчиларининг матни мактаб деворий газетасида эълон қилинади. Бундай ўйин-топшириқлар ўқувчиларда лугат бойлиги, анализ ва синтез, илмий муҳокама юритиш, танқидий фикрлаш ва сўз ва сўз бирикмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Гапни бирикмалари ва гапларсиз шакллантириш мумкин эмас. Сўз бирикмаси ва гаплар эса, албатта, сўз ва атамалардан ҳосил қилинади.

Тил сатҳлари орасидаги бундай узвийлик ва узлуксизликка, тўғри ва тескари алоқага асосланган, бир-бирини тақозо этадиган тил ҳодисаларидан матн яратиш ва матн устида ишлашда унумли фойдаланиш, матн яратиш жараёнини интенсилаштиришга хизмат қилувчи *ярим тайёр маҳсулотлар* — атамалар, сўз бирикмалари, гап, гап таркибида тасвирий ифода ва ибораларни ишлатиш, уларни ҳосил қилишни, матн тилини бойитиш ва ёрдамчи манбалар билан таъминлашни ўрганиш умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари учун ниҳоятда фойдали ва сермаҳсул фаолият ҳисобланади.

Қуйида берилган гап устида ишлаш асосида янги матн яратиш топшириқларидан намуналар берамиз:

**1-топшириқ.** Берилган гапдаги ажратилган сўзларни маънодош ва уядошлари билан алмаштиринг.

**1-иш** Бутун тонгда тўсатдан Салимжоннинг онаси оғриб қолди. Уядошлар: *Тонга* - саҳарда, азонда, эрта билан, хўрозлар қичқира бошлаганда, кўкқисдан, тўсатдан, бирданига, кутилмаганда ва ҳ.к. *Оғриб қолди* - тоби қолди, қолди, ўзини ёмон ҳис қилди ва ҳ.к.

**2-иш.** Ҳосил қилинган СБларидан бадиий бўёқдор, синоним гаплар тузинг: 1. Эрта тонгда, ўн яшар Салимжоннинг онаси ўзини ёмон ҳис қилаётгани, иситмаси юқоридагидан шикоят қилди. 2. Хўрозлар қичқирғидан уйғониб, ювинишга чиққан Салимжон онасининг бир аҳволда, бетоб ётганини кўрди. 3. Кунботарда ўзини бироз нохуш сезган Салимжоннинг онаси эрталабга бориб, кўрпа-тўшак қилиб ётиб қолди.

**3-иш.** Юқоридаги гапларни ўқинг. Муаммоли вазиятга жавоб изланг ва матн яратинг. Муаммоли вазият: Бугун Салимжоннинг онаси оғриб қолди. Унинг дадаси Олимжон ака хизмат сафарига кетганлар. Синглиси Наргиза эса борчага бориши керак. Телефон ишламайди.

Салимжоннинг боши қотди. Муаммо: Нима қилиш керак? Матнни давом эттириб, муаммонинг ечимини топинг. Аввал оғзаки жавоблар тингланиб, баҳоланади (Бу ерда кесимдан савол бериб, гапни кенгайтириш усули билан ишлаш фойдали). Таянч сўз: *Жўнағи*.

1. Жўнағи. (ким?) 2. Салимжон жўнағи (қаерга?) 3. Салимжон касалхонага жўнағи. (нима учун?) 4. Шифокорни уйига чақиритиш учун Салимжон касалхонага жўнағи. (ким билан?); 5. Шифокорни чақиритиш учун касалхонага кетаётган Салимжон синглиси Наргизани ҳам кийинтириб, етаклаб олди; 6. Касалхонага бориб шифокорни уйга чақиритиш режалаштирган Салимжон боғчага ташлаб ўтиш учун синглиси Наргизани ҳам етаклаб олди.

Мана энди тайёр гапни муаммоли вазиятнинг ечими сифатида оққа кўчириш мумкин. Ушбу топшириқни бажаришда «кесимдан савол бериб гапни кенгайтириш» усулидан фойдаланилади. Бу усул таълимнинг изчиллик ва босқичли кетма-кетлик принципига асосланган бўлиб, унда ўқувчи қуйидаги амалий кўникма ва малакаларни эгаллайди:

1. Муаммоли вазият ҳосил қилиш, МВ га тўғри баҳо бера олиш, унга тўғри, оқилона ечим қидириш. 3. Ўз фикрини мантқиқан тўғри, изчил, ўзаро боғлиқ ҳолатда баён эта олиш. 4. Маънодош, уядош, муқобил сўзлардан энг мақбулини, нутқий вазиятга мос келадиганини танлай билиш. 5. Кенгайтирилган гапни ортиқча фикр, ва тақдор сўзлардан тозалаш, кераксиз сўзларни қисқартириш ёки бошқасига алмаштириш. 6. Гапни асосий маъно сақланган ҳолда ихчамлаш, имловий-пунктуацион хатоларни бартараф этиш ва ҳ.к.

Хуллас, мазкур ижодий жараён ўқувчида нутқий тадбиркорлик хусусиятини ривожлантиришга, муомала-мулоқот маданиятини юксалтириш ҳамда маҳоратини оширишга, муомала-мулоқот маданиятини кенгайтиринг. (Бунда ижодий матн яратиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади.)

**Мустақил иш.** Берилган содда гапни тик (вертикал) кенгайтиринг. (Бунда берилган гапдаги ҳар бир сўзга маънодош муқобиллар (ўхшаш маъноли сўзлар) танлаб, устунча шаклида ёзилади. Сўнгра маънодош сўзлардан фойдаланиб бадиий бўёқдор гаплар тузинг. Масалан:

7-жағвал

Дўстим	бугун	хурсанд	эди.
ўртоғим жўрам ошнам оғайним ҳамсоям биродарим қадрдоним дугонам....	шу кун, ушбу кун уззу-кун, кун бўйи, мазкур кун ўртадан-кечгача азондан шомгача, тонг отгандан кун ботгунча.	хушҳол, хушнуд шодон, бахтиёр вақти чоғ, димоғи чоғ, кайфи чоғ, оғзининг таноби қоч- ган, боши осмонда, оғзи қулоғида, еттинчи осмонда, осмону фалақда.	юрарди, кўринарди, турарди, жони танига сигмасди, учиб кўниб турарди, сезарди ва ҳ.к.

**1- топшириқ.** Тошилган маънодош сўзлар, ибора ва тасвирий ифодалар орасидан энг ўринли ва мақбулини танлаб янги, ўз гапингизни тузинг. Жумлангизда олдинги маъно сақлансин.





фани назарий мазмунини ўрганиш учун қулай ҳолга келтирилган бўлак (қисм, бўлим). *Модулар* замонавий таълим мазмунини амалийлик, фанлараро алоқадорлик, фаоллик ва тезкорлик хусусиятлари билан бойитадиган, таълим мақсадини аввалдан маълум бўлган, кутилган натижа сари йўналтирадиган (нисбий-маъновий тугалликка эга бўлган электрон слайдлар, коммуникатив жадваллар, сўз бирикмаси, гап тузиш қолиплари), кутилган натижага эришишни кафолатладиган интерфаол методлар тизими, ижобий ўқув мотивлари ҳосил қилувчи, изланиш ва кашф қилишга йўл кўрсатувчи онгли вербал-когнитив таълимга асосланган илғор педагогик технологиядир.

«МЯБТ-4» модули ўқувчини матн яратишга йўналтирувчи босқичлаштирилган таълим тизими бўлиб, мазкур жараён ўқувчи онгида хусусийдан умумийга қараб бориш, сўз бирикмаси ва гап таркиби (сўз, атама, сўз бирикмаси, таркиби (гап, хатбоши, МСБ, матннинг мазмуний тугаллиги белгилари, кириш, асосий қисм, хулоса) ҳақида бирламчи зарурий тушунчалар ҳосил қилиш, уларни мустаҳкамлаш, мазкур тизимлаштирилган модул асосида ўқувчини босқичма-босқич матн яратиш фаолиятига тайёрлаш, уни зарурий таянч биланлар билан фаол қуроланиши, (яратилажак матн учун зарур хомашё-сўз ва атамалар, сўз бирикмалари, ибора ва тасвирий ифодалар, гап тузиш ва танлаш, бошқа қўшимча манбалар: изоҳли лугат, маънодош, шаклдош, уядош сўзлар лугати каби) – тил материали ва лугавий манбалар билан ўз-ўзини мустақил таъминлашига шароит ва имконият яратишда муҳим аҳамият касб этади.

МЯБТ-4 модули йўналтирувчи ва тармоқланувчи таълим методига асосланган бўлиб, у ўқувчига яратилаётган матн мазмунини тўлақонли ёритиш учун зарурий таянч сўз ва СБлари топиш, улардан энг яхшилларини танлаш, танланган захирадан гап таркибида тўғри ва ўринли, кўзланган мақсадга эришиш воситаси сифатида фойдаланишга имконият яратади, ижодий фикр маҳсули бўлиши гапларни сўнги мақсадга – муайян мавзуда матн яратишга тайёрлаб боради.

МЯБТ-4 модули устида мунтазам ишлаш – ўқувчинини изчил ва кенг қамровли фикрлашга, она тили таълими давомида эгалланган матн яратиш ва матн устида ишлаш кўникмаларидан фавқулодда самарали фойдаланишга, ўзидаги нутқий баркамоллик, ижодий фикр ифодаланиши ривожланганлик даражасини ўқитувчининг ёрдамисиз, шахсан ўзи аниқлашга, ўз-ўзини назорат қилиш ва йўл қўйилган имловий, лексик-грамматик нуқсонларини мустақил бартараф қилишга ўргатади<sup>1</sup>. Ўқувчида ўз ижодий ишига танқидий назар билан ёндашиш, ўз фикрининг исботини топиш учун изоҳли, энциклопедик лугатларга мурожаат қилиш кўникмаларининг одатга айланиши кузатилади, модул талаблари асосида ишлаш ўқувчи онгида нутқий баркамоллик, фикр маҳсулини бадий тилда ифодалаш, илмий-маданий мулоқот, ҳар томонлама мукамал матн яратишга интилиш каби ижобий ўқув мотивларининг ҳосил бўлиши ва барқарорлашувига сабаб бўлади. Энг муҳими, ўқувчида интеллектуал ривожланиш жадалашади. Мазкур ижодий муҳит, ижобий ўқув мотивлари ўқувчида нутқий қобилиятнинг ривожланиши, матн яратиш малакасининг юксалиб боришига самарали таъсир ўтказиши.

<sup>1</sup> (Шундай ўз-ўзини назорат қилиш тестлари ОВКТ таълим тизимида асосланган, тадқиқотчи томонидан яратилган «Она тилидан дидактик слайдлар тўплами» электрон ўқув-методик қўланмасида мавжуд).

–МЯБТ-4 универсал-индивидуал матн яратиш модулининг таълимий-ривожлантирувчи аҳамияти шундаки, ўқувчи ўз нутқий имкониятини ҳар бир босқичда ўзига хос ўқув топшириқлари, белгиланган параметрлар воситасида синаб кўради, ўз-ўзини баҳолайди, ўз нутқий қобилияти, ўз услуби, ўз БКМлари доирасида аниқ бир мақсад сари – мустақил матн яратиш, ўз «мен» ини кашф қилиш сари интилади.

–МЯБТ-4 модулининг «индивидуаллик»лик хусусияти шундаки, ўқувчи ундан том маънода мустақил, ҳеч кимнинг ёрдамисиз, ортиқча қийинчиликсиз дарадан ташқари пайтларда ҳам фойдаланиши, якка ўзи ижодий матн яратиш устида ишлаши мумкин.

–МЯБТ-4 модулининг «универсал»лик хусусияти шундаки, биринчидан у ўқувчига ҳам ўқитувчига ҳам бир хилда зарур, ўқитувчи унинг ёрдамида ўқувчи билимини назорат қилиш, бажарилган ишни аниқ параметрлар асосида баҳолаш, уни насрий ва назмий матн яратишга босқичма-босқич тайёрлаш, ўқувчида ҳосил қилинган матн яратиш кўникмалари даражасини аниқлаш ва уни ривожлантириш имкониятига эга бўлади; Иккинчидан матн мавзуси қайси соҳа ва услубда бўлмасин уни яратишда МЯБТ-4 модулидан бемалол фойдаланиш мумкин. Учинчидан МЯБТ-4 модули билан ишлаётган ўқитувчи модул имкониятларидан ўрганилган мавзу талабига кўра фойдаланиши (мас., МЯБТ-1,2 асосида мустақил ишлаш, МЯБТ-2,3,4 асосида матн яратиш ва ҳ.к.), эгалланган билим кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаши ва ривожлантириши мумкин бўлади.

Ўқувчи эса, МЯБТ-4 модули асосида мустақил ва ижодий фикрлайди, фикр маҳсулини, узвийлик ва узлуксизлик принциплари асосида изчил ифодалаш, ҳар бир босқич талаби бўйича ўз-ўзини синаш ва баҳолаш, матн таркибидаги гаплар ва уни ташкил этувчи бирлик (сўз, атама, сўз бирикмаси, ибора, тасвирий ифода ва ҳ.к.) ларнинг гапдаги ўрни ва аҳамиятини англаб етиш, улардан нутқий шароит тақозосига кўра ўринли фойдаланиш кўникмаларини мустаҳкамлайди.

МЯБТ-4 модулининг соддадан мураккабга қараб боровчи, ривожлантирувчи босқичлари, ҳар бир босқичнинг матн яратишга йўналтирувчи механизмини тўлиқ эгаллаган ўқувчи:

–биринчидан, мустақил матн яратишга, коммуникатив саводхонлик ва аниқлаш ва баҳолашга шароит яратувчи модуллаштирилган тизимга, хусусий технологияга эга бўлади;

–иккинчидан, ҳар бири алоҳида меъёрий кўрсаткичларга эга бўлган МЯБТ-4 модули босқичлари устида мустақил ишлаш орқали ўзининг лугат бойлиги, фикрни тўғри, раван ифодалаш маҳоратини оширади, илмий дунёқарашга, маънавий баркамоллик фазилатларига эга бўлади;

–учинчидан, она тили таълими жараёнида МЯБТ-4 модули фаолиятини мунтазам иш олиб бориш-ўқувчининг мустақил матн яратиш мустаҳкамлайди, жадаллаштиради, автоматлаштиради, ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлайди; ёзма фикр ифодаланиши муайян услубга туширади ва ривожлантиради; –тўртинчидан, ўқувчи эгалланган матн яратиш БКМларини модул асосида мустаҳкамлаш, ижодий иш билан мустақил шуғулланиш, ўзида мавжуд кўникмаларни ўқитувчи ёрдамисиз такомиллаштириш имкониятини қўлга киритади;

-бешинчидан МЯБТ-4 универсал модули асосида мунтазам ишлаш, ўқувчини тил имкониятларидан эркин, унумли фойдаланиш, ундан назмий матнлар яратиш билан шуғулланишга шароит туғилади. (МЯБТ-4 модули асосида назмий матн яратишни "қофиядош сўзлар танлаш"дан бошлаш ўринли).

Монография ишининг тажриба-синовлари жараёнида МЯБТ-4 матн яратиш модулидан нафақат умумий ўрта таълим тизимида, балки узлуксиз таълим тизимининг ижтимоий-гуманитар йўналиши соҳасида ҳам самарали фойдаланиш мумкинлиги аниқланди. МЯБТ-4 модули Гулистон, Янгиер академик лицейлари, Тошкент юридик институти қошидаги академик лицей, Гулистон давлат университети филология факультети, чет тили, тарих ва география факультетлари талабалари томонидан педагогик амалиёт ишларини олиб бориш, ихтисосий матнлар тузишда самарали қўлланилмоқда.

МЯБТ-4 модулининг ривожлантирувчи хусусиятларидан бири шундаки, унинг ҳар бир босқичи ўзига хос ва мос бўлган мустақил меъёрий кўрсаткичларга эга, ўқитувчи улардан ўз хохишига кўра яхлит ёки бўлак бўлак ҳолатда фойдаланиши мумкин. Она тили ўқитувчиси ўрганилаётган мавзу талаби, ўқувчиларнинг билим савияси, интеллектуал имкониятига кўра, модулни 1-2- босқичларидан ўрганилган мавзунини мустақамлаш воситаси сифатида фойдаланиши (мас., «Берилган товуш (ҳарф) га товуш қўшиш орқали сўз ҳосил қилиш: о, ол, от, ош, ос; сўз таркибидаги ундош ва унлиларни ўзгартириш ёки товушни орттириш ҳисобига янги сўз ҳосил қилиш: ол -ола, хола, тола, тила, тилак ва ҳ.к.; сўзга уядошлар (маънодош, зид маъно, шаклдош, қофиядош ва ҳ.к.) танланг» (1-босқич), ёки «Берилган сўз ёрдамида сўз бирикмалари ҳосил қилинг.» (2-босқич), «Берилган сўз бирикмалари иштирок этган турли шакл ва мазмундаги бадий бўёқдор гаплар ҳосил қилинг» (3-босқич), ва ҳ.к. Бундан ташқари ўқувчилар 1-2-3-босқичлар таркибидаги матн яратишга тайёрловчи турфа топшириқлар мажмуаси устида ижодий ишлашлари, ёки модулни ҳар 4 босқичидан бир вақтнинг ўзида яхлит фойдаланишлари мумкин. Бунда МЯБТ-4 модули механизми тўлиқ ишга тушади ва тўртинчи босқичда матн яратилади.

Илмий-тадқиқот иши юзасидан олиб борилган синов-тажриба натижаларидан шу нарса маълум бўлдики, МЯБТ-4 модули механизмни тўлиқ қувват билан ишга туширишда биринчи босқичда тавсия қилинган уядош сўзлар устида ишлаш технологиясидан максимал даражада фойдаланиш, уядошликнинг кенг қамровлилиги (турли сўз туркумлари ҳамда бошқа фан атамаларини ўзида бирлаштири олиш хусусияти, бўлғувси матн мазмунининг асосий йўналишларини белгиловчи атамаларни топши, уларни ўзаро қиёслаш ва мавзуга мос келадиганларини танлаш), уядош сўзларнинг матн таркибини шакллантириш учун сермаҳсул манба вазифасини бажариши, ўқувчи онгида сатҳларо ва фанларо алоқани мустақамлашга жирият қилиши, нафақат сатҳларо ва фанларо алоқани мустақамлашга жирият қилиши, нафақат ихтисосий матнлар балки, расмий, илмий, публицистик услубдаги матнларни яратиш учун ҳам мос ва қулай эканлиги экспериментатор ўқитувчилар томонидан эътироф этилади.

<sup>1</sup> МЯБТ-4 матн яратиш модули 2002-йилдан буён таълим муассасаларида муваффа қиятл синовдан ўтказилди, она тили таълимига татбиқ этиб келинмоқда. Қаранг. «Ўқувчиларда матн яратиш кыникмаларини шакллантиришнинг илмий - методик асослари» номли докторлик диссертациясининг 4-боби. ТДПУ кутубхонаси. Тошкент, 2007 й

## МЯБТ-4 модули ва унинг меъёрий кўрсаткичлари:

МЯБТ-4 модули 4 та ривожлантирувчи ва яқунловчи босқичлардан иборат бўлиб, ҳар бир босқич ўқувчи томонидан эгалланган БКМлар ва коммуникатив саводхонлик даражасини аниқлаш ва баҳолашга имкон берувчи ўзига хос меъёрий кўрсаткичларга эга.

МЯБТ-4 модулининг ривожлантирувчи ва яқунловчи босқичлардан иборат бўлиб, ҳар бир босқич ўқувчи томонидан эгалланган БКМлар ва коммуникатив саводхонлик даражасини аниқлаш ва баҳолашга имкон берувчи ўзига хос меъёрий кўрсаткичларга эга.

**1-босқич.** Таянч уядош сўзлар танлаш меъёрлари: 5 тадан 25 тагача; «ўрта» даражадаги меъёрий кўрсаткич: 5-10 та уядош сўз танлаш; «яхши» даражадаги меъёрий кўрсаткич: 10-20 та уядош сўз танлаш; «аъло» даражадаги меъёрий кўрсаткич: 20-35 ва ундан ортиқ уядош сўз танлаш;

**2-босқич.** Сўз бирикмалари ҳосил қилиш меъёрлари: 3 тадан 8 тагача: «ўрта» даражадаги меъёрий кўрсаткич: 2-3 та маънодош сўз танлаш; «яхши» даражадаги меъёрий кўрсаткич: 3-6 та маънодош сўз танлаш; «аъло» даражадаги меъёрий кўрсаткич: 5-8 ва ундан ортиқ маънодош сўз танлаш;<sup>1</sup>

**3-босқич.** Матн мавзуси йўналишида содда гап тузиш меъёрлари: 5 тадан 12 тагача ва ундан ортиқ; «ўрта» даражадаги меъёрий кўрсаткич: 4-6 та содда гап тузиш; «яхши» даражадаги меъёрий кўрсаткич: 6-9 та содда гап тузиш; «аъло» даражадаги меъёрий кўрсаткич: 9-12 ва ундан ортиқ содда гап тузиш;

**4-босқич.** Матн мавзуси йўналишида қўшма гап тузиш меъёрлари: 2 тадан 8 тагача ва ундан ортиқ; «ўрта» даражадаги меъёрий кўрсаткич: 2-4 та қўшма гап тузиш; «аъло» даражадаги меъёрий кўрсаткич: 4-6 та қўшма гап тузиш.

**5-босқич.** Матн мавзуси йўналишида қўшма гап тузиш меъёрлари: 2 тадан 8 тагача ва ундан ортиқ; «ўрта» даражадаги меъёрий кўрсаткич: 2-4 та қўшма гап тузиш; «аъло» даражадаги меъёрий кўрсаткич: 4-6 та қўшма гап тузиш.

**6-босқич.** Матн мавзуси йўналишида қўшма гап тузиш меъёрлари: 2 тадан 8 тагача ва ундан ортиқ; «ўрта» даражадаги меъёрий кўрсаткич: 2-4 та қўшма гап тузиш; «аъло» даражадаги меъёрий кўрсаткич: 4-6 та қўшма гап тузиш.

**7-босқич.** Матн мавзуси йўналишида қўшма гап тузиш меъёрлари: 2 тадан 8 тагача ва ундан ортиқ; «ўрта» даражадаги меъёрий кўрсаткич: 2-4 та қўшма гап тузиш; «аъло» даражадаги меъёрий кўрсаткич: 4-6 та қўшма гап тузиш.

**8-босқич.** Матн мавзуси йўналишида қўшма гап тузиш меъёрлари: 2 тадан 8 тагача ва ундан ортиқ; «ўрта» даражадаги меъёрий кўрсаткич: 2-4 та қўшма гап тузиш; «аъло» даражадаги меъёрий кўрсаткич: 4-6 та қўшма гап тузиш.

**9-босқич.** Матн мавзуси йўналишида қўшма гап тузиш меъёрлари: 2 тадан 8 тагача ва ундан ортиқ; «ўрта» даражадаги меъёрий кўрсаткич: 2-4 та қўшма гап тузиш; «аъло» даражадаги меъёрий кўрсаткич: 4-6 та қўшма гап тузиш.

**10-босқич.** Матн мавзуси йўналишида қўшма гап тузиш меъёрлари: 2 тадан 8 тагача ва ундан ортиқ; «ўрта» даражадаги меъёрий кўрсаткич: 2-4 та қўшма гап тузиш; «аъло» даражадаги меъёрий кўрсаткич: 4-6 та қўшма гап тузиш.

**11-босқич.** Матн мавзуси йўналишида қўшма гап тузиш меъёрлари: 2 тадан 8 тагача ва ундан ортиқ; «ўрта» даражадаги меъёрий кўрсаткич: 2-4 та қўшма гап тузиш; «аъло» даражадаги меъёрий кўрсаткич: 4-6 та қўшма гап тузиш.

**12-босқич.** Матн мавзуси йўналишида қўшма гап тузиш меъёрлари: 2 тадан 8 тагача ва ундан ортиқ; «ўрта» даражадаги меъёрий кўрсаткич: 2-4 та қўшма гап тузиш; «аъло» даражадаги меъёрий кўрсаткич: 4-6 та қўшма гап тузиш.

<sup>1</sup> 1-босқичдаги қолган меъёрий кўрсаткичлар ўқитувчи томонидан синфнинг интеллектуал қобилиятига кўра, нисбий белгиланади.

намойиш қилишига шароит ва имконият яратади. Шунингдек, мустақил матн яратишнинг иккинчи босқичига ўтиш учун замин ҳозирлайди.

МЯБТ-4 модулининг иккинчи босқичида бажариладиган иш она тили таълимининг синтаксис бўлимига оид. Бунда ўқувчидан мустақил, ўзида бирикмалари ҳосил қилиши талаб қилинади.

Сўз бирикмасининг гап ва матн қурилишидаги шакл ва мазмун уйғунлигини таъминлаш, гапнинг бадий бўёқдор ва жозибадор бўлишида тутган ўрни ва аҳамияти бениҳоя катта. Таъбир жоиз бўлса, сўзларни бўлғуси иморатнинг гишглари деб қабул қилсак, сўз бирикмалари-гап аталмиш қасрнинг нақшинкор устунлари, эшиг-у деразалари, гўзал қуббалари ҳисобланади. Сўз бирикмалари қанчалик нафис ва мухтасар бўлса, ундан тузиладиган гаплар ҳам шунчалик таъсирчан, бой ва мазмундор бўлади. Масалан:

Куртаклар дарахтнинг ўйлари,  
Дарахтнинг ўйлари гуллайди.  
Куртаклар дарахтнинг куйлари,  
Куйлари иқболдан сўйлайди.

*С. Салим.*


Бу шеърый мисраларда ҳосил қилинган сўз бирикмалари шoirнинг бой луғат хазинаси, ўйноқи, тағдор сўз ўйинларидан фойдаланиш маҳорати ҳақида аниқ тасаввур беради. Сўз бирикмалари ҳосил қилишни билиш гап ёки бирикмаларини танлаш бағоят муҳим бўлган энг маъқул, энг зарур тил биргалигини танлаш имкониятини беради.

Матн яратиш модулининг иккинчи босқичида танланган таянч сўزلардан яратилажак гап (матн) қурилишига хизмат қилувчи, мазмун ва йўналишни аниқлаштирувчи бадий бўёқдор тушунчалар-сўз қўшилмалари, эркин сўз бирикмаларини (муайян миқдорда) ҳосил қилиш, тасвирий ифода ва иборалар, мақол ва ҳикматли сўзлар танлаш, мазкур жараёнда сўз бирикмаларидаги ҳокимлик ва тобелик муносабатларини аниқлаш, сўз бирикмаларининг биргаликда аниқлаш, сўз бирикмаларининг шарҳлаш ишларини йўлга қўйиш, ўқувчи онгида сўз бирикмалари ҳосил қилиш доирасини чексиз кенгайтирадиган систем тилшунослик ҳосилалари, лисоний семантик қолип-лар таркибини анализ ва синтез қилиш, шу билан бирга яратилган СБ кераклиларини ажратиш ва танлаш ишлари бажарилади. Сўз бирикмаларининг ажратиш ва танлаш ишлари бажарилади. Сўз бирикмаларининг гап ва матн таркибида бажарадиган вазифалари ва матннинг тўғри шакллантирилишидаги аҳамияти бениҳоя катта.

Сўз ва сўз бирикмаларини фарқлаб ўрганиш, грамматик тушунчаларни ажратиш, саралаш ва танлаш, сўз ва сўз бирикмаларида маъно кенгайтириш ва тораёйиш ҳодисаларининг юзга келиши, уларнинг гап тузиш ва матн яратишдаги аҳамиятини англаб етишга ёрдам беради. Сўзнинг сўз бирикмасига нисбатан эркинлиги, мустақиллиги, ишлатилиш доирасининг кенглиги, мавзу йўналишининг аниқланмаганлиги, умумийлиги; мустақил маъноли сўзнинг бошқа бир сўз билан боғланиб, сўз бирикмасига айлангач, унинг ишлатилиш доирасининг чегараланиши, сўз бирикмаларининг яхлит маъно ташвиш хусусиятларига эгаллиги, СБларининг гап қурилишида мазмун йўналишини белгилаб берувчи тил ҳодисаси эканлиги, уларнинг ўқувчи онгида матн яратиш кўникмаларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этиши ҳақида амалий тушунчалар ҳосил қилиш, ўқувчиларда

оғзаки нутқ ва матн яратиш кўникмаларини шакллантиришда муҳим ўрин тутаети. Қуйида сўз ва сўз бирикмасининг ўзаро фарқланишини намойиш қилувчи график схемага диққат қиламиз:

8-жагвал



Сўз бирикмаларини ҳосил қилишда юқорида таъкидлаб ўтилганидек, сўз бирикмаси ҳосил қилувчи лисоний семантик қолип-ЛСҚ лардан унумли фойдаланиш мумкин: Мас., 1. «От + от» қолипли сўз бирикмаси: Орзу дэнгизи, орзулар тантанаси, шаҳарнинг кўчаси, дадамнинг кўзойнаги, тоғ этаги, тоғ лоласи, баҳор нафаси.

2. «Сифат + от» қолипли сўз бирикмаси: Кичик ҳикоя, қизиқарли кўрсатув, тарихий китоб, совуқ ҳаво, жасур йигит.

3. «Сон + от» қолипли сўз бирикмаси: Бешта қўй, бир юз бешинчи хона, учдан бир қисм, бир минг беш юз туман, ўн икки динор.

4. «Равиш + от» қолипли сўз бирикмаси: Мардона йигит, ўнг соҳил, чап қирғоқ, мўл ҳосил, сокин кеча, кўрқинчли туш.

5. «От + феъл» қолипли сўз бирикмаси: Уйга кирди, ўт ёқди, сув селди, нон ёнди.

6. Бундан ташқари матн яратишда «аралаш қолип»ли сўз бирикмаларидан ҳам самарали фойдаланиш мумкин:

М: Бир зумда уйга қайтиб кирса— «сон + равиш + от + феъл»,

Ўзбек тилида «Бир зумда» сўзининг қуйидаги нутқий муқобиллари мавжуд ва улар билан таниш бўлиш яратилажак гапларнинг бадий бўёқдор, қизиқарли чиқишида алоҳида аҳамият касб этади:

9-жагвал


маънодошлар:	ухшатмалар:	иборалар:
бир онда, бир дамда бир нафасда бир лаҳзада бир сонияда бир дақиқада	қушдек учиб, ўқдай учиб, шамолдек елиб, елдек учиб,	кўз очиб- юмгунча, тин олмай, оёғи ерга тегмай, оёғини кўлига олиб, ўпкасини кўлтиқлаб...

Сўз ҳам, сўз бирикмаси ҳам нарса, буюм, ҳодиса, тушунча, белги, ҳаракат, миқдор, ҳолат тушунчаларини ифодалашга хизмат қилувчи восита. Аммо,

сўз нисбий аниқ (ўқувчи сўзи фақат шахс, касб номини англатади) тушунчаларни англатса, СБ хусусий аниқ (аълочи ўқувчи) тушунчаларни англатади. Сўз бир тушунчани ифодаласа, СБ да бирдан ортиқ тушунчалар ўзаро муносабатга киришган ҳолда воқеланади. Сўз асосида лексема ва морфема, уларнинг бирикув қонуниятлари ётса, СБ га лексема ва уларнинг бирикувларини тартибга солувчи ЛСҚ<sup>16</sup> (лисоний синтактик қолип) асос бўлади. Сўзнинг қўланиш доираси кенг, шу сабабли йўналиш мавҳум, СБ да эса бу кенглик, мавҳумлик тиниқлашгандек фикр йўналиши кўрингандек бўлади. Масалан: «аълочи ўқувчи» бирикмасида ўқувчининг фақат бир белгиси намоён бўлган ва шу билан у муайянлик касб этган. Аммо бу муайянлик нисбий ва бирёқламадир. Чунки ҳоким сўз-«ўқувчи»нинг сифатлари, хусусиятлари, тавсифий белгилари бениҳоя кўп (янги, билимдон, зукко, ғайратли, одобли, мулоим, гапга кирмайдиган, ўзбилармон, қайсар... ва ҳ.к.). СБ лари бошқа сўзларни ўзига бириктириб шаклан ва мазмунан кенгайгани ҳолда, гапда ишлатилиш имкониятлари шаклан ва мазмунан кенгайгани ҳолда, гапда имкониятларига қарама-қарши ўлароқ СБлари муайян йўналиш доирасидагина ишлатилади ва ҳосил қилинган СБлари тузилажак гап (ахборот) нинг шаклланиши, мазмунинг тиниқлашиб боришига ёрдам беради.

Сўз бирикмалари оддий ва бўёқдор бўлади. *Оддий сўз бирикмалари:* дарахтнинг гуллари, гулларнинг ранглари, ҳидлари ва ҳ.к.; *бағий бўёқдор сўз бирикмалари:* дарахтнинг ўйлари, куртаклар ўйлари, ўйлари гуллайди, куйлари сўйлайди, иқболдан сўйлайди ва ҳ.к.

Сўз бирикмасини ҳосил қилишда «сифатҚот», «отҚот» сўз бирикмаси қолип-ларидан унумли фойдаланиш мумкин.



Юқорида таъкидлаб ўтилган СБларининг боғланиш усуларини, ҳоким ва тобе сўзларни фарқлашни билиш ўқувчи учун фойдали, аммо сўнги мақсади матн яратиш бўлган боланинг ақлий қобилияти ҳоким ва тобе сўзлар таснифи, улар орасидаги боғланишларнинг илмий талқинига эмас, амалий татбиққа, турли қолишдаги турфа сўз бирикмаларини жадал ҳосил қилиш кўникмаларини шакллантиришга қаратилиши лозим. Зеро, биз методистларнинг асосий мақсадимиз ўқувчини мустақил матн яратишга тайёрлаш, гап тузиш жараёнида барча тил имкоҳиятларидан, жумладан, СБларидан ҳам унумли фойдаланиш кўникмаларини ривожлантиришдир.

Матнда сўз бирикмалари семантик майдон сифатида. Сўзларда маъно даражаланишининг энг юқори нуқтаси ибора-фразеологизмдир. У умумий ўрта

таълим мактабларининг она тили дарсликларида «турғун боғланма» ҳолатида ҳам ишлатила бошланди. Сўз бирикмасидаги сўзлар ўзаро эркин боғланган бўлиб, ҳар бир сўз алоҳида тушунчани англатса, турғун боғланмадаги сўзлар яхлит бир маънони англатиб, боғланмадаги сўзлар қанча бўлишидан қатъий назар (масалан: қўли гул, юлдузни бенарвон урадиган, ёки сувга олиб бориб суғормай келадиган) бир сўз маъносига (моҳир, эпчил, айёр) тенг бўлади. Шаклан бир-бирига ўхшайдиган сўз бирикмаси ва турғун боғланмалар ўзбек тилида, асосан, кесим сифатида ишлатилади. Масалан: Дилнозанинг «тили суяксиз» ҳам қараш

Бу гапдаги турғун боғланмага оддий сўз бирикмаси сифатида ҳам қараш мумкин, чунки тил ҳақиқатан ҳам суяксиз, лекин лисоний-этимологик тараққиёт давомида рўй берган кўчиш ҳодисаси натижасида, тилнинг суяксизлиги тамоман бошқача маънода, яъни, «Сир сақлай олмайдиган одам» маъносига ишлатила бошлаган.

Матн яратишнинг босқичли тизими универсал модулининг энг муҳим, учинчи босқичи ҳисобланадиган «гап тузиш» фаолияти ҳам синтаксис бўлимига оид бўлиб, у ўқувчи учун ниҳоятда қизиқарли бўлган, кашф қилиш, изланишга етакловчи ўқув топшириқлари, ижодий тафаккур ҳосилаларидан таркиб топади. Яъни, унда бир ёки бир неча СБларидан мазмундор, бадий кенгайтирувчи (аниқловчи, тўлдирувчи) ва гап кенгайтирувчи (ҳол) бўёқдор, мантиқан тўғри, услубий равон гаплар тузиш, мазкур жараёнда сўз кенгайтирувчи (аниқловчи, тўлдирувчи) ва гап кенгайтирувчи (ҳол) бўлаклардан унумли фойдаланиш, қўшма гапларни содда гапларга, содда йиғиқ гапларни содда ёйиқ гапларга айлантириб кўриш, гаплар таркибига ундалма, киритма, ажратилган бўлақлар, топишмоқ, мақол, матал ва ҳикматли сўзлар киритиш, уларни кенгайтириш ёки ихчамлаш, бошланиш ёки тугалланиш қисми берилган гапларни тўлдириш (масалан, 1. Аловиқдин қараса, ... .. 1.1 Аловиқдин қараса, дев унинг барча хоҳишини бажарадиган...; 1.2 Аловиқдин ўйлаб қараса, «дўстинг учун заҳар ют» деганларидек, дев унинг барча хоҳишини бажарадиганга ўхшайди; 2. ... бор сирини унга тўкиб солди FF 2.1. Шу қуналарда бошини қайга уришни билмай юрган Аловиқдин бор сирини унга тўкиб солди), ўқувчи учун ниҳоятда қизиқарли, ўз нутқий қобилиятини ўртоқлари олдида намоён қилиш имкониятини берувчи «Гапларни шеърқаторларга айлантиринг...» каби ижодий ўқув топшириқлари (мас., Баҳор келиши билан қорлар эриб, боғу роғлар, далалар ям-яшил майсалар билан қопланди (гап): Келди баҳор, эриди қорлар, яшилликка бурқанди боғлар.. (шеърқатор), содда, қўшма, кўчирма ва ўзлаштира гапларда тиниш белгилари устида ишлаш каби грамматик-услубий машқлар, мустақил ва ижодий ўқув топшириқларини бажариш мумкин. Шундай ўқув топшириқлари орқали ўқувчи онгида нутқий шароит талаби, ҳамда ўзидаги нутқий-лисоний имкониятларга кўра гаплар тузиш, илмовий-услубий ва мантиқий нуқсонларни аниқлаш, уларни бартараф этиш кўникмаларини мустаҳкамлаш ишлари бажарилади. Шундан сўнг ўқувчи томонидан тузилган гаплар сирасидан яратиладиган матн учун (кириш, асосий қисм, хулоса сифатида) зарур бўладиганларини ажратиш ва белгилаш каби синтактик-услубий ишлар бажарилиб, матн яратишга тайёрланиш жараёни (МЯБТ-4 модулининг тайёрловчи 3 босқичи) ниҳоясига етказилади.

Матн яратиш модулининг тўртинчи босқичида-ўрганувчини она тили таълимининг пировард натижаси бўлмиш матн, унинг таркибий қисмлари, синтактик қурилиши (хатбоши ва МСБлари, кириш, асосий қисм, хулоса)

мустақил матн яратишнинг усул ва воситалари билан таништириш, мазкур усуллар ёрдамида монологик ва диалогик матнлар яратиш, матннинг умумий таҳрири устида ишлаш усулларини ўрганиш, ўқувчи онгида мавжуд бўлган, она тили таълими жараёнида ривожлантирилган ва меъёрлаштирилган матн яратиш кўникмаларининг шаклланиши билан аниқлаш ва баҳолаш ишлари бажарилади.

Шундай қилиб, она тили таълимида мустақил матн яратиш, ўқувчи эгаллаган билим, кўникма ва малакалар даражасини назорат қилиш, аниқлаш ва баҳолашга, мазкур билимларни 4 босқичли тизимда, сатҳлараро ва фанлараро алоқадорликда, узвийлик ва узлуксизликда ривожлантириш ва такомиллаштириш учун шароит ва имконият яратиб берувчи универсал тизим «МЯБТ-4» модули ишлаб чиқилди, тажриба-синов учун танланган таълим муассасаларида синовдан ўтказилди. Олинган натижалар педагогик ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларида она тили курслари қатнашчилари муҳокамасига тақдим этилиб, ижобий баҳолади ва курслари қатнашчилари муҳокамасига тақдим этилиб, ижобий баҳолади ва улар орқали умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус касб-ҳунар таълими коллежларида она тили таълими амалиётига муваффақиятли жорий этилди.

Ўқувчининг узвийлик, узлуксизлик, изчиллик ва босқичли кетма-кетлик принципларига асосланган матн яратиш фаолияти 4 босқичли тизимда модуллаштирилди. Унга она тили таълими жараёнида ўқувчи томонидан эгалланган БКМлар татбиқи ҳамда ўқувчи онгидаги нутқий-тафаккурининг интеграция ҳодисасининг ўзаро уйғунлашуви-таъсир ва акс таъсир асос қилиб олинди ва яхлит бир тушунчага айланштирилди. Ўқувчида коммуникатив саводхонлик, ёзма фикр ифодасини жадаллаштирувчи ва ривожлантирувчи, ўқувчида матн яратиш кўникмаларининг шаклланиши даражасини аниқлаш ва баҳолашга хизмат қилувчи мазкур тизим «МЯБТ-4 модули» деб номланди. (Қаранг 10-жадвал)

Қуйида монографиянинг кейинги босқичида тажриба-синов амалиётига жорий этилган хусусийликдан умумийликка қараб боровчи, ўқувчиларда матн яратиш кўникмаларини шакллантирувчи, мустақил матн яратиш фаолиятини енгиллаштирувчи, «МЯБТ-4» модули ва унинг рамзий чизмаси берилди:

(10-жадвал).



Чизмада дидактик фаолиятнинг оддийдан-мураккабга, хусусийдан-умумийга принципларига асосланган матн яратишнинг босқичли тизими аниқ тасвирланган.

Матн яратишнинг замонавий технологияси сифатида тавсия этилаётган МЯБТ-4 модули қуйидаги ўқув фаолияти босқичларидан ташкил топган.

1. *Сўз танлаш фаолияти*; китоб, дарслик, ўқувчи, мактаб ва ҳ.к.  
2. *СБ лари ҳосил қилиш фаолияти*; фойдали китоб, янги физика дарслиги, 7-синф ўқувчиси, тўрт қаватли янги мактаб, Мирзаобод туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактаби.

3. *Ҳап тузиш фаолияти*; Инсон учун энг фойдали, илм ва техника тараққиёти, дунё ишларидан воқиф қилувчи нарсаси — китоб... ва ҳ.к.

4. *Матн яратиш фаолияти*. Жамият тараққиёти давомида эришилган энг муҳим кашфиёт — ёзув ва китобдир. Китоб... (матнни давом эттирилади)

МЯБТ-4 модули ўқувчини босқичли кетма-кетликда, бир йўла 4 босқичда жадал ижодий фаолият юритишга, изланиш ва кашф қилишга йўналтирувчи универсал педагогик технологиядир.

Қуйида мустақил матн яратиш кўникмаларини интеграциясининг МЯБТ-4 хизмат қилувчи, нутқий-тафаккурининг кўникмаларини интеграциясининг МЯБТ-4 модули сатҳида моддийлашуви схемаси (11-жадвал), МЯБТ-4 модули таркибига киритилган лингвопсихологик топшириқларни она тили таълимига татбиқ этишнинг тизимли технологияси, ижодий ва мустақил ишлар, қизиқарли нутқий вазиятлар, муаммоли топшириқлар билан бойитилган умумий кўриниши (12-жадвал), 4 та алоҳида босқичлардан ташкил топган таркибий қисмлари, унда ўқувчи томонидан муайян босқич талаблари асосида бажариладиган ўқув топшириқлари, модул асосида олиб бориладиган ижодий-амалий фаолият ҳақида кенгроқ маълумот бериш маъқул кўрилади;


МЯБТ-1. Матн яратиш модулининг 1-босқичи бўлажак матн учун таянч сўзлар танлаш фаолияти билан бошланади: Мазкур бўлим яратиладиган матн мавзусига оид сўз ва атамалар мажмуасидан ташкил топади. Унда қуйида тавсия этилаётган ўқув топшириқларидан бири-ўрганилаётган мавзуга мос келадигани ўқитувчи томонидан танланиши, яратилган матн мавзусига хос бўлган таянч сўзлар ҳосил қилиш таклиф қилиниши мумкин.

Мустақил матн яратиш кўникмаларини шакллантиришнинг энг биринчи шarti ҳисобланган «мавзуга оид таянч сўзлар танлаш» (ўқувчиларни матн мазмунини шакллантиришда ўта муҳим бўлган уядош сўзлар устига ишлаш) фаолияти билан чуқур таништириш, мазкур фаолият билан мунтазам шуғулланишга иштиёқ уйғотиш, яъни, матн яратишга йўналтирувчи ижобий ўқув мотивларини ҳосил қилишдан иборат.

МЯБТ-4 модули асосида яратилган 1-тур матнлар бадний матнлар бўлиб, хусусийдан умумийга қараб бориш асосида яратилади. Улар тўлиқ илмий-ижодий фаолият сирасига киритилиб, уни бевосита хотирага таянган ҳолда ҳеч қандай илмий манбаларсиз мустақил ишлаш, хотирада мавжуд сўз бойлиги, уядош сўзлар захираси, матн устида ишлаш бўйича эгалланган билим, кўникма ва малакалар асосида яратиш мумкин.

2-тур матнларнинг қўламини, имкониятлар доираси бирмунча чегараланган, тайёр манбалардан фойдаланиш мумкинлиги билан 1-тур матнлардан фарқланади. Матн учун танланган таянч сўзлар ўрганилган мавзу доирасидаги сўз туркумларидан, ана шу туркумга хос бўлган сўзлар иштирок этган СБлари, мақол, ҳикматли сўз, иборалардан тузилади (мас., мавзу «Олмош- сўз туркуми» номли илмий-грамматик матн яратиш бўлса, таянч сўзлар танлаш доираси олмош мавзусига оид атама ва тушунчалар, уядош

Нутқий-тафаккурый кўникмалар интеграцияси ва унинг  
МЯБТ-4 модули сатҳларида моддийлашуви



4. Берилган сўзни иборалар: кўрқди- кайфи учди, тоби қочди, тарвузи кўлтигидан тушди; тасвирий ифодалар: оқ олтин, дала маликаси, ўрмон маликаси; уядош сўзлар: тол- оқ тол, қора тол, сариқ тол, мажнунтол; терак- мирзатерак, бақатерак, оқ терак, кўк терак; узум-чарос, ҳусайни, тоифи, кишиши, каттақўрғон, буваки ва ҳ.к. лар билан алмаштириб кўриш.

сўзлар билан, мақол ва иборалар билан чегараланади). 3-турдаги матнлар эса қисман ижодий ишлар гуруҳига киритилиб, ўқувчи бўлғуси матн учун таянч сўзларни берилган матн таркибидан қидиришига тўғри келади.

Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синфларида тўғри келадиган фонетика бўлимини ўрганишда МЯБТ-4 модулининг 1-босқичи асосида ишлаш, мазкур жараёнда таянч сўзлар танлаш, янги сўзлар ҳосил қилиш, сўзларнинг луғавий маъноларини шарҳлаш орқали нутқ ўстириш- ўқувчини матн яратишга тайёрлаш ва тўғри фикр ифодалашга ўргатишда муҳим, ривожлантирувчи аҳамият касб этади. Намуна:

1-топшириқ. Берилган товушга бир (икки, уч) товуш қўшиб янги сўзлар ҳосил қилинг ва улар маъносини шарҳланг. Намуна: о- ов, оз, ой, ол, он, ор, ос, от, оч, ош, оқ, оф, оҳ, ва ҳ.к.; «о» унлисига «в» ундошини қўшиш орқали «ов» сўзи ҳосил қилинди. "Ов" атамаси парранда ва жониворларни тутиш, отиш маъносини аниқлатади...ва ҳ.к.

2-топшириқ. Берилган сўзга товушдош (пароним) лар топиш ва сўзларнинг бир товуш ўзгариши натижасида(дон-дин, дид, бил, бир, бий, бой, бўй; салом, калом, калон, салон, талон,) ҳосил бўлган янги луғавий маъносини шарҳлаш;

3-топшириқ. Товушдошларга уядошлар топиш (Тил сатҳлариаро алоқадорлик ҳодисалари устида ишлаш: дон-буғдой, шоли, арпа, сули, маккажўхори, оқ жўхори, гречка, тарик, мош, ловия, нўхот; бил-тани, таниш, кўриш, ўқи, ўрган, англа, тушун, излан, қидир; китоб- мактаб, дарс, дарслик, устоз, шогирд, илм, кутубхона ва ҳ.к.) ва танланган сўзлардаги товушлар, унли ва ундошлар, бўғинлар сонини аниқлаш, сўзнинг луғавий маъноси, унинг қайси сўз туркумига қарашлилигини орзаки тушунтириш (нутқ ўстириш ва ўрганилган мавзуни мустаҳкамлаш);

4-топшириқ. Уядош сўзларнинг хусусийларини топиш (шоли-гуруч турлари; кенжа, девзира, ассорти, мустақиллик, ғалаба, лазер ва ҳ.к.) ва улардаги унли ва ундошлар, бўғинлар сони, очиқ ёки ёпиқ бўғинлигини аниқлаш, гуруч турларининг хил-хусусиятларини қиёсий шарҳлаш ва ҳ.к.

МЯБТ-4 модулининг 1-босқичида ўқувчи томонидан бажариладиган фонетикага оид ўқув топшириқлари ўзида тил сатҳлариаро алоқа, товушларни фарқлаш ва улардан унумли фойдаланиш, тўғри талаффуз, сўз бойлигини ошириш (товушларни ўзгартириш, қўшиш ёки тушириш орқали янги сўзлар ҳосил қилиш) ва бойитиш, имло саводхонлиги, орзаки нутқни ривожлантириш каби 11 хил ўқув мақсадини ўзида мужассамлантирганлиги билан аҳамиятлидир.

МЯБТ-1. Лексикология (сўзшунослик) мавзусини ўрганиш жараёнида ўқувчиларни матн яратишга тайёрлаш:

1. Берилган сўзга маънодошлар топиш, улардаги маъно даражаланиши ҳодисасини шарҳлаш; М., одам-инсон, шахс, индивид, банда, мўмин, мусулмон.ва ҳ.к.)

2. Берилган сўзга зид маъноли сўзлар топиш ва уларнинг луғавий маъноларини шарҳлаш. М., бор-йўқ, қур-буз, тур-ўтир, меҳнат- роҳат, зикналик- хотамтойлик ва ҳ.к.

3. Берилган шаклдош сўзга маънодошлар (ўт-майса, кўкат, пичан, хашак; ўт-олов, оташ, аланга: ўт-ҳаракат; ҳатла, сакра, нари тур (кўчма маъно) ва ҳ.к.) топиш ва сўзларни қиёсий таҳлил қилиш;

Тил сатҳларини ўзаро алоқадорликда ўрганиш орқали матн яратиш  
МАТН ЯРАТИШНИНГ БОСҚИЧЛИ ТИЗИМИ-МЯБТ-4 МОДУЛИ ТОШИРИҚЛАРИ

Талаф сўзлар  
таллаш

Сўз бирикмалари  
хосил қилиш

Ғалп тузиш

Матн яратиш

<p>1-босқич</p> <p>1. Берилган сўзга товушдошлар: дан-дин, дил, бил...</p> <p>Уялош сўзлар: маъ, терак, қайин, ўрик, лалмон, озан...</p> <p>Мавънодошлар: одам-инсон, шахс, кичи, банди, мижоз.</p> <p>Зид мавъноли сўзлар: бор-йўқ, қур-бўз, тур-ўтир...</p> <p>Шаклдошта мавънодошлар: ўт-майса, кўкат, пичай, хашиак, ўт-олов, отани, аланга; ўт-ичкаъзо; ўт-сақра-қатла - фельт; ўт-ўт-кўч, м...</p> <p>Иборалар: кайфи учди, тоби қонди, лам-лам демасди...</p> <p>Тасвирий ифодалар: оқ олтин, билдимош, билдимошлик;</p> <p>Кўшимчалар: ишдиш, ишдиш қўлдиш, тездиш, озодин;</p> <p>Қофиядошлар: Олади, қолди, толади, билади, кулади, қулади ишлади.</p> <p>Тере сўзлар: моти-ном, зум-муз, қиш-чиқ, топши, сурўхаш ва матни учун мослиги таллаш ва ҳ.к.</p>	<p>2-босқич</p> <p>2. Берилган сўз билан: «от+от»: тои уй; «олмош+от»: мазкур иш; «сифат+от»: тиниқ сўз. «от+февъ»: сўз очмоқ, «сон+от»: бети ўял, учинчи уй, сиф; «от+сифат+дош»: дуо қилган, «от+февъ+т+ар»: қулоқ тишлатар, «олмош+от»: мелинг орзум... ва ҳ.к.-қолипли сўз бирикмалари тузиш;</p> <p>Қелишиқ кўшимчаларни, кўмакчилар ёрдамида сўз бирикма лари ҳосил қилиш: <i>бизнинг кўча, тоғдаги уйлар, онамда олдин, онам учун олдим, ишди қайтиш...</i> ва ҳ.к.</p> <p>Берилган сўз иштирок этган мақол, ҳикматли сўз, ибора ва тасвирий ифодалар топиш: <i>Дўст-дўст кулфатда биллар, дўрқиз-капаласи учди, ранги учди, ишди малам-оғизга сўз солиб олди, элици-олдўзин бепарвон уради ва ҳ.к.</i></p>	<p>3-босқич</p> <p>3. Тузилган сўз бирикмаларидан: содда ёйиқ ва содда ёйиқ, уюшиқ ва ақратилган бўлакни, кириш сўз ва кириш ғалли, содда ва ҳушқа ғаллар ҳосил қилиш, кўширма ва ўзлаштирма ғаллар тузиш;</p> <p>Шеърқаторлар тузиш, Моно лог ва диалоглар ёзиш, Бир ғални турли мавънода (хабар, сўроқ, буйруқ, уйдов шодлик, ҳафлик) таллафуз қилиш;</p> <p>Ихчам ғални кенгайтириш, кўшма ғални ихчамлаш, уюшиқ бўлакни ғаллар, шеър қаторларини бадийи бўёқдор ғал (насро)ларга, сўнгра шеър қаторларга айлангитриб қуриш</p> <p>Ғалда сўзларнинг ўрнини ва ўзини алмаштириб кўриш, ғал таркибига мақол ва ҳикматли сўзлар киритиш, уюшиқ бўлакни ва ақратилган бўлакни ғаллар ҳосил қилиш. Ғални таҳлил қилиш ва ҳ.к.</p>	<p>4-босқич</p> <p>4. Тузилган ғаллар (шеър қаторлар) дан фойдаланиб, монологтик (кичик матнлар, илмий матнлар, ихтисосий матнлар, ижодий, публицистик, расмий, бадийи-режамий матнлар, ҳикоя, мақол, метал топишмоқ, ҳикматли сўзлар, тасвир, эркин ишолар) ва диалогтик матнлар (сўзбаг, саҳна асари ва ҳ.к.) яратиш;</p> <p>Хоҳиши, иқтисори бор ўқувчилар шеърни тўртлик ва саккизликлар ёзиш мумкин. Матн қурилиши (катбоши, МСБ (мураккаб синтактик бутуллиқ), кичик матн), услуби (илмий, бадийи, расмий, публицистик, сўзлашув), муаммалал лик даражаси (кириш, асосий қисм ва бўласаларнинг мавжудлиги), тил бойлигини аниқлаш, матнни таҳрир қилиш, тайёр матнни оққа кўчириш ва ҳ.к.</p>
--	--	---	---

Ўқувчиларда мустақил матн яратиш кўникмаларини шакллантириш босқичлари

Матн яратишга  
тайёрлаш

Мустақил матн  
яратиш

Матн таҳрири

<p>I. Маданий нутқ кўникмаларини шакллантириш : Сўзбаг, муҳоза, мулозари, бахс, дебат, танқидий фикрлаш, берилган (тавсия қилинган) матнлаги нўқсон ва каҷчиқларнинг топши ва кўрсата бўлиш, ўз фикрини исботлашда факт ва далилларга мурожаат қилиш; Илмий – маданий мулоқот олобини эъломлаш; ўқувчи онинга ўзаро меҳр – оқибат, ҳуррият ва тақаллуф меҳрларини сипатлириш;</p> <p>II. Матн турлари билан таништириш: Сўзбаг, ком – менарий, шарҳ, ингеральо, монолог, диалог, полмог, Насрий матн бадийи матн, бадийи – рамзий матн, маърифий матн, МСБ, аннотация, илмий матн, ихтисосий матн, илмий – грамматик матн, тест савол – лари матнлари, тезис, тавсиянома, тавсифнома... Назмий матн: шеър, тўртлик, саккизлик, лирика, аруз вази, бармоқ вази, бўғи, қофия</p> <p>III. Берилган матн устида ишлаш: Фонетика, лексикология, сўз ясалishi, морфология ва синтаксис юзасидан амалий топириқлар устида ишлаш, назмий матнни насрий матнга айлантириш ва аксинча; Муаммоли назмий, муаммоли масала, муаммоли топириқлар устида ишлаш, ёзма жавоб ястирилар тайёрлаш.</p> <p>IV. Матн яратиш ва унинг таркибий қисмларини шакллантириш: Кириш, асосий қисм ва ҳулосани ажратиш. Кириш қисми берилган матни давом эттириш, матннинг узвийлик ва изчиллик бўлмаган ўринларини беллаш, матнгаги мантқиқий ва услубий нўқсонларни аниқлаш ва барграф эттиш, матн қисмлари орасидаги боғламлар ва боғламчи воситаларини беллаш, ажратиш ва ғалда бажарётган вазифасини изоҳлаш...в.х.</p>	<p>I. МЯБТ-4 МОДУЛИ АСОСДА НАСРИЙ МАТНЛАР ЯРАТИШ:</p> <p>1. Монологик матн яратиш: (Режама, мактуб, тасвирий, бадийи, ҳужжат матнлар яратиш);</p> <p>2. Расм – тасвир асосида матн яратиш;</p> <p>3. Хаг – ҳужжат матнлари яратиш;</p> <p>4. Бадийи – рамзий матнлар яратиш;</p> <p>5. Илмий – грамматик матнлар яратиш;</p> <p>6. Ихтисосий матнлар яратиш;</p> <p>II. Назмий матнлар яратишни машқ қилиш;</p> <p>1. Байт, тўртлик, саккизлик ва мухаммаслар устида ишлаш; Берилган шеър қофиясига мос келадиган қофиядош сўзлар топиш, улар билан СБАР ҳосил қилиш, СБАР иштирокида янги шеърқаторлар, улардан эса тўртлик ва саккизликлар тузишни машқ қилиш.</p> <p>2. Иқтисори ўқувчиларга болалар учун ҳикоя ва шеърлар, хама шеърлар, табрик, лирик режамалар ёзишни тавсия қилиш;</p> <p>III. Режа асосида матн яратиш : Биографик матнлар, таҳдидий матнлар, баёи, ишшо, алоҳида образга характеристика бериш; асар қаҳрамонларга қийсий таъриф бериш; эркин ишомлар, кичик ишомлар, муайян мавзу асосидаги ишомлар ёзиш в.х.</p>	<p>1. Матн таркиби бўйича таҳрир: Кириш, асосий қисм ва ҳулосанинг мавжудлиги.</p> <p>2. Илмий хатоларни тузатиш.</p> <p>3. Тиниш белгиларининг тўғри ишлатилганини текшириш .</p> <p>4. Услубий таҳрир: Ғалда сўз ишлатиш , тақдор ва ортиқчалликлардан, ноўрилиқларга эга кесим муносабатларининг бузилишидан сақланиш;</p> <p>5. Матнни кенгайтириш</p> <p>6. Матнни қисқартириш</p> <p>7. Саана: йил ва ойлар, рақамлар таҳрири.</p> <p>8. Сарлавҳа таҳрири.</p> <p>9. Эпиграфлар таҳлили.</p> <p>10. Бадийи таҳлил. 11. Факт ва Адамлар таҳрири</p> <p>12. Ишни оққа кўчириш.</p>
--	--	--

5. Берилган сўзга ўзақдошлар: бил, бидим, бидимдон, бидимдонлик, бидимсиз, бидимсизлик; кўшимчадошлар: бешлик, қумлик, ёшлик, тезлик, озодлик, шўхлик в.х; қофиядошлар: келадир, куладир, кўнадир; маҳрам, маҳрам, ҳамдам; терс сўзлар: мош-шом, зум-муз, қиш-шиқ, суг -тус ва ҳ.к. танлаш, улар маъносини шарҳлаш каби сўз бойлигини оширувчи ва бойитувчи, суҳандонлик маҳоратини шакллантирувчи ижодий ўқув топшириқлари устида ишлаш орқали ўқувчида матн яратишга тайёргарликнинг биринчи босқичи-**таънч сўзлар танлаш фаолияти** ривожлантирилади, мустаҳкамланади ва такомилга етказилади.

**МЯБТ-2.** Матн яратиш модулининг 2-босқичи ўқувчининг синтактик билим, кўникма ва малакалари: сўзларни ўзаро тўғри боғлаш, сўз бирикмасининг лисоний синтактик қолиши-ЛСҚ асосида икки ёки ундан ортиқ сўзлардан ташкил топган сўз бирикмаси (СБ) ҳосил қилиш, уларни бошқа СБ лар ва бадий бўёқдор тил бириклари (ибора, тасвирий восита, мақол, матал ва ҳикматли сўзлар) билан алмаштириш, ўқувчининг билиш фаолиятини: кузатиш, тинглаш, англаш, танлаш, қўллаш, анализ ва синтез қилиш, онгли вербал-когнитив таълим тизими асосида ривожлантириш ва кенгайтириш, уни муайян мақсад (матн яратиш) сари йўналтириш учун хизмат қилади. **МЯБТ-4** матн яратиш модулининг иккинчи босқичида кўндалма келтирилган мустақил, ижодий-амалий ишлардан бири (ўқитувчи кўрсатмасига асосан) амалга оширилади:

1. Лисоний семантик қолип (ЛСҚ) ёрдамида СБлари ҳосил қилиш: «от + от» ЛСҚ: тош уй, пўлат ханжар, тила тумор, ёғоч кўприк...  
 «сифат+от» ЛСҚ: тиниқ сув, баҳайбат айиқ, қуюқ ўрмон, ақлли қиз...  
 «от+фезл» ЛСҚ: китобни ўқиди, дарахт экди, ишни тугатди...  
 «сон+от» ЛСҚ: беш ўғил, эликга дарахт, ўн биринчи трамвай ...  
 «от+сифатдош» ЛСҚ: дуо қилган, сув келтирган, кўприк ва йўллар курган.  
 «от+фезл+ар» ЛСҚ: қулоқ тишлатар, супра очар, юз очар;  
 «оламош+от» ЛСҚ: менинг орзуим, бу ёлгон дунё, алақандай кишилар каби қолипли сўз бирикмалари тузиш, сўз бирикмаларидаги шаклий йўналишининг кўриниши) га олиб келиши ҳақида тушунчалар бериш;

2. Берилган сўз ва атамалар, келишиқ кўшимчаларидан фойдаланиб, эркин ва қофиядош сўз бирикмалари, иборалар, тасвирий воситалар, мақол ва маталлар, ҳикматли сўзлар ҳосил қилиш: дўст, эпчил, сабзи, пахта, кўча, -нинг, -дан, -ни ва ҳ.к. Масалан: бизнинг кўча, тонгдаги ўйлар, отдан баланд итдан паст (эгар), кузги ҳосил, бошга тушганда ташвиш, кимлиги билинармиш (дўст), юлдузни бенарвон уради (епчил), ер остида олтин қозик (сабзи), оқ олтин (пахта), қора олтин (нефт)-тасвирий воситалар) ва ҳ.к.

СБлари ҳосил қилиш фаолиятини жадаллаштирувчи мустақил ишлар билан шуғулланиш-ўқувчи гапнинг муҳим таркибий қисми бўлган, сўз кенгайтирувчи (аниқловчи, тўлдирувчи, ўхшатма, киритма ва ҳ.к.) ва гап кенгайтирувчи тайёр ҳосилаларга эга бўлиш имкониятини беради. Ҳосил таркибий қисми бўлган СБларини нутқий вазият тақозосига кўра ўринли ишлатиш кўникмаларининг ўқувчи онгида шаклланиб бориши, ривожланиши, барқарорлашуви гап тузиш учун қулай шароит ва имкониятни юзага келтиради. Ранг-баранг мазмундаги СБларини тез, тўғри ҳосил қилиш

кўникмаларини тўлиқ эгаллаган ўқувчининг кейинги, гап тузиш босқичида ҳам катта қийинчиликларга дуч келмаслиги ўз-ўзидан маълум.

3. **МЯБТ-4** модулининг 3-босқичи ўқувчи онгида гап тузиш фаолиятини жадаллаштириш, гап мазмунини бадий бўёқдор воситалар, факт ва далиллар билан бойитиш, уни такрор ва кераксиз сўзлардан тозалаш, фикрни аниқ, ихчам ва тушунарли ҳолатда ифодалаш каби имловий-услубий, нутқий-меъерий кўникмаларнинг шаклланиши ва такомиллашиб боришига хизмат қилади. Ўқувчи фаолиятида гап тузиш малакасининг ҳосил бўлиши (она тили таълимининг ДТС талаблари асосида тўғри ривожлантирилиши, кейинги натижа-нутқий маҳорат кўрсаткичларининг ўсиб боришига сабаб бўлади, бола суҳандонлик санъати билан қизиқа бошлайди, унда ўз нутқий қобилиятини бошқалар олдида намоён қилиш иштиёқи уйғонади) унда ижобий ўқув мотивларининг етакчи ўринда эканлигидан далолатдир. **МЯБТ-4** модулининг учинчи, «гап тузиш» босқичи иккинчи босқич-СБ лари ҳосил қилиш босқичи билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, СБларини тезроқ ва кўпроқ тузган ўқувчи гап тузишда ҳам яхши натижаларга эришиши барчамизга маълум.

Ўқувчи матн яратишнинг учинчи босқичида аввал тузилган сўз бирикмаларидан унумли фойдаланиб, турли шакл ва мазмундаги гаплар тузиш билан шуғулланади. Қуйида ўқувчини гап тузишга йўналтирувчи, матн яратишга тайёрловчи лингводидактик ўқув топшириқлари тизими тавсия қилинди:

- бир гапни турли маънода (хабар, сўроқ, буйруқ, уңдов) талаффуз қилиш ва уни ёзма ифодалаш;
- ихчам, содда йиғиқ ва содда ёйиқ гаплар ҳосил қилиш;
- уюшиқ бўлакли, кириш сўзли, уңдалмали гаплар куриш;
- оддий гаплардан шеърқаторлар ҳосил қилиш ва аксинча, шеърқаторларни соддалаштириб, оддий гапларга айлантириш;
- кўчирма ва ўзлаштирма гаплар тузиш;
- мавзуга оид эпиграф топиш, ҳикматли сўзлар, мақол ва маталлар, турли топишмоқлар танлаш, улар орасидан мавзуга мосини ажратиш ва гап таркибига киритиш;
- қофиядош сўзлар ва сўз бирикмаларидан фойдаланиб, шеърқаторлар тузиш;
- бадний бўёқдор гапларда сўз тартибини ўзгартириш орқали шеърқаторлар ҳосил қилиш...;
- содда гапларни қўшма гапларга айлантириш ва аксинча, қўшма гапларни содда, уюшиқ бўлакли гапларга айлантириш;
- ихчам гапларни кенгайтириш, қўшма гапларни ихчамлаш;
- гапда сўзларнинг ўрнини ва ўзини алмаштириб кўриш, уюшиқ бўлакли ва ажратилган бўлакли гаплар куриш. Гапни синтактик таҳлил қилиш.

4. **МЯБТ** модулининг 4-босқичи ўқувчида яхлит матн яратиш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган бўлиб, мазкур босқичда ўқувчи 3-босқичда тузилган, муайян соҳага йўналтирилган содда ва қўшма гаплар, (шеърқаторлар) кўчирма ва ўзлаштирма гаплар таркиби, улардаги сўз тартибини танқидий нуқтан назар билан кузатиш, анализ ва синтез қилиш, бўлғуси матн мавзусига хос ва мос келадиган гапларни белгилаш, улардан фойдаланиб монологик (хабар, мактуб, тасвир, кичик иншо, кичик матнлар, расм-тасвир матнлари, ихтисосий матнлар тузиш, электрон жадваллар, чизмалар таснифи билан шуғулланиш, бадий-рамзий матнлар, шеърый

тўртликлар ёзиш в.х;) ва диалогик (кичик саҳна асари, гуруҳли-публицистик чиқишлар, турли байрам ва тадбирлар саҳна кўринишлари учун дуэт ва диалоглар, кичик пьеса, комедия ва ҳ.к.) характердаги матнлар яратиш, уларни таҳлил ва таҳрир қилиш (ўқитувчи ёрдамида) ни ўрганишлари кўзда тутилган.

Хоҳиши, иқтидори бор ўқувчилар ўзлари яратган гап ва шеърқаторлар, сўз бирикмалари, семантик-синтактик манбалардан фойдаланиб, кичик ўқув матнлари: диалог, тест топшириқлари, ҳикоя, маърифий матн, илмий грамматик матн, бармоқ вазнида ёзилган болалар учун шеърлар, шеърлий тўртлик ва саккизликлар ёзишни машқ қилишлари мумкин. Шундан сўнг яратилган матннинг қурилиши (хатбоши, МСБ (мураккаб синтактик бутунлик), услуби (илмий, бадий, расмий, публицистик, сўзлашув), мукамаллик даражаси (кириш, асосий қисм ва хулосаларнинг мавжудлиги), матн тили аниқланиб, матнни таҳрир ва таҳлил қилиш, уни оққа кўчириш мумкин бўлади.

МЯБТ-4 матн яратиш модули билан мунтазам ишлаш ўқувчида ўзига бўлган ишончнинг ортиб бориши, ўқув қийинчиликлари олдида эсанкирамаслик, аниқ йўланма асосида мақсадга интилиш (модул тизими), ижодий изланиш, илмий мушоҳада (анализ ва синтез) юритиш, тил ҳодисаларини гуруҳлаш, саралаш ва танлаш, аниқ, ихчам, равон фикр ифодалашга, ўқувчиларда матн яратиш кўникмаларининг автоматлашуви – малакага айланишига олиб келади.

Шундай қилиб, «МЯБТ-4» матн яратишнинг универсал модули ўқувчини ижодий изланиш, кашфиёт қилиш, фавқулодда матн яратиш кўникмаларини шакллантириш билан бир қаторда ўқувчи онгида ижобий ўқув мотивларини ҳосил қилишга: ўзида мавжуд бўлган сўзлар захирасини бойитиш, сўз бирикмалари ҳосил қилиш, бадий бўёқдор гаплар тузиш, шеърлий машқлар билан шугулланиш, ўз нутқида ибора, мақол, матаал, ҳикматли сўзларни ишлатишни ўрганиш, ўз нутқий қобилиятини ўзгаларга намойиш қилиш истаги, иштиёқининг ўсиб боришига шароит яратади. Мустақил матн яратиш юзасидан эгалланган билим, кўникма ва малакаларнинг мустақамланиши ва ривожланиб бориши, нутқий маҳоратга айланишига хизмат қилади.

МЯБТ-4 модулининг муайян тартиб ва йўналишда (4 босқичли тизимда) бўлиши, унинг турфа имкониятлари (ўқитувчининг модуль босқичларидан бирини, ўзи ўргатаётган мавзуга мосини танлаши ва шу босқич топшириқларидан фойдаланиши), ўқувчи нутқий фаолияти ва матн яратиш кўникмаларининг муайян тартиб ва изчиликда, тил сатҳларини ўзаро ҳодисаси) эгалланган кўникмаларнинг доимий равишда такомиллашиб боришини таъминлайди, ўқувчи шахси, ундаги нутқий маҳорат, матн яратиш кўникмаларининг ДТС талаблари асосида шаклланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Қуйида МЯБТ-4 модули асосида матн яратиш учун мўлжалланган мустақил ишлардан намуналар келтирилди:

Мустақил иш. МЯБТ-2,3,4. Берилган сўзлар иштирокида аввал сўз бирикмалари, сўнгра гаплар ҳосил қилинг. Кичик бадий матн яратинг: *Йўлак, ҳовуз, ошхона, паркет, тўсиш, шифер, боғ, хиёбон, гулзор.*  
2-босқич. СБлари ҳосил қилиш: Тоза ва салқин йўлак, сув тўлдирилган мрамар ҳовуз, паркет полли янги ошхона, катта миллий боғ, бақувват тўсинлар, ошхона томи, эски арчазор, гавжум хиёбон, атиргуллар ҳонишига маҳдиде капалаклар, баҳор ташрифидан яйраган гулзор ва ҳ.к.

3-босқич. Гаплар тузиш:

1. Тошкентдаги катта миллий боғга олиб борадиган салқин йўлак бутун одамлар билан гавжум. 2. Боғнинг кираверишига қурилган паркет полли янги ошхона дам олувчилар хизматига шай. 3. Йўғон, бақувват тўсинларга ошхона томи эртақлардаги баҳайбат кўзиқоринга ўхшайди. 4. ўрнатилган ошхона томи эртақлардаги баҳайбат кўзиқоринга ўхшайди. 5. Орқа тарафдаги арчазор хиёбонда оқ, қизил сариқ атиргуллар барқ уриб очилган. 6. Атиргуллар ифоридан сарҳуш капалаклар гулдан гулга қўниб яйрайдилар. 7. Баҳор ташрифидан яшнаган гулзор, майин, ёқимли ҳидлар таратиб, аста тебранади.

4- босқич. Тузилган гаплардан фойдаланиб, кичик матн яратинг.

#### Миллий боғ

Ўзбекистон пойтахти Тошкентдаги катта Миллий боғ ҳар куни дам олувчилар ва болалар билан гавжум. Боғнинг кираверишидаги янги ошхона миқозлар хизматига шай. Бақувват тўсинларга ўрнатилган мрамар ҳовузда эртақлардаги баҳайбат кўзиқоринга ўхшайди. Сув тўлдирилган арчазор танга балиқ ва хонбалиқлар сузиб юришибди. Орқа тарафдаги арчазор хиёбонда оқ, қизил, сариқ атиргуллар барқ уриб очилган. Баҳор ташрифидан яшнаган гулзор, ҳазрати инсон меҳнатига тасаннолар айтаётгандек, майин, ёқимли ҳидлар таратиб аста тебранади. Атиргуллар ифорига мафтун турфа ранг капалаклар гулдан гулга қўниб, яйрайдилар...

3.3. Она тили машғулотида муншаот матнлари<sup>1</sup> яратиш

Ижтимоий тараққиёт ва тил тараққиёти ўзаро диалектик боғлиқ ҳодисалардир. Мазкур жараён маҳсули бўлган тил ва матн жамиятни бошқариш, мақсадли йўналтириш ва ривожлантириш воситаси ҳисобланади. Нутқий мулоқот маданияти, расмий матн яратиш усуллари, турли йўналиш, шакл ва тартибдаги муншаот матнларини тузиш ва янгиларини яратиш кўникмаларини мукамал эгалаб олган ўқувчиларгина, моддий ва маънавий ҳаётнинг фаол иштирокчи-лари-комил ва фозил шахс бўлиб етишадилар. Умумий ўрта таълим мактаблари она тили фани машғулотида ўрганиладиган муншаот матнлари доирасига таржимаи ҳол, ариза, тилхат, маълумотнома, тавсиянома, руҳсатнома, тақлифнома, гувоҳнома, ишончнома, тавсиянома, баённома, қарор ва баённомадан кўчирмалар, тавсиянома, тақриз, шартнома ва ҳ.к. лар киритилади.

Умумий ўрта таълим мактабларида она тили таълими ўқувчиларда муншаот матнлари (ММ) тузиш малакасини шакллантириш ва такомиллаштиришни давлат аҳамиятига молик масалалардан бири деб ҳисоблайди. ММни тайёрлаш ва расмийлаштириш жараёнида ўқувчидан ўзбек тилининг асосий қонунларини билиш, ҳар бир ММнинг ўзига хос тили ва услуби бўлиши, уларга риоя қилиш эса шарт ва зарур эканлигини англаш талаб этилади.

Расмий ҳужжатларда бадий бўёқдор сўзлар, ибора ва тасвирий ифодалар ишлатилмайди. Ҳужжат матнида тушунарлилик, ихчамлик, мантқий ва мазмуний яхлитлик принципларига амал қилиниши мақсадга мувофиқ, ММни

<sup>1</sup> Н. Маҳмудов ва А. Рафиев. "Нутқ маданияти ва давлат тилида иш юритиш", қасб-хунара коллежлари учун, ўқув қўлланма, Т., - 2000 йил

тўғри шакллантириш муаллифдан муайян услубий кўникма ва малакаларга эга бўлишни, сўз танлаш ва қўллашда ўта масъулият билан иш тутишни тақозо этади. Зеро, ҳар бир расмий ҳужжат орқасида аниқ бир шахс, ташкилот, муассаса тақдири, фаолияти, қизиқиши турган бўлади.

ММ тилида от, феъл сўз туркумига, ҳаракат номига хос қолиплашган сўз бирикмалари, буйруқ мазмунидаги атамалар кўп ишлатилади: «...Қабул қилишингизни сўрайман», «...Қарорнинг бажарилиши тўғрисида», «...ёрдан кўрсатиш мақсадига», каби феъл шакллари қўлланишида мажҳул нисбат, 3-шахс буйруқ-истак майлидаги ўтган замон феъллари кўп қўлланилади: эшитилди, кўриб чиқилди, қарор қилинди, таъкидлаб ўтилди; кўриб чиқилсин, тайинлансин, тасдиқлансин, топширилсин, бажарилсин, бўшатилинсин каби.

Муншаот матнларида кўпроқ дарак ва буйруқ-истак гаплар ишлатилади. Улар асосан, биринчи ёки учинчи шахс тилидан ёзилади, биринчи шахс кўплик, ёхуд учинчи шахс бирликда расмийлаштирилади: «...га руҳсат беришингизни сўраймиз», «...деб ҳисоблаймиз», «...таъминлашингиз талаб қилинади», «педагогик кенгаш (синф мажлиси) қарор қилади» каби.

Муншаот матнларини тузишда юқорида кўрсатилганидек тайёр, қолиплашган сўз бирикмаларидан фойдаланиш маъқул. Чунки расмий муомала тузилмаларининг тез идрок қилиниши, уни тайёрлаш ва фойдаланиш жараёнларининг жадаллашувига олиб келиши аён. Масалан, хизмат хатларида куйидаги қолиплашган сўзлар учрайди.

«Сизга...ни эслатамиз», «Сизга ...ни билдиришни лозим топамиз, ...эслатамиз», «...ёрдан тариқасида...сўраймиз», «...муносабати билан тақдирланади», «... қарорига асослаиб юборилади», ёхуд буйруқ матнларида куйидаги қолипла бирикмалар қўлланилади: «тўлиқ маош билан ... ..вазифасига тайинлансин», «бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан ... лавозимидан озод қилинсин», «ўз хоҳишига кўра ... ташкилот иш тартибига риоя қилинмаганлиги учун... хизмат вазифасини суистеъмол қилганлиги учун... ишдан бўшатилинсин», ва ҳ.к.

Муншаот матнлари қанчалик ихчам ва аниқ бўлса, шунча тушунарли бўлади. ММда сўзларни қисқартириш умуман мумкин бўлмаса-да, айрим ҳолларда қисқартмалардан фойдаланиш учрайди: «проф», «п.ф.н», «ГулДУ», «ТДЮИ», «МДХ» ва ҳ.к.

ММ нутқий вазият талабига кўра, муайян ҳолат ва шаклларда тузилади. Фикрни аниқ ва тушунарли баён қилиш учун хатбоши (абзац), МСБ (мураккаб синтактик бутунлик) ларга алоҳида эътибор қилиш лозим. Ҳужжат (мас., «Шартнома») иштирокчиларининг исми, фамилияси, яшаш манзили, иш жойи, телефон ва паспорт рақамлари аниқ, қора ҳарфларда ёзилиши ҳамда нотариус томонидан думалоқ муҳрда тасдиқланиши лозим. Ҳар бир янги фикр хатбоши ёки МСБ шаклида алоҳида берилиши зарур.

Ўқувчилар томонидан яратиладиган ММ ларида гаплар сони 6-12 дан ошмаслиги мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай ММларини тузиш кўникмаларини шакллантиришда куйидаги ўқув топшириқларидан фойдаланиш мумкин:

1. Берилган сўз бирикмалари асосида муншаот матнлари тузиш. 2. Намунавий ҳужжат асосида янги ҳужжат матни яратиш. 3. Ариза, баённома, тушунтириш хати, таклифнома, табрикнома, ишончнома, тилхат, реклама, электрон почта

матнлари тузиш ва уни гуруҳ олдидан ҳимоя қилиш. 4. Берилган таянч сўз бирикмаларига қараб, ММ турини аниқлаш. 5. Таклифнома, табрикнома каби ММларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаш ва шарҳлаш, ва ҳ.к.

Рқўшимча топшириқли ММлар ва кичик ҳужжат матнлари яратиш одатда, ўрганилган мавзу юзасидан эгалланган билим, кўникма ва малакаларни мустақкамлаш учун берилади. Ўқувчи мажҳул талабларни бажариш жараёнида ижодий изланиши, қолиплашган сўзлар ва уларнинг маънолари ҳақида атрофлича фикр юритиши, уларни ўзаро қиёслаш ва яратилажак ММ учун энг мақбулини танлаш мумкин. (Бундан ташқари, ўқувчи учун ўз ижодий тафаккури мақсули, илмий изланиши натижаси ҳисобланган ММ ўқувчи фаолиятида катта, қутилмаган ижобий натижаларга олиб келиши педагогик тажрибаларимизда кўрилади).

Она тили таълимида қўшимча топшириқли иншоолардан фойдаланиш. Она тили таълимида бундай топшириқли иншооларнинг 3 тури учрайди: Мактаб амалиётида бундай топшириқли иншооларнинг 3 тури учрайди:

1-тур. Берилган таянч сўз, мақол, ҳикматли сўз, ибора ва тасвирий ифодалар воситасида яратиладиган эркин иншо (яратиладиган матнда берилган сўзлар, сўз бирикмалари, ибораларни ишлатиш).

2-тур. Ўрганилган мавзу асосида яратиладиган иншо (яратиладиган матнда янги ўрганилган мавзуга оид сўз ва тушунчалар, СБлари, мақол, ҳикматли сўз, ибораларни ишлатиш).

3-тур. Берилган матн асосида яратиладиган иншоолар (тайёр манбадан фойдаланиш: баён, мустақил ва ижодий ишлар матни) ва ҳ.к.

МЯБТ-4 модули асосида матн яратиш учун топшириқли тарқатма материаллардан намуналар (5-7-синфлар)

1-топшириқ: Берилган отларга сўз ясовчи қўшимчалар кўйиб сифатлар ҳосил қилинг. МЯБТ-4 модули бўйича ишланг.

1-иш. Отлар-жозоба, дид, завк, енг, дара, ёғ, сифатлар: жозибадор, дидли, серзавк, дардли, серёғ.

2-иш. Ясалган сифатлар иштирокида «сифат + от» ёки «от + от» ЛСҚли сўз бирикмалари ҳосил қилинг. М: жозибадор қўшиқ, юксак дид, чуқур билим, серзавк раққоса, дардли овоз... ва ҳ.к.

3-иш. Ҳосил қилинган сўз бирикмалари иштирок этган 5-6 та бадиий серзавк раққоса, дардли овоз... ва ҳ.к.

3-иш. Ҳосил қилинган сўз бирикмалари иштирок этган 5-6 та бадиий серзавк раққоса, дардли овоз... ва ҳ.к.

бўёқдор гаплар тузинг (улардан шеърқаторлар ҳосил қилинг). Гап тузиш намунаси:

1. Ичкаридан келаётган дардли овоз, майин ва жозибадор қўшиқ оҳанграбодек ҳамманинг диққатини ўзига тортади, даврага жимлик чўқди. 2. Танбурнинг дардли ноласи сергап аёлларни ҳам ҳушинга келтирди. 3. Гурунг тўхтади. 4. Юксак дид билан ишланган ўйма-нақшинкор айвон секин-аста одамга тўлди. 5. Ҳали ўйнаб чарчамаган серзавк раққоса ҳам оҳангни бузиб кўйишдан чўчигандай, эл қатори секингина кўрпачага чўқди...

2. Бадиий бўёқдор гаплардан шеърқаторлар тузиш намунаси:

2.1. Ичкарисан майин овоз келади, гардларидан бизни огоҳ қилади, 2.2. Нолаларинг этди дилим вайрон-а, кел қошимма, куй тамбуринг бир ёна, 2.3. Бир дам тининг, ҳангомадан аёллар, учиб кетди ҳаёлингиз қаёнлар ...

4-иш. Тузган гапларингизни яна қайта мутолаа қилинг. Улардан эркин фойдаланиб кичик матн (6-10 та гап) яратинг. Матни гуруҳ олдидан овоз чиқариб ўқинг. Бундай машғулот аввал сезилмаган камчиликларни (такрор, сўзларнинг тушиб қолиши, эга-кесим мувозанатининг бузилиши, мантикий

ва услубий ғализликлар) тузатишга ёрдам беради. Хоҳиши ва иқтидори бор ўқувчилар шеърқаторларни давом эттириб, улардан шеърний тўртликлар ва терма кўшиқлар ҳосил қилиши ва ўртоқларига ўқиб беришлари мумкин

**5-иш.** Барча камчилик ва нуқсонларни тўғрилаб, қўлёзмани қайта кўчириш, вақтинча узокроққа ташлаб қўйиш лозим. Кейинчалик қўлёзмани қайта ўқиб чиқиш ва аввал билинмаган камчиликларни тузатиш мумкин. **6-иш.** Қораламани ДТС талабларига амал қилган ҳолда оққа кўчириш.

Матн устида ишлаш жараёнида бажариладиган ижодий ишлар ва уларнинг матн яратиш кўникмаларини шакллантиришдаги аҳамияти жуда катта. Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб—ҳунар коллежлари ўқувчиларида бадий матн яратиш кўникмаларини шакллантириш жараёнида бажариладиган мустақил амалий ишлар қуйидаги мақсадларни кўзда тутлади:

1. Ўқувчини ўзбек адабий тилининг бой ва серқирра луғат таркиби, услубий захиралари ҳамда уларнинг функционал-экспрессив имкониятлари билан таништириш. 2. Матн таркиби, уни ташкил қилувчи зарурий қисмлар: кириш, асосий қисм, ҳулоса, хатбоши, матн қисмларини боғловчи воситалар, МСБ турларига оид назарий билимни мустаҳкамлаш. 3. Адабий тилининг турли функционал услубларига хос бўлган, айниқса оммавий ахборот, ташвиқот, реклама, интервью ва ҳ.к.ларга мансуб матнларни мантқиқий ва услубий таҳлил қилиш кўникмасини ҳосил қилиш. 4. Матнни адабий тил меъёрлари ҳамда адабий таҳлил принциплари асосида баҳолашни ўрганиш. 5. Ўзбек тилининг ихтисосий атамалари, нутқий бирликлари ифода воситалари хазинасидан, бадий адабиётлардан, амалий-ижодий фаолиятда ўринли фойдалана билиш, эркин оғзаки ва ёзма нутқ малакасини ҳосил қилиш. 6. Ўқувчининг мустақил матн яратиш учун доимий изланишга, яратилган матнни қайта ишлаганга, услубий нуқсон ва ғализликларни топиш ва бартараф этишга ўргатиш. 7. Ўқувчиларда мустақил матн яратиш кўникмасининг шаклланиши ва ривожланиб боришини она тили дарсларига мунтазам татбиқ қилиш, ўқувчиларда матн яратиш кўникмаларини шакллантиришда муҳим омиллардан ҳисобланади.

Она тилида ижодий матн яратиш, матн тилига бой ва ранг — баранг тасвирий воситалар, иборалар, мақол ва ҳикматли сўзлар билан ишлов беришда синтаксис бўлимида ўрганиладиган сўз бирикмаси мавзуси ва унинг турфа нутқий имкониятларидан самарали фойдаланиш мумкин. Қуйида «Сўз бирикмаси» мавзусини ўрганишда матн яратишга йўналтирувчи амалий топшириқлардан намуналар келтирилди.

1. "Она тили" электрон ўқув қўланмасидан фойдаланиб, "Сўз бирикмалари" мавзусига оид назорат тестлари матни тузиб келиш. 2. Берилган сўзга қофиядош сўзлар танлаш, улар ёрдамида сўз бирикмалари ҳосил қилиш (ҳар бир сўз билан камида 20-25 та сўз бирикмаси ясаш). 3. «Ким кўпроқ, ким тезроқ?» ўйини. Ўйин- мусобақа шарти: 3-5 дақиқа ичида айни бир сўз билан кўпроқ сўз бирикмаси ҳосил қилиш ва улар ёрдамида гаплар тузиш; олтин. 4. Берилган СБлари таркибидаги ҳоким ва тобе сўзларни аниқлаш; бош кийим, бош фарзанд, бош мақсад... 5. «олмош + от» СБ қолипларидан фойдаланиб, нутқий ҳосилалар тиклаш: Менинг дўстларим, ҳаммамнинг кўзи, тошдек мустаҳкам иншоотлар, аллақандай уйдирмалар, ва ҳ.к. 6. Берилган сўз ва унинг маънодошлари иштирокида СБлари ҳосил қилиш. 7. Берилган СБлари иштирокида бадий бўёқдор гаплар тузиш; 8. Тасвирий ифодалардан


фойдаланиб, бадий матн яратиш. 9. Берилган қофиядош сўзлар ёрдамида СБлари (қофиядош радифлар) ҳосил қилиш. 10. Берилган гаплар таркибидаги «сифат + от» СБларини аниқлаш. уларга маънодошлар танлаш., ва ҳ.к.

Ўқувчиларда назмий матнлар яратиш кўникмаларини шакллантириш технологияси

**1- топшириқ.** Берилган сўз ёрдамида «от + от» ва «сифат + от», СБ қолиплари асосида сўз бирикмалари ҳосил қилинг.

12-жадвал

**«От + от» СБ қолиплари бўйича ҳосил қилинган сўз бирикмаларидан намуналар:**



**2-топшириқ.** Ҳосил қилинган сўз бирикмалари иштирокида гаплар, шеърқаторлар тузинг.

**2.1-иш.** Гап тузиш машқлари;  
1. Қизгина масъум ёшлиқнинг қанотли орзуларига маҳлиё, ширин хаёллар оғушида ўтирарди. 2. Болаликнинг нурафшон орзулари ҳамон ўз саволларига жавоб истайди. 3. Келинчакнинг орзулари устидаги либосидек оппоқ, ҳарир эди. 4. Мен ўша беғубор орзуларни, қирда қўй боқиб юрган кезларимизда бизга тинчлик бермаган, ширин орзуларимизни соғиндим., ва ҳ.к.

**3-топшириқ.** Ўзингиз тузган гаплардан фойдаланиб, кичик бадий матн яратинг. Хоҳловчилар ўз фикрини шеър билан ҳам ифода қилиши мумкин. Қуйида ўқувчилар томонидан яратилган насрий ва назмий матнлардан намуналар келтирамиз:

**Қанотли орзулар**

Эндигина академик лицейни тутатиб, ўқишга кириш учун тайёргарлик кўраётган қўшни қиз Зулхумор орзулар гирдобига гарқ бўлган, қўлидаги

китобга термулиб ўтирарди. Қизгинанинг кўзи китоб саҳифаларида бўлса-да, хаёли узокларда, беғубор, маъсум ёшликнинг, қанотли орзуларига маҳлиё, рўпарасида турган қадрдон дугонаси Гулчеҳрани ҳам пайқамас, кўрмас эди. -Хорманг, дугонажон, ширин орзулар денгизига фарқ бўл-и-б ўтирибсизми?,-тегишди Гулчеҳра.. ва ҳ.к.

**3.1.-топшириқ.** Диалогик матни давом эттиринг. Матн сўнгида ҳукм ва хулоса чиқаринг. Яратган матнингизга сарлавҳа танланг. Ундаги гаплар, сўз бирикмаларини ажратиб, сананг.

**Шеърқаторлар тузиш машқлари:** (8-9-синфлар учун)

**4-топшириқ.** «Орзулар» сўзи билан юқорида ҳосил қилинган СБлари (12-жадвал) иштирокида шеърқаторлар тузинг:

1. Орзулар туғёни бегона эмас, саҳрода сарғайган саксовулга ҳам.
  2. Пинҳоний орзулар жилоси, сеҳри ўткинчи булутни бағрига чорлар.
  3. Саҳрони гулшанга айлантиргувчи- мунаввар орзулар биллурдек порлар.
  4. Бир зум тинчлик бермас, парвоз орзуси тоғларда тош титган какликларга ҳам.
- 4-иш.** Берилган шеърқатордаги ажратилган сўзларни қофиядошлар, ўхшаш ва муқобиллари билан алмаштиринг, сўз бирикмаларининг ўзини ва ўрнини ўзгартиринг, янги шеърқаторлар ҳосил қилишга уриниб кўринг. Намуна:
- |   |                            |
|---|----------------------------|
| Орзулар туғёни бегона эмас, саҳрода сарғайган саксовулга ҳам. |                            |
| орзулар исёни   | саҳрода қаққайган          |
| орзу сарчашмаси   | саҳрода мункайган          |
| орзу гирдоблари   | саҳрода мунғайган          |
| орзу уммонлари  | бўронда инграган           |
| орзулар сароби  | саҳрода тош қотган         |
| орзу чечаклари  | саҳро сарқардаси           |
| орзу салтанати...ва ҳ.к.                                      | саҳролар султони...ва ҳ.к. |

**4.2.** Ҳосил қилинган СБлари ёрдамида янги шеърқаторлар ҳосил қилинг.

1. «Сув париси» дея дайди булутни ёнига чорлаган ёлғиз саксовул.
2. Саҳрода сарғайган саксовулга ҳам орзулар туғёни бегона эмас.
3. Бегона эмасдир армонлар ҳатто, саҳрода мунғайган саксовулга ҳам.
4. Орзу уммонлари тебратар, ҳайҳот, саҳрода қаққайган саксовулни ҳам.
5. Орзулар ўтинчи йиғлатар аҳён, саҳролар султони саксовулни ҳам.
6. Саҳро суворийси саксовулни ҳам забт этар орзулар уммони бехос.
7. Саҳро кўксидаги орзулар акси- қадим саксовуллар сўзлайди унсиз.
8. Ушалмас орзулар машаққатидан, толиққан «навқарлар» қуролсиз,

тилсиз...  
9. Саҳро кўксидаги қадим орзулар, мозийлар садосин бағрига туккан - кекса саксовуллар қисирлар, гўё, ёвуз барханларнинг шум ниятидан топгандек хабар, сесканар, қаттиқроқ тирмашар она заминга.. ва ҳ.к.

Юқоридаги тарқоқ, ҳозирча бирор мавзуни тўлиқ қамраб олмаган, шеърятнинг қонун- қоидаларига бўйсунмайдиган, тафаккурий эвришилар, тасодифий рамзий-тавсифий нутқий ҳосилалар мажмуасини муайян бир мавзу остида жамлаш, маълум бир қоида асосида тартибга солиш, алоҳида шеърқаторлар ҳолатига келтириш ҳам ўқувчидан бир қадар кенг қамровда фикрлаш, сўзлар маъносини билиш, уларни ўзаро қиёслаш ва танлаш, ижодий фикр ифодасида, услубий ва мантқий томонга эътибор қилиш, эркин ва турғун СБлари, иборалар, бадий тўқималардан ўринли фойдалана билишни талаб қилади.

Ўқувчилар билан «оддий шеърқаторлар тузиш» машқлари устида ишлаш-бу бола учун ниҳоятда оғир вазифа саналадиган, «ҳақиқий шеър ёзиш» маъсулиятидан ўқувчини (вақтинча) халос қилувчи ўйин, педагогик манёвр, оддий қилиб айтганда, болани тоғ чўққисига тик, хавфли ва машаққатли йўлдан эмас, эркин ва қулай бўлган «айланма йўллар» билан етаклаб, чиқиб боришдир.

Энди ижодий тафаккурни мақсадли ривожлантирадиган, воқиф бўлишини ёзиш сирлари, назмий матнлар яратиш машаққатидан, воқиф бўлишини талаб қиладиган, лингвопсихологик топшириқлар, қизиқарли грамматика, синтаксис, услубий ва назмий инверсия қонуниятлари оламига етаклаймиз:

**4.3.** Тузган шеърқаторларингиздаги сўзларнинг ўрнини ва ўзини алмаштириб кўринг, янги шеърқаторлар ҳосил қилинг., уларни бадий таҳлил қилинг, тимсоллар ортидаги мазмунни очишга ҳаракат қилинг:

1. Саҳро кўксидаги орзулар акси - қадим саксовуллар тебранар унсиз...
2. Кўҳна тарихлардан сўзламоқчи у, афсус, ҳақ яратган тилсимни тилсиз...
3. Саксовул воқифдир тарих ҳукмидан, у саҳро сирларин жонли гувоҳи.
- 3.1.Воқифдир саксовул кекса тарихдан, барханлар остида.. одамзод ҳоқи!».
4. Сайёр булут кезар самода сассиз, саксовул олдида бисёр «гуноҳи»...
- 4.1. Кезар сайёр булут, самода сассиз, саксовул наздида беҳад гуноҳи..
- 4.2.Дайди булут кезар самода ёлғиз, уни юмшатоғмас саксовул охи..
5. Саҳро кўксидаги қадим орзулар, ёвуз довулларнинг дағдағасига пинак ҳам қария саксовул тебранар мағрур, ёвуз довулларнинг дағдағасига пинак ҳам бузмайди - кўпни кўрган у... ва ҳ.к.

**4.4.** Яратилган шеърқатордаги сўзлар тартибини ўзгартириб кўринг, мазмунга зидланиш маъносини киритинг: *Хабар топган каби бўрон қаҳридан, чайир саксовуллар қисирлар, титрар ва яна кўтарар мағрур қаддини, жангта ҳозирланган ёш суворийдек талпинар олдинга.. гўё, яна минг йил кўримоқчидай, ўзи томир олган она заминни....*

**4.5.** Берилган шеърқатордаги ажратилган сўзлар ўрнига зид маъноли сўзлар киритинг:

Саҳро кўксидаги қадим орзулар, мозийлар садосин бағрига туккан - қария саксовул тебранар мағрур, ёвуз бўронларнинг қаҳқаҳасига пинак ҳам бузмайди - кўпни кўрган у.

1.Саҳро салтанатин ёш суворийси, довуллар захрини силтаниб ютган навқирон саксовул ростланар, гўё кўкрак тутмоқчидай бўрон қаҳрига..

2. Жангтоғта отланган мард суворийдек, чийилдоқ шамоллар дастидан титраб, олдинга интилар чўнг бардош ила ёшгина саксовул ҳаётни қутлаб.., ва ҳ.к.

(Ўқувчиларда ижодий матн яратиш кўникмаларини шакллантиришни ўз оғтибга мақсад қилиб қўйган ўқитувчининг ўзи ҳам тинимсиз ишлаши, изланиши, танлаши, саралаш, ўз ўқувчиларининг ёш психологиясига, ақлий қобилиятига, интеллектуал заковатига хос ва мос бўлган мустақил ва ижодий топшириқларни танлаб ишлатиши лозим. Ўқувчини ижодий изланишга йўналтирувчи лингвопсихологик, лингвопоэтик топшириқлар тузиш, уларни амалиётга жорий этиш, ўзидаги нутқий салоҳият ва маданиятни шакллантириш, ривожлантириш ва технологияларни ўрганиб бориши шарт илмий манбаларни, янги педагогик технологияларни ўрганиб бориши шарт ва зарур. Ижодкор ўқитувчи ўқувчида ижобий ўқув мотивларининг уйғонишига, ўз нутқий қобилиятини ўзгаларга намойиш қилишга ундовчи иштиёқнинг тугилишига сабаб бўладиган, муаммоли топшириқларни

қидириши, топиши, танлаши зарур. Ана шу жараёнга ўз ўқувчиларини ҳам жалб этиши, улар билан биргалиқда эришган ижодий меҳнати натижасини—шогирди яратган соддагина тўртликни тинглаб қувога билиши, уни «энг яхши кашфиёт» деб аташга, болани маънавий рағбатлантиришга ўзида куч, бағрикенглик ва мурувват топа билиши, бутун истеъдоди ва ғайратини ўқувчиларининг нутқий камолотга эришишлари учун сарфлашлари лозим бўлади.

Ўқувчининг сўз бойлигини оширмай, нутқий маҳоратини шакллантирмай, тил бирликлари ва унинг нутқий имкониятларидан эркин фойдаланишга, сўз бирикмаси, гап ва матнларни фарқлаш, уларни кўплаб ҳосил қилиш усулларига ўргатмай туриб, ундан ижодий матн яратишни, мадагини нутқни талаб қилиш — кўзлари боғлиқ болани тор кўприқдан ўтишга ундаш, чорлаш билан баробардир...

Шеърқаторлар тузиш машқлари синфда, ўқитувчи назорати остида бажарилгани маъқул. Шеърқаторлардан фойдаланиб, тўртлик ёки саккизликлар, байт ва ғазаллар ёзиш, улардаги мазмуний изчилик, қофия ва бўғинларни тартибга солиш эса уйга вазифа сифатида топширилиши фойдали ва мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки бола ўз уйидагина эркин мушоҳада юритиши, билмаган саволларини оила аъзоларидан сўраши, ўзига хос хулосалар чиқариши, синфдаги «умумий» муҳитдан ҳоли бўлиши мумкин. Ундаги «бошқалардан яхшироқ бўлиш, бошқа жинсдаги тенгдошларини ҳайратга солиш» истаги ғолиб келади ва уни ижод сари, изланиш сари етаклайди. Қуйида МЯБТ-4 модули асосида ўқувчилар томонидан яратилган шеърый машқлардан бирини намуна сифатида келтирамиз:

**5-топширик.** (Уйга вазифа) «ОТ + ОТ» сўз қолипи билан ҳосил қилинган сўз бирикмалари, ўзингиз тузган мустақил маъноли шеърқаторлардан фойдаланиб, шеърый тўртликлар яратинг. Унга мос сарлавҳа танланг. Бажарилган топширик намунаси:

#### Орзу

Само сарҳадининг сайёр бекаси—  
**Сервиқор орзулар** баҳридан ўтиб,  
Оймомо мўралар, ҳарир туйнукдан,  
Муҳаббат сеҳридан умидвор бўлиб...

Сароблар ин қурган қумликлар ҳаққи,  
Асрлар тилсими— музликлар ҳаққи,  
Йўл беринг бир нафас, тун ҳилолига,  
Унга ҳам кўз сузсин, муҳаббат бахти...

Сув дея, саҳрода ҳарсиллаб ётган,  
Омонсиз бўронлар қаҳридан қотган,  
Кўримсиз, кимсасиз саксовулга ҳам  
Орзулар тугёни бегона зас!

Пинҳоний орзулар жилоси, сеҳри,  
Ўткинчи булутни бағрига чорлар.  
Саҳрони гулшанга айлантиргувчи—  
Мунаввар орзулар, биллурдек порлар!  
Ва, унсиз термулар, булут ортидан...

5.1. Шеърни ўқинг. Мазмунини таҳлил қилинг. Асосий фикрни аниқланг. Ўқитувчи тавсия қилган психоллингвистик топшириқлар замирида дунёга келган, ҳали унчалик такомилга етмаган, ўқувчи томонидан яратилган кичиккина кашфиёт, боланинг борлиқни, табиатни тушуниши, ўз «мен»ини англаши ва мураккаб тафаккур ҳосиласининг назмий ифодаси, ижодий меҳнат натижаси, ғалабаси дея аташ мумкин юқоридаги назмий матн парчаларини. Чунки унда самимий қалб эҳтирослари, эндигина кўз очаётган ёш истеъдоднинг акси, ботиний ҳаяжон, туйғулари уфуриб турибди. Унинг тасаввурини ... қуёш ва қум ҳароратидан, сувсизликдан тинкаси қуриган «кўримсиз ва... кимсасиз, ...шафқатсиз бўронлар қаҳридан қотган..», ёлғиз саксовул ва унинг ушалмас орзулари бола қалбини изтиробга солгани, инсон заковатининг югурик орзулари, қўл етмас армонлари—ю, саҳрони гулшанга айлантиргувчи—мунаввар орзулари саксовул тимсолида кўз очаётгандай, «ўткинчи булут» яъни замон ортидан маънос—маънос термулаётгандай, уни эзгулик ва яхшиликка ундаётгандай, гўё.

5.2. Матн устида ишлаш орқали янги матн яратиш усули. Шеърни ифодали ўқиб беринг. Унинг мазмунини шарҳланг, матндаги қофиядош сўзларни ажратиб, гуруҳланг: *баҳридан ўтиб, умидвор бўлиб, музликлар ҳаққи, қумликлар ҳаққи, муҳаббат бахти, ҳарсиллаб ётган, қаҳридан қотган, бағрига чорлар, биллурдек порлар...*

5.3. «Сифат + феъл» қолипи сўз бирикмаларидаги сифат—ўхшатмаларни бошқа уядошлари билан алмаштириб кўринг; *биллурдек порлар—зумраддек порлар, юлдуздек порлар, ёқутдек порлар, олмосдек порлар, гавҳардек порлар, олтиндек порлар..* ва ҳ.к.

5.4. «Орзулар тугёни» сўз бирикмасига бошқа қофиядош сўз бирикмалари танланг: *Орзулар тугёни—орзулар исёни, фарёди, ошёни, илтижоси, тухфаси, чашмаси..* ва ҳ.к.

5.5. Назмий матндаги «Орзу» сўзи билан бошқа сўз туркумлари ва «От + феъл» СБ қолипи ёрдамида янги сўз бирикмалари ҳосил қилинг, уларни кенгайтиринг: *тонг юлдузидек мусаффо орзу, шугринг томчисидек шаффоф орзулар, орзулар гирдоби, орзулар асири, орзулар сароби, орзулар нигоси, саргоси: товланар орзу, она кўксига мугранар орзу, йилтирар орзу, милтирар орзу, орзулар саргоси, орзу умр кўзгуси ...* ва ҳ.к.

5.6. Мазкур сўз бирикмаларидан янги, алоҳида шеърқаторлар ҳосил қилинг:  
1. Зухро юлдузидек ёлғиз ва шаффоф,  
2. Шудринг томчисидек йилтирар орзу.  
3. Тойчоқдек, орзулар изидан чолган, ширин ҳаёлларнинг сўнги кўринмас...  
5. Ўтов эшигига эгилар орзу, 6. Гўдак бешигига термулар орзу, 7. Қизлар кулгусида товланар орзу, 8. Орзулар ёшликка ҳамоҳанг мавзу, 9. Орзулар умрга, мақсадга кўзгу.

5.5. Мустақил топширик. Шеърқаторлардан фойдаланиб, адабий тилнинг бадиий меъёрлари талаби (қофия, вази, бўғин, туроқ) асосида шеърый тўртликлар ҳосил қилинг.

Мубоширова М,

(13-мактаб, 9-синф ўқувчиси)

Алланинг сеҳридан сарҳуш, келинчак—  
Киприқлар висолдан.. мугранар орзу...  
Беҳос тебранади, парқув беланчак,  
Беланчак бағрига гувранар.. орзу.

Субҳидам сеҳридан кўз очган шаффоф,  
Шуринг томчисига милтирар орзу,  
Зухро юлдузига термулган сайёҳ,  
Кўзига нур бўлиб йилтирар орзу.

Йиғит юрагига боғланар орзу,  
Юсак чўққиларга чоғланар орзу,  
Орзулар.. ёшликка ҳамоҳанг мавзу.  
Орзулар, мақсадга, умрга кўзгу..

Юқорида ўқитувчи томонидан бирин-кетин берилаётган насрий ва назмий матн яратиш топшириқларини МЯБТ-4 модули ёрдамида (босқичли тизимда) бажариш жараёнида ўқувчининг она тилидан эгаллаган билим, кўникма ва малакалари, адабий меъёр ва шеърий санъатдан хабардорлиги, унда мавжуд бўлган коммуникатив саводхонлик даражасини аниқлаш мумкин бўлади, ўқувчида мустақил матн яратиш кўникмалари қуйида келтирилган махсус тартиб асосида, имловий — услубий ва меъёрий кўрсаткичлар асосида шакллантирилади, ривожлантирилади, назорат қилинади ва баҳоланади:

1. Мавзу доирасида уядош сўзлар танлаш даражаси;
2. Мавзу доирасида маънодош сўзлар танлаш даражаси;
3. Мавзу доирасида тарихий, эскирган, олинма сўзлар, ибора ва тасвирий ифодалар танлаш даражаси;
4. Берилган мавзуда сўз бирикмаларини кўплаб ҳосил қила билиш даражаси;
5. Сўз бирикмаси «лисоний—синтактик қолиплари»—ЛСҚлар ёрдамида эркин сўз бирикмалари ҳосил қилиш даражаси;
6. Сўз тўғри ва ўринли ишлатиш, мухтасар жумла қуриш даражаси;
7. Кўп маъноли сўзларнинг луғавий маъноларини билиш, уларни ўз ва кўчма маъноларида эркин ишлата олиш даражаси;
8. Тафаккур маъсулини насрий усулда (гап) бадний бўёқдор сўзлар билан ифодалаш даражаси;
9. Тафаккур маъсулини назмий усулда (шеърқатор) ифодалаш даражаси;
10. Қофиядош сўзлар танлаш даражаси;
11. Шеърдаги қофиядош сўз ва сўз бирикмаларининг ўрнини ва ўзини бошқа бадний бўёқдор муқобиллари билан алмаштира олиш даражаси;
12. Назмий матнлар яратишда «инверсия»-гапта сўз тартибининг алмашинишидан фойдаланиш даражаси;
13. Қофиядош сўзларга маънодош, уядош ва зид маъноли сўзлар танлай олиш даражаси;
14. Шаклдош сўзларга маънодошлар танлаш, (туюқлар ёза олиш) даражаси;
15. Матн турлари ва услубларини фарқлаш даражаси;
16. Матн қисмларини ажратиш даражаси;
17. Берилган матнни тугалаш ва хулосалаш даражаси;
18. Қисмлари аралаш берилган матнларни тартибга келтириш даражаси;
19. Муаммоли матнларни ўрганиш ва унга тўғри жавоб ёзиш даражаси;
20. Матнда тасвирий ифода ва иборалардан фойдаланиш даражаси;
21. Матнда мақол, ҳикматли сўз ва топишмоқлар, иқтибослар ишлатиш даражаси;
22. Матнда мақол, ҳикматли сўз ва топишмоқлар, иқтибослар ишлатиш

23. Матнда сўзни таниб ва танлаб ишлатиш даражаси;

24. Матнни таҳрир ва таҳлил қилиш даражаси ва ҳ. к.

Дарс машғулоти ана шундай 23 ва ундан ортиқ турдаги мустақил матн яратиш меъёрлари<sup>1</sup> асосида, босқичли кетма-кетлик, узвийлик ва узлуксизлик принципларига асосланиб ташкил қилинса, тавсия қилинган 23 хил меъёр асосида тест саволлари тузилиб, мунтазам равишда эгалланган БКМлар назорат қилиб борилса, ўқувчи хусусийдан умумийга (МЯБТ-4 модули асосида матн яратиш), умумийдан хусусийга (матн устида ишлаш, матнни таҳлил қилиш) қараб бориш, мустақил, ижодий мушоҳада юритишнинг замонавий технологиялари, самарали усул ва воситалари билан бевосита таништирилиб борилса, ўқувчининг мустақил нутқий фаолияти, фикрни ёзма ифодалаш кўникмаси шаклланади, ривожланади ва тараққий этади.

#### Матн яратишда мусобақа дарсларининг аҳамияти

Умумтаълим мактабларининг она тили машғулотида ижодий (бадний) матн яратиш бўйича мусобақа дарсларини ўтказиб туриш ҳам таълим самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Мусобақа дарслари ўқувчининг боғланишли нутқини шакллантиради, равонлаштиради. Мустақил фикрлаш ва уни ёзма ифодалаш эҳтиёжининг пайдо бўлиши болани изланиш, топиш, кашф қилиш қувончидан баҳраманд этади, ўзлигини намойиш қилиш истаги, ижобий ўқув мотивларининг туғилишига ҳамда ижодий матн яратишга қизиқишнинг кучайишига, ўқувчи шахсининг фаоллашувига олиб келади.

Матн яратиш мусобақаларни ташкил қилишдан ўқитувчи кўзлайдиган асосий мақсад ўқувчиларнинг она тили фанига, матн тузишга бўлган қизиқишини орттириш бўлса, ўқувчи учун бу имконият — она тилидан эгаллаган нутқий кўникма ва малакаларини амалиётда кўрсатиш, топқирлик, мустақил тафаккур кўлами, маънавий дунёқарashi, услубий саводхонлик даражасини ўзгаларга намойиш қилиш имкониятидир. Бундай ўйин-мусобақаларни ўтказишда ўқувчиларни муайян гуруҳлар ёки командаларга бўлиш, ўйинни изчиллик ва босқичлилик принципларига асосланган ҳолда ташкил қилиш мумкин. Қуйида она тилида лингвопсихологик мусобақалар ўтказиш учун мўлжалланган ўйин-топириқлардан намуналар тавсия қиламиз:

1. «Қизиқарли грамматика» ўқувчилар мазкур матн яратиш мусобақасида бошқа команда аъзолари чизган миниатюра, (топишмоқ—расм)лар мазмунига яширилган фразеологик иборалар, топишмоқлар, ҳикматли сўзлар талқинини топадилар. Шу мавзуга мос кичик ривоят—матн ёзадилар. Ўз мулоҳазаларининг туғрилигини далиллар орқали исботлайдилар, ҳимоя қиладилар. (Шундай иш турларидан пунктуация ва синтаксис бўлимларини ўрганишда ҳам унумли фойдаланиш мумкин).

2. «Монолог». Ўйинда, сўзловчига маълум даражада ўз ҳиссий кечинмалари ни тўлиқ баён этишга имконият берилади, яъни нутқий вазият, муаммо ёки сценарий бошловчи томонидан берилиб, ҳар бир ўқувчи мустақил равишда ёзма монолог матнини яратади. Айни пайтда монолог мавзуси барча синф жамоаси учун умумий бўлади, аммо ҳар бир ўқувчи иши матн ҳолатида тақдим

<sup>1</sup> ...Шеърлар нисбий, уларни ўқитувчи истагига кўра кўпайтириш, ёки камайитириш мумкин. (Изоҳ бизники: М)



териб олинманган 3 гектарлик катта боғ, шундайгина тоғ ёнбағрида жойлашган.  
4. Дарахт шохлари олтиндек товланган олмасини кўтара олмай, эгилган, баъзилари синган. 5. Мен олма териш учун синфдошларим Норттой, Зафар, Сатторларни ёрдамга чақирдим. Биз тоғда бир ҳафта олма тердик.. ва ҳх.

**4-босқич. Матн яратиш фаолияти.** Тузилган гаплардан фойдаланиб, кичик бадиий матн яратинг: Бунда аввалги босқичда тузилган гапларнинг матндаги ўрни, қайси қисмга мос келиши ўрганиб чиқилади. Матнга сарлавҳа танланади. Матн қисмлари изчиллик ва босқичли кетма-кетликда: кириш, асосий қисм, хулоса тизимида жойлаштирилади. Матн тугаллангач, албатта бир неча марта ўқиб чиқилади, услубий – имловий ғализликлар, бартараф этилади. Намуна:

Менинг бобом Оқтошда яшайдиган. (Бобомнинг азалий орзулари) мевзор @  
оғлар яратиш. Уларнинг доғ ёнбағрида катта, олмазор боғлари бор. З Бобом  
ҳар иш кузги таътилда мени олма териш учун ёрдамга чақирдиган. Мен  
синфдошларим Норттой, Зафар, Сатторларни ҳашарга чақирдим. Боғдаги дарахт  
шохлари олтиндек товланган олмаларни кўтара олмай эгилган, баъзилари синган.  
Осмонда оғир ўрмалаётган тўп-тўп булутлар карвони, юмшоқ гиламдек ерни  
қоплаган нам япроқлар, келаётган қиш, ёнингарчиликдан огоҳ қилади. Қосил  
солиб, катта омборга жойлади. Бобом ҳар биримизга, уч қопган сара олма  
бердилар. Дўстларим жуда хурсанд бўлишди. Сархил

Улар энди бобомни, улар етиштирган олмаларни узоқ эслаб юришади..  
Мустақил иш. Юқорида яратилган ва таҳрир қилинган матнни оққа  
кўчиринг. Хатбошилар, гапда сўз тартиби, гапларнинг боғланишига эътибор  
қилинг. (Таҳрирдан кейинги матн намунаси)

Менинг бобом Оқтошда яшайдиган. Мевзор боғлар яратиш-бобомнинг азалий орзулари. Улар тоғ ёнбағрида катта боғ яратганлар. Бу боғда ёнғоқ, бодом, хурмо, олма, ўрик каби мевали дарахтларни ёнма-ён учратиш мумкин.

Бобом кузги таътилда мени олма териш учун ёрдамга чақирдиган. Мен синфдошларим Норттой, Зафар, Сатторларни ҳашарга олиб бордим. Боғдаги дарахт шохлари олтиндек товланган олмаларни кўтара олмай эгилган, баъзилари синган. Тоғнинг салқин ҳавоси, осмонда оғир ўрмалаётган тўп-тўп булутлар карвони, юмшоқ гиламдек ерни қоплаган нам япроқлар кириб келаётган қиш, қор ва совуқдан огоҳ қилади.

Дўстларим билан бир ҳафта олма тердик, яшиқларга жойлаб, катта омборга тахладик. Бобом ҳар биримизга уч қопган сара олма бердилар. Болалар жуда хурсанд бўлишди.

Улар энди бобомни, улар етиштирган сархил олмаларни узоқ эслаб юришади..

Умумий ўрта таълим мактабларининг 8-синфлари учун мўлжалланган «Она тили» дарслигида «Иншо турлари» мавзусини ўрганиш назарда тутилган. Бунда ўқувчиларни «Иншо-бадиий матннинг олий кўриниши», «Илмий иншолар», «Эркин иншолар», «Рамзий-бадиий иншолар» каби хилма-хил иншолар режаси ва матнлари намуналари билан таништириш кўзда тутилган. Илмий услубий ва мазмуний хусусиятлари билан таништириш кўзда тутилган. Илмий матнлар яратишда ҳам ўқувчиларни ОВКТ таълим тизимига асосланган, матн яратишнинг замонавий технологияси – МЯБТ-4 модули асосида ишлашни ташкил қилиш, матн яратиш жараёнида сўзни таниб ва танлаб ишлатишга йўналтириш ниҳоятда фойдали.

Бундан ташқари, умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчиларида илмий иншолар ёзиш кўникмаларини ҳосил қилиш, кейинги босқичда –

академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини ихтисосий матн яратишга ўргатишга мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади. Ўқувчиларда нутқий малакалар, тезкор матн яратиш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришда қуйидаги муаммоли-интеллектуал таълим усулларида ҳам кенг фойдаланиш мумкин.

### «Заковат» – мусобақа дарси

Муаммоли таълимда (МТ) муомала-мулоқот, кузатиш, тинглаш, анализ ва синтез қилиш, фикрни илмий ифодалаш маданиятини ўқувчи онгида сингдириб бориш ниҳоятда фойдали. Бундай таълимда ўқувчи фаолиятининг эвристик лаёқати тараққий этади. МТда синф ўқувчиларининг барчаси иштирок этади ва ижодий фикр юритади. Бу борада биз ўз педагогик тажрибамизда қўллаб келаётган «Заковат» ижодий-амалий мусобақа дарслари тўғрисида сўз юритмоқчимиз. Мазкур ўйин-мусобақа дарсининг ўзига хос қоидалари бўлиб, улар қуйидагилардан иборат.

Ўқувчилар икки гуруҳга – «Заковат» ва «Камолот» гуруҳларига ажратилади. «Заковат» гуруҳига асосан, аъло баҳога ўқийдиган ўқувчилар жамланади ва уларнинг сони 6 тадан ошмаслиги лозим. Мазкур гуруҳ аъзолари вақти — вақти билан Камолот гуруҳидаги фаол ўқувчилар билан алмаштирилиб турилади. Мақсад битта — «Заковат»га қарши ўйнаётган «Камолот» гуруҳи аъзолари ўзларидаги интеллектуал қобилиятни (берилаётган саволлари орқали) кўрсатишлари ва рақибларини умумий ҳисобда енгиб чиқишлари лозим. Мураккаб, атрофлича кенг ва чуқур билим талаб қиладиган муаммоли саволлар билан «Заковат» гуруҳи аъзоларини 3 карра мағлубиятга учратган «Камолот» гуруҳи ўйинчиси, ўзининг нотўғри жавоблари билан 3 та очко йўқотган «Заковат» гуруҳи аъзоси ўрнига ўйинга кириштилади яъни, ҳар бир савол берувчи ўқувчида «Заковат» гуруҳига аъзо бўлиш имконияти бор!

Таълим жараёнини чуқурлаштириш, нутқий маҳоратни шакллантиришга мўлжалланган, умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари, ҳатто институт ва университет аудиторияларида ҳам ташкил қилиш мумкин бўлган бундай интеллектуал ўйинлар, ўзаро мусобақа, ижодий муҳит, ўқувчиларда нутқий маҳоратни шакллантиришга, маънавий баркамол инсонни тарбиялашга хизмат қилиши билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Зеро, қизиқарли ва мураккаб саволлар тузиш учун ҳам шак-шубҳасиз бир нарса — тўғри ва ўринли жавоб қайтариш учун ҳам шак-шубҳасиз бир нарса — билим, кўникма ва малака керак бўлади. «Заковат» нинг доимий аъзоси ҳам, мазкур гуруҳ аъзолигига даъвогар ўқувчи ҳам фақатгина ўз билимини, ҳам, илмий салоҳиятини тинмай ошириши, нутқий маданиятини шакллантириши, ижодий тафаккур, мантиқий идрок ва гўзал ифода санъатини мукаммал эгаллаши лозим бўлади. Ўқувчи онгида ўзликни англаш ва ўз иқтидорини ўзгаларга намойиш қилишдек табиий истак, эҳтиёж уйғонади, муайян бир ҳолатда шаклланади, воқеланади. Мазкур ўйин — мулоқот орқали ўқувчининг таълим жараёнида эгаллаган билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлаш, назорат қилиш, ўқувчидаги ижобий ўқув мотивларини муайян бир мавзудаги ўқув мақсадларига, хусусан, матн яратишга йўналтириш мумкин.


1. Ўйинда қатнашаётган ҳар икки гуруҳ умумий бир мақсадни: Ўрганилаётган мавзунини тўлиқ ўзлаштириш, уни кўшимча маълумотлар билан

бойитиш, нутқий амалиётга татбиқ этиш кўникмаларини шакллантириш ва мустақамлашни кўзда тутати ва шунга интилади.

2. Ҳар икки гуруҳ аъзолари ўқитувчи тавсия қилган мавзу юзасидан мустақил изланиши, илмий ижодий матнлар тузиши, муаммоли масалаларни ечиши мумкин (иштирокчилар бундан ташқари она тилидан электрон жадваллар асосида муаммоли саволлар, тест топшириқлари тузиш, «Ахборотнома» тестларини ечиш билан шуғулланадилар).

4. Ўйин-мусобақада Заковат гуруҳининг имкониятлари чекланган (гуруҳ кучли бўлса, ) ёки ярим чекланган (агар гуруҳнинг билими талаб даражасида кучли бўлмаса) бўлади. Имкониятлари чекланган гуруҳ ҳеч қандай ёрдамчи воситалардан фойдалана олмайди. Имкониятлари ярим чекланган гуруҳ эса қарши томонга баъзи аниқлаштирувчи талаблар қўйиши, 4 та тест жавобидан 2 та нотўғриси олиб ташлашни илтимос қилиши ва ниҳоят қўшимча вақтдан (1 минут) фойдаланиши мумкин.

13-расм



Бундай интеллектуал мусобақа ўйинлари умумий ўрта таълим мактабларида, академик лицей ва касб—хунар коллежларида, олий таълимда, муқобил таълим муассасалари, алоҳида олинган битта ўқув муассасасининг турдош йўналишдаги гуруҳлари орасида, икки ўқитувчи тенг бўлиб дарс ўтаётган битта гуруҳ ўқувчилари ва ниҳоят танлов асосида тузилган кичик гуруҳ (12— 15 киши) ўқувчилари ўртасида ташкил қилиниши мумкин.

Юқорида берилётган «Заковат» таълимий ўйин-мусобақаси намунаси ўйин иштирокчиларнинг матн яратиш малакасини шакллантириш учун мўлжалланган, аммо мазкур интеллектуал ўйин - мусобақа турли фанлар ва турли ўқув мақсадлари учун ҳам бир хилда фойдали ва қизиқарли бўлиши, самарали натижа бериши мумкин: Ҳар икки команда аъзоларининг жойлашиш ва ишлаш тартиби худди «Заковат» телекўрсатувига ўхшаб кетади, лекин бу мусобақа дарс жараёнида ташкил қилингани, муайян бир фандаги, аниқ бир мавзуга бағишланганлиги билан фарқланиб туради.

«Заковат»га қарши ўйнайдиган ўқувчиларни шартли равишда «Камолот» ёки «Балоғат» гуруҳи деб номлаш мумкин. «Заковат»чиларга қараганда «Камолот»чиларнинг имкониятлари кўп ва хилма—хил. Улар савол бериш учун истаган илмий манба- (албатта, мавзу доирасида): дарслик, ўқув қўлланма, тест.. ва ҳ.к.) дан фойдаланишлари мумкин. Фақат таълим муассасаларида, дарс жараёнида ўказиладиган «Заковат» интеллектуал мусобақасида бошловчи томонидан тасниф қилинаётган, белгиланган мавзудан четга чиқмаслик талаб қилинади. Ўйин учун белгиланган энг юқори баҳо—5 (беш) балл. Агар савол берувчи гуруҳ, жавоб берувчи гуруҳнинг берган жавобидан қаноатланмаса, ўзи тўғри жавобни айтиш ёки жавобни тўлдириш ҳуқуқи<sup>1</sup> га эга. Ўқувчилардан тузилган ҳакамлар ҳайъати томонидан очколар ҳисоблаб борилади ва энг кўп балл тўплаган гуруҳ ўйин ғолиби деб топилади.

Мазкур мусобақа жараёни ўз—ўзидан ўқувчилар ўртасида табиий—интеллектуал танланишни юзага келтиради. Бундай танланиш таълим муассасаларида, ўқув гуруҳларида соғлом илмий—ижодий рақобат, ўзаро мусобақа, ижодий ҳамкорлик муҳитини ҳосил қилишнинг мантиқий асоси ҳисобланади, узлуксиз ривожланиш ва ижтимоий тараққиёт гарови бўлиб хизмат қилади.

«Заковат» мусобақаси синовидан ўтган истеъодли ўқувчи мактаб, (коллеж, лицей, университет) «Заковат» гуруҳига танлов асосида қабул қилинади ва кейинги беллашувлар шаҳар, туман биринчилиги учун олиб борилади. Вилоят бўйича ўтказилган «Заковат» интеллектуал ўйинида ғолиб деб топилган гуруҳ, ўзи ўқиётган мактаб (коллеж, лицей, университет) шарафини ҳимоя қилишга, республика миқёсидаги интеллектуал ўйин—мусобақаларда иштирок этишга йўлланма олади.

Матн ва услубият масалалари. ЎТДА нинг 2- йиғилиши муҳокамасига тавсия этилган «Таълим» дастури муаллифи И. Иминовнинг фикрича, услубият масаласи юқори синфларда ўрганилиши мақсадга мувофиқ, лекин биз бу қарашга қўшила олмаймиз. Сабаб, матн устида ишлаш топшириқлари бошланғич таълимда 2-синфлардан, матн, хатбоши ва гап мавзулари 3-синфдан бошланиши ўқувчиларга кичик матнлар яратиш тавсия қилиниши ҳисобга олинса, услубият тушунчасининг 5—9 синфлар дарслигига киритилиши муҳим таълимий эҳтиёж, зарурият ҳисобланади. Умуман олганда услуб ва услубият илмини ўрганиш қанча эртароқ (масалан, 3-синфдан) бошланса, шунча яхши самара бериши, ўқувчидаги сўзни таниб ва танлаб, ўз ўрнида ишлатиш хусусиятларининг ўзлашиб бориши, ижодий ва мустақил фикрлаш

<sup>1</sup>Савол берувчи томонидан тўғриланган ва тўлдирилган жавоб, мазкур гуруҳга фойда келтиради. Жавоб бераётган гуруҳ учун ажратилган балл миқдори камайтирилиб, 4 ёки 3 баллга туширилиши, жавобни тўлдирилган гуруҳ ҳисобига эса 1, 2 балл ёзиб қўйилиши мумкин.

даражасини ўстириш, ижодий матн яратиш кўникмаларини муайян меъёрга туширишнинг сезиларли даражада енгиллашиши илмий тадқиқот юзасидан ўтказилган тажрибаларимизда кузатилади. Тажриба-синнов ишларининг кейинги босқичида ўқувчилар ҳеч қандай топшириқни кутмай, тавсия қилинаётган матнни диққат билан тинглаш, танқидий фикрлаш, ундаги услубий нуқсонларни аниқлаш ва тўғрилашни, гуруҳ муҳокамасига ташлашни ўргандилар. Уларда матн таҳрири кўникмалари, илмий – маданий мулоқот курткалари шаклланди ва одатта айланди.

Ўқувчиға матн яратиш жараёнида уядошлар, шакл-синонимлар (-ва, ҳам, -иб, -ю, -да, -гач, -ганда), маънодошлар (кўҳлик, гўзал, чиройли, ажойиб в.ҳ.), СБ маънодошлиги (гўзал ва бетакрор табиат – сеҳргар, мўжизакор мафтункор табиат; кўҳликкина қиз–попукдай, ширингина, хушфёългина, хушбичим, хушқомат қиз;...) гап маънодошлиги (Тонг отди, тонг оқарди, тонг ёришди; ватанимнинг бетакрорлигини биламан, –Мен биламан, бетакрор юртим, ва ҳ.к.) ҳодисаларидан унумли фойдаланишни ўргатиш, унда матн яратиш кўникмаларини шакллантириш учун муҳим, зарурий омиллардир.

Матн яратишга тайёрлаш жараёнида ўқитувчи ўз ўқувчиларида мустақил фикр ифодалашга интилиш туйғусини тарбиялаб бориши лозим. Матн учун сўз (таянч материал) тўплаш билиш, воқеа-ҳодисаларни, белги-нарсани, ўқилган бадий асарларни кузатиш ва чоғиштири билиш, тўғри ҳукм ва хулоса чиқариш, фикрни (натижани) ихчам, аниқ, тушунарли ифодалаш каби услубий унсурларни ўрганиб бориш оғзаки ва ёзма нутқни равон, сермахсул ва сермазмун қилади. Бундай иш усулларида мунтазам фойдаланиш эса ўқувчи учун ижтимоий ҳаётда энг муҳим, энг зарур ҳисобланган муомала, мулоқот маданиятининг юксалишига сабаб бўлади.

Мактабда бадий ўқиш кечалари, ижодий матн яратиш бўйича танловлар, баҳри-байт мусобақаларининг мунтазам ўтказиб борилиши, ўқувчида она тилига муҳаббатни тарбиялаши, ўқувчи ўз луғат захирасининг кун сайин кенгайиб, бойиб бораётгани, маданий мулоқот, нутқий (оғзаки фикр ифодалаш) маҳорати, танқидий фикрлаш, ўз фикрини ҳимоя қилиш кўникмасининг шаклланиб, такомиллашиб бораётганлигини, ижодий тафаккури ва маънавий дунёқарашининг ўсиб бораётганини аниқ сезиши, хис қилиши лозим. Шоир ва ёзувчилар билан тез-тез учрашиб туриш, ўзаро фикр алмашинув, маданий мулоқот, санъат аҳлига алоҳида ҳурмат билан қарашга, сўз усталари билан учрашувга алоҳида тайёргарлик кўриш (шеър ва ҳикоялар ўқиш, ёзиш), болада ўз истеъдоди ва қобилиятини ўзгаларга намоиш қилиш истагининг кучайишига олиб келади. Ўқувчи шундай учрашувларни зориқиб кутадиган, ўзи эса сўз санъати илмига меҳр билан қарайдиган бўлади.

### Матн яратишда қўшма гаплардан фойдаланиш

Ўқувчиларда нутқий маданият меъёрларини таркиб топтириш, мустақил матн яратиш кўникмаларини шакллантириш жараёнида қўшма гапларнинг аҳамияти беқиёс.

Берилган (яратилган) матнни ихчамлаш ёки кенгайтириш, нутқий вазият тақозосига кўра матн мазмунини ўхшатма, ибора, тасвирий ифода, мақол, мата, топишмоқ, ҳикматли сўзлар билан бойитишда қўшма гаплар бебаҳо хазина, битмас-туганмас лисоний манба ҳисобланади.

Ўқувчилар матн яратиш жараёнида қўшма гаплардан самарали фойдаланишлари учун куйидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари лозим бўлади:

1. Қўшма гапларнинг ифода мақсадига кўра турлари ва уларда тиниш белгиларининг ишлатилиши; 2. Тенг боғловчи қўшма гапларда боғланиш усуллари; 3. Эргаштирувчи боғловчи қўшма гапларда боғланиш усуллари; 4. -ки боғловчи қўшма гаплар ва уларнинг боғланиш усуллари; 5. «Агар» боғловчи қўшма гаплар ва уларнинг боғланиш усуллари; 6. Боғловчи юкламалар воситасида боғланган қўшма гаплар ва уларнинг боғланиш усуллари; 7. Нисбий сўзлар воситасида боғланган қўшма гапларда боғланиш усуллари; 8. Фақат оҳанг воситасида боғланган қўшма гапларда боғланиш усуллари;

Юқорида тавсия этилган билим, кўникма ва малакаларни тўлиқ эгаллаш, уларнинг ўқувчи онгида мустаҳкамланишига эришиш учун 5–9 синф она тили дарсликларида берилган машқлардан ташқари турли соҳаларда матнлар яратишга йўналтирувчи мустақил ишлардан ҳам самарали фойдаланиш мумкин:

Мустақил иш. Гапларни тутатинг, «шу сабабли, шу жиҳатдан, шунинг учун» боғловчилари бош ва эргаш гапларни боғласин. Тиниш белгиларини тўғри қўйинг.

1. Алпинистларнинг йўриқчиси тажрибали ... .. улар тоғ чўққисига муваффақиятли кўтарилишди.

2. Навбатчи ўз вақтида хабар берди ... .. ҳалокатнинг олди олинди.

3. Ёзган мақолангни мен диққат билан ўқиб чиқдим ... .. сени ҳузуримга таклиф қиладим.

4. Қаров яхши бўлди ... .. ярадорлар тезда оёққа туришди.

5. Менинг жуда уйқум келиб турганди, ... .. меҳмонларга жавоб бериб юбордим.

2. Мустақил иш. Гапни уюшиқ бўлақлар, умумлаштирувчи сўзлар: ҳамда, ва, нафақат, аммо, қандай, шундай сўзлари иштирокида сўз тартиби ўзгартирилган ҳолда ифодалаш. Масалан: *Йиғилишга беморлар, шифокорлар, ҳамширалар ва техник хизматчилар: барча-барчаси қатнашдилар. Йиғилишга ҳамма: шифокорлар, беморлар, ҳамширалар, техник хизматчилар қатнашдилар. Мажлисга нафақат шифокор ва ҳамширалар, балки беморлар ҳам қатнашдилар ва ҳ.к.* Учинчи гапда инверсия ҳодисаси аниқ кўринади, сўз тартиби ўзгарган, бундан ташқари гапга зидланиш, қиёслаш маъноларини киритиш орқали гап мазмунига ургу берилган.

Матндаги ҳар бир гапнинг ҳаққоний ва таъсирчан бўлиши муаллифнинг кузатувчанлиги, теран ва ёрқин тафаккурига боғлиқ. Бундай хислат ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирийда жуда кучли эди. «Ўтган кунлар» даги тунги қабристон, манзараси чизилган ўринлар муаллифни ҳақиқий «бадий тасвир устаси» даражасига кўтарадик, бундай ижодий заковат, нутқий салоҳият ҳар қандай ёзувчиға ҳам насиб этавермайди.

Инсоният тафаккури маҳсули бўлиш муҳаббат, дўстлик, садоқат, инсон руҳияти тушунчалари ва уларнинг рамзий ҳолатда, нафис ва бетакрор шаклу шамойилда шахс онгида гавдаланиши, нутқий-матний кўринишда ёруғ дунёға қайта ташриф буюриши... –бу буюк кашфиёт-ижодкор инсон кашфиётидир.

Ижтимоий-гуманитар йўналишдаги ўрта-махсус таълим ўқувчиларини замонавий педагогиканинг энг янги ва маҳсулдор тизими-онгли-вербал когнитив таълимдан унумли фойдаланиш, уларни кузатиш, англаш, қиёслаш, саралаш, анализ-синтез ҳамда танлаш имкониятларидан воқиф қилиш, ўқувчиларда матн яратиш малакасини шакллантириш, ёзма фикр ифодалаш жараёнини жадаллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Бадий

кузатиш жараёни, лисоний ҳодисалардан индивидуал фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради, нутқда тил воситаларини ўринли танлаш ва қўллашнинг, нутқ шароити, мақсади, мазмуни билан узвий боғлиқ эканлиги ҳақидаги ижтимоий-экстролингвистик талқинни аниқ тушунишга ёрдам беради.

Ўқувчиларни матн яратишга ўргатишда қўшма гаплардан фойдаланиш жараёнининг услубият (стилистика) фани билан ўзаро уйғунликда олиб борилиши, насрий ва назмий асарларнинг ўзаро ўхшашлиги ва фарқлари, уларнинг ёзма нутқда ишлатилиши ҳақида муайян тасаввурга эга бўлишга, ёш авлодда нутқий кўникманинг равон, тўғри ва мукамал ривожланишига, нутқий маҳоратга айланишига олиб келади.

### 3.4. Матн яратишда муаммоли таълим усулларида фойдаланиш

Муаммоли таълимнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, у ўқувчини қўйилган муаммо ечимини топиш учун илмий-ижодий тафаккур юритиш, жадал ва мантиқли фикрлаш, сўз ва атамалар маъносини ўзаро қиёслаш ва ўзи учун энг тўғри егим танлаш имкониятларини беради.

Тилнинг кўпқиррали имкониятларидан ўзаро узвийлик ва узлуксизликда фойдаланиш-изчил ва мантиқий фикрлаш даражасини яхшилашга, ўрганувчи субъектнинг ўзига бўлган ишончини мустақамланишига олиб келади, хусусий интелектуал истеъдоқ қирраларини очишга йўналтирилган бирламчи ижодий фаолиятга етаклайди. Бундай ҳолларда билим, кўникма ва малакаларнинг оддиндан мавжуд бўлиши, янги билимларнинг ижодий ўзлаштирилиши, танқидий фикрлаш, фикр ифодасида маданий мулоқот меъёрларига риоя қилиш ўқувчилар учун умумий эҳтиёжга айланади. Муаммоли таълимда индивид руҳияти, унинг ўзлаштириш қобилияти, билим даражаси, ижодкорлик ва омиқорлик фазилатлари юзага чиқади, кўринади. Мантиқий фикрлашнинг, хато қилмаслик заруриятининг пайдо бўлиши, ўқувчини изланиш ва кашф қилишга йўналтиради, шахс сифатида ўзликини англаш, ўз билими ва иқтидорини ўзгаларга намоиш қилиш истагини туғдиради.

Юқори даражадаги эмоционал фаоллик, муаммони ечишга бўлган кучли истак ва иштиёқ, тўлиқ хулосага келиш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малаканинг етишмаётганлигини ҳис қилишдан пайдо бўладиган ички эҳтиёж, *л у ф а т г а, и л м г а, к и т о б г а* бўлган талабнинг ошиши билан характерланади ва муҳим ижобий-тарбиявий аҳамиятга эга бўлади.

Ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоли масалага индивидуал ёндашув, тўғри ечими топишга бўлган иштиёқнинг кучайишига, табиий интелектуал зўриқиш ҳолатининг пайдо бўлишига олиб келади. Бу нарса муаммоли таълимнинг субъект руҳиятига ижобий таъсири сифатида баҳоланади ва педагогик таълимда қўлаб-қувватланади. Илмий таҳлил ва амалий татбиқ борасида доимо мавжуд бўлган ижтимоий алоқа қайта тикланади, фикрлаш жараёни фаол ва жадал ривожланади. Мустақил фаолият жараёни турли шакл ва шамойилларда босқичли йўналтирилади. Бир мақсадга хизмат қилувчи ранг-баранг гоаялар жамланади, танланади, қиёсланади ва ўқувчи томонидан илмий асосланади.

Бутунги кунда умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус ва касб-хунар таълими коллежларида ўқув машғулотларини муаммоли таълим асосида ташкил этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бизнинг монографик ишшимизнинг асосий мақсади ҳам шу, ўқувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш,

уни ёзма фикр ифодалаш, мустақил матн яратишга ўргатиш, бу жараёнда тасаввур, ىдрок ва хотирани узвийликда ишга солишга йўналтирувчи лингвopsиxологик савол ва топшириқлар тизимидан фойдаланиш, унинг яхлит модулини яратиш ва амалиётга жорий қилишдан иборат. Ўқувчиларнинг мустақил матн яратиш кўникмаларини мустақамлаш, ўқувчи онгида ижобий ўқув мотивларини уйғотишда муаммоли таълим усулларида фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Қуйида ўқувчини изланиш, топиш ва фикрни ёзма ифодалашга йўналтирувчи муаммоли топшириқлардан намуналар берамиз.

1. **Муаммоли топшириқ.** Катта экранга чиқарилган нотаниш матнни қироат билан ўқинг. Матни давом эттириб якунланг унга хулоса беринг.

### Қозининг ҳукми

Бир бойнинг бир халта тиллоси йўқолибди. У бориб, қозига арз қилибди. Қози даъвогарнинг уйидаги ҳамма хизматкорларни тўплаб, ҳар бирига биттадан таёқча берибди. Уларга:

-Кимда-ким пул ўғирлаган бўлса, унинг таёғи эртага бир энли узайиб қолади, - дебди.

Ҳамма тарқалиб, ўз иши билан машғул бўлибди. Лекин хизматчилардан бири қаттиқ ваҳимага тушибди. Натижада у ўз таёқчасидан бир энлича ерини қирқиб ташлабди.

**Савол:** Хизматкор нега бундай қилди?

Ўқувчиларни фикрлашга, изланиш ва мулоҳаза қилишга, тўғри, мантиқли фикр ифодалашга, муаммонинг ечимини топишга, мустақил ҳукм ва хулосалар чиқаришга йўналтирадиган биринчи топшириқни бажариш — **матнни тугалаш** ёки жавоб матни ёзишни удалаш ҳам ўқувчилардан муайян билим, кўникма ва малака талаб этади. Ўқувчилар мустақил равишда янги гаплар тузиб, матнни давом эттиришлари, матн охирида ўз хулосаларини беришлари лозим. Янги тузилган гаплар ва ўқувчи чиқарган шахсий хулоса синфдаги қолган ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилинади. Улар ўртоқлари тузган гапни диққат билан тинглайдилар, матндаги имловий хатолар ва услубий нуқсонли гапларни тузатадилар.

Матн устида ижодий ишлаш, тест-матнлар тузиш, айниқса, муаммоли матннинг ечимини топишга уриниш ўқувчини мустақил мушоҳада юритишга, ўз ўз нутқий қобилияти, иқтидори доирасида хулоса чиқаришга, ўз «кашфиёти»ни гуруҳ олдидан намоиш қилиш, ўз дунёқарашини ҳимоя қилиш учун баҳс ва мунозарага чорлайди. Мазкур жараённи тўғри шакллантириш учун қуйидаги топшириқ ва саволларга жавоб излаш мақсадга мувофиқ бўлади:

-«Бой» сўзи ўрнига қандай маънодош сўз ёки сўз бирикмаларини қўлаш мумкин? (*бизнесмен, тадбиркор, фермер, тижоратчи, миллионер, мулкдор, сармоядор, давлатманг, пулдор, катта бой, мултимиллионер, хасис савдогар, айёр бой., ва ҳ.к.*)

-Матндаги тўртинчи гапни (-Кимда-ким пул ўғирлаган бўлса, унинг таёғи эртага бир энли узайиб қолади -дебди) яна қандай айтиш мумкин? Шу гапга маънодош бўла оладиган гаплар тузинг.

Бунда ҳар бир ўқувчи ўзи тўғри деб ўйлаган маънодош гап вариантини дафтарига ёзади ва катта экранга чиқариб, ўқиб беради. (Ўқувчилар мазкур тузатишнинг тўғри ёки нотўғри, ижобий ёки салбий эканлиги, гапда йўл

қўйилган имловий ёки услубий хатолар ҳақида фикр айтадилар, баҳслашадилар) Қуйида ўқувчилар томонидан янгидан шакллантирилган маънодош гап вариантларидан намуналар берамиз:

- *Кимки тиллони ўғирлаган бўлса, эрталаб унинг таёғи бир энлик чўзилиб қолади, - дебди қози.*

- *Биз берган таёқчалар сеҳрли, қай бирингиз хўжайиннинг тиллосини олган бўлсангиз, таёқча узайиб қолади - дебди қозикалон.*

- *Таёқчалар шундай тилсим қилинганки, - дебди қози, - ўғрининг таёғи тонгтача йўғонлашиб қолади... ва ҳ.к.*

Муаммоли матн устида ижодий ишлаш, мазкур жараёнда гап маънодошлиги ҳодисасидан унумли фойдаланиш, янги, мантқиқий ва услубий мукамал гап вариантларини яратиш, ўз навбатида ўқувчи тафаккурининг изчил ривожланишига, уни турли тил ҳодисаларининг гапда воқеланиши, гапдаги мантқиқ ва мазмун уйғунлигини кузатиш, уларни қиёслаш ва танлаш, матн мазмунидан тўғри ҳукм ва хулоса чиқариш, лозим бўлса, янги «ўзининг матни»ни яратишга олиб келади. Бунда ўқитувчи йўналтирувчи саволлар тизимидан самарали фойдаланиши мумкин. Муаммоли саволларнинг компьютер экранига чиқарилиб, ўқувчилар муҳокамасига ташланиши, янги фикрнинг туғилиши ва шаклланишига хизмат қилади. Бундай топшириқлар, ўқувчи онгида ижобий ўқув мотивларининг ҳосил қилади, уларда мустақил фикрлаш, ижодий изланиш, муаммоли савол ечимини топиш мақсадида индивидуал жавоб матнлари ёзишга йўналтиради, ўқувчи онгида мустақил матн яратиш кўникмаларининг фаол шаклланишига сабаб бўлади:

1. Қози нима учун хизматкорларини тўплади?
2. Қозининг тарқатган таёқлари сеҳрли эдимми?
3. Нима учун хизматчилардан бири ваҳимага тушиб қолди?
4. Таёқча нима учун кесиб ташланди?
5. Таёқчаларни тарқатишдан мақсад нима эди?
6. Қозини комил инсон деса бўладими?
7. Хизматкорни - чи?
8. Йўқолган олтинни топишнинг яна бошқа усуллари борми?
9. Сиз қозининг ўрнида бўлганингизда, нима қилар эдингиз?

Юқорида берилган муаммоли саволлар ўқувчини фикрлашга мажбур қилади, бола ўзида мавжуд бўлган тасаввур ва идрокни жамлайди, фикрни ёзма ифодалаш кўникмаларини ҳаракатга келтиради. У изланади ва топади. Ана шу топилма-жавобнинг ўзи **м а т н** -ўқувчи интеллектининг, унинг маънавий дунёқарашининг моддийлашувидир.

Ўқувчи руҳиятини изланиш ва ижодий фикрлашга ундовчи муаммоли савол ва топшириқлар ёрдамида мақсадли ривожлантириш, уларда мантқиқий тугал, изчил ва кенг қамровли фикр ифодалашга эҳтиёж ҳосил қилади, мустақил матн яратиш кўникмасининг автоматлашувига олиб келади. Ўқувчиларда мустақил матн яратиш кўникмаларининг шаклланиш жараёни шу тариқа мустаҳкамланади, бойитиб борилади.

Муаммоли матн устида ишлашда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун бериладиган ҳар бир топшириқ, уларни берилган мавзу доирасида мустақил мушоҳада юритишга етаклаши лозим. Мавзу йўналишида тағланган уядош сўзлар - уни янги ҳосил қилинадиган сўз бирикмалари, матн тузиш учун қуриладиган гаплар таркибида ишлатишга, мустақил матн яратиш

кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган бўлиши, ўқувчида маънавий покликка, оқиллиг-у-одилликка, ижодий изланишга, ижтимоий ҳаётда долзарб бўлиб турган муаммонинг ечимини топишга, тадбиркорликка иштиёқ уйғотиши лозим.

Муаммоли таълимда «Қозининг ҳукми» каби маънавий - маърифий ривоятлар мазмунини ёзма шарҳлаш, муаммоли саволларга тўғри жавоб топиш, уни мустақил матн ҳолатига келтириш, матнни услубий ва мантқиқий таҳлил қилиш, тўғри хулоса чиқариш, берилган тайёр саволлар тизимини кенгайтириш ва бойитиш, янги, қўшимча саволлар тузиш ўқувчидан анчагина вақт, интеллектуал заковат ва маҳорат талаб қилиши аниқ.

Олиб борилган синов - тажрибадан маълум бўлишича, муаммоли матн устида ишлаш жараёни ўқувчилар томонидан матн мазмунини очиш (таснифлаш) учун қўшимча саволлар тузишдан бошланиши мақсадга мувофиқ бўлади. Савол тузиш, унга жавоблар тайёрлаш ўқувчидан муайян даражада мустақил мушоҳада юритишни, имловий, пунктуацион, услубий БКМларга эга бўлишликни тақазо этади.

Қуйида ўқувчиларнинг «Қозининг ҳукми» матни устида ишлаш учун тузилган 9-муаммоли саволга берилган жавобларидан намуналар келтирамиз; тахир бўлиб қолишини айтган бўлур эдим.

- Мен ҳар бир хизматчига бир пиёладан шакарли сув тарқатган ва сувнинг тахир бўлиб қолишини айтган бўлур эдим.

- Ҳаймага бир қисмдан санаб қўйилган буғдой тарқатган, кимнинг буғдойи кўпайиб қолса, ўша ўғри бўлиб чиқишини айтган бўлар эдим

- Мен эса, барча хизматчиларга биттадан кўринмас белги қўйилган тухум тарқатган, қаллобнинг тухуми эрта билан палагада бўлиб қолишини айтган бўлардим., ва ҳ.к.

Ўз жавобларини гуруҳ муҳокамасига ташлаган ўқувчилар ўз фикрларининг тўғри эканлигини исботлаб беришлари, айтган гапи хизматчиларга қандай таъсир қилиши, ҳақиқий ўғри нима қилиб ўзини ўзи фош қилиб қўйиши мумкинлиги ҳақидаги фаразини синфдошлари билан ўртоқлашишлари шарт. Жавобни мантқиқан нотўғри деб ҳисоблаган ўқувчилар ўз тузатишларини жавоб муаллифи ҳамда гуруҳ қатнашчилари олдида ҳимоя қилишлари лозим бўлади. Бундай фаолият эса ўқувчида илмий- маданий мулоқот меъёрларини эгаллаш, фикрнинг қисқа, лўнда ифодалаш, ишонарли далил ва мисоллар ёрдамида ўз дунёқарашини қатъий туриб ҳимоя қила билиш кўникмаларининг ҳосил бўлишига, мустаҳкамланиши ва малакага айланиши (автоматлашувига) га олиб келади. Гуруҳ томонидан тўғри деб топилган тузатишгина (албатта муаллифнинг розилиги билан) ўқувчи томонидан тақдим этилган жавоб таркибига киритилади.

Демак, она тили ўқитувчиси муаммоли таълим методини танлашда дарснинг аниқ мақсади ва вазифаларидан, материал мазмунидан, ўқув имкониятидан келиб чиқиши лозим. Шундагина ўқувчиларнинг БКМларни ўзлаштириш даражаси, тил ҳодисаларига қизиқиши ортади, уларда оғзаки ва ёзма нутқ кўникмаларининг шаклланиши ва мустаҳкамланиб бориши кузатилади.

**Замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш - ижодий тафаккур соҳибини тарбиялаш омили**

Умумий ўрта таълим мактабларида она тили машғулотларини янги педагогик технологиялар асосида ташкил қилиш, миллий тилни ўрганиш,

ДТС талабларига кўра ўқувчининг коммуникатив саводхонлик даражасини ошириш ва умумжаҳон таълим стандартлари доирасига олиб чиқиш, ҳозирги куннинг долзарб ва муҳим вазифаларидан бири бўлиб турибди.

Она тили таълими тизимда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш сирасига ўқув адабиётларининг янги авлодлари: электрон ўқув қўланмалар, электрон дарсликлар, қисқа, интерактив ўқув дастурлари, аудио – видео алманахлар, мультимедиали дарс ишланмалари ... ва ҳ.к. ларни киритиш мумкин. Айни пайтда хосланган компьютер–мультимедиа ўқув дастурлари, электрон дарсликлар, электрон ўқув қўланмаларни тайёрлаш, ўқувчиларда мустақил мушоҳада малакасини ҳосил қиладиган, изчил ва аниқ фикрлашга йўналтирадиган электрон ўқув топшириқлари тизими, электрон–дидактик слайдлар, электрон назорат тестлари ва коммуникатив модуллардан, «масофавий таълим» ютуқларидан самарали фойдаланиш борасида Гулистон давлат университетига яхши натижаларга эришилди<sup>1</sup>.

Она тили ўқитувчилари ўртасида «Компьютер ўқувчиларнинг нутқий қобилиятини сўндирмоқда» деган тушунча ҳамон ҳукм сурмоқда. Бу нотўғри фикрнинг туғилиши бежиз эмас, чунки, аксарият ўқитувчиларнинг компьютердан фақат тест ечиш, берилган жавобларнинг тўғриси белгилаш, назорат ёки танлов жараёнларида рейтинг балларини аниқлашдагина фойдаланиши одат тусига кирган.

Компьютер билан ишлашда она тили ўқитувчиси асосан «фикрлаш», «қиёслаш» ва «танлаш» имкониятларидан фойдаланади холос. Ваҳоланки, она тили ва адабиёт дарсларида компьютер ўқув дастуридан нафақат фикрлаш ва танлаш, балки сўз бойлигини ошириш, фикрни оғзаки ва ёзма равишда тўғри, раво ифодалаш маҳоратини шакллантириш ва ривожлантириш устида ҳам самарали ишлаш мумкин. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўрсатилгандек, «Ижодий тафаккур соҳиби»ни тарбиялашда ҳам компьютернинг ўрни жуда муҳим.

Мазкур фикрларнинг ривож учун имконият яратиш эса, яна ва яна ўқитувчига, унинг педагогик маҳоратига, замонавий техника воситаларини тушуниши ва уни ўрганилаётган мавзу доирасида татбиқ эта билишига боғлиқ.

Бу борада она тилидан коммуникатив саводхонликни таъминлашга қаратилган босқичли ўқув топшириқларини ишлаб чиқиш ва уни компьютер дастурига киритиш, мазкур дастурларни дарс жараёнига татбиқ қилишда кодоскоп, мультимедиа, видеоглаз каби ўқув техника воситаларидан фойдаланишни ўрганиш, таълимни интенсивлаштириш ва масофадан ўқитиш каби ҳамкорлик педагогикаси ютуқларидан, «Интернет» тизимидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Гулистон давлат университети педагогика ва психология кафедраси, Чет тиллар кафедраси, Информатика ва Ахборот технологиялари кафедраси ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган, умумий ўрта таълим ва олий таълим тизимига жорий қилинаётган онгли вербал–когнитив таълимга асосланган

<sup>1</sup> Университет қошида алоҳида «Ахборот технологияси» бўлими, «Мультимедиа маркази» кенг қамровли илмий амалий фаолият кўрсатмоқда. Ўқув даргоҳидаги барча кафедралар, компьютер синфлари «Интернет» тизимига уланган, замонавий ўқув–техника воситалар билан жиҳозланган «видеоконференцзал» университет талабалари хизматида.

янги авлод дарсликлари (электрон дарслик ва ўқув қўланмалар<sup>1</sup>)ни яратишнинг йўлга қўйилиши, инновацион технологияга асосланган амалий машғулотларнинг кўпайишига, талаба онгида ижобий ўқув мотивларининг туғилиши ва ривожланишига олиб келмоқда. Ўқитувчи ва талабалар илмий маъруза матнлари, битирув – малакавий ишларнинг электрон нусхаларини яратиш, уларни педагогик амалиётда қўллаш ишлари билан мунтазам шуғуullanмоқдалар, шунингдек, магистрант ва ёш олимларнинг илмий–тадқиқот ишларини назорат қилиш, тажриба–синов ишларини самарали йўлга қўйишда интернет тизимидан эркин фойдаланиш имкониятлари яратиб берилган.

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг коммуникатив саводхонлигини ошириш, она тили ўқитувчиларининг педагогик маҳоратини шакллантиришнинг энг қулай ва замонавий усулларидан бири–дарс жараёнида мультимедиа хизматида фойдаланиш, ўқувчиларда ижобий ўқув мотивларини ҳосил қилувчи, аввалдан дастурлаштирилиб, дискетларга ёзилган ўқув топшириқлари ёрдамида оғзаки ва ёзма матнлар яратишга мўлжалланган коммуникатив модуллар асосида ишлашдир. Сўз ясаш, гап қуриш ва матн яратишга мўлжалланган коммуникатив модуллар ўқувчи ва ўқитувчиларни аниқ, жадал фикрлашга, охириги мақсад сари интилишга, тинимсиз изланишга, ўз иқтидори, нутқий қобилиятини намоён қилишга, лозим бўлса, ўз фикрини ҳимоя ва исбот қилишга ўргатади, ўз нутқий маҳоратини мустақил ривожлантиришга имконият яратади.

Давлат таълим стандартлари талабларини бажариш юқорида санаб ўтилган имкониятлардан тўлиқ ва унумли фойдаланиш демакдир. Биз қуйида она тилидан коммуникатив саводхонликни оширишга мўлжалланган ўйин–топшириқлардан намуналар берамиз.

**Мустақил иш. 1.** Берилган ҳикматли сўзларни мультимедиа экранига теринг. Ифодали ўқинг ва англаган маъноларини шарҳланг.  
– Лисон илмидин огоҳ бўлмоқлик–тафаккур жавҳарига сайқал бермакликдир.  
– Покликнинг, ифбатнинг рамзи аёлдир. Аёлга энг нафис безак– ҳаёдир.  
– Устоз зиёсидан баҳраманг бўлган шогирд, кўёш тафтидан баҳра олаётган баҳорий майсадек, илмга, ёруғликка, мангуликка интилади.

**2–топшириқ.** Ажратиб кўрсатилган сўзларни маънодошлари, уядошлари, товущошлари, зид маъноли сўзлар билан алмаштириб кўринг. Энг маъқулини танлаб, дафтарингизга кўчиринг.

Дарс жараёнида ёзилиши ва таҳлил қилиниши лозим бўлган матн – ҳикматли сўзлар иштирок этган гаплар ўқитувчи томонидан диктофонда қироат қилинади. Тингловчи эшитганларини имло қоғдалари ҳамда тиниш белгиларига риоя қилган ҳолда компьютер экранига териши лозим. Тайёр матн ўқувчилар томонидан қироат билан микрофонга ўқилади, бошқалар эса эшитув асбоби (наушниклар) орқали қироатни тинглайдилар, ўқилаётган матнни мултемедиа экранига кўрадилар ва танқидий фикр билдирадилар. Бу топшириқни бажаришда ўқувчилар сўзларни тўғри ва чиройли талаффуз

<sup>1</sup> Университет қошида ташкил қилинган «Мультимедиа маркази» кенг қамровли илмий–ижодий фаолият кўрсатмоқда. Ўқув даргоҳидаги барча кафедралар, компьютер синфлари «Интернет» тизимига уланган, замонавий ўқув техника воситалари билан жиҳозланган «видеоконференцзал», электрон ўқув адабиётлари, компьютер синфлари «интернет» тизими билан жиҳозланган замонавий кутубхона университет талабалари хизматида.

қилишга, имловий хатолардан сақланишга, жумлани шошилмай, қироат билан ўқишга ҳаракат қиладилар. Қироат санъати сирларидан баҳраманд бўладилар.

Ўқилган ҳикматларни, ундаги сўз ва сўз бирикмаларининг луғавий маъносини **оғзаки шарҳлаш** - ўқувчи тилини бийрон, нутқини раво қиладиган, энг ишончли, синалган воситалардан бири. У ўқувчи нутқини ривожлантиришга, нутқий жараёнда тезкор мушоҳада юритишга, мустақил ва ижодий фикрлашга, ўз фикрини ўзгаларга илмий тилда тушунтиришга йўналтирадиган ўқув топшириғи ҳисобланади. Ўқувчи шарҳи- ўқитувчи ва бошқа ўқувчилар томонидан диққат билан тингланиб, зарур жойларга тузатишлар киритилади. Ҳикматлар мазмунини, идрок ва тафаккурини луғавий маъноларини **шарҳлаш** - ўқувчи нутқини, идрок ва тафаккурини чарҳлаш демак. Мазкур топшириқни бажариш ўқувчи учун ўта маъсулиятли иш саналиб, уни тез ва тўғри мушоҳада юритишга, тушунарли, раво ва ихчам фикр ифодалашга, сўзларни нутқий вазият талабига кўра анализ ва синтез қилиш, қиёслаш ва танлашга, тўғри ва ўринли фикр ифодалашга ўргатади. Юқоридаги ҳикматли сўзларни ўрганишга йўналтирилган 1-топшириқ имло саводи ва сўзлаш санъатини ривожлантиришга қаратилган бўлса, 2-топшириқ ўқувчининг луғат бойлигини ошириш ва бойитишга мўлжалланган. Топшириқни бажариш жараёнида топилиган маънодош сўзлар, ажратилган сўз тагида устунча шаклида гуруҳланади:

2.1. Ажратиб кўрсатилган сўзларга маънодошлар топинг:

Покликнинг	устоз	иффатнинг	лисон
тозаликнинг	мураббий	номуснинг	тил
ҳалолликнинг	тарбиячи	орнинг	лаҳжа
тўғрилиқнинг	ўқитувчи	ҳаёнинг	шева
	педагог	андишанинг	диалект..ва ҳ.к.

2.2. Маънодош сўзларга зид маъноли сўзлар топинг.

Поклик - *нопоклик, ҳаром, гуноҳ; Тўғрилиқ - ўғрилиқ, эгрилиқ, муттаҳамлик, қитмирлик, фирибгарлик, айёрлик; номусли-беномус, беор, орсиз, номуссиз; ҳаёли-беҳаё, беибо, беандиша,*

2.3. Оҳангдошлар (паронимлар) Ўзгартириш-камайтириш, шарҳлаш: Лисон-лимон-имон-имо-им-и; ўзгартириш, орттириш, камайтириш, шарҳлаш: *и-ит, кит, кут, кет, кат, кам, кар, кас, Кай, куй, куз, кул, кун, куч, кўч, кеч, еч, е; сўз охиридаги ва сўз бошидаги ундошларни, унли товушларни алмаштириш, товуш орттириш, ҳосил қилинган янги сўзларнинг луғавий маъноларини шарҳлаш: е-ет, ем, ер, тер, тур, тор, тўр, тўрт, торт, турт, турп, турк ..ва ҳ.к.*

2.4. Қофиядош сўзлар танлаш: Тафаккур-ташаккур, тасаввур, такаббур; тасаввуф, тасарруф, такаллуф; такаллум, тараннум; тарадауа, тавалуа, тасадуқ, Пок-нок-ток-чок-шок-ҳок; Иффат-иллат-миллат-миннат; майса-майна-майда-қайда-қайла-сайла-сийла-сўйла ..,ва ҳ.к.

2.5. СБ лари ҳосил қилиш. Бу топшириқ сўз бирикмалари ҳосил қилиш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган: Устознинг башорати, ҳаёли қиз, ўғрилиқнинг жазоси, тасаввуф илми, тафаккур маҳсули, ёруғликка интилиш. ва ҳ.к.

Шу тариқа ўқувчилар иккинчи топшириқни бажариш жараёнида ҳам ўзларининг луғат ҳазиналарини бойитадилар. Ижодий ва мустақил фикрлаш, сўз танлаш, сўзни ўз нутқида тўғри ва ўринли ишлатиш, маънодош сўзлар

луғатидан фойдаланиш сўз маъноларини шарҳлаш (оғзаки нутқ ўстириш) ни, сўз бирикмалари ҳосил қилиш(синтаксис)ни, услубий хатолар устида ишлашни ўрганадилар.

3-топшириқ. Берилган ҳикматларга асосланиб матн яратинг.

Бу топшириқ ўқувчиларнинг мустақил мушоҳадаси маҳсулини, тўғри ва таъсирли воқеалантиришга, мантиқ ва услубият меъёрларидан воқиф бўлишга, гап қурилишида унга риоя этишга ўргатади. Ўқувчилар боғланишли нутқ тартиби, хатбоши, МСБ<sup>1</sup> тушунчалари билан таниш бўладилар, фикрни изчил (кириш, асосий қисм, хулоса) ва тушунарли ифодалаш малакаларини эгаллайдилар.

Ўқитувчи томонидан изчил назорат қилинадиган ва ўқувчи томонидан мустақил бажариладиган МЯБТ модули асосида матн яратиш-сўзлар, сўз бирикмалари ва гаплар иштирокида индивидуал БКМлардан фойдаланиб, ижодий матн яратишдир. Мустақил яратилган бадиий матн-ўқувчидаги сўз бойлиги, унинг нутқий салоҳияти, матн яратиш кўникма ва малакалари юзасидан аниқ ва тўлиқ маълумот берувчи ижодий иш. Унда ўқувчининг услубий имкониятлари ҳам тўлиқ кўринади. Шундай қилиб, тавсия қилинаётган МЯБТ-4 - матн яратишнинг универсал - босқичли тизими модулидан она тилининг барча бўлимларини ўрганишда унумли фойдаланиш мумкин.

Компьютер дастурига киритилган, ўқувчиларнинг коммуникатив саводхонлигини оширишга мўлжалланган ўқув топшириқларидан қуйидаги тартибда фойдаланиш, ўқувчи билimini рейтинг бўйича баҳолаш мумкин.

1. Оғзаки сўров. 2. Мустақил иш. 3. Жорий назорат. 4. Уй иши. 5. Якуний назорат. 6. Назорат иши в.ҳ

Бундан ташқари мазкур ўқув топшириқлари Давлат таълим стандартлари талаблари юзасидан муайян мақсадларни кўзда тутати:

1. Ўқувчиларни мустақил ва ижодий фикрлашга ўргатиш. 2. Сўз бойлигини ошириш. 3. Сўзларнинг ясашиш усулларини ўрганиш. 4. Сўзлардан сўз бирикмалари ҳосил қилиш. 5. Сўз бирикмаларини тасвирий ифода ва иборалар билан алмаштира олиш. 6. Берилган сўз бирикмалари (коммуникатив қурилмалар) иштирокида гап тузиш. 7. Тузилган гаплар иштирокида боғланишли матн тузиш ва унга сарлавҳа танлаш., ва ҳ.к.

Ўзбек халқининг ўзига хос ажойиб бир хусусияти шундаки, унда ҳикматли сўзлар, мақол, мата, топишмоқ, сўз ўйинлари, истиора, ўхшатмалар, тасвирий ифодалар бениҳоя кўп. Биз матн яратишга ўргатиш жараёнида ўзбек тилига хос бўлган ранг-баранглик, жозибадорлик, услубий жиҳоланиш, қочирим, кесатиш, пичинг каби гап мазмуни, матннинг тубига яширинган қўшимча маъноларни ҳам ўқувчи онгига етказишимиз лозим. Фикр ифодалашда чиройли ўхшатишлар, қиёслар, муболағаларга мурожаат қилиш муаллиф фикрини гўзал, турфа ранг бадиий либосларда ифодалашга ҳизмат қилади. Шу билан бирга, она тили ўқитувчиларининг мактаб ўқувчиларида ижодий матн яратиш кўникмаларини шакллантиришда миллий меросимиз ауроналаридан фойдаланишлари ҳам муҳим ижтимоий аҳамият касб этади.

Қуйида матн яратиш кўникмаларини шакллантиришнинг энг самарали усулларидан ҳисобланган «*изоҳлаш, шарҳлаш- оғзаки нутқ ўстириш*» ўйинлари учун халқ оғзаки ижоди захираларидан намуналар берамиз. Бунда берилган мақол ёки ҳикматли сўзлар ўқувчи томонидан мустақил (луғат ёрдамида) шарҳланади:

<sup>1</sup> Мураккаб синтактик бутунлик, номзодлик дисс., автореферати, М.Рихсиева, Т., 1997.

Қўйни ошпаз сўямасин, қассоб ёнга қуймасин. (Маъноси: Ҳар ким ўз ишини қилсин). Нонвойга нон азиз, тегирмончига ун. (Ўзинг қилган меҳнатнинг маҳсули ширинроқ бўлади).

Шодлигимда шунда бўл, шодланганинг кўрайин.

Қайғумда қошимда бўл, қайғурганинг билайин. (Маъноси-ҳақиқий дўстлик: Дўст бўлсанг, ҳар қандай ҳолатда ҳам ёнимда бўл .ва ҳ.к.).

Ҳусн-зоҳирий гўзаллик бўлса, етук ва равон нутқ, ботиний гўзалликдир. (Яъни, инсон...)

Гўзал нутқ соҳиби бўлмоқлик.

Бирни юз турда англамоғ-у,

Юзни бирга жамлай олмоқликдир. (Яъни етук суҳандоннинг нутқи қисқа, аниқ, гўзал ва жозибадор бўлиши...)

Устоз зиёсидан баҳраманд бўлган шогирд, қуёшга интилган майсадек, ёруғликка, илмга, мангуликка интилади.

Ўқувчиларда мустақил матн яратиш кўникмаларини шакллантириш жараёнида диалогик матнлар устида ишлаш, шундай мустақил матнлар тузишни ўрганиш ҳам ниҳоятда муҳим. Ўқувчилар диалог (суҳбат) матнларни яратишда қуйидаги ижтимоий-маданий мулоқот (этикет) мурожаат, ҳурмат маъноларини англаувчи сўзлардан фойдаланишлари яхши маънавий- тарбиявий самара беради:

-Мумкинми, бир гақика вақтингизни олсам? -Марҳамат қилиб айтишчи, ... қаерга? -... қанча туради? -... нечанчи қаватга жойлашган? - ...кечирасиз, сиз янглишдингиз, -Уэр, мен агашибман, -Келиб туринг, -Катта раҳмат каби сўзлар ўқувчининг кундалик мулоқот таркибига киритилиши лозим

Шу билан бирга она тили таълимида ўқувчининг маънавий дунёқарашини кенгайтириш, шарқона мулозамат ва такаллуф қоидаларини ўрганишга ҳам муайян вақт ажратилиши, болани ширин муомалага, ахлоку одобга, мулоқот пайтида ўзаро ҳурматни сақлашга ўргатиб бориш, ўзаро мулоқотнинг яхши ва ёмон томонларини фарқлашга олиб келади, ундаги сўз бойлигини ошириш билан бир қаторда зийрак ва зукко бўлишга, вазият тақазосига кўра фикр ифодалаш санъатини эгаллашга, матн яратиш маданиятини шакллантиришга хизмат қилади.

**Топшириқ.** «Йўқ» ва «бор» тушунчаларини ўхшаш, маънодош муқобиллари билан алмаштириб кўринг, нутқий маданият, адабий меъёр нуқтаи назаридан таҳлил ва синтез қилинг, хулосаларингиз билан ўртоқлашинг.

**1-вариант.** «Йўқ» сўзидаги салбий маъно даражаланиши ва унинг нутқий инвариантлари билан танишинг. Сиз қайси жавобни маъқул кўрган ва ўз нутқингизда ишлатган бўлар эдингиз?

**Савол:** - Хонада телефон борми? **Жавоб:** - Йўқ. - Телефон ишламайди. -Хонага телефон ўтказилмаган. -Хонага телефон етиб бормаган. -Бизда телефон хизматидан фойдаланилмайди! -Хонада телефон йўқ! -Телефондан фойдаланишга рухсат берилмайди! -Телефонга йўл бўлсин! (сўзлашув услуби). -Телефоннинг сояси ҳам йўқ!., ва ҳ.к.

**2-вариант.** «Бор» сўзи (тушунчаси)нинг ифода инвариантлари ва улардаги маънавий-услубий даражаланиш ҳодисаларига аҳамият беринг. -Хонада телефон бор! -Телефон ишлайди. -Хонага телефон ўтказилган. -Телефондан фойдаланишга рухсат берилган, лекин шаҳар тармоқларидангина

фойдаланиш мумкин. -Телефон, радиотелефон, телефакс хизмати ўрнатилган. Дунёнинг ҳоҳлаган ери билан уланишингиз мумкин.

-Телефонсиз бўларканми? (сўзлашув).- шаҳарлараро уяли алоқа сизнинг хизматингизда., ва ҳ.к.

**Мустақил иш:** Нутқий вазиятди диалог-матнни аввал кенгайтиринг, сўнгра ихчамлаб, матнни давом эттиринг. Намуна:

### Меҳмонхонада

1-нутқий вазият:

-Хуш келибсиз, бизга хизмат борми?

-Менга саккизинчи қаватдан бир ўринли хона берсангиз. Тинч ва салқин бўлса. Мен ишлашим керак.

-Марҳамат, 8-қават, 811-хона сизга! Телефакс, телефон ишлаб турибди. Дунёнинг ҳоҳлаган нуқтаси билан, истаган пайтингизда гаплашишингиз мумкин.

-Раҳмат. Меҳмонхонангизда кутубхона борми?

-Кутубхона 4-қаватга. 415-хонага жойлашган.

-Сов бўлинг! Кўришгунча хайр.

Кейинги монологик матн «Менинг хонам» деб номланиши мумкин. Бунда ўқувчининг мактуб жанри билан қай даражада танишлиги, боғланиши матн яратиш даражаси, сўз бойлиги, гапда сўз ва унинг маънодош ва уядош инвариантларидан тўғри ва ўринли фойдаланиш кўникмалари аниқланади.

2-нутқий вазият. Берилган матнни давом эттириб, сиз яшаётган меҳмонхона, ундаги шарт-шароитлар ҳақида ўз уйингизга мактуб ёзинг. Матнда қуйидаги боғловчи воситалардан фойдаланинг: *Биринчидан, иккинчидан, учинчидан, умуман, хулоса қилиб айтганда, нафсиламбирини айтганда, сизга шуни маълум қиламанки..*, ва ҳ.к.

Менинг хонам (Мактуб)

Менинг «Чорсу» меҳмонхонасигаги хонам 8-қаватнинг чап қанотига жойлашган. Кенг, ёруғ ва озода. Унинг шинам балконидан туриб бутун шаҳарни томоша қилиш мумкин.

Хонага Филлипс телевизори..

2-топшириқ. Матнни таркибий қисмларга бўлинг.

3-топшириқ. Матн қисмларини боғловчи воситаларни ажратиб, гуруҳланг.

Матнни таҳрир қилиш ва баҳолаш. Беш-олтита содда ва қўшма гаплардан иборат кичик матн тугаллангач, партада ёнма-ён ўтирган ҳар бир жуфтлик бир-бирининг матнидаги нуқсон ва камчиликларни тузатиб, баҳолайдилар. Баҳсли қолатлар юзага келса, яратилган матн синф ўқувчилари ва ўқитувчи эътиборига ҳавола қилинади ва шундай ишни баҳолаш гуруҳ ёки ўқитувчи зиммасига тушади.

Она тили таълимида ўқувчиларнинг матн яратиш кўникмаларини шакллантиришда, синфдош ўқувчи яратган матнни диққат билан тинглаш, матн мазмунини юзасидан аниқлаштирувчи саволлар беришни ўрганиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки, тўғри савол, ўринли эътироз - матнда англашмай қолаётган факт ва далилларни очиб беришга, мантиқий хулосалар чиқаришга, мавҳумлик ва умумийликдан қутулишга ёрдам беради.

Мустақил матн яратишда, анъанавий усулда тузилган режа ўрнига матн яратишнинг босқичли тизими модули билан ишлаш, изчил ва узлуксиз

равишда ижодий фаолият кўрсатиш ўртасида анчагина фарқ бор. Чунки, матн учун оддий режа тузиш, МЯБТ-4 модулида мавжуд имкониятлар: матн яратиш учун махсус танланган таянч сўзлар, сўз бирикмалари, ўйлаб топилган ва гап таркибига махсус киритилган мақол, ҳикматли сўз, ибора ва тасвирий воситалар, бадий бўёқдор гаплар ўрнини боса олмайди.

-Режа асосида яратилган матнда, айти пайтда хотирада мавжуд бўлган оддий сўзлар билан саволларга жавоблар тарзида фикр ифодалаш ва шунинг ўзи билан кифояланиш мумкин. Бунда сўз бирикмаларининг турғун ибора ва тасвирий воситалар билан ўрин алмашинуви таъминланмайди, сўз танлаш, янги СБлари ҳосил қилиш имкониятлари ҳам чегараланган бўлади.

-Анъанавий иншо ёзиш амалиёти, яъни режа бўйича ишлаш методикаси **синналаётган, МЯБТ-4 матн яратиш модулига қараганда қатор афзалликларга**, қадимий ва ишончли илмий мавқега эга бўлса-да, ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги талаблари: Интернет тизими ва ахборот технологияси воситалари билан бевосита мулоқот, фавқулодда, тезкор усулда матн яратиш, электрон почта орқали жаҳоннинг бошқа нуқталари билан тезкор мулоқот, белгиланган муддат (5-10 минут) ичида қизиқарли ва мазмундор рекламалар яратиш заруриятларини келтириб чиқармоқдаки, ўсаётган авлодда аввалгидек узок ўйлаш ва ижодий таҳлил билан шуғулланишга на вақт, на имконият ва на рухсат бор. 21-асрда илм-фан тараққиётининг космик тезликда ҳаракатланиши фикрлаш ва фикр ифодалаш кўникмаларини шакллантиришнинг тезкор усуларини ишлаб чиқиш ва уни таълим амалиётига жорий этишни тақозо этмоқда. Анъанавий таълим тизими эса бундай талабларга тўлиқ жавоб бера олмаслиги барчага аён. Анъанавий иншо тизимига 2,5-3 соатлаб вақт ажратилишининг ўзиёқ бундай матн яратиш тизими билан ДТС асосида ишлаб бўлмаслиги кўриниб турибди. Ананавий иншо, уядош таянч сўзлар танлаш, СБ лари ҳосил қилиш, гапта турғун иборалар ва тасвирий воситалардан кенг ва атрофлича фойдаланиш, шу билан бирга яратилган матнда замонавий дизайн талаби асосида бадий бўёқдорликка, ифода ранг-баранглиги, мантқиқий мукамалликка эришишда, маълумотлар банкида сақланаётган факт ва далиллардан фойдаланиш, такрор ва чалғишлардан сақланиш, энг муҳими, матн яратиш мақсадига жадал суръатларда эришиш учун қулай шароит, қўшимча имконият яратиш беролмайди. Агар насрий ва назмий матнлар биз таклиф қилаётган МЯБТ модули асосида бажарилса, катта сўз захирасига эга бўлмаган ўқувчи ҳам рисоладагидек матн яратишга эришиши тажрибада синаб кўрилади. Намуна учун «Баҳор тасвири» сарлавҳали кичик (10-12 гапли) матн яратиш жараёнида МЯБТ-4 модули устида (Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабининг 7-«А» синфи) ўтказилган синов-тажрибадан олинган натижалар куйида сўзма — сўз келтирилган.

1-топшириқ. МЯБТ-4 модули асосида матн яратинг.

1-иш. Берилган сўзга уядошлар танланг. Баҳор

Баҳор, лолақизғалдоқ, либос, бахмал, нафислик, сув, кум, тоғ ва қирлар, ёшил, муҳаббат, қиз, йиғит, оқ, висол, ўрик гуллари.

2-иш. Сўз бирикмалари ҳосил қилинг.

Баҳор нафаси, баҳор нашидаси, баҳор ифори, лолақизғалдоқлар салтанати, (гэнгизи, океани), ёмғир сувининг оқими, лойқа сув, ҳаётбахш ёмғир суви, бахмал қирлар, сўлим тоғлар, ям-яшил боллар, баҳор мадҳияси, қушлар навоси,

муҳаббат нашидаси, сеҳри, илк муҳаббат, ўн етти баҳор арзандаси, Наврўз садолари, сумалак ҳиди, жингалак соч, майин табассум, хўл киприклар, қийғос гуллаган бодом, марварид доналар, чаман-чаман гуллаган ўриклар., ва. ҳ.к.

3-иш. Гап тузинг.

1. Табиат уйғонди, она еримиз майсаларнинг яшил гиламига бурканди..

2. Шамол аралаш деразамга урилаётган ёмғир томчилари ўзи билан баҳор нафасини олиб келгандек. 3. Илиқ, ҳаётбахш ёмғир сувига чўмилган дарахтлар, ўт-ўланлар офтобга ялтираб, кўзни қамаштиради. 4. Ям-яшил сўлим боллар, бахмал қирлар баҳор мадҳиясини ўқиб тугата олмаётган қалдирғочлар галаси билан уйғунлашиб келгандек, сеҳрли мўжизаларга тўла афсонавий жаннатнинг ўзи ер юзига ташриф буюргандек.

5. Ўн етти баҳор арзандаси, бетакрор ёшликнинг эрка маликаси муҳаббат оташ солмоқчи ёш кўнгилларга. 6. Баҳор-бу гуллар базми, гуллар эса инсон бахтининг, муҳаббат тантанасининг нишонаси, севги ва садоқат рамзи. 7. Оллоқ ўрик гуллари орасидан гўзал Наврўз мўралайди, хуғди жамалаксоч кўнгли қасрининг меъмори, унинг ташрифидан нафақат болалар, ҳатто кексаларнинг ҳам дили ёришади, кўзлари равшан тортади. Қалбларида табиатга, ҳаётга, борлиққа, она ватанга ҳечсиз муҳаббат уйғонади. Лолақизғалдоқларнинг баркут денгизига эркаланиб, яйрагиси келади, ёшликни, бетакрор болаликни кумсайди. 9. Баҳор-..

Мустақил матн яратиш модули МЯБТнинг 4-инчи ижодий тафаккур ва нутқий маҳорат маҳсули бўлиши мустақил матн яратиш фаолияти учун мўлжалланди. Сабаби, матн яратиш модулининг 1-2-3-инчларида бажарилган ижодий топшириқлар мустақил изланишлар натижаси бизга яратилажак матннинг йўналиши, мазмуни, тили, қандай услубда бўлишига ҳақида муайян кўрсатма ва йўланма беради, матнни тезкор шакллантириш учун ёрдамчи манба вазифасини ўтайди. Улар ўқувчига мазмунан терап, кенг қамровли, мухтасар бадий матн яратиш, яхлит ва жадал фикр ифодалашга ёрдам беради.

Матн яратишнинг босқичли тизими МЯБТ-4 ни яратишдан асосий мақсад ҳам шу-ўқувчида мустақил матн яратиш кўникмаларини шакллантириш, унинг матн яратиш фаолиятини енгилаштириш, жадаллаштиришдир.

4-иш. Тузилган гаплардан фойдаланиб, бадий-рамзий матн яратинг. Матнга сарлавҳа танланг

#### Баҳор мадҳияси

Қишдан эсдалик бўлиб турган яхмалак музлари ҳам эриб, катта-кичик кўлмаклар ҳосил қилган. Ҳаётбахш, илиқ ёмғирдан сўнг чарақлаб кетган бағри кенг бобоқўёш, ёруғ дунёдаги барча тирик мавжудотларга қайтадан қувонч бахш этмоқчидек, сахий нурларини аямай сочади. Мажнунтоллар-у атиргулларнинг новдаларида бу ёруғ дунё саҳоватини кўришга, фоний дунёнинг лаҳзалик жозибасини туйишга орзуманг куртакларнинг ёқут маржонлари тизилган.

Чўлпон шоир эҳтиросларини жунбушга келтирган афсонавий кўкламойим ифориға, яхшилик ва яшиллик ташрифига, антиқа гулларнинг хусну тароватига, шитизор улар...

Қир-у адирлар бағрини ям-яшил, баркут майсаларга тўлдирувчи, жаннатмакон юртимиз одамларига яшаш ва яратиш ишқини тухфа этувчи

фаслар маликаси у... Унинг фарахбахш таширфидан, дилкушо мусиқаси, нурафшон табассумидан ранг олган- оташ муҳаббат яна, тақрор ром этмоқчи масъум дилларни...ва ҳ.к.

4.1-иш. Юқоридаги гаплар ва матндан фойдаланиб, назмий матн яратинг. Шеърга сарлавҳа танланг., ва ҳ.к.

2-топшириқ. МЯБТ-4 модули асосида назмий матн яратинг.

2.1-иш. Берилган сўзга қофиядошлар танланг. Ифоридин, иқроридин, изҳоридин, боридин, ашъоридин, рухсоридин, меъморидин, гулзоридин, алёридин, хуморидин, дилдоридин, ҳамкоридин, гуфторидин, хушторидин, рафторидин, дил торидин, ва ҳ.к.

2.2-иш. Қофиядошлардан СБ ЛСҚ лари асосида сўз бирикмалари (ёки радиф лар) ҳосил қилинг.

.. руҳ жон олур рухсоридин, ҳол забун рафторидин, куйлаган дил торидин, кўкламой гулёридин, гул баҳор хушторидин, қиз-жувон алёридин, гул фаслининг гулзоридин, фасли баҳорнинг боридин, баҳру-байт хуморидин, дил қасрининг меъморидин, гул фаслининг аёридин, бўз йигит иқроридин, асли баҳор ифоридин, хулқу хуш аъмолидин...ва ҳ.к.

2.3- иш. СБларидан эркин шеърқаторлар ҳосил қилинг:

1. Ой наво ойдин муғанний хулқу хуш аъмолидин.
2. Билсангиз, дунё мунаввар бўз йигит иқроридин..
3. Баҳри-байт истар кўнгил, фасли баҳорнинг боридин,
4. Қулфи дил очиди ногоҳ, кўкламой гулёридин,
5. Танлаб олгайсиз атиргул, гул баҳор гулзоридин,
6. Аржуманд гул, гул-чаман асли баҳор ифоридин,
7. Шод куларлар қиз-жувонлар, баҳру байт изҳоридин,
8. Билсангиз, ёмғир, шамол, сел-гул баҳор хушторидин,
9. Туйсангиз, асли баҳор дил қасрининг меъморидин,
10. Ҳол забун, беҳол забон, ой баҳор хуморидин ва ҳ.к.

2.4-иш. Шеърқаторлардан ижодий фойдаланиб, назмий матн яратинг.

**Билсангиз асли, Баҳор-дил қасрининг меъморидин...**

Баҳру байт истар кўнгил, фасли баҳор ифоридин,  
Аржуманд-гул, гул-чаман асли баҳор хуморидин,  
Ҳол забун, беҳол забон, руҳ жон олур рухсоридин  
Ой тамиз, осмон нурафшон Наврўзой алёридин  
Рўйи поку ўйи пок, эл дилкушо ашъоридин  
Огоҳ ўлгайсиз шуаро, Турсуной иқроридин,  
Йўқ баробар, Ой Баҳор-дил қасрининг меъморидин.

Мустақил иш. Яратилган назмий матнни гуруҳ олдидан ифодали ўқинг. Шеърнинг мазмуни, қайси шеър санъатига тааллуқли эканини, шеърга яширилган исмни кўрсатинг. Мувашшаҳни лисоний таҳлил қилинг.

Яратилган назмий матн устида ишлар учун топшириқлар тизими:  
1. Назмий матннинг вазни, туроғи, бўғинлар сони, қофия уйғунлиги, услубий ғализлик, мантиқий нуқсонларни аниқланг, агар улар мавжуд бўлса, албатта бартароф қилинг;

2. Яратилган назмий матнда ишлатилган сўзлар, сўз бирикмалари, шеърқатор лар сонини аниқланг, матндан маънодош, бадий бўёқдор, қофиядош сўзларни ажратинг, улар маъносини шарҳланг;

3. Назмий матндаги ўхшатма ва ўхшалмишларни муқобилларига алмаштириб кўринг;

4. Матнда қайси шеър санъатидан фойдаланилганлигини аниқланг;

5. Ҳар бир шеърқаторни гапга айлантириб кўринг;

6. Назмий матнни насрий матнга айлантириб кўринг;

7. Назмий матнни бадий таҳлил қилинг.

8. Бажарилган ижодий ишлар юзасидан хулоса қилинг., ва ҳ.к.

Ўқувчиларни шеърый матн таҳририга ўргатиш, шеър ёзишни ўрганиш билан ўзаро уйғунликда олиб борилиши жуда яхши самара бериши мумкин. Ўқувчиларга услубий-мантиқий нуқсонли ёки имло хатоли матнлар устида ишлар, мавжуд нуқсонларни мустақил бартароф этиш топшириқларининг мунтазам бериб борилиши, ўқувчи коммуникатив саводхонлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши маълум. Чунки, болалар томонидан матн таҳририга жалб этиш ҳам фойдадан ҳоли эмас. Чунки, болалар томонидан яратилган ҳар қандай «яхши шеър» ҳам албатта таҳрирталаб бўлиши, ҳатто баъзи тажрибали шоирларнинг шеърлари ҳам бундан истисно эмаслиги маълум. Майли, бизнинг ҳаваскор «танқидчи» ўқувчиларимиз ўзларини муҳаррир ўрнида хис қилсинлар, назмга, шеърятга танқидий назар билан қарашни ўргансинлар.

Назмий матнлар устида ишлар. «Энг яхши муҳаррир» танлови. Эвристик ёндашув.

Мустақил иш: Берилган назмий матнни ўқинг, мазмунини шарҳланг.

Жаҳон чехра, ранги-рўйи ўзингсан,  
Ақл дарё-унинг суви ўзингсан,  
Гулбаргдаги шабнамдайин тоза бўл,  
Бу боқчанинг ранги-рўйи ўзингсан.

Пахлавон Маҳмур.

1-иш. Берилган назмий матнни ифодали ўқинг. Мазмунини шарҳланг.

1. Шеърдаги услубий нуқсонни аниқланг. Шеърни ҳикояга айлантириб, дафтарга ёзинг.

2. Шеър матн устида ишланг, ундаги от, сифат, олмош туркумларига оид сўзларни ажратиб, уларга маънодош ва уядош сўзлар танланг.

3. Шеърдаги асосий мазмун ва ғоя, бўғин ва қофияни сақлаган ҳолда от, сифат, олмош ва феълларни бошқа муқобиллари-маънодошлари билан алмаштириб кўринг.

4. Сиз қайта ишлаган, таҳрир қилган вариантнинг муаллифниқидан яхшироқ эканини исботланг.

«Энг яхши муҳаррир» кўрик-танлови ғолибини аниқлаш усуллари:

а) ўқувчилар томонидан таҳрир ва таҳлил қилиниб, қайта ишланган тўртликни проектор экранига чиқариш ва гуруҳ муҳокамасига ташлаш;

б) танқидчи ўқувчиларнинг таклиф ва тавсияларини танлов ҳайъати томонидан кўриб чиқиш. в) танқидчи ўқувчилар фикрини тинглаш ва хулоса чиқариш;

г) «Энг яхши таҳрир қилинган тўртлик»- деб эътироф қилинган назмий матн муҳарририни рабатлантириш.

Қайта таҳрирда фаол иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритган ўқувчиларнинг ишларидан намуналар:



6. Телекоммуникация воситаларидан фойдаланиш, матн яратиш жараёнини масофадаги аудио-видео манбалар билан бойитиш имкониятлари кенгайтилади.

7. Компьютер дастури билан мулоқот асосан ўйин тарзида кечиши, ўқувчида ижодий фикрлаш, мустақил ва эркин фаолият юритиш кўникмаларини ҳосил қилади;

8. Ўқувчида тез билиб олишга, ихчам ва жадал фикрлашга ўз билим ва малакасини дарҳол намойиш этишга иштиёқ, ўз билимига ишонч ортади.

Она тили таълимида компьютердан фойдаланишнинг ижобий томонлари билан бир қаторда баъзи салбий жиҳатлари ҳам мавжудки, улардан кўз юмиш мумкин эмас. Мунтазам равишда компьютерда ишлаш:

1. Ўқувчида оғзаки нутқнинг ДТС талаблари асосида, меъёрий ривожланиб боришига салбий таъсир кўрсатади.

2. Миллий (шарқона) муомала-мулоқот, нутқий маданият кўникмаларининг ривожланиши, шаклланишига монеълик қилади.

1. Компьютер дастурчилари мактаб она тили таълимининг ўзига хос хусусиятларини ўқув топшириқларида тўлиқ акс эттира олмайдилар;

5. Матн яратишда ўқувчининг ўзи йўл қўйиши мумкин бўлган грамматик хатолардан ташқари техник хатолар ва уларнинг салбий натижалари юзага келади (файлнинг, ҳарфларнинг ўчиб кетиши, бошқа белгига айланиб қолиши);

6. Компьютердан фойдаланиш усулининг чекланганлиги (асосан, ўрганилган билимларни назорат қилиш, тест ечиш ва анкета саволларига жавоблардан фойдаланилмоқда) ва ҳ.к.

7. Компьютерда меъёридан ортиқ, узоқ ишлаш ўқувчида руҳий номутоаносиблик, (атрофдагиларга бепарволик, кўзнинг хиралашуви, чарчоқ, кўпчиликни хушламаслик, ўта камгаплик, ўртоқларидан узоқлашиш) хусусиятларини кучайтиради.

### Матн яратишда интерфаол методлардан фойдаланиш

Фарб давлатлар таълим тизимида педагогик технология марказлари кўндан кўн буён илмий-амалий фаолият кўрсатиб келмоқда. Улар таълим тизимида ахборот технологияси ва бошқа дидактик воситалардан самарали фойдаланишнинг илғор усул ва воситаларини ишлаб чиқмоқдалар. Таълимда «портлаш эффекти» берадиган, ўқувчини мустақил ва ижодий фаолиятга йўналтириладиган замонавий «дарс-мунозара», «дарс-суд», «дарс-нуқтан назар», «дарс-мулоқот», «дарс-ахборот», «ақлий ҳужум», «дебат-дарс», «танқидий фикрлаш», «тренинг», «аукцион», «лингвистик кашфиёт» дарслари каби илғор педагогик методларни тўплаш ва оммалаштиришга, мазкур педагогик технологияларни ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими орқали беvosита дарс жараёнига олиб кирилишига, ўқувчи ва ўқитувчи фаолиятини интерфаол методлар (тезкор, тесқари алоқа) асосида бошқаришга астойдил ҳаракат қилинмоқда.

Республикамизда мустақил фикрлаш даражасини ўстиришга мўлжалланган таълим модели, кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ишлаб чиқилгач, шахс (ўқувчи)нинг мустақил фикрлаш, фикрни ифодалаш ва ҳимоялаш ҳуқуқлари тан олинди, ўқувчи танқидий фикрлаш кўникмасини эгаллашга, нутқий маҳоратни шакллантириш, ривожлантириш ва такомиллаштиришга йўналтирилди.

Умумий ўрта таълим учун Давлат таълим стандартлари ҳамда Европа давлатларидан кириб келган хусусий дастурлар («SOROS») семинар-

тренинглари: «парламент дебатлари», психологик тестлар: «Шаҳар қишлоқдан афзал», «Қизлар йиғитлардан мукаммадроқ», «Ойна», «Аниқ саволлар ва қисқа жавоблар».. ва ҳ.к., мустақил республикамизда ишбилармон ва тараққиёт сари кадрлар тайёрлаш ишининг кенг кўламда ривожланиши ва тараққиёт сари юз тутишига олиб келди. Минглаб ўрта махсус ва касб-хунар таълими ўқувчилари интерфаол методларга асосланган семинар, тренинглари йиштирокчиларига айландилар.

Юқорида эслатиб ўтилган интерфаол методларга асосланган семинар-тренинглари ДТС талабларида кўрсатилган коммуникатив саводхонлик даражасига эга бўлган мустақил, ижодий ва танқидий фикрловчи «ижодий тафаккур соҳиби»ни тарбиялаб етиштиришнинг модернизациялашган усулига мисол бўла олади.

Юқорида тавсифланган семинар-тренинглари энг кўп тарқалган тури «парламент дебатлари» инсондаги туғма қобилият ва қизиқишларга таяниб иш кўради: *Биз гошим ҳақиқатнинг рўёбга чиқиши учун курашамиз, гошимни ахтарамиз.*

Дебат тарихи: Дебат тушунчаси қадимги юнон (Греция)да пайдо бўлган. У аргументларга асосланган баҳс, маъносидан ишлатилади.

Парламент дебатлари (ПД) да учта принципга асосланади:

1. Нутқий вазиятга қараб, тез, тўғри ва ишонарли сўзлаш;

2. Ўзгаларни ўз нуқтаи назарининг тўғрилигига ишонтириш;

3. Илмий-мулоқот меъёрларига амал қилиш, ўзида нутқий маданият куртакларини шакллантириш;

ПДларнинг ривожлантирувчи хусусиятлари: 1. Аргументлаштирилган танқидий фикрлаш ва уни қисқа ифодалашни; 2. Нотиқлик санъатини; 3. Илмий танқидий малакаларни; 4. Ташкилий малакаларни; 5. Англаб тинглаш ва ёзма қайд қилиш малакасини шакллантириш бўлса, ПДнинг ижтимоийлиги -нафақат муаммони икки томонлама кўриб чиқиш, балки уни ечиш йўллари топиш, энг қисқа, энг фойдали вариантни танлаш ва тавсия қилишдир.

Шундай йўналишлар ва кўрсатмалар орқали шахс (ўқувчи) ни замонавий мулоқот матнларини яратишга йўналтириш, интерфаол мулоқот (масофадан ўқитиш, ўқиш, ИНТЕРНЕТ орқали минтақалараро мулоқатга киришиш, электрон почта хизматидан фойдаланиш, sms лар ёзиш) га ўргатиш, унда компьютер билан мулоқот чоғида фавқулодда матн яратиш малакаларини ҳосил қилишда муҳим аҳамият касб этади.

ПД семинар-тренингларида қатнашиш, ундаги таълимий ўйин талабларини бажариш, ўқувчидаги оғзаки нутқ малакаларини шакллантиришга (мавзу бўйича эгалланган билимларни изчил ва босқичли ифодалаш, ўз йўналишининг (кейс) аргумент ва далиллар ёрдамида тўғрилиги, долзарблиги, муҳимлигини исботлаш, аниқ ва ишонарли ечим ва хулосалар бериш) демак, мустақил матн яратишга тайёрланишга хизмат қилади. ПД ва шу каби бошқа дебатлар, семинар-тренинглари ўтказиш орқали ўқувчида ижобий ўқув мотивлари, мустақил фаолиятга эҳтиёж, ўзлигини намойиш қилишга истак уйғонади. ПД да ақлий мушоҳада (фикрлаш) қоидалари қуйидагича:

1. Барча гоё ва қарашларни ёзинг.

2. Гоёларни танқид қилмасдан олинг, чунки битта яхши гоё ишлаб чиқариш учун бир нечта ўртача гоёларни ўрганиб чиқиш керак.

3. Ҳамма ғоялар айтилгач, яхшисини танланг.

4. Ушбу ғоялардан аниқ ва ишонарли тузилган аргументларни ҳосил қилиш мумкин.

**Тренинг шартлари:** ПД га фақатгина ҳаммага маълум бўлган фактлар ва билимлар ишлатилади.

**Умумий маслаҳатлар:** Нутқда гумон олошлари, мавҳум тушунчаларнинг ишлатилиши ишончсизликни кўрсатади. Шунинг учун «аллақерда», «кимдир, бўлиши мумкин», «ким билсин», «иложи бўлса» сўзларини ўз нутқингизда қўлланманг.

- тўлиқ ишонч билан гапиринг.
- нутқ аниқ, ихчам мантиқан боғланган бўлиши керак.
- доимо одоб сақланг, мулойим, лекин ишонч билан сўзланг.
- асабийлашиш, жаҳлни босмаслик сизга зиён келтиради.
- ўз нутқингизда ўринли ҳазилларни ишлатинг.
- тез гапирманг, шошилманг.

- диққатли ва эътиборли бўлинг. Оппонентларингизнинг ҳамма гапларини диққат билан эшитинг ва ёзма қайд қилинг.

**Парламент дебатлари**—мақсадли нутқий фаолият, унда ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш, кўтарилган муаммонинг ечимини топиш ва хулоса чиқаришга қаратилган, оғзаки илмий нутқ тизими ҳосил қилинади. Шу ва шу каби ролли ўйинлар, семинар-тренинглари ўқувчи (шахс)ни мустақил фикрлаш, изланиш ва топиш, ўз фикрини тўғри хулосалашни ўрганиш, уни илмий-ижодий матнда ифодалаш учун зарурий тайёрлов босқичи вазифасини ўтайди. Ўқувчи тил ва тафаккур ўртасидаги боғланишларни чуқур ҳис этишни, ўз матнида мақол, ҳикматли сўз, фалсафага оид цитаталар, факт ва далиллардан унумли фойдаланишни ўрганади.

**Матн мазмунини шакллантиришда сўроқ гаплардан фойдаланиш.**

Матн таркиби, мазмуни, унинг қурилишини тўғри шакллантиришда, сўроқ гапларнинг аҳамияти катта.

Сўроқ гаплар кўпроқ матннинг кириш қисмида учрайди, асосий қисмининг бошланиши, матннинг боб ва параграфларини ўзаро боғлаш, мураккаб синтактик бутунликларнинг асосий қисмини ёритиш, муаммонинг ечимини топиш ва уни олдинги қисм билан боғлашга хизмат қилади.

Сўроқ гаплар матнда натижа-оқибат ёки сабаб-оқибат маъносида қўлланилади ва уларнинг изчил давом эттирилишига йўл очади, янги мавзуга ўтиш учун зарур бўлган нутқий вазиятни, образли қилиб айтганда, «кўприк»ни вужудга келтиради. Ўқитувчи томонидан муайян мавзу асосида изчил ва ўзаро алоқадорликда тузилган саволлар тизими эса, ўқувчи яратадиган матн учун ҳақиқий «қолип» вазифасини ўтайди, фикрни изчиллик ва узлуксизликда ифодалашга ёрдам беради:

1. Баҳор қандай фасл?
2. Баҳорнинг бошланиб келаётганлигини қандай билиш мумкин?
3. Баҳорнинг бошқа фасллардан фарқи нимада?
4. Наврўз ва аёллар байрами қайси ойда ўтказилади? ва ҳ.к.

Умуман олганда сўроқ гаплар ва уларнинг турфа кўринишлари матнда тугунни яратиш ва гапларни ўзаро боғлашга хизмат қиладиган синтактик воситадир.

Коммунакатив алоқа позициясидаги сўроқ ва ундов маъносидаги гаплар матнда ўзидан олдинги қисм билан ўзаро муносабатга киришади. Муайян маъновий алоқа натижа-оқибат, сабаб-оқибатни келтириб чиқаради, шу билан бирга кейинги мавзуга ҳам йўл очилади. Сўроқ гаплардан матн режасини тузишда ҳам самарали фойдаланиш мумкин. Бунда сўроқ гаплар мазмунан дарак, ёки атов гапларга айлантирилиб, матн йўналиши, воқеа-ҳодисалар қамрови, унинг мазмун доирасини кўрсатишга хизмат қилади:

**Режа:**

1. Баҳор.
2. Кўклам кароматлари.
3. Баҳорнинг бошқа фасллардан фарқи.
4. Наврўз айёми. ва ҳ.к.

**Матн яратишда кириш сўз ва кириш гаплардан фойдаланиш.**

Кириш сўз (gap) содда ва мураккаб шаклда бўлиб, сўзловчининг айтилаётган фикрга муносабатини билдиради. Матн яратиш жараёнида киришлардан асосан боғловчи (хатбоши) билан хат бошини, МСБ билан хат бошини, гап билан гапни, ёки хат боши билан гапни ўзаро боғлаш, равон ва изчил фикр ифодалаш) вазифасида фойдаланилади.

Кириш сўзлар қуйидаги семантик-стилистик хусусиятларга эга<sup>1</sup>:

1. **Ишонч ёки тасдиқ;** Шубҳасиз, дарҳақиқат, албатта, чиндан ҳам, тўғриси айтганда, аниқроқ қилиб айтсак, ўз-ўзидан., М. Чиндан ҳам мендан хафамисиз?

2. **Гумон:** Афтидан, эҳтимол, балки, шекилли, башарти, борди-ю; Масалан: Эҳтимол, сиз уни танирсиз?

3. **Орзу-умид, истак, мамнулик:** Қани энди, яхшики, хайрият, ишқилиб, кошқийди. ва ҳ.к. Масалан: Яхшики, сиз келиб қолдингиз!

4. **Тажжуб:** Вожаб, ажабо, наҳотки., Улар асосан сўзлашув, бадий-публицистик услубларда қўлланилади. Масалан: Наҳотки, шу сўзларни Нодира айтган бўлса?

5. **Таъкид:** Ахир, қайтага, холос. М: Анчагина маблағ, вақт сарфланган, ахир.

6. **Тахмин:** Фаразни ифодалашга хизмат қиладиган сўзлашув нутқида хос: чамаси, чамамда, ўйлашимча, фикримча, фаҳмлашимча, сезишимча. ва ҳ.к. М: Фикримча, сиз энди қайтмайсиз...

7. **Айтилаётган фикрнинг кимга қарашлилиги, унга бўлган муносабатни** ифодалайди: Менимча, назаримда, айтишларича, билишимча., Улар кўпроқ сўзлашув нутқида, бадий, публицистик услубдаги матнларда учрайди.

8. Шунингдек, бизнингча, бизнинг фикримизча, унингча, маълум бўлишича, ... нинг қайд қилишича. ва ҳ.к. Кириш сўзлар кўпроқ илмий матн қисмларини шакллантириш, гапларни ўзаро мазмунан ва мантиқий боғлаш учун хизмат қилади.

**Боб юзасидан тавсиялар:**

Умумий ўрта таълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ҳамда академик лицейларда ўтказилган тажриба-синовлар, улардан олинган натижа ва хулосала рига таянган ҳолда, матн яратиш жараёнида йўл қўйиладиган

<sup>1</sup> Сайфуллаев А.Р. Третьестепенные члены в строе узбекского простого предложения. (Автореферат). - Т. 1974.

камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш юзасидан ишлаб чиқилган амалий тавсиялардан намуналар берамиз.

1. Умумий ўрта таълим мактаблари, касб-ҳунар коллежларида ижтимоий-гуманитар йўналишдаги ўрта махсус таълим ўқувчиларининг нутқий маҳоратини шакллантириш учун сўзга ва сўзлашга эҳтиёж ҳосил қилувчи, мустақил фикрлаш ва фикр ифодалашга йўналтирувчи, ижодий ўқув топшириқлари мажмуасини ишлаб чиқиш;

2. Матн яратишга тайёрлаш жараёнида мустақил мушоҳада юритиш кўникмаларини шакллантирувчи ўқув топшириқларидан фойдаланиш.

3. «Тинглаш + фикрлаш + фикр ифодалаш» коммуникатив модули асосида «ўқувчи + ўқувчи», «ўқувчи + ўқитувчи» мулоқотини амалга ошириш, ўқувчилар жамоасида ўзаро услубий назорат кўникмасини ривожлантириш;

4. Фикрлаш суръатини жадаллаштириш учун ўқувчиларни компьютер техникаси билан таништириш, «Ким тезроқ?» рукни остида гуруҳлараро сўз ўйинлари, шарқона тестлар, топишмоқли мусобақалар ўтказиб туриш.

5. Ўқувчиларда ижодий тафаккур, мустақил матн яратиш малакаларини шакллантирадиган, узвийлик ва узлуксизлик принципларига асосланган лингвopsихологик ўқув топшириқлари ёрдамида ижодий- амалий ишлаш ташкил қилиш, гуруҳда илмий изланувчанлик муҳитининг ҳосил бўлишига шароит яратади, ижобий ўқув мотивларининг ҳосил бўлиши ва нутқий маҳоратнинг ўсишига ёрдам беради

6. Муаллиф томонидан тавсия қилинаётган «МЯБТ -4» матн яратиш модули асосида матн яратиш учун ўқувчилар 4 босқичда илмий-ижодий иш олиб борадилар. Ўқувчиларнинг матн яратиш БКМлари тадқиқот ишида белгиланган меъёрлар асосида ҳар бир босқич бўйича баҳоланиб борилади. Мазкур баҳолаш тизими ДТС талабларининг мустақил матн яратиш даражаси меъёрларига мослаб яратилди.<sup>1</sup>

Ўқувчиларни матн яратишга тайёрлашда фонетика, лексикология, морфология, грамматика, синтаксис юзасидан эгалланган билим кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш, сўз бойлигини ошириш ва бойитиш, сўз кенгайтирувчилар ва гап кенгайтирувчиларни фарқлаш, улардан содда ва қўшма гаплар ҳосил қилишда ўринли фойдаланиш лозим. Матн қисмларини боғловчи кириш сўз ва сўз бирикмалари, ўқувчини уларнинг матн таркибиде қўлланилиш усуллари билан яқиндан таништириш, уларнинг ёзма нутқда ишлатилиши ҳақида маълум тушунчаларга, БКМларга эга бўлиши, улардан ёзма нутқда мустақил фойдаланиш кўникмаларини эгаллашлари муҳим аҳамият касб этади.

5-6-синф ўқувчиларини мустақил матн яратишга ўргатишда лугат диктантлар, ижодий диктантлар, сайланма диктантлар ҳамда назорат диктантлари, баёнлар ва кичик иншо матнларидан ҳам самарали фойдаланиш мумкин.

Диктантлар учун берилган материаллар асосан бадий асарлардан олинган яхлит матнлардан иборат бўлиб, уларни танлашда болалар учун чиқарилган газета ва журналлар, қисман она тили ва ўзбек тили (тарих, биология, физика, математика) дарсликларидан фойдаланиш мумкин.

<sup>1</sup> Монографиянинг 3-бобида МЯБТ-4 модули асосида баҳолаш меъёрларининг тўлиқ таснифи келтирилди.

Монографияда намуна учун берилган матнлар ўқувчининг ўқув йили давомида ўрганилган мавзуларни такрорлаш ва мустаҳкамлаш, эгалланган БКМлар даражасини аниқлаш, коммуникатив саводхонлик даражасини белгилаш билан бир қаторда ўқувчи онгида ижодий тафаккурни ривожлантириш, миллий ғоя ва маънавий баркамолликни шакллантириш, ватанпарварлик, ўз она ери ва туғишганларига меҳр-мурувват ва садоқат каби ижобий хислатларни тарбиялашга қаратилган.

**Топшириқ:** Матнни диққат билан ўқиб чиқинг. Ўзингиз билган ҳикматли сўзлардан фойдаланиб, муқобил маърифий матн яратинг.

### Адабиёт - сўз санъати

Санъат турлари ниҳоятда кўп ва хилма-хилдир. Тасвирий санъат, ҳайкалтарошлиқ, меъморчилик, театр, кино, мусиқа, рақс ва бадий адабиёт унинг турларини ташкил қилади. Уларнинг барчасида юксак, бадий таъсирчан образлар яратиш кўзда тутилган. Аммо ана шу ягона мақсадга турли-туман йўллар билан эришилади. Масалан, рақс - ҳаракатлар, тана аъзоларининг ифода имкониятларига боғлиқ. Тасвирий санъат учун рангларнинг товушларнинг ҳиссий ифодасига боғлиқ. Тасвирий санъат учун рангларнинг ўзаро мутаносиблиги алоҳида аҳамият касб этади. Фикр ифодалашда расомга бўёқ ва мўйқалам ёрдам беради. Ҳайкалтарош эса хом материал (тош, ёғоч, металл)га ишлов бериш орқали гўзаллик яратади.

Адабиёт эса-сўз санъати, у бошқа санъатлардан сўз ва руҳнинг уйғунлиги-ю лисон илмининг беқийёс имкониятлари билан фарқланади.

Ўқувчиларни матн яратишга тайёрлашда диктант ва баёндан фойдаланиш. Иншо ва баёнда асосий эътибор ўқувчининг мустақил ва ижодий фикрлаш, тўғри ва раvon фикр ифодалаш, матн тилини бойитишда ибора, тасвирий ифода, мақол, ҳикматли сўзлардан эркин ва ўринли фойдаланиш маҳоратини шакллантириш, ёзма нутқни шаклан ва мазмунан ривожлантиришга қаратилган бўлса, диктант ёздиришдан асосий мақсад имло саводхонлигини, хусниҳат малакаларини мустаҳкамлаш, ўқувчининг имло қоидалари юзасидан эгалланган билим, кўникма ва малакаларни тўғри аниқлаш, матн кўринишининг тўғри шакллантириш, сўз ва гапларни тўғри ёзиш, тиниш белгиларини ўринли ишлатишга ўргатишдир.

Ўқувчилар учун тавсия этиладиган диктантлар ва баёнлар тўпламида албатта ўзбек тилининг янги имло қоидалари берилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бундан ташқари 7-8-9 синф ўқувчиларини синфдошлари ёзган матнни текшириш ва баҳолаш ишларига жалб этиш ҳам ниҳоятда фойдали. Бунда: текшириш ва баҳолаш ишларига жалб этиш ҳам ниҳоятда фойдали. Бунда: текшириш ва баҳолаш ишларига жалб этиш ҳам ниҳоятда фойдали. Бунда: текшириш ва баҳолаш ишларига жалб этиш ҳам ниҳоятда фойдали.

1. Ўқувчи имло саводхонлиги бўйича ўзи эгаллаган билим, кўникма ва малакалар даражасини ўртоқлари ёзган, яратган матнларни текшириш жараёнида ўзи мустақил аниқлаш, баҳолаш имкониятига эга бўлади.

2. Ўз ўртоқларининг ёзма ишини текшириш-ўқувчида сўзга, гапга фикр ифодасига масъуллиқ ҳиссини ортттиради, унда бадий китоблар ўқиш, изоҳли лугатлар билан қизиқишга табиий эҳтиёж ҳосил бўлади.

3. Ўзгалар хатосини тузатиш жараёнида ўқувчи мустақил суратда ўз коммуникатив саводхонлигини оширади, фикрни қисқа, аниқ, тўғри ифодалашни, ўзбек адабий тили меъёрларини ўрганади. Мукамал ва раvon гап тузишга интилиш унда тиниш белгиларини ўринли ишлатиш малакаларини мустаҳкамлайди. Масалан, 5-синфда «Маъно ва талаффузда ўхшаш сўзлар

имлоси» мавзусини ўрганишда ўқувчининг қуйидаги ривожлантирувчи ўқув топшириқлари устида ишлаши, имло саводхонлигини мустаҳкамлашдан ташқари сўз бойлигини оширишда, бадний бўёқдор гаплар тузишда яхши самара беради:

**Ижодий топшириқ.** Қуйида берилган ўхшаш сўзлар маъносини изоҳланг. Ҳар бир жуфтликдан 2 та СБ ва 2 та гап тузинг.

Арава-ароба, баобрў-бообрў, бекик-берк, масжид-мачит, маъни - маъно, набира-невара, обрў-обрўй, баравар-баробар, батартиб-ботартиб, бойўғли-бойқуш, бунақа-бундоғ-бундай, бутунлай-бутунлайин-буткул, гадо-гадой, газлама-газмол, дирам-дирҳам, юмалоқ-думалоқ, етказмоқ-еткизмоқ, каптар-кабутар, подшо-подшоҳ-шоҳ, рўбарў-рўпара, устоа-устоз, чу-чуҳ, шойи-шоҳи. Намуна:

(Оғзаки шарҳ) Арава-от, эшак, хўкиз ёрдамида ҳаракатта келтирила диган юк ташиш воситаси, ароба-эски туркий тилдаги муқобил сўз...

Сўз бирикмаси; эски қўқон арава., Жанг аслаҳалари ортилган ароба..

Сўз бирикмасидан жумла ҳосил қилиш:

1. Оғир юк ортилган катта қўқон аравалар лой йўлда чуқур излар қолдириб, аста борардилар..

**Ижодий топшириқ.** Берилган сўзлар иштирокида аввал сўз бирикмалари, сўнгра гаплар тузинг: ун, тоғ, дастурхон, мактаб, ота, узумзор, боғ.

1-иш. СБлари ҳосил қилиш; супрадаги ун, мактаб боғи, борбон ота, катта боғ, оппоқ дастурхон, баланд тоғ... ва ҳ.к.

2-иш. СБларидан гаплар ҳосил қилинг. 1. Супрадаги оқ ундан ширин бўғирсоқлар, мазали тортлар пиширилади. 2. Меҳмонларга оппоқ дастурхонлар ёзилиб, турфа таомлар, ноёб мевалар тортилади.

3-иш. Матн яратиш: Бизнинг оромгоҳимиз баланд тоғ ёнбағрида жойлашган., ва ҳ.к.

Она тили таълими мазмуни, она тилидан Давлат таълим стандартларига асосланиб яратилган МЯБТ-4 матн яратиш модулида ўқувчининг луғат захирасини кенгайтириш, мустақил ва ижодий фикрлаш (СБлари ҳосил қилиш, гап тузиш, матн яратиш) ўз фикрини ихчам, аниқ, тўғри, раво ифодалаш кўникмасини ривожлантириш, турли шакл ва услубдаги насрий ва назмий матнларни жадал ярата билиш кўникмасини шакллантиришга алоҳида эътибор берилди. Қуйида Гулистон академик лицейи талабаси Мавлонова У. нинг МЯБТ-4 модули асосида яратган матни намуна сифатида келтирилади:

**1-топшириқ.** Берилган отдан фойдаланиб, МЯБТ модули бўйича матн яратинг. **Муҳаббат.**

1-иш. Уядош сўзлар қаторини ҳосил қилинг. Севги, садоқат, ҳижрон, туйғу, гўзаллик, наволар, фалак, дил, шоир, аланга..

2-иш. СБлари ҳосил қилинг. Дил навоси, гўзал, нотаниш туйғу, соф ниятлар кўзгуси, садоқат ва вафо, ҳижрон алангасини, рашк тўлқинини ёриб ўтувчи муқаддас туйғу...ва ҳ.к.

3-иш. Гаплар ҳосил қилинг.

1. Муҳаббат, гўзал ва муқаддас туйғу. 2. Қиз бола севгиси-унинг соф инсоний орзулари кўзгуси. 3. Муҳаббат қасрининг олтин минораси садоқат ва вафодан қурилади. 4. Ҳижрон алангасини, рашк тўлқинини ёриб ўтувчи муҳаббатгина ҳақиқий ҳисобланади. 5. Қўзларининг лаҳзалик васли ошиқ

учун бутун бир муҳаббат афсонаси! 6. Сенинг майин сўзларинг мени сеҳрлаб қўйди, сокин дилимни ларзага солди.

4-иш. Берилган гаплар ёрдамида матн тузинг ва уни номланг.

### Муҳаббат қасидаси

Муҳаббат! Шоирлар наздидаги энг гўзал туйғу-сен! Сен инсон қалбида шундай нафис бир илиқликни уйғотасанки, бундай туйғунин сендан бошқаси беролмайди. Сен ҳақингда куйловчи танбур наволари эса дилларни ларзага келтиради. Сен сарҳадни, масофани, яхши - ёмонни билмайсан. Сен шоҳ-у гадога ҳам бирдексан. Сен поксан, қалбига ёмонлик юкмаган бир гўдак мисол беғуборсан. Мен сени шундай атадим ва ҳар тонг қуёш фалакка кўтарилганда, ҳар оқшом қуёш уфққа бош қўйганда сени ёдга олдим. Муҳаббат! Ким нима деса десин-у, лекин сен боқийсан, гўзал ва бетақрор туйғусан!

**2-топшириқ.** Берилган сифатдан фойдаланиб МЯБТ-4 модули бўйича матн тузинг. Гўзал.

1-иш. Берилган сўзга маънодошлар топинг. Чиройли, ораста, малоҳатли, хушсурат, зебо, жозибадор.

2-иш. Шу сўзлар ёрдамида сўз бирикмалари ҳосил қилинг. Чиройли қиз, гўзал диёр, маҳобатли пахлавон, зебо қиз, хушсурат йигит,

3-иш. Шу сўз бирикмалари ёрдамида гаплар тузинг.

1. Ўша, коллежда аъло ўқийдиган ораста қиз- менинг ҳамқишлоғим. 2. Кўриб турганингиз, гўзал диёр- менинг юртим, ёнимдаги хушсурат йигит, менинг оғам, қип-қизил олмалари-ю, анжир шафтоллари билан машхур Водил- менинг қишлоғим. 3. Юз йиллик арчалар билан қопланган баҳайбат тоғлар саф тортган маҳобатли пахлавонларга менгаъйди. 4. Она қишлоғим, сенинг сўлим гўшаларингни, сершовқин сойларингни, шилдираб оқиб турган жилғаларингни, кўча тўла болаларингни қумсайман...

4-иш. Тузган гапларингиз асосида матн яратинг. Матнга сарлавҳа танланг.

### Она юрт соғинчи

Туғилиб ўсган уйим, мушгипар онажоним, болалигим ўтган қишлоғимни, меҳридарё ҳамқишлоқларимни соғиндим.

Қишлоғимни эслаганимда юзидан нур ёғилиб турувчи, оппоқ рўмоли момолар, нуроний боболар, қошларига ўсма тортган дилбар келинчақлар, тоғни урса, талқон қиладиган, Алпомишдек хушсурат йигитлар кўз олдимда гавдаланади. У ерда ширинсўз, қалби қайноқ, бир-бирига меҳрибон инсонлар бир-бирининг бахтидан қувониб, ғамларига шерик бўлиб яшашади. Қишлоқнинг шўх, чаққон келинчақлари ҳали қуёш кўтарилмай туриб, ҳовли ва кўчаларни ораста қиладилар. Қишлоқ шуниси билан қадрдон, шуниси билан севимли...

-Она қишлоғим, сенинг сўлим гўшаларингни, шилдираб оқиб турган жилға ларингни, кўча тўла болаларингни қумсайман. Ажабо, қанчалар ширин-а, Ватан туйғуси...

Матн яратиш жараёнида электрон ўқув қўлланмалардан фойдаланиш «Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепсияси»да таъкидланганидек, 2006-2010 йиллар давомида республикамиз даги умумий ўрта таълим мактаблари компьютер ва

мультимедиа жиҳозлари билан тўлиқ таъминланади, электрон ўқув адабиётларидан таълим жараёнида кенг фойдаланиш босқичига ўтилади. Янги авлод дарсликларининг энг содда ва қулай вакили, ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигини мақсадли йўналтириш воситаси бўлган электрон ўқув қўлланма-ЭЎҚлардан матн яратиш жараёнида ҳам самарали фойдаланиш мумкин. Улар муайян фан йўналишлари бўйича яратилиб, ишчи дастур ва режа, машқ ва масалалар тўплами, коммуникатив жадвал ва схемалар тўплами, маълумотнома, энциклопедия, тренажёр-репетитор шаклларида бўлиши мумкин.

Электрон ўқув қўлланмаларнинг таълимий моҳияти, уларни яратиш ва таълим жараёнида фойдаланиш усуллари жуда кўп ва хилма-хил.

МЯБТ-4 модули асосида матн яратишда ЭЎҚ дан фойдаланишнинг турфа имкониятлари мавжуд. Биз томонимиздан тавсия қилинаётган «Ўзбек тилидан дидактик слайдлар тўплами» электрон ўқув қўлланмаси, нафақат ўтилган мавзунинг тақрорлаш ва мустақамлаш, балки, янги мавзунинг ўрганиш, суҳандон нутқини диққат билан тинглаш, овозни пасайтириб, суҳандон қироатига тақлид қилиб грамматик жадвални таснифлаш, мустақил равишда ( аввал оғзаки, сўнгра ёзма ) грамматик матн яратиш, мавзу юзасидан анкета савол-жавоблари ташкил қилиш, ўрганилган мавзу бўйича кичик грамматик матнлар тузиш, уларни имловий-услубий таҳрир қилишга ҳам хизмат қилади. ЭЎҚ хотирасига МЯБТ-4 модули асосида яратилган ва таҳрирталаб ўқувчи матнлари, дунё шаҳарлари, улардаги тарихий қасралар, табиат манзаралари, автомобилларнинг турли маркалари, байрам тантаналарининг аудио-видеотасвирлари туширилган сайтларни киритиш, изоҳли сўзлар луғати, ўзбек тилининг лексик захираси, уядош, маънодош шаклдош, зид маъноли, пароним ва кўп маъноли сўзлар, ўхшашмалар, тақлид ва модал сўзлар, ёрдамчи сўзлар луғатини жойлаштириш ва улар ёрдамида имло саводхонлиги, сўзнинг луғавий маъносини тўғри шарҳлаш бўйича назорат тестлари ўтказиш, сўз бирикмалари ҳосил қилишнинг маҳсулдор лисоний-синтактик қолиплари (Мас., «от + от», «сифат + от», «сон + от», «сифатдош + от», «равишдош + феъл») устида ишлаш, сўз бирикмалари ҳосил қилиш бўйича назорат тестлари ўтказиш, гўзал шаҳарлар, янги автомобил маркалари, байрам тантаналари ҳақида кичик матнлар яратиш, улар орқали ўқувчи эгаллаган БКМлар даражасини аниқлаш ва баҳолаш мумкин.

Умумий ўрта таълим мактаблари она тили таълимидида ўқувчи эгаллаган билим, кўникма ва малакаларни мустақамлашга йўналтирувчи турфа услубдаги электрон ўқув адабиётларининг кўпайиб бориши, уларни муайян ном билан аташ заруриятини келтириб чиқарди. Мазкур тадқиқот ишининг бевосита маҳсули бўлган, ўқувчиларда мустақил матн яратиш ва мустақил матн шакллантиришга мўлжалланган ЭЎҚларни «Нутқ ўстириш ва мустақил матн яратиш ЭЎҚлари» гуруҳига киритиш мақсадга мувофиқ. Чунки нутқ ҳам тушунчаси икки хил: назимий ва насрий шаклда воқеланса-да, иккиси ҳам мустақил ва ижодий тафаккур ҳосиласидир. «Матн яратиш ЭЎҚлари» ўз ташкилига кўра ўқувчиларда ёзма фикр ифодалаш кўникмаларини шакллантириш, моҳиятига кўра ўқувчиларда ёзма фикр ифодалаш кўникмаларини шакллантириш, жараёнини жадаллаштириш ва энгилаштиришга хизмат қилиши, ундаги топшириқлар ўқувчини мустақил фикрлаш, ижодий изланишга йўналтириши, бажариладиган таълимий-тарбиявий ишлар ДТС талаблари асосида тузилиши, лозим. Республикамизда, ривожланган ҳорижий давлатларда қабул қилинган электрон ўқув адабиётларига қўйиладиган умумий техник, психологик, педагогик, лингвотпсихологик ва замонавий дизайн талаблари биз томонимиздан тавсия қилинаётган «Матн яратиш ЭЎҚлари» га ҳам тўлиқ тааллуқли.

Уларни таълимга жорий этишда қуйидаги шартларга амал қилинади:

1. «Матн яратиш ЭЎҚлари» ўқитувчи раҳбарлигида таълимга татбиқ этилиши мақсадга мувофиқ, чунки электрон дастур таркибига ўқувчилардан олинган барча матний жавобларни киритишнинг имконияти чегараланган;
2. «Матн яратиш ЭЎҚлари» дастури барча учун тушунарли ва фойдали бўлиши, ўқувчиларда мустақил ёзма нутқни такомиллаштирувчи ижобий ўқув мотивларини уйғотишга хизмат қилиши лозим;
3. «Матн яратиш ЭЎҚлари» учун танланган электрон-тасвирий воситалар, матнлар, жадваллар, анимациялар оддий матн билан уйғунликда тақдим этилиши зарур;
4. Ўқувчининг нутқий кўникмаларни шакллантиришга, электрон жадваллар асосида илмий-грамматик матн яратишга йўналтирувчи ЭЎҚлар учун суҳандон нутқининг тиниқ ва равон бўлиши, ўқилаётган матн адабий тил меъёрларининг барча талабларига жавоб бериши, ёқимли ва жозибадор бўлиши ўқувчиларда индивидиуал(хусусий) нутқнинг тўғри шаклланишига муҳим аҳамият касб этади.
5. Мазкур ЭЎҚ ларда илмий-назарий таснифга кўп вақт сарфланмаслиги, веб саҳифалар, асосан, матн яратишга йўналтирувчи, ижодий ва муаммоли топшириқлар, манзарали расмлар, натюрморт, Янги йил эртаклари, ҳаракатли видеотасвир лар мажмуасидан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ;
6. ЭЎҚлар таркибига турли мазмун, шакл ва йўналишдаги савол ва топшириқлар, синон-назорат тест топшириқлари, ўқувчини жавоб матнлари тузиш ва уни гуруҳ муҳокамасига ташлашга йўналтирувчи муаммоли масалаларнинг мавжуд бўлиши; (у ўқувчини мустақил изланишга, «нутқий-грамматик кашфиётлар» қилишга чорлайди, ўқувчида ўз нутқий иқтидорини намоён қилиш истаги ва имконияти пайдо бўлади)
7. ЭЎҚлар таркибига махсус луғат бўлими: имло луғатлари, изоҳли луғат, уядош, шаклдош, маънодош, зид маъноли, қофиядош, олинма, тарихий, эскирган ва янги сўзлар луғатларидан намуналар берилиши зарур;

ЭЎҚларни компьютер сайтига жойлаштириш, ундан матн яратиш жараёнида унумли фойдаланиш, ўқитувчи ва ўқувчи, ўқувчи ва ўқувчи мулоқотини самарали ташкил қилиш ўқувчи диққатини берилган маълумотларни қабул қилиш, ўзлаш тириш, ва уни ёзма ифодалашга йўналтириш, ўқувчи онгида шундай кўникма ва малакаларни мустақамлаш чорасини кўриш она тили ўқитувчиларининг асосий мақсадларидан бири бўлиши лозим.

Ўргатувчи дастур 2 хил йўл билан ёндашувга асосланган бўлиб, унда ўқув Биз тавсия қилаётган ЭЎҚ назарий ёндашувга асосланган бўлиб, унда ўқув фаолияти мазмунини тўла эгаллаш учун ўқувчи онгида кўриш, эшитиш, англаш, эсда сақлаш ва амалиётга татбиқ этиш кўникмаларини фаолаштириш зарур бўлади. Матн яратиш ЭЎҚлари билим олишни лойиҳалаш, таълим жараёнини мақсадли бошқариш, эгалланган БКМлар даражасини назорат қилишга хизмат қилиш билан бир қаторда ўқувчи илмий-ижодий тафаккур, маданий мулоқот малакалари нинг ўсиши ва шаклланиши, билимларни мустақил эгаллаш, уни амалиётда қўллашга уриниш, ўз нутқий қобилиятини ривожлантириш, назорат қилиш ва баҳолаш имкониятини беради.

Агар бир мавзунинг тушунтириш учун ўқитувчи томонидан ўрта ҳисобда 10-12 дақиқа вақт сарфланиши, умумий вақт нисбати назарий маълумот бериш учун тахминан 25-30 фоиз, дарсни мустақамлаш, амалий машқлар, тақрорлаш, эгалланган БКМлар даражасини аниқлаш учун кетадиган вақт 80-85 фоизни

ташқил этиши<sup>1</sup>ни ҳисобга оладиган бўлсак, электрон ўқув қўлланмасидан фойдаланиш ўқитувчининг мавзу ва керакли мисолларни доскага ёзиш, янги мавзу таснифи учун ажратиладиган вақтни бутунлигича тежаш, ҳамда тежалган вақтни ўқувчи ижодий тафаккури, фикрлаш ва фикр ифодалаш маҳорати, мустақил матн яратиш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришга сарфлаш имкониятини беради.


Электрон ўқув адабиётларидан унумли фойдаланиш малакаларини эгаллаган ўқитувчи, дарс учун ажратилган 45 дақиқалик вақтдан тўла фойдаланиш, ўқувчини ижодий изланиш ва матн яратишга йўналтириш имкониятига эга бўлади. Ўқувчи эса ўқитувчи билан ўзаро ҳамкорликда ишлаш, замонавий педагогик технология ютуқларидан самарали фойдаланишни ўрганади.

Қуйида изланиш ва кашф қилишга етакловчи топшириқлар устида ишлаш, матн яратиш кўникмасини мустақил шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қилувчи умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синфлари учун яратилган «Она тилидан дидактик слайдлар тўплами» ўқув адабиёти қўлланилган дарс намунаси келтирилди.

### Мавзу: Сўзларнинг тузилиш жиҳатидан турлари

Янги мавзунини тушунтиришда «Сўзларнинг тузилиш жиҳатидан турлари» номли рангли дидактик слайд (9-жадвал) видеопроектор орқали катта экранга чиқарилади ва ҳаракатга келтирилади. Ўқувчиларга электрон слайд таснифини диққат билан 2-3 қайта тинглаш, сўнгра тасвирдаги жадвални мустақил тасниф қилиш таклиф қилинади.

### Сўзларнинг тузилиш жиҳатидан турлари



<sup>1</sup> И.Иминов, «Таълим» дастури, Ўқитувчи, 1994, 129-66

### Сухандон овози:

Ўзбек тилида сўзлар тузилиш жиҳатидан 4 турга бўлиб ўрганилади:

1. Содда сўзлар биргина ўзақдан ташқил топади: уй, меҳнат, оила, Ватан.
2. Қўшма сўзлар эса икки ва ундан ортиқ ўзақларнинг қўшилиувидан ҳосил бўлади: Ошқозон, тошқўмир, гултожихўроз, атиргул, қирққулоқ.
3. Жуфт ва такрорий сўзлар икки ўзақдан иборат бўлиб, улар чизикча билан ажратилади: ота-она, уй-жой, дўст-ёр, бола-чақа, кута-кута. Такрорий сўзларда бир ўзақ такрорланади: Чопа-чопа, кула-кула, бора-бора.
4. Ўзбек тилида қисқартма сўзларнинг икки хили учрайди.
  1. Бош ҳарфлардан тузилган қисқартма сўзлар: БМТ, АҚШ, ХТБ...
  2. Биринчи бўғини сақланиб, қолган қисми бош ҳарфлардан иборат бўлган қисқартмалар: БухДУ, ГулДУ, Ўз МУ. ва ҳ.к.

### Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар.

1. «Сўзларнинг тузилишига кўра турлари» слайдини сухандон нутқи намуна
  2. сизга қараб, оғзаки тасниф қилинг.
  3. Тасниф асосида грамматик матн яратинг.
  4. Қуйидаги саволларга жавоб беринг.
    - Сўзлар тузилишига кўра неча турли бўлади?
    - Содда сўзлар қўшма сўзлардан нимаси билан фарқланади?
    - Қўшма сўзлар доимо қўшиб ёзиладими?
    - Қўшма сўзларнинг жуфт сўзлар билан ўхшаш ва фарқли томонларини айтинг.
    - Жуфт сўзлар билан такрорий сўзларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини таснифланг
    - Қисқартма сўзларни кенгайтиринг: БМТ, АҚШ, ГулДУ, БухДУ
    - БМТ- Бирлашган миллатлар ташкилоти, АҚШ- Америка қўшма штатлари ...
    - Саволларга жавоб олингач, компьютерда мустақил иш бажарилади: 1-иш. «Ошқозон», «тошқўмир» сўзлари билан сўз бирикмалари ҳосил қилинг.
    - Ошқозон касаллиги, ошқозон оғриғи, ошқозон дориси, ошқозон мускули, ошқозон суюқлиги, ошқозонни даволаш, ошқозон-ичак касаллиги, ошқозон яраси, ошқозон фаолияти.... в. ҳ.
    - Тошқўмир ҳавзаси тошқўмир чўғи, тошқўмир кукунни, тошқўмир алангаси, иссиғи, нархи, фойдаси, ранги, оғирлиги, кули; қора тошқўмир, йирик тошқўмир, Урал тошқўмири, Оҳангарон тошқўмири, тошқўмир моддаси ... в. ҳ.
    - 2-иш Ҳосил қилинган сўз бирикмаларидан монитор экранда 5 та гап тузинг. Намуна:
      - 2.1. Ошқозон хасталигини даволаш узоқ давом этадиган жараён.
      - 2.2. Ошқозон оғриғи хуруж қилганда буюрилган дорини ичиб, ўраниб ётиш керак
      - 2.3. Сиз зиёфатга, тўйларга борганингизда ҳар хил таомни аралаштириб еманг.
      - 2.4. Ошқозон касаллиги билан оғриган беморлар ёғлиқ овқатларни камроқ истеъмол қилишлари лозим.
      - 3.1. Оҳангаронда очиқ тошқўмир ҳавзаси мавжуда.
      - 3.2. Тошқўмрдан уй-жойларни иситиш, иссиқлик энергияси ҳосил қилиш, овқат пишириш, кўпроқ кабоб тайёрлашда фойдаланилади.

3-иш. Ўзингиз тузган гаплар иштирокида матн яратинг. Унга сарлавҳа танланг.

### Ошқозон хасталиги

Ошқозон — овқат ҳазм қилиш фаолиятини тартибга солувчи муҳим аъзо. Ошқозон хасталигини даволаш узоқ давом этадиган жараён бўлиб, ошқозон оғриғи хурж қилганда дарҳол шифокорга мурожаат қилиш лозим.

Инсон ошқозонини заифлаштирадиган омиллар: овқатни ўз вақтида емаслик, кўп ейиш, таомларни аралаштириш, аччиқ ва тил қуюдиган даражада қайноқ тановвул қилиш, овқатдан сўнг совуқ сув ичиш, в. ҳ.

Ошқозон ичак касалиғи билан оғриган беморлар ёғлиқ, юқори калорияли овқатларни кўп истеъмол қилмасликлари, шифокор буюрган парҳезга риоя қилишлари керак бўлади.... в. ҳ.

Сиз юқорида бажариб ўтган топшириқлар МЯБТ-4 матн яратиш модулига қарашли. МЯБТ-4 тизими асосида мунтазам ишлаб бориш ўқувчини матн тушунчасининг илмий моҳияти, матн яратиш жараёнининг эгалланган БКМлар миқдорига боғлиқлиги, матн яратишнинг зарурий босқичлари билан таништиради. МЯБТ-4 модули — ундаги ҳар бир босқич ўқувчи онгида мавжуд бўлган муайян турдаги билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш, юксалтириш, уларнинг амалий татбиқи даражасини аниқлашга хизмат қилади.

МЯБТ-4 модулининг 1-босқичида ўқувчининг берилган мавзу (сарлавҳа) доирасидаги лугат хазинаси бойийди, мавзуга оид сўзлар танлаш, уларга муқобил олинма, тарихий, янги сўзлар, маънодош, қофиядош, уядош, шаклдош ва зид маъноли сўзлар топиш кўникмалари мустақамланади, шундай БКМларнинг шакланганлик даражаси аниқланади;

2-босқичда ўқувчининг танланган сўзлар билан сўз бирикмалари ҳосил қила билиш кўникмаси (муайян сўз билан сўз бирикмалари ҳосил қилиш, сўзнинг бошқа сўзлар билан синтактик алоқага киришиш қобилияти, сўз бирикмаси ҳосил қилувчи лисоний синтактик қолиплардан фойдалана билиш даражаси) аниқланади, ривожлантирилади ва амалиётга татбиқ этилади;

3-босқичда ўқувчининг мустақил фикр ифодалаш, услубан ва мазмунан тугал, тўғри, раво гаплар (шеърқаторлар), тузиш кўникмалари мустақамланади ва малакага айланиб боради...

Матн яратиш модулининг 4-босқичи ўқувчида мустақил матн яратиш кўникмаларининг шаклланиши ва ривожланиши, матн таркибининг шакллантириш, турли услубларда матнлар яратиш, ўз матнини мустақил таҳрир қилиш қобилиятининг тараққий этиши ва малакага айланишига хизмат қилади.

### Матн устида ишлаш:

Ўқувчининг ўзи мустақил яратган «Ошқозон хасталиги» матни унинг тил имкониятларидан фойдаланиш борасидаги билим, кўникма ва малакаларининг воқеланиши — ҳақиқий кашфиёти ҳисобланади. Ўзи яратган матн устида ишлаш эса ўқувчи учун ниҳоятда қизиқарли. Уларга қуйидаги анкета саволлари тарқатилиб, савол ва тест топшириқларига жавоблар олинди:

### Анкета саволлари

1. Сиз яратган матнни қайси фан соҳасига киритиш мумкин?
  - A. биология
  - B. математика

C. тиббиёт

D. адабиёт

E. тарих

2. Матнда қандай атамалар қўлланилган?

3. Матнда нечта сўз, нечта сўз бирикмаси, нечта гап, нечта ёрдамчи сўзлар

иштирок этган?

-сўзлар сони .....та

-сўз бирикмалари сони.....та

-гаплар сони .....та

-ёрдамчи сўзлар сони .....та

4. Сўз бирикмалари ҳосил қилиш фойдалими?

5. Ҳосил қилинган СБлари гап тузиш жараёнини енгиллаштирдими?

6. МЯБТ-4 модули асосида ишлаш мустақил матн яратиш жараёнини тезлаштирдими?

7. Мазкур модул ўзингиз эгаллаган билим, кўникма ва малакалар (коммуникатив саводхонлик) даражасини аниқлашга, уларни амалиётга татбиқ этишда ёрдам қилдими?

8. Сиз МЯБТ — 4 модули билан мустақил ишлай оласизми?

### Мустақил иш

1-топшириқ. Электрон жадвалда берилган сўзлардан фойдаланиб, МЯБТ-4 модули асосида матн яратинг.

Оила, Ватан, меҳнат, уй, ширин — шакар, БМТ

2-топшириқ. Электрон жадвалдан фойдаланиб, тест топшириқлари тузинг.

1. Қайси қаторда содда сўзлар берилган?

A. БМТ, БухДУ, қирққулоқ

B. Ошқозон, атиргул, тошкўмир

C. Меҳнат, оила, дарахт, мактаб

2. Жуфт ва такрорий сўзлар қўшма сўзлардан қандай фарқ қилади?

A. Қўшма сўзлар қўшиб, ёки алоҳида ёзилади,

B. Қўшма сўзлар қўшиб ёзилади

C. Жуфт сўзларда тире қўйилади, такрорий сўзларда ўзак такрорланади.

3. «Қирққулоқ» сўзи қандай сўз туркумига қарашли?

A. От сўз туркуми

B. Сифат сўз туркуми

C. Сон сўз туркуми

D. Равиш сўз туркуми

4. Такрорий сўз ва жуфт сўзларнинг фарқини топинг

A. Жуфт сўз билан такрорий сўз бир хил

B. Жуфт сўздаги икки ўзак икки хил маънони англатади

C. Такрорий сўздаги ҳар икки қисм бир маънони такрорлайди

D. В С жавоб тўғри...ва ҳ.к.

5. Электрон слайддан фойдаланиб, мавзуга оид тест топшириқлари тузинг;

6. ЭЎҚдан фойдаланиб мавзу юзасидан берилган назорат тестларини ечинг;

7. ЭЎҚдан фойдаланиб, ёнма-ён турган икки грамматик тушунчани қисий

шарҳланг...ва ҳ.к.

Юқорида намуна сифатида берилган ЭЎҚ воситасида бажарилган мустақил ишлар, анкета, тест саволларига жавоблар битта она тили машғудоти

жараёнида, биргина электрон жадвал асосида бажарилди. Муаллиф томонидан тавсия қилинаётган электрон ўқув қўлланманинг ҳар бир жадвали устида ана шундай матн яратиш ва матн устида ишлаш машқларини (жами 12 хил) мустақил равишда бажариш, ўқитувчининг ёрдамисиз ҳам ўз коммуникатив саводхонлик даражасини аниқлаш, баҳолаш, лозим бўлса эгалланган БКМларни мустақамлаш ва такомиллаштириб бориш мумкин.

### Умумий хулосалар

Мустақил матн тузиш кўникмаларининг шакланганлик даражасини аниқлаш, матн яратиш ва матн устида ишлаш бўйича бирламчи (таълим муассасаларида мустақил матн яратиш кўникмаларини шакллантиришнинг мавжуд ҳолати, анкета саволларига жавоблар) педагогик илмий тадқиқот эксперименти натижаларини умумлаштириш, илмий адабиётларни таҳлил қилиш, мустақил матн яратиш масаласининг умумтаълим мактаблари она тили дастури талабларига жавоб бериш-бермаслиги, мазкур кўникманинг болалар томонидан эгалланганлик даражаси ва унинг амалий тадбиқи юзасидан ўрганилган маълумотларга асосланган ҳолда қуйидаги хулосага келинди:

1. Умумий ўрта таълим мактаблари 5-9-синф ўқувчиларининг она тили фанидан эгаллаган билим, кўникма ва малакалари, коммуникатив-услубий саводхонлиги мустақил, илмий-ижодий ва ихтисосий матн яратиш учун етарли эмас.

2. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида мавжуд бўлган иждоий матн яратиш, матн қурилишини тўғри, ихчам, шакллантириш, фикрни баддий бўёқдор сўзлар орқали ифодалаш кўникмалари ДТС талабларига тўлиқ жавоб бермайди.

3. Ўқувчиларда баддий бўёқдор гаплар қуриш учун зарур бўлган турғун иборалар, мақол ва ҳикматли сўзлар, тасвирий воситалар захираси ўта ночор.

4. Ўқувчиларнинг ёзма ишларида учрайдиган имловий нуқсонлар изчи бартараф этилгани ҳолда гап қурилишидаги гализликлар, мазмуний, мантқиқий-услубий нуқсонлар устида ишлаш она тили ўқитувчиларининг (натижада ўқувчиларнинг ҳам) эътиборидан четда қолмоқда.

5. Ўқувчилар онгида яратилаётган матн мазмунини, алоҳида ажратилган тушунчаларни таҳлил ва синтез қилиш, жумлалар тузиш учун зарур бўлган сўз ва сўз бирикмаларини ҳосил қилиш, уларни қиёслаш ва танлаш, услубан раван, шаклан ихчам ва мантқан тўғри фикр ифодалаш, кўникмалари етарли даражада ривожлантирилмаган.

Республикамиз ҳудудида фаолият юритаётган умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус таълим тизимида она тилидан мустақил матн яратиш бўйича давлат стандартлари талаблари республика миқёсида ўртача 50-55% атрофида бажарилмоқда.

- Умумий ўрта таълим мактаблари битирувчилари, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими ўқувчиларида мустақил фикрлаш, фикр маҳсулини нутқ шариғига мос равишда тўғри, раван ифодалаш, мустақил илмий-ижодий ва ихтисосий матн яратиш малакалари етарлича шакланмаган.

- Умумий ўрта таълим мактабларида она тили ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимида ҳозирги ўзбек адабий тили фанларининг айни пайтда жуда долзарб бўлиб турган ўқувчиларда матн яратиш кўникмаларини шакллантириш масаласи - ривожлантирувчи илғор педагогик технологиялар асосида қайта ишланишга муҳтож.

Ўқувчиларда мустақил ва иждоий фикрлаш, фикрни ёзма ифодалашни фаоллаштиришнинг энг ишончли воситаси муаммоли-ижодий (лингвопсихологик) ўқув топшириқлари эканлиги, улар фаоллик, мустақиллик, ташаббускорлик, изланувчанлик каби ўқувчи шахсининг муҳим сифатларини жамловчи ва бир йўла ҳаракатга келтирувчи психоллингвистик хусусиятларга эга бўлганлиги учун, ўқувчи онгида мустақил матн яратиш кўникмаларини шакллантиришни ана шу босқичли-йўналтирувчи топшириқлар асосида ташкил қилиш матн яратиш амалиётининг етакчи методларидан бири сифатида қаралди.

Ўқувчининг мустақил матн яратиш фаолиятига қуйидагича илмий педагогик таснифлар берилди:

Мустақил матн яратиш жараёни - белгиланган мақсад, эгалланган билим, кўникма ва малакалар, ўз нутқий имкониятлари доирасида ҳаракатланувчи тасаввур, идрок, онг ва тафаккурнинг уйғунлашувидир.

Мустақил матн - индивидиал билим, идрок ва тафаккур маҳсули, анализ ва синтез ҳосиласи, ўқувчининг нутқий кашфиётидир.

Матн-белгиланган мақсад ва нутқий имкониятлар асосида ҳаракатланаётган хотира, идрок ва тафаккур маҳсулидир.

Мустақил яратилган матн - нутқий малака, интеллектуал қобилият, маънавият ва тафаккур узвийлиги ҳосиласи, иждоий фикр маҳсулининг моддийлашувидир.

Мустақил матн яратиш фаолияти-ўқувчидаги коммуникатив саводхонлик, ёзма фикр ифодалаш қобилиятининг муайян нутқий-услубий меъёрлар асосида воқеланиши, инъикосидир. У ўқувчининг она тили фани юзасидан эгаллаган билим, кўникма ва малакалари, тил имкониятларидан фойдаланиш даражасини аниқлашнинг ишончли воситаси ҳисобланади.

Мустақил матн - ўқувчининг тил имкониятларидан фойдаланиш даражасини фикр ифодалашда сўзга масъулик, сўз бойлиги даражасини кўрсатиб турувчи мезондир.

Мустақил матн белгиланган мақсад, эгалланган билим, кўникма ва малакалар доирасида ҳаракатланувчи идрок ва тафаккур маҳсулидир.

Монография иши юзасидан олиб борилган изланишлар, тажриба-синов натижалари таҳлили асосида қуйидаги илмий хулосаларга келинди:

-Мустақил матн яратиш ва матн устида ишлашдан эгаллаган билим, кўникма мақсад ўқувчининг она тили таълими жараёнида индивидиал тафаккур ва малакаларининг амалий тадбиқини таъминлаш, индивидиал тафаккур ва малакаларининг ҳаракатга келтириш, ўқувчини мавзу йўналишида, изчил, механизмини ҳаракатга келтиришга, фикр маҳсулини ёзма равишда тўғри, мантқиқли, фаол мушоҳада юритишга, фикр маҳсулини ёзма равишда тўғри, раван ифодалашга тайёрлашдир. Шунингдек мазкур фаолият ўқувчиларни матн турларини фарқлаш, матндаги гапларни таҳлил ва синтез қилиш, имловий ва услубий нуқсонларни аниқлаш ва бартараф қилиш, матн қурилиши, мазмундан тўғри хулоса чиқариш машғулоти билан ўзаро уйғунликда олиб борилиши - ўқувчиларни мустақил ва иждоий матн яратишга тайёрлашнинг ишончли кафолатидир.

Шунингдек, мазкур лингвопсихологик топшириқлар асосида жадаллаштирилган фаолият орқали ўқувчиларда таълимий тафаккур ва матн яратиш жараёнларининг фаоллашуви таъминланади.

Мустақил иш. Берилган тил ва матн ҳақидаги шеърни ёдланг, ундаги сўзларни луғавий таҳлил қилинг. Унга сингдирилган фалсафа, мантқиқ, мазмун ва хулосани ёзма шарҳлашга уриниб кўринг.

## Тил ва матн

Гарчи, азим дарахт бўлса, тил,  
Матн унда яралган ҳосил,  
Ҳодиса деб қаралса, лисон  
Матн турур хулоса, инон,  
Тил сабаб деб олинса, албат  
Матн эрур нажот, оқибат.  
Тил - тасаввур, матн - таълимот,  
Тил бойлиқдир, матн - тақдимот,  
Тил онадир, матн - зурриёт  
Тил тилсимдир, матн - кашфиёт!

Т. З.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И. "Юксак малакали мутахассислар тараққиёт омилли", Тошкент, 1995.
2. Каримов И. "Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир". Тошкент, 1996.
3. Каримов И. "Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура", Тошкент, 1996 йил.
4. Каримов И. "Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори". Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 9-сессиясида сўзлаган нутқи, 1999 йил, 29 август.
5. Каримов И. "Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пироварда мақсадимиз". Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ИИ чақириқ 9-сессиясидаги маърузаси, Тошкент, 1999 йил.
6. Каримов И. А. «Ўзбекистон ХХИ асрга интилоқда», «Ўзбекистон» нашриёти, 1999.
7. Асқарова М. ва бошқ., "Ўзбек тили дарслиги", 8-9 синфлар учун, -Т., 1993 йил.
8. Асқарова М., Қосимова К. Она тили. 5-синф учун дарслик. -Т., 1996 йил.
9. Адизов Ф. "Ўзбек мактабларининг 5-синфларида ўқувчилар нутқини синонимлар билан бойитиш", Номзодлик диссертацияси, -Т., 1968 йил.
10. Аҳлиддинов Р. Узлуксиз таълимда педагогик бошқарув масалалари, "Узлуксиз таълим" № 3; 3-6 бетлар, -Т., 2002.
11. Абдуқодиров А. Касб-ҳунар коллежларида ўқув жараёнини жадаллаштириш йўллари. "Узлуксиз таълим", журн. № 2. 3-13 бетлар, -Т., 2002 йил.
12. Зиядова Т. ва бошқ., Она тили дарсларида уядош сўзлар устида ишлаш. Муосир Бухоро филологияси, (2- жуз), -Бухоро, 1994, 45-48-бетлар.
13. Зиядова Т. Матн тафаккур маҳсули. ЎТДА 4- йиғилиши тезислари, -Т., Елсано, 1995, 58-60-бетлар. 0,18
14. Зиядова Т. Қизиқарли топшириқлар, Тил ва адабиёт таълими ойнаси, -Т., 1995, 32-бет. 0,06
15. Зиядова Т. Сўзи бойнинг-ўзи бой. Она тили ўқитувчилари учун ўқув-методик қўлланма, -Тошкент, РТМ, 1994, 60 бет.
16. Зиядова Т. Дунёни сўз бошқаради. Она тили ўқитувчилари учун ўқув-методик қўлланма, -Гулистон, 1995, 31 бет. 1,7
17. Зиядова Т. Ўқувчиларнинг ижодий- нутқий фаолиятларини ривожлантириш омиллари. «Таълим жараёнида нутқ маданиятини шакллантириш масалалари», ЎТДА 5 -йиғилиши тезислари, -Т., 1999, 74-77-бетлар.
18. Зиядова Т. Мукамал нутқ . Касб-ҳунар таълими журнали, № 4-5, -Т., 2001, 8-9-бетлар, 0.12
19. Зиядова Т. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг коммуникатив саводхонлигини ривожлантириш омиллари. Таълим жараёнида ижодий тафаккурни ривожлантириш масалалари, ЎТДА 6- анжумани материаллари, -Фарғона, 2001, 35-36-бетлар.
20. Зиядова Т. Она тили дарсларида компьютердан фойдаланиш. Касб-ҳунар таълими журнали, -Т., 2001, № 4, 16-17 бетлар.
21. Зиядова Т. Сўз ҳақида ҳикматлар. «Гулистон» илмий, ижтимоий-сиёсий журн., № 5, 2001, 36- бет,
22. Зиядова Т. Ижодий тафаккурни ривожлантиришда ҳикматли сўзлардан фойдаланиш. Таълим жараёнида ижодий тафаккурни ривожлантириш масалалари, ЎТДА 6-анжумани тезислари, -Фарғона, 2001, 43-44- бетлар,
23. Зиядова Т. Академик лицей ўқувчиларини матн яратишга ўргатишнинг бошқичли тизими устида ишлаш. ЎзПФИТИ докторант, аспирант ва тадқиқотчиларининг анъанавий анжумани материаллари, -Т., 2001, 19-23-бетлар, 0,30
24. Зиядова Т. Ҳозирги ўзбек адабий тилини ўрганишда ижодий тафаккур соҳибини тарбиялашнинг педагогик омиллари. Педагогика ва психология соҳасидаги илмий ишлар танлови ғолибларининг мақолалар тўплами, -Тошкент, 2001, 66-70бетлар.
25. Зиядова Т. Она тили машғулотида компьютердан фойдаланиш технологияси. ГулДУ ахборотномаси, № 2, Гулистон, 2001, 11-12- бетлар.
26. Зиядова Т. Маърифий матнлар устида ишлаш орқали кўзи ожиз Болаларда мустақил, ижодий фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш. Алоҳида ёрдамга муҳтож болаларни маънавий ва эстетик ривожлантириш. Халқаро илмий- назарий конференция материаллари, -Т., 2002, 50,51-бетлар.
27. Зиядова Т. Узлуксиз таълимда ўқувчиларни матн яратишга ўргатишнинг бошқичли тизими (МЯБТ-4) устида ишлаш. Она тили ва адабиёт фанини ўқитиш самарадорлигини оширишнинг долзарб вазифалари мавзусидаги Республика илмий- услубий анжумани материаллари, Гулистон академик лицейи, -Г., 2002, 12-16- бетлар.
28. Зиядова Т. Матн яратиш жараёнида ўхшатмалар устида ишлаш. Узлуксиз таълим илмий-услубий журнали, -Т., 2002, 35-39-бетлар.
29. Зиядова Т. Ниёзметова Т. Ҳозирги ўзбек адабий тилини ўрганишда коммуникатив жадваллардан фойдаланиш технологияси. «Узлуксиз таълим» илмий-услубий журнали, -Т., 2002, 48-52-бетлар.
30. Зиядова Т. Матн яратиш орқали тарбиялаш. Миллий истиқлол ғоясини сингадириш масалалари, ЎТДанинг 7- йиғилиши тезислари, Тошкент, 2003.
31. Зиядова Т. Коммуникативная модел и новая технология создания текста. Формирование всесторонне развитой личности в системе непрерывного образования Республики Узбекистан на современном этапе, 2-часть, -Т., 2003, С. 113-117.
32. Зиядова Т. Матн устида ишлаш ва матн яратишда сўз бирикмасининг ўрни ва аҳамияти. Янги педагогик технологияларни таълим жараёнида

қўллаш - таълим-тарбия жараёни самарадорлигини ошириш омили, Халқаро конференция материаллари, - Гулистон, 2003, 4-8-бетлар

33. Зиядова Т. Матн яратиш жараёнида электрон-дидактик слайдлардан фойдаланиш технологияси. Гул ДУ ахборотномаси журнали, - Гулистон, 2004, 3-4 сон, 91-92-бетлар,

34. Зиядова Т. Матн яратишда маълумотлар омборидан фойдаланиш. ГулДУ ахборотномаси, № 3, - Гулистон, 2005, 43-46-бетлар,

35. Зиядова Т. Талабаларнинг маданий мулоқот кўникмаларини шакллантиришда интеллектуал ўйинларнинг ўрни. Республика илмий - амалий конференцияси материаллари, Миллий университет, Тошкент, 2005, 53-55-бетлар, 0,24

36. Зиядова Т. Тоштемиров К. Ойбек услубининг айрим қирралари. Ойбек таваллудининг 100 йиллигига бағишланган Халқаро илмий-назарий анжуман материаллари, - Янгиер, 2005, 35-37-бетлар,

37. Зиядова Т. Эргашева Г. Она тили дарсларида электрон ўқув-қўланма ларидан фойдаланиш технологияси. Ўзбек тили таълими жараёнида фанлараро боғланиш масалалари, УТДанинг 8-йиғини, - Хоразм, 2005, 71-72-бетлар, 0,12

38. Зиядова Т. Рафиев А. Педагогическая практика. Создание ЕУП. Материалы Республиканской научно-практической конференции. Проблемы обучения русскому языку и литературе в системе непрерывного образования на основе новых педагогических и информационных исследований. - Гулистон, ГулДУ, 2006, С., 95-99,

39. Зиядова Т. Талаба ёшларнинг нутқий маданиятини шакллантиришда нутқ бойлигининг ўрни. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. - Гулистон, ГулДУ, 2006, 59-60-бет.

40. Зиядова Т. Неъматов Х. Фуломов А. Ўқувчилар сўз бойлигини ошириш. Она тили ўқитувчилари учун ўқув-методик қўланма, - Т., 1996, 77-бет.

41. Зиядова Т. Ниёзметова Т. Морфологияни ўрганишда сўз устида ишлаш тажрибасидан. Она тили ўқитувчилари учун ўқув-методик қўланма, РТМ, - Т., 1996, 30 бет-Т.,

42. Зиядова Т. Она тилидан ўқув жадваллари мажмуаси учун методик тавсиялар. Она тили ўқитувчилари учун методик қўланма, РТМ, - Т., 1997, 61 бет.

43. Зиядова Т. Неъматов Х. Фуломов А. Сўз бойлигини ошириш. Она тили ўқитувчилари учун ўқув-методик қўланма, - Т., 1997, 102 бет.

44. Зиядова Т. Тилсим топишмоқлари-нутқий фаолиятни шакллантириш омили. УТДА муҳокамаси учун ўқув-методик қўланма, РТМ, - Тошкент, 1999, 75-бет.

45. Зиядова Т. Ниёзметова Т. Мактаб бошқаруви тизимида молия хўжалиги. Мактабни бошқариш бўйича методик тавсиялар, РТМ, - Т., 1999, 30 бет.

46. Зиядова Т. Шамсиева. Она тили ўқитиш методикасидан намунавий дастур. Олий таълим. Бакалаврият йўналиши учун методик дастур, - Т., 2000, 53 бет.

47. Зиядова Т. Шамсиева М. Она тили ўқитиш методикаси дастурига шарҳлар. Она тили ўқитувчилари учун ўқув-методик қўланма, РТМ, - Т., 2000, 70 бет.

48. Зиядова Т. Ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш. Она тили ўқитувчи лари учун методик қўланма, лотин ёзувида, - Т., РТМ, 2000, 63 бет.

49. Зиядова Т. «Она тили» проекцион кўргазмалар методик қўланмалар комплекти (1-қисм) Дидактик материаллар тўплами, Рангли слайдлар, 28 бет, - Самарқанд, «ЕЛ», 2000, 28 та. 35 м/б

50. Зиядова Т. Она тилидан проекцион кўргазмалар методик қўланмалар комплекти (1-2-қисм). Дидактик материаллар тўплами, Рангли слайдлар, академик лицейлар учун, - Самарқанд, «ЕЛ», 2001, 54 та. 55 м/б.

51. Зиядова Т. Шомаҳмудова Р. Махсус мактабда нутқий кўникмаларни ривожлантириш. Она тилидан методик қўланма, - Т., 2001, 66 бет.

52. Зиядова Т. Ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш. Она тили ўқитувчилари учун методик қўланма, лотин ёзувида, Т.: «Ўқитувчи», 2001, 80 бет.

53. Зиядова Т. Неъматов Х. Фуломов А. Сўз бойлигини ошириш. Она тили ўқитувчилари учун ўқув-методик қўланма, лотин ёзувида, - Т., 2001, 67 б.

54. Зиядова Т. Холматова У. Жуманазарова Х. «Ўқитувчи китоби» 5-синф дарслиги асосида она тили ўқитувчилари учун ўқув-методик қўланма, - Т., Халқ мероси нашриёти, 2002, 141 бет,

55. Зиядова Т. Ҳозирги ўзбек адабий тилини ўрганишда коммуникатив жадваллардан фойдаланиш. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун ўқув қўланма, - Т., Халқ мероси нашриёти, 2002, 85 бет.

56. Зиядова Т. Ҳозирги ўзбек адабий тилини ўрганишда коммуникатив жадваллардан фойдаланиш. (Тўлдирилган, қайта ишланган иккинчи нашри) Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун ўқув қўланма, - Т., Халқ мероси нашриёти, 2002, 85 бет,

57. Зиядова -Т., Неъматов Х., Фуломов А. Сўз бойлигини ошириш. (лотин ёзувида қайта ишланган нашри) Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун ўқув қўланма, - Т., 2002, 60 бет,

58. Зиядова Т. Неъматов Х. Фуломов А. Ҳозирги ўзбек адабий тилини ўрганишда ўқувчилар сўз бойлигини ошириш. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун ўқув қўланма, - Т.: «Халқ мероси», 2002, 69 бет.

59. Зиядова Т. Ўзбек тилидан дидактик материаллар тўплами. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун ўқув қўланма, - ГулДУ, 2003,

60. Зиядова Т. Шамсиева М. Ҳозирги ўзбек адабий тили услубияти. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун ўқув қўланма, - Т., Халқ мероси нашриёти, 2003, 42 бет,

61. Зиядова Т. Ўзбек тилидан репетитор китоби (кирилл ёзувида) Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун ўқув қўланма, ЎзПФТИ, - Т., 2004, 58 бет.

62. Зиядова Т. Ўзбек тилидан репетитор китоби. (тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашри, лотин ёзувида) Абитурientлар, филология, - факултети талабалари, она тили ўқитувчилари учун ўқув-методик қўланма, - Т., 2005, 60 бет, 3,6.

63. Зиядова -Т., Эргашева Г. Диктантлар тўплами. Бошланғич синфлар учун ўқув-методик қўланма, - Т.: Янги аср авлоди. 2005, 48 бет,

64. Зиядова Т. Иргашева Г. «Она тилидан дидактик слайдлар тўплами. 5-синфлар учун электрон ўқув қўланма, лотин ёзувида, - Тошкент, 2005, компакт диск. 446 м/б

65. Зиядова Т. «Ўзбек тилидан дидактик слайдлар тўплами» (қайта ишланган ва такомиллаштирилган иккинчи нашри). Миллий ва таълим рус тилида олиб бориладиган мумий ўрта таълим мактабларининг 5-синфлари учун электрон ўқув-методик қўланма, - Т., 2006, компакт диск. 549 м/б.

66. Зиядова -Т., Эргашев Р. Диктантлар ва баёнлар тўплами. Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-, 7-синфлари учун ўқув-методик қўланма. - Т.: «Янги аср авлоди», - 2006, 50 б.

67. Зиядова Т. Тўхлиев Б, Шамсиева М. Ўзбек тили ўқитиш методикаси, (кирилл ёзувида.) Олий ўқув юртлари талабалари, бакалаврият учун ўқув қўлланма, -Т.: «Янги аср авлоди», 2006, 176 бет.
68. Зиядова Т, Тўхлиев Б, Шамсиева М, Ўзбек тили ўқитиш методикаси, (қайта ишланган, лотин ёзувида) Олий ўқув юртлари талабалари, бакалаврият, она тили ўқитувчилари учун ўқув қўлланма, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Адабиётлар жамғармаси нашриёти, -Тошкент, 2006, 108 бет.
69. Маҳмудов Н, Нурмонов А, Аҳмедов А, Солихўжаева Т. «Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси», Фан, 1992.
70. Маҳмудов Н, Нурмонов А. «Ўзбек тилининг назарий грамматикаси» -Т., Ўқитувчи, 1995.
71. Маҳмудов Н., Нурмонов А., ва бошқ., Она тили, 5-7-синфлар, 9-синф, -Т., Маънавият, 2004.
72. Фуломов А. Ф. Асқарова М. А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. -Т.: Ўқитувчи», 1965.
73. Фуломов А. Ф. Ўзбек тилининг морфем лугати. "Ўқитувчи" - -Т., 1977.
74. Фуломов Ё. ва бошқ. Ўзбек тили ўқитиш методикаси. -Т., 1975.
75. Ҳозиев Е. Ўқувчиларни умумлаштириш усулларига ўргатиш ва уларнинг ақлий тараққиёти. -Т., "Ўқитувчи", 1983.
76. Фуломов А. Она тили ўқитиш жараёнида активлик принципини амалга оширишнинг назарий асослари. -Т., «ФАН», 1989.
77. Фуломов А. Қ. Она тили ўқитиш принциплари ва методлари. - -Т., 1992.
78. Фуломов А. Қ., Қобулова Б. Нутқ ўстириш машғулоти. -Т., «Ўқитувчи», 1995.
79. Фуломов А. Қ. Неъматов Ҳ, Ф. Мактабда тил сатҳларини ўзаро боғлаб ўрганиш. -Т., 1992.
80. Фуломов А. Қ. "Ўзбек тили ўқитиш методикасидан маъруза матллари" -Т. 2002.
81. Фуломов А., Қодиров М. Она тили ўқитиш методикаси -Т., Университет», 2001.
82. Фуломов А., Шукуров А. Она тилидан ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш. Т.: «Ўқитувчи», 1989.
83. Фуломов А., Неъматов Ҳ. Она тилидан таълим мазмунини янгилашнинг асосий йўналишлари. Т.: «Ўқитувчи», 1992.
84. Фуломов А. Неъматов Ҳ. Она тили таълими мазмуни. Т.: "Ўқитувчи", 1995.
85. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 1-2-том, "Рус тили" М., 1981.
86. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни, -Т., 1989.
87. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. -Т., 1997 й
88. Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" -Т., 1997 йил 6 октябр.
89. Ўзбек тилининг "Орфоэпик лугати" Т. "Ўқитувчи". 1997.
90. ЎТДА I йиғини тезислари тўплами. Самарқанд. 1991.
91. ЎТДА II йиғини тезислари "Таълим бўғинларида она тили ўқитиш мазмунини янгилаш асослари". Қарши. 1993.
92. ЎТДА III йиғини тезислари "Таълим бўғинларида она тили ўқитиш мазмунини янгилаш асослари". Жиззах. 1995.
93. ЎТДА IV йиғини тезислари "Таълим жараёнида матн устида ишлашнинг асосий омиллари". Тошкент. 1997.

94. ЎТДАV йиғини тезислари. "Таълим жараёнида нутқ маданиятини шакллантириш масалалари", Бухоро, 1999.
95. ЎТДА VI йиғини тезислари. Фарғона, 2001.
96. ЎТДА VII йиғини тезислари. Наманган, 2003.
97. ЎТДА VIII йиғини тезислари. Хоразм, 2005.
98. Ўқитувчи иш фаолиятини баҳолаш ва уни ривожлантириш мезони (методик тавсиянома). РТМ, -Т., 1993.

### Илова

Ўқувчиларни матн устида ишлашга йўналтирувчи топшириқлар тизими:

1. Берилган матндаги ихтисосий атамалар, ишлатилган сўз туркумлари сони ва миқдорини аниқлаш.
  2. Матн таркибидаги бадиий бўёқдор сўзлар, ибора, тасвирий восита, мақол, ҳикматли сўз ва топшимоқлар сонини белгилаш, луғавий маъноларини шарҳлаш.
  3. Услубий нуқсонли матнлар устида ишлаш.
  4. Нуқталар ўрнига керакли сўзларни қўйиб, матнни кўчириш.
  5. Матнга сарлавҳа танлаш.
  6. Тиниш белгиларини тўғри қўйиш.
  7. Феъллардан равишдош ва сифатдошлар ҳосил қилиш.
  8. Равишларни маънодошлари билан алмаштириш.
  9. Отлар (сифат, сон, оломш, тақлид) ни уядошлари (маънодошлари, зид маънолари, муқобиллари) билан алмаштириш.
  10. Феъллар (ҳаракат номи, равишдош, сифатдош)ни маънодошлари, уядошлари, зид маънолари ва ҳ.к.) билан алмаштириш.
  11. Ажратилган сўзлар билан сўз бирикмалари ҳосил қилиш.
  12. Матндаги сўз бирикмалари сони ва тузилишини аниқлаш.
  13. Матндаги ясама сўзларни топиш, улардан янги сўзлар ҳосил қилиш.
  14. Ажратилган ясама сўзлар иштирокида сўз бирикмалари ва гаплар тузиш.
  15. Ясама сўзлардаги ўзакни ажратиш, улардан янги ўзақдош сўзлар ҳосил қилиш. Масалан: оқ, оқла, оқин; бор, боринг, бормоқ, борлиқ каби; Ўзақдошлар иштирокида сўз бирикмалари ва гаплар ҳосил қилиш.
  16. Матндан сўз ясовчи қўшимчалари бор сўзларни топиб, шу қўшимча ёрдамида янги қўшимчадош сўзлар ҳосил қилиш.
  17. Матнда мавжуд бўлган содда гапларни қўшма гапларга, қўшма гапларни содда гапларга айлантириш.
  18. Матндаги хатбоши ва МСБлари сонини аниқлаш.
  19. МСБларни бир неча содда гапларга айлантириш.
  20. Матндаги содда ёйиқ гапларни улошиқ бўлакни гапларга айлантириш (ва аксинча).
  21. Матндаги кўчирма гапларни ўзлаштирма гапларга айлантириш (ва аксинча).
  22. Содда гапларни кириш сўзли (мурожаат, тасдиқ-инкор, таассуф, тақаллуф, ишонч-ишончсизлик, шубҳа-ғумон, мавҳумлик, зътиқоа, ҳурмат маъноларини англадиган) гапларга айлантириш
- Умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими коллежларида ўқувчиларни мустақил матн яратишга ўргатишда қуйида тавсия

қилинаётган МЯБТ-4 модули асосида махсус ўқувчини матн яратишга йўналтирувчи топшириқлар тизимидан фойдаланиш яхши самара беради:

1. Берилган сўзлар асосида матн яратиш.
  2. Ўрганилган мавзу асосида грамматик матн яратиш.
  3. Саёҳат таассуротлари асосида матн яратиш.
  4. Расм ёки портретга қараб матн яратиш.
  5. Берилган сўз бирикмалари асосида матн яратиш.
  6. Берилган матн асосида янги матн яратиш.
  7. Берилган матнни кенгайтириш.
  8. Берилган сарлавҳа асосида матн яратиш.
  9. Ўқув топшириқлари асосида матн яратиш.
  10. Бадиий-рамзий матнлар яратиш.
  11. Кузатиш ва таассуротлар асосида тасвирий матн яратиш.
  12. Ривоят матнлари яратиш.
  13. Мақол, матал ёки ҳикматли сўз асосида матн яратиш.
  14. Берилган турғун иборалар иштирокида матн яратиш.
  15. Қофиядош сўзлар иштирокида шеърлий матн яратиш.
  16. Ҳажвий расмлар асосида юмористик матн яратиш.
  17. «Муаммоли вазият»ни шарҳловчи, жавоб матни яратиш.
  18. Муаммоли вазиятнинг ечими бўйича матн яратиш.
  19. Коммуникатив жадваллар асосида илмий-грамматик матн яратиш.
  20. Коммуникатив жадваллар асосида ижодий матн яратиш.
  21. Коммуникатив жадваллар асосида тест топшириқлари матни тузиш.
  22. Ўрганилган мавзу юзасидан назорат тестлари тузиш.
  23. «Электрон слайдлар» ёрдамида ўрганилган мавзуда таснифий матн яратиш.
  24. Реклама матнлари яратиш ва ҳ.к.
- Бундан ташқари ўқувчини мустақил матн тузишга йўналтирадиган қуйидаги топшириқлар устида ишлаш фойдали:
- назорат тестлари, анкета саволлари, таклифнома, табрикнома, реклама матнлари, диалог, монолог, полилоглар, маъруза матнлари, иш режалари тузиш;
  - оилавий мавзуда кичик ҳикоя ёзиш;
  - танланган мавзуда газетага мақола ёки репортаж ёзиш;
  - машҳур шахслардан интервью олиш;
  - бадиий тасвир, иборалардан фойдаланиб матн яратиш;
  - синфдош ўқувчи мақоласига тақриз ёзиш;
  - муайян бир мавзуда (мас., ичимлик сув муаммоси, юбилей, ўқувчи интизоми, одоб-ахлоқ мавзулари) маъруза тайёрлаш;
  - мақол ва ҳикматли сўзлар маъносини шарҳлаш орқали матн яратиш;
  - пейзаж ва портретга (натюрморт, шаҳар, кутубхона, савдо растаси, ҳаво лайнери, транспорт воситалари, осмон жисмлари, таълим муассасалари, спорт мусобақалари тасвири ва ҳ.к.) қараб тасвирий матн тузиш.

МЯБТ-4 модули асосида матн яратиш топшириқлари тизими.  
(5-9-синфлар)

И. «Фонетика» мавзусини ўрганишда МЯБТ-4 модули асосида ишлаш:

- 1-топшириқ. Берилган сўз иштирокида матн яратиш. Сөз. Матн намунаси:
- 1-иш. Унлиларни ўзгартириб, янги оҳангдош (пароним) сўзлар ясанг: Сөз, -сўз, - сиз, -суз, -сез..

2-иш. Янги сўзлардан СБ лари ҳосил қилинг. Менинг созим, овозим, сўзим; Сизнинг мактабингиз, сўзингиз, сузингиз; «Оқимга қарши сузмоқ», брасс усулида сузмоқ, дарёдан сузиб ўтмоқ, сувда сузиш маҳорати, сузиш бўйича спорт мусобақалари, сузиш бўйича жаҳон чемпиони;

3-иш. СБларидан содда ва қўшма гаплар, шеърқаторлар тузинг. Гаплар тузиш: 1. Сизнинг брасс усулида сузиш маҳоратингизга ҳамма тан берди. 2. Келгуси йили Тошкент шаҳридаги ЖАР спорт мажмуасида сузиш бўйича жаҳон чемпионати ўтказиш режалаштирилади..

Шеърқаторлар тузиш:

- Тонг ҳақида қўшиқ қуйлар менинг созим,

- Булбулларнинг хонишига жўр овозим., ва ҳ.к.

4-иш. Тузилган гап ва шеърқаторлардан фойдаланиб, ижодий матн яратиш.

2-топшириқ. Берилган сўзга бир товуш қўшиб, камайтириб ёки ўзгартириб, янги сўзлар ҳосил қилинг. Уларнинг маъносини шарҳланг. Тош

1-иш Тош, тиш, туш, теш, тўш; Тош, тоши, тошир, тушим, тушум, тузум, тухум, Шарҳлаш намунаси: Айни пайтда тиш сўзи тош сўзидан о тузум, тухум, Шарҳлаш намунаси: Айни пайтда тиш сўзи тош сўзидан о тузум, тухум, Шарҳлаш намунаси: Айни пайтда тиш сўзи тош сўзидан о табиатда кўп учрайди, улкан ва жуда майда турлари мавжуд, қаттиқ, оғир табиий модда. Тиш-одаминг оғиз бўшлиғида, миакларда жойлашган, оқ рангли, катта-кичик шаклдаги, қаттиқ суяк массадан иборат. Овқат ва бошқа нарсаларни ейиш (узиш, чайнаш, майдалаш)га хизмат қилади. "Тухум" сўзи, тузум сўзидан з ундошини к ундошита алмаштириш асосида ясалган.. ва ҳ.к.

2-иш. Ясалган сўзлар иштирокида сўз бирикмалари (СБ) ҳосил қилинг. СБ ларига маънодошлар танланг. Уларни маъно даражасига кўра жойлаштиринг:

Ёқут тош, тилла тиш, қизиқарли туш, узукнинг тоши, отамдан совға,

менинг тушимнинг давоми, катта тушум...ва ҳ.к.

СБларининг кенгайтириш ва маъноларнинг даражаланиши: Ёқут тош- ёқут кўз, ёқут кўзли узук; тилла тиш- олтиндан ясалган тиш, оппоқ, табиий тоза тишлар, қизиқарли туш-ҳайратланарли туш, қаройиб туш; кўрқинчли туш- ваҳимали туш, даҳшатли туш; ...ва ҳ.к.

3-иш. Сўз бирикмалари иштирокида гаплар тузинг.

1. Бу ёқут тошли узук менга отамдан мерос қолган.

2. Синглим тилла тиш қўйдириш учун тиш докторига қатнай бошлади.

3. Тонгга яқин кўрган қизиқарли тушимни онамга сўзлаб бердим.

4. Мих ишлатилмасдан ёғочни тешиб ясалган мебел энг сифатли ҳисобланади.

5. Бу зиракнинг тоши асл гавҳардан.

4-иш. Тузилган гаплардан фойдаланиб, кичик матн яратиш.

Синглим Салима тиш қўйдириш учун шифокорга қатнай бошлади. Бир кун қарасам, у ниманидир авайлаб, қовозга ўраб сумкасига солди. Унинг нималиги билан қизиқдим. Билсам, синглим эски ёқут тошли узукни шифокорга олиб кетаётган экан.

-Ундан тилла тиш ясагимокчиман! — деди у норизо оҳангда.

Синглимга, бу узук бизга отамдан мерос бўлиб қолганлиги, отамизга ҳам отасидан мерос бўлиб ўтганлигини гапириб бердим. Ёқут тошли узук сақлаб қолинди. Бундан бутун оиламиз, айниқса, онам хурсанд бўлдилар.

Матн устида ишлаш ЭЎҚқа киритилган лингвopsиxологик тест топшириқлари (ЛП тест) тизими асосида давом эттирилиши мумкин.

(Лингвopsиxологик тестларни ечишда белгиланган «тўғри жавоб»нинг тўғрилигини исботлаш учун ҳар бир ўқувчи ўз нуқтаи назари, ҳаётий факт ва далиллардан фойдаланиши мумкинлиги эслатиб ўтилади). Ўқитувчи томонидан амалга ошириладиган мазкур ўқув фаолиятидан асосий мақсад биринчидан, матн яратишнинг асосий омили бўлган ўқувчи оғзаки нутқини ривожлантириш бўлса, иккинчидан унинг миллий-ахлоқий тарбияси, руҳияти, маънавий баркамоллик даражасини аниқлашдир: Қуйида матн устида ишладиган ўқувчининг маънавий-маърифий дунёқараши, нутқий малакалар даражасини аниқлаш учун тузилган электрон лингвopsиxологик тест саволларидан намуналар келтирилди:

**1-ЛП тест. Салима тўғри иш қилдими? Тўғри деб ҳисоблаган тестингизни белгиланг ва гапни давом эттириб, фикрингизни исботланг.**

А. Тўғри иш қилди, чунки...

Б. Пулга янги, замонавий узук олиш мумкин, чунки...

В. Ҳеч ким эски узукни тақмайди, чунки...

Г. Узукдан тиш ясагиш катга фожеа эмас, чунки...

Д. Узук-қадриятларимиз, маънавиятимиз тимсоли, уларни асраш керак, чунки...

**2-ЛП тест. Узук муаммосининг юзага келишида ким айбдор? Фикрингизни қандай изоҳлайсиз?**

А. Айбдор Салима, чунки...

Б. Айбдор онаси, чунки...

В. Айбдор отаси, чунки...

Г. Айбдор акаси, чунки...

Д. Айбдор тиш шифокори, чунки...

**3-ЛП тест. Она нима учун хурсанд бўлди?**

А. Узукнинг сақлаб қолинганидан, чунки...

Б. Ўзининг ақду фаросатидан, чунки...

В. Болаларига тўғри тарбия берилганидан, чунки...

Г. Олгин узук - моддий бойлик, шунинг учун...

Д. Аждодлар меросини эъозлаш-миллий маънавиятимиз меъёри, шунинг учун... ва ҳ.к.

Ўқувчи томонидан мустақил яратилган матн устида ишлаш жараёнида лингвopsиxологик топшириқлар тизимидан фойдаланиш ўқитувчи учун ҳам, ўқувчи учун ҳам ниҳоятда фойдали. ЛП тестлар ўқувчининг билимдонлик даражасини аниқлаш билан бирга унда оғзаки нутқ малакаларининг ҳам шаклланиб, ривожланиб боришига шароит яратади, натижада матн яратиш кўникмалари ҳам мустаҳкамланади, индивидуал услуб кўринади.

Лингвopsиxологик тест саволлари устида ишлаш-ўқувчига она тили фанидан ўзи эгаллаган билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлаш билан бир қаторда, мустақил шахс сифатида ўз "мен"и, ўзида мавжуд бўлган ижобий хислатлар ва салбий хусусиятларни англаб етиш, ёмонни яхшидан, ҳақни ноҳақдан ажрата билиш, ўзида маънавий баркамоллик хислатларини тарбиялаш ва шахс сифатида шаклланишга, мустақил фикрлаш ва фикр маҳсулини тўғри, ўринли, равои ифодалашга ёрдам беради.

3. МЯБТ-2, 3, 4. Берилган кўш ундошли сўзлар иштирокида мустақил матн яратинг, шиор, шоир, мурожаат

4. МЯБТ-2, 3, 4. Берилган кўш ундошли сўзлар иштирокида матн яратинг: гуллар, қўллар, ҳаққи, боққа.

5. МЯБТ-1. Берилган товушга бир товуш қўшиб янги сўзлар ҳосил қилинг. «О»

6. МЯБТ-1. Берилган ҳарф ёрдамида кўш ундошли сўзлар ҳосил қилинг. «М»

ИИ. «Сўз таркиби» бўлимини ўрганишда МЯБТ-4 модули билан ишлаш;  
1. МЯБТ-2, 3, 4. Берилган кўшимчадош сўзлар иштирокида матн яратинг; *Ишчи, сутчи, тароқчи, ўтинчи.*

2. МЯБТ-4. Берилган кўшимча ёрдамида кўшимчадош сўзлар ҳосил қилинг. Улар иштирокида матн яратинг. *-лар*

3. МЯБТ-4. Берилган сўз ёрдамида ўзақдош сўзлар ҳосил қилинг, уларни келишиқ кўшимчалари билан турланг: қишлоқ

4. МЯБТ-4. Берилган кўшимчалар ёрдамида *(-лик, -чилик, -ги)* мавҳум сўзлар ҳосил қилинг, матн яратинг: *деҳқончилик, узумчилик, ёзги ва ҳ.к.*

ИИИ. Лексикологияни ўрганишда МЯБТ-4 модули асосида матн яратиш.  
1. МЯБТ-4 Берилган сўзга уядошлар танланг. Улар иштирокида кичик матн яратинг. Табиб.

2. МЯБТ-4. Берилган сўзга уядошлар танланг, улар иштирокида кичик матн яратинг. Нон

3. МЯБТ-4. Берилган сўзга қарама-қарши(зид) маъноли сўзлар танланг, кичик матн яратинг: Тўғри - эгри, нотўғри, ёлгон, қалбаки...

4. Берилган шаклдош сўзнинг барча маъноларини шарҳлаб, таснифий матн яратинг: «От»

5. МЯБТ-4. Тарихий сўзларни рўйхат қилинг. Улар иштирокида кичик матн тузинг. Мингбоши, миршаб, қози, навқар, музей.

6. МЯБТ-4. Адабиётга таалуқли сўзларни топинг. Улардан фойдаланиб, кичик матн яратинг: Адиб, шеър, шоир, баҳсли...

7. МЯБТ-4. Хуқуққа оид илмий атамалар (уядош сўзларни) ни рўйхат қилинг. Мазкур сўзлар иштирокида кичик матн яратинг. жиноят,

8. МЯБТ-4. Савдо-сотиқ ва ишлаб чиқаришга оид уядош сўзларни тўплаг. Улар ёрдамида кичик матн тузинг: мол, савдо, тадбиркор...

9. МЯБТ- 2, 3, 4. Берилган уядош ҳарбий атамалар иштирокида кичик матн яратинг: мудофаа, ҳарбий, сулҳ, аскар...

10. МЯБТ-4. Нашр ишларига оид уядош сўзларни рўйхат қилинг. Улар воситасида кичик матн яратинг: нашриёт, муҳаррир, муаллиф...

11. МЯБТ-4. Таълим ва тарбияга оид уядош сўзларни ёзиб чиқинг. Улар ёрдамида кичик матн тузинг: таълим, савод, интизом, ўқувчи....

12. МЯБТ-4. Касб тушунчаларига оид уядош сўзларни танланг. Улар иштирокида кичик матн яратинг: Қассоб, этиқдўз, темирчи...

13. МЯБТ-4. Инсон ва бошариятга оид уядош сўзлар ёзинг, улардан фойдаланиб, кичик матн яратинг: Одам, шерик, насаб, миллат...

14. МЯБТ-4. Қон-қариндошликка оид уядош сўзларни рўйхат қилинг. Улар ёрдамида маърифий матн яратинг: ота-она, ака-ука, опа-сингил

15. МЯБТ-4. Байрам, тўй ва аза маросимларига оид уядош сўзлар топинг. Улар иштирокида бадний матн яратинг: Маросим, таваллууд, тўй, никоҳ, ...

16. МЯБТ-4. Инсон ва ҳайвон тана аъзоларига мансуб уядош сўзларни танланг. Тана аъзоларини ўрганадиган фан йўналишида ихтисосий матн яратинг.

17. МЯБТ-4. Турли касалликлар ва улар билан боғлиқ уядош тушунчаларни жамланг. Улар иштирокида тиббиётга оид ихтисосий матн яратинг. Касал, дўст, шифо,

18. МЯБТ-4 Янани жойлари ва турар жойларга алоқадор уядош сўз ва маъналарни тушланг ҳамда улар ёрдамида тарихий матн яратинг. Ватан, бини, аждод куца, маҳалла.

19. МЯБТ-4. Табиат ҳодисаларини номловчи уядош сўзлар (сўз бирикмалари) тошинг. Улар иштирокида кичик бадиий матн яратинг. Бўрон, бурут, саҳро, саксовул... ва ҳ.к.

20. МЯБТ-4. Замон ва вақт тушунчасини номловчи уядош сўзларни гуруҳланг. Тарихий матн яратинг. 1991 йил 31 август, мустақиллик, ўзбек эли, янги 2007 йил ва ҳ.к.

21. МЯБТ-4. Дуненинг географик томонлари ва ўрин-жойларни атовчи уядош сўзларни гуруҳланг. Улар иштирокида матн яратинг. Фарб, Шарқ, Осиё, Европа, давлат, тинчлик ва ҳ.к.

22. МЯБТ-4. Астрономияга оид уядош сўзларни жамланг ва кичик илмий матн яратинг. Юмуз, сайёра, коинот, фазо....

23. МЯБТ-4. Қуш ва ҳайвон номларни атовчи уядош сўзларни гуруҳланг. Улар иштирокида матн тузинг. Товус, ҳашарот, саман, булбул....

24. МЯБТ-4. Ўсимлик ва дарахт номларини атовчи уядош сўзларни рўйхат Улардан фойдаланиб матн яратинг. Зайтун, лимон, хина..... ва ҳ.к.

25. МЯБТ-4. Озиқ-озик ва ичимликларни номловчи уядош сўзларни рўйхат қилинг. Улар иштирокида матн яратинг. Таом, палов, кофе, Арктика... ва ҳ.к.

26. МЯБТ-4. Кийим-кечак ва зийнат буюмларини атовчи уядош сўзларни гуруҳланг. Улар иштирокида матн яратинг. Марварид, узук, зирак, либос... ва ҳ.к.

27. МЯБТ-4. Аниқ вазифалар бажариш учун инсон томонидан ясалган буюмлар номларини рўйхатга ёзинг. Матн яратинг. Қулаф, соат, сандиқ, шам, ҳовуз, ханжар, қайчи... ва ҳ.к.

28. МЯБТ-4. Тил ва нутқ тушунчалари билан боғлиқ уядош сўзлар тошинг. Шу сўзлар иштирокида матн яратинг. Товуш, ибора, гап, нутқ, суҳбат ва ҳ.к.

29. МЯБТ-4. Ҳужжатлар ва уларга боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи уядош сўзларни жамланг ва матн яратинг. Ариза, имзо, эълон, ҳужжат ... ва ҳ.к.

30. МЯБТ-4. Табиий қазилма бойликларни номловчи уядош сўзлар рўйхатини тузинг. МЯБТ-4 модули асосида матн яратинг. Олтин, нефт, газ ...

31. МЯБТ-4. Кириш сўзларни рўйхатга ёзинг ва диалогик матн яратинг. Табиий, шубҳасиз, албатта, дарвоқе, эҳтимол ...

ИВ. Синтаксис бўлимини ўрганишда МЯБТ-4 модули билан ишлаш учун топириқлар тизими;

1. МЯБТ-3,4. Берилган сўз бирикмалари иштирокида кичик матн яратинг. қизил олма, катта боғ, мевали дарахт... ва ҳ.к.

2. МЯБТ-3,4. «Бизнинг оила» мавзусида матн тузинг. Унда қуйидаги сўз бирикмалари иштирок этсин. Катта оила, дастурхон атрофида, суҳбат қурмоқ, бермоқ, кекса бувимлар ва ҳ.к.

3. МЯБТ-3,4. Берилган иборалар қатнашган кичик матн яратинг. бермоқ, кекса бувимлар ва ҳ.к.

4. МЯБТ-3,4. Берилган гапларни давом этдириг ва матн яратинг. Ўлкамизга бермоқ, кекса бувимлар ва ҳ.к.

Жанговар тайёргарлик, жанговар армия, катта қўшин, босиб олиш, тасодифий ҳужум, қўл жанги, қарши жанг, найзабозлик, кузатув миносаси. Юқорида намуна сифатида келтирилган, МЯБТ-4 матн яратиш модули устида ишлаш учун мўлжалланган ижодий топшириқлар-она тили таълимида замонавий технология, модуллаштирилган таълимни дарс амалиётига жорий этиш, ўқувчида матн яратиш кўникмаларини, матн яратиш маҳоратини намоиш қилишга имкон берувчи, сермаҳсул ижодий топшириқлар тизимидир

## МУНДАРИЖА

КИРИШ .....	3
-------------	---

### БИРИНЧИ ФАСЛ

Она тили таълимида матн яратиш кўникмаларини шакллантиришнинг илмий-методик асослари .....	5
Матн яратиш кўникмаларини шакллантиришда электрон ўқув адабиётларидан фойдаланиш .....	9
1.1. Матн яратиш ва матн устида ишлашнинг дидактик принциплари .....	11
1.2. Ижодий тафаккур соҳибини тарбиялашнинг асосий педагогик-психологик омиллари .....	15
1.3. Онгли вербал- когнитив таълим тизими, ўқувчини матн яратишга йўналтирувчи бош омил .....	20
1.4. Она тили таълимининг янгиланган мазмуни ва унда матн яратиш муаммоси талқини .....	22
5. Ўқувчида мустақил фикрлаш, тўрри, равои фикр ифодалаш ва матн яратиш кўникмаларини шакллантириш тизими .....	23
Замонавий таълимда ўқитувчи фаолияти .....	24
Ўқувчиларда матн яратиш кўникмаларини шакллантиришнинг ҳозирги аҳволи .....	26
Биринчи фасл юзасидан хулосалар .....	31
Умумий тавсиялар: .....	33

### ИККИНЧИ ФАСЛ

Матн устида ишлаш- матн яратиш кўникмаларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш омиллари .....	33
2.1. Матн нутқий кўникмалар ва ижодий тафаккур интеграцияси маҳсули .....	38
Она тили машғулотида матн устида ишлаш амалиёти .....	40
Ҳисор қўйлари .....	40
Қўчқор уриштириш .....	45
Пахта .....	46
Янги йил дастурхони .....	47
Фонетика бўлимини ўрганишда матн яратиш топшириқлари .....	47
Мактабга ёрдам .....	47
Морфологияни ўрганишда матн устида ишлаш .....	48
«Сағъат байрами» .....	48
Ривоят .....	49
Виждон .....	49
Сув-ҳаёт манбаи .....	50
Уйку одоблари .....	50
Пон ўрни .....	50
Олимжоннинг аҳди .....	51
Сўямас гул .....	51
Темур ва йўлбарс .....	51
Матн таҳрири .....	51

### УЧИНЧИ ФАСЛ

Она тили таълимида матн яратиш кўникмаларини шакллантириш технологияси .....	54
Матн - тафаккур маҳсули .....	54

3.1. Ўқувчиларни матн яратишга тайёрлаш жараёни ва унинг ўзига хос хусусиятлари .....	59
Ғижжак .....	63
Ғижжак 2 .....	63
Ғижжак 3 .....	65
Аннотация .....	74
Она тили таълимида мустақил матн яратиш .....	74
3.2. Матн яратишнинг босқичли тизими модули – ўқувчида коммуникатив саводхонликни таъминлаш ва матн яратиш фаолиятини жадаллаштириш воситаси .....	75
МЯБТ-4 модули ва унинг меъёрий кўрсаткичлари: .....	79
Миллий бон .....	93
3.3. Она тили машғулотида муншаот матнлари1 яратиш .....	93
Қанотли орзулар .....	97
Орзу .....	100
Матн яратишда мусобақа дарсларининг аҳамияти .....	103
Расм - тасвир асосида матн яратиш .....	104
«Заковат» - мусобақа дарси .....	107
Матн яратишда қўшма гаплардан фойдаланиш .....	110
3.4. Матн яратишда муаммоли таълим усулларидан фойдаланиш .....	112
Қозининг ҳукми .....	113
Замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш - ижодий тафаккур соҳибини тарбиялаш омиллари .....	115
Меҳмонхонада .....	121
Менинг хонам (Мактуб) .....	121
Баҳор мадҳияси .....	123
Билсангиз асли, Баҳор-дил қасрининг меъморидин .....	124
Матн яратиш кўникмаларини шакллантиришда компьютердан фойдаланиш .....	127
Матн яратишда интерфаол методлардан фойдаланиш .....	128
Матн мазмунини шакллантиришда сўроқ гаплардан фойдаланиш .....	130
Адабиёт - сўз санъати .....	133
Муҳаббат қасидаси .....	135
Она юрт соғинчи .....	135
Матн яратиш жараёнида электрон ўқув қўланмалардан фойдаланиш .....	139
Сухандон овози: .....	139
Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар .....	140
Ошқозон хасталиги .....	140
Матн устида ишлаш: .....	140
Анкета саволлари .....	141
Мустақил иш .....	142
Умумий хулосалар .....	144
Тил ва матн .....	144
Фойдаланилган адабиётлар .....	144
Илова .....	149

Зиёдова Турсуной Усмоновна

**МАТН ЯРАТИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

Мухаррир  
М. СОДИҚОВА.

Компютерда саҳифаловчи  
А.МАТОЧЕНКО

Босишга 18.04.2008 й.да рухсат этилди.  
Гарнитура Baltica. Бичими 60x84 1/16.  
Босма тобоғи 9,875. Адади 1000 нусха.  
Буюртма № 78 Баҳоси келишилган нарҳда.

Ўз Р ФА «Фан» нашриёти: 100170, Тошкент, И. Мўминов кўчаси , 9-уй.  
«Ёшлар матбуоти» босмаҳонасида босилди.  
700113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.



### МЕХНАТ ФАОЛИЯТИ

1968-1969 й. Сирдарё вилояти, Сирдарё туманидаги 54-мактабда куни узайтирилган гуруҳ раҳбари.

1969-1974 й. Сирдарё Давлат педагогика институти талабаси.

1974-1991 й. Сирдарё вилояти, Мирзаобод туманидаги 13-мактабда рус тили ва адабиёти ўқитувчиси.

1991-1996 й. Вилоят Педагогика жамияти бош мутахассиси, ГулДУ ўқитувчиси.

1996-1998 й. Вилоят «Соғлом авлод» жамғармаси бош мутахассиси.

1998-2000 й. Халқ таълими вазирлиги қошидаги Республика таълим маркази «Умумий ўрта таълим» бўлими бош мутахассиси.

2000-2003 й. ЎзПФТИ докторанги.

2001 йилдан ГулДУ Педагогика ва психология кафедраси доценти.

Нашр қилинган илмий ишлари;

Жами 79 та иш эълон қилинган, улардан 48 таси илмий мақола, 31 таси ўқув-услубий ва методик қўлланмалар, 1 та монография, 2 та рангли проекцион слайдлар тўплами (1-қисм ва 1-2-қисмлар), 1 та «Она тили» ва 1 та «Ўзбек тили» электрон ўқув қўлланмаси, уларга 2 та муаллифлик гувоҳномаси.

ISBN 978-9943-09-309-6



9 789943 093096